

И (венгер)
Б58

ДРАШ БЕРКЕШИ

ЎН УЧИНЧИ
АГЕНТ



И (Венгер)
Б58

АНДРАШ БЕРКЕШИ

ЎН УЧИНЧИ АГЕНТ

Роман

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2010

РИПК УРХТВ

388266

Русчадан
ТЎЛҚИН АЛИМОВ
таржимаси

Беркеши, Андраш.

Ўн учинчи агент: Роман /А. Беркеши; [Русчадан Т. Алимов тарж.].— Т.: «Sharq», 2010.— 320 б.

Атоқли венгр ёзувчиси А. Беркеши китобхонларга ўзининг «Хавфли гирдоб», «Мухрли билакузук» ва бошқа кўплаб романлари билан яхши таниш.

Адибнинг ўзбек китобхонларига ҳавола этилаётган «Ўн учинчи агент» романида бир қотилликнинг фош этилиши жараёнида давлат, халқ манфаатларига чанг солаётган катта жосуслар гуруҳининг қўлга олинishi тасвирланади.

ББК 84 (4Вен)

ISBN 978-9943-00-227-2

1969 йилнинг йигирма бешинчи июлида Оскар Шалго шаҳарлараро телефон станциясидан Будапештга, Венгрия контрразведкасида катта лавозимда ишлайдиган полковник Эрнэ Карага қўнғироқ қилди.

— Э, сенмисан, қари туллак? — гўшакдан таниш овоз эшитилди. — Қаердан телефон қилисан?

— Балатонэмёддан, — жавоб берди Шалго. — Баҳордан буён Эмёлда диккинафас бўлиб ўтирганимни худди билмагандай гапирасан-а?

— Қаердан билай? Йигирмапчи асрнинг буюк изкунари ўз собиқ дўстларини бундоқ йўқлаб тураё демаса.

— Ажаб! — хайрон бўлгандай қилиб деди Шалго. — Назаримда, сен билан кечагина гаплашгандайман. Демак, унутибман. Уэр. Ха, айтмоқчи, ҳалиги Меннелнинг иши ҳақидаги гаплардан хабаринг борми?

— Ҳалиги, буидан бир неча кун муқаддам Балатонда сувга чўкиб ўлганми? — аниқлаб сўради Кара.

— Худди ўша, — жавоб берди Шалго. — Фақат у чўкмаган, аввал ўлдиришиб, сувга ташлаб кетишган.

— Ўлдиришиб? — хайрон бўлди Кара.

— Ха. Аввал бўйинини қайириб синдиришган, кейин эса сувга ташлаб юборишган. Эрнэ, вақт топиб бир келиб кетолмайсанми?

— Буни бизнинг соҳамизга алоқадор деб ҳисоблайсанми?

— Мен хали ҳеч нима деб ҳисобламайман. Лекин бир келишингни жуда истардим-да, — деди Шалго. — Кутаман. Мабодо сираям вақт тополмайдиган бўлсанг Шандор Домбаини юборсанг ҳам майли.

— Қотиллик қачон юз берган? — сўради Кара стол устидаги тақвимни олдиға яқинроқ суриб.

— Йигирмаичи июлда. Соат саккиз билан тўққизлар орасида.

Кара тақвимға назар ташлади. Қотиллик яқинба кунни юз берибди. Лекин нега Шалго бугун қўнғироқ қилди?

— Ўртоқ бошлиқ, қачон етиб боришимни амр этасиз? — сўради Кара.

— Қанча тез бўлса, шунча яхши.

— Эртага пешинда ҳузурингизда бўламан, — ваъда берди Кара.

Сухбат тугаши билан полковник ўз ўринбосари Шандор Домбаини ҳузурига таклиф қилди.

— Эртага эрталаб мен Балатонэмедга жўнайман.

— Ийе, ахир сен билан эртага Тошда балиқ овлашга келишиб қўйгандик-ку!

— Эмедда ҳам катта ов бўладиганга ўхшайди, — эътироз билдирди Кара ва унга Шалго телефонда айтган гапларни сўзлаб берди.

— Оббо, қари туллак тушмагур-ей! Шахсий нафақада бўлсаям беҳаловат-а, — деди Домбаи чекиб туриб ва калласини кимирлатиб қўйди. — Жонингни ҳузурини кўзлаб қирғоқда балиқ тутиб ўтирмайсанми бундок!.. Эриб, сен билан биз ҳам қариганимизда шунақа тинибтинчимас бўлиб қолсак-а?

— Бу шубҳасиз, — жавоб берди Кара, — ўзинг-чи, унинг ўрнида нима қилган бўлардинг?

Домбаи чайпалиб қолди, узоқ ўйлаб тургандан кейин деди:

— Эхтимол, сенга қўнғироқ қилган бўлардим. Гап бунда эмас. Бу машмаша билан мапа бир печа кундирки, Веспрем жинойт қидирув бўлими бошлиғи майор Балипт шуғулланяпти. Шалго сенга қўнғироқ қилингани, демак, у бу иш ҳақида Балипт ва унинг йигитларидан ҳам кўпроқ нарсани билгани бўлади. Турган гап, у эски одати бўйича бу ҳақда уларга оғиз очишни лозим топмаган. Бу нарса ўз навбатида Балиптдан ташқари отахон нахсан ўзи ташаббус кўрсатиб иш олиб бораётганини билдиради. Унинг ўрнида мен бўлганимда кўпроқ Балиптнинг йигитларига ишонган бўлардим. Бор гапни уларга оқизмай-томизмай маълум қилардим, ўзим ўйиндан чиқиб тураверардим.

Полковник дераза олдида турар ва қуёш саҳийлик билан ўз нурини тўқаётган Қалъа тоққа назар ташларди.

— Шалго унақа одам эмас. У ҳеч қачон ўйиндан чиқмайди, — деди у. — Шу билан бирга ҳар қачонгидек бировга ишонмайди ҳам. Биламан, бу бемаъни нар-

са, лекин шундай. Агар шу давргача уни қайта тарбиялаб ўз йўриғимизга сололмаган эканмиз, бу ёнига ўз-ўзидан қуюлиб қолади, дея умид қилмасак ҳам бўлаверади. У фақатгина ўзига, шу билан сен билан менга ишонади, — кулимсираб Домбаига қараб қўйди. — Бу бизга кўрсатилган мурувват, шундай эмасми?

— Қизик, агар биз иккаламиз нафақага чиқиб кетсак унда нима қилади? — сўради Домбаи. — Бунда унинг маълумотлари ҳам тўйдан кейин ноғора қоққандек зарур бўлмай қолса керак. Ё сенингча нафақага чиққанимиздан кейин учаламиз хусусий изкувар бюросини ташкил қилиб олармиканмиз-а? «Кара ва К°!» дегандек. Жиноятни очинга юз эллик фоиз кафил бўлган ҳолда!..

Домбаи қалин сочларини баттар хурпайтириб олдию, ўрнидан туриб полковникнинг олдига келди. Унинг бўйи деярли Кара билан барабар, лекин у суяқдор ва пайли эди.

— Эриё, у билан бир гаплашиб кўрсангмикин, нима дейсан? Одамларга ишонмаслиги ўзига ҳам катта зарар келтириши мумкинлигини тушунтириб берсанг. Баъзи бир йигитлар тушунмай унга ҳали ҳам вилай қараб юришибди. Сен билан биз-ку, уни, мана, чорак асрдан буён биламиз. Энг қийин дақиқалардаям бирга бўлганмиз. Бизнинг дўстлигимиз давр синовидан ўтган. Лекин шунақа одамлар ҳам борки, унинг кимлигидан мутлақо беҳабар ёки, умуман жуда оз нарса билади. Баъзилар, ҳатто уни қалтис одамлар қаторига чиқариб қўйишган ёки авантюрачи деб билишади.

Кара Домбаига ўғирилди. Унинг ранги синиққан, хорини кўринарди.

— Буларнинг барини Оскар Шалгонинг ўзи ҳам жуда яхши тушунади, — деди у. — Биз у билан бу ҳақда минг марталаб баҳслашганмиз. Охирги марта унинг уйида шекилли, тувилган кунда. «Буни қара, — деганди у ўшанда менга. — Келиб-келиб, сен, Эриё, шундай деб ўтиргандан кейин додимни кимга айтай, ахир бошқадан кўра менинг кимлигимни яхши биласан, ўрним қаерда бўлиши кераклигини тушунасан-ку. Ишонсанг мен ватанга содиқлигимни ҳеч кимга исботлаб ўтирмоқчи эмасман. Шу ҳисобдан сенгаям. Ҳаммаиғизнинг билиб олганингиз битта: айшингни суриб ёт! Давлатнинг кексалар-

га бериб қўйган имтиёзларидан фойдалан! Қилишинг лозим бўлган ишни ўринлатдинг. Йўқ, Эрнё, хали мен ҳаммасини қилиб улгурмадим. Менинг ватаи олдида қарзим жуда кўп хали, гуноҳим катта. Мен эса қарзимдан тамом узилмоқчиман». — Кара чекди. — Биз-ку, Шалго ўз гуноҳларини аллақачон ювиб ташлаганини яхши биламиз-а, юз баробар ортиғи билан. Унинг ўзи буни тан олмаса, тушунмаса, қўлимиздан нима келади? — Кара столига қайтиб келди-ю, ўтирмади, турган қўйи стол устида тартибсиз сочилиб ётган қоғозларни бир чеккага тахлай бошлади.

— Мен эртага эрталаб Балатонга жўнайман, — деди у бир оз жимликдан кейин. — Лейтенант Фельмерини ҳам бирга ола кетаман. Сен эса, Веспремдан шу ишга алоқадор бўлган маълумотларни батафсил сўраб-суриштириб ол...

Эртаси эрталаб полковник Кара лейтенант Фельмерини ёнига олиб Балатонга жўнади.

Олчаранг «Фолксваген» типиб-типчимас кўнғиздай тош йўлда учиб кетди.

Лейтенант Фельмери, одатда, камгап бўлган полковник билан ёнма-ён илдаммай борарди.

Полковник Фельмерини ўзига йўлдош қилиб шунча йигитларнинг ичидан бекор ташлаб олгани йўқ.

«Бошлиғимиз ақлли-да. Аммо ҳозир унинг ўрнида мен бўлганимда, албатта тезликни оширган бўлардим, — дея ўйлади лейтенант қора кулранг йўлга диққатини қадаб кетаётган полковникка кўз қирини ташлаб қўяркан. — Вактдан фойдаланиб унга шухрат келтирган баъзи бир ишлари хусусида сўраб олсам чакки бўлмасди. Масалан, халиги... йўқ, йўқ. — Фельмерига худди фурсатдан фойдаланиб полковникни сўроққа тутаётгандай туюлиб кетди-ю, бу фикрини дарров миясидан қувиб чиқарди, — яхшиси, унинг илмий ишини ташлаб нима учун яна контрразведкага қайтганини сўраганим маъқулроқ, — ўйлади Фельмери. — Лекин Домбаининг айтишича, полковник худди шу ҳақда сўраганларни жини суймас экан. Умуман, бизнинг касбимизда бошликларга иложи бори-ча камроқ саволлар бериш маъқулроқ. Мен уни бу ерда ҳаммадан ҳам ҳурмат қиламан. У ён ходимларга калондимоғлик билан эмас, аксинча, оталарча меҳрибонлик

билан муносабатда бўлади. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан. Бир хил эски ходимларга ўхшаб ҳадсб хотираларга берилиб кетавермайди».

Пойтахтдан узокроқ жойларга чиққан пайтларда Кара иложи бори-ча ёшлар билан яқиндан таниниб олиш пайида бўларди. У зарурат туғилиб қолгандагина айрим санол ташлаб тушунмаганини англаб олиш учун сўзни бўлганини демаса, суҳбатдошининг гапини диққат билан тингларди.

Фельмеридан шу пайтгача ҳеч нимани сўрагани йўқ. Фақат йўлга чиқишлари билан Меннель ҳақидаги маълумотларни баён этишни сўради.

— Наздимда, кеча кечкурун бу ишни яхшилаб ўрганиб чиққан бўлсангиз керак?

— Ҳа-да! — тасдиқлади Фельмери.

Мотор бир текисда гириллар, йўл эрталабки қуён нуридан ялтиллаб қўзни камаштирарди.

— Виктор Меннель Мюнхенда ўттизинчи йилда тутилган, — лейтенант ахборот бера бошлади. — Агар адашмасам — ўнинчи апрелда. Хужжат бўйича, «Ганза» акционерлар компаниясининг Гамбург филиали раҳбари ҳисобланарди. Гамбургда Шиллер плац, уч манзили бўйича истикомат қиларди. Бўйдоқ. Ташки кўриниши: бўйи бир метр саксон икки сантиметр, юзлари думалок, сочи тўқ сарик, қўй кўз, соқол-мўйлов қўймаган.

— Айрича белгилари-чи? — аниқлаб олмоқчи бўлди Кара олдиндаги «Шкода»ни қувиб ўтаркан.

— Ҳеч қанақа айрича белгилари йўқ, — деди Фельмери ва давом этди: — Шу йил ўн бешинчи июнда «Ганза» акционерлар жамияти ўз директори Эгон Браунинг имзоси билан Венгрия савдо палатасига хат орқали мурожаат қилган ва хатда герман фирмаси венгер корхоналари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга ҳоҳиш билдирганлиги кўрсатилади. Агар таклифга хайрихоҳлик билдирилган тақдирда «Ганза» нарх-навони, шартини ўрганиш мақсадида ўз вакилини юбориши мумкинлиги уқтирилади. Хатда айтилишича, фирмани фармацевтика саноати, энгил металлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қизиқтираётгани ҳамда шунга тенг равишда лаборатория асбоб-ускуналари ва аниқ приборлар етказиб бериши мумкинлиги айтиларди. Компания ўз ха-

тида дунёдаги жуда кўп машхур фирмаларнинг асосий вакили эканлигини писанда қилиб қўйганди. Ўттизинчи июнда Савдо палатаси «Ганза» фирмасига: «Вакилигини қабул қилишга тайёрмиз» ва хоказо дея жавоб берган. Жавоб хатига Бош бошқарманинг бошлиғи Мартон имзо чеккан.

— Венгр савдо палатасининг хатини ўзингиз ўқидингизми? — сўради Кара ёш офицернинг атрофлича ахборотидан мамнун бўлиб.

— Веспрем вилоят бошқармасидаги ўртоқлар унинг мазмунини менга телефон орқали айтиб беришди, — деди Фельмери ва яна савол кутиб полковникка қаради. Лекин у индамади, кейин лейтенант ўз ахборотини давом эттирди.

— Июлнинг бошларида Фарбий Германия фирмаси билан Венгр савдо палатаси иш юзасидан яна икки марта хат орқали фикр алмашишган. «Ганза» ўн бешинчи июлда Будапештга фирманинг Виктор Меншель деган вакили етиб боришини маълум қилган. Ўзинчи июлда ўртоқ Мартон «Ганза»нинг вакили учун «Ройял» отелида хона ажратиш учун буюртма беришини маълум қилган. Тергов маълумотларидан аниқланишича, дархақиқат, Виктор Меншель ўн бешинчи июль эрталаб соат ўн бирда «Мерседес — 280» автомашинаси билан Хедешхал пунктида Венгрия чегарасини кесиб ўтган. Машинасининг ранги тўқ кулранг бўлган ва у соат ўн тўртда «Ройял» отелига етиб келган.

— Унчалик тез ҳам юрмади, — деди полковник орадаги масофани ўзи «Мерседес — 280» машинасидан бундан тезроқ вақтда босиб ўтишини чамалаб кўраркан.

— Венгрияга биринчи келиши-ку, ахир, — эътироз билдирди лейтенант. — Ҳар ҳолда Веспремдаги ўртоқлар шундай деб ўйланяпти. Атрофини томоша қилиб, шошилмай келган-да.

— Бўлиши мумкин, — унинг фикрларига қўшилди полковник. — Давом этинг. Булар оддий воқеалар.

— Буёғидаям унчалик гаплар йўқ, — деди Фельмери ёш дафтарчасини варақларкан, варақларди-ю, лекин унга унчалик қарамасди.

«Яхши ҳозирлик кўрибди», — деб ўйлади Кара. У мана бу операцияга айнан Фельмерни ёрдамчи қилиб олиб тўғри иш қилганидан суюниб қўйди.

— Ўн бешинчи июль кечқурун «Ройял» отелида меҳмон шарафига зиёфат бўлди. Унда доктор Ярай, Савдо палатасининг Фарбий Германия бўлими бўйича вакили Мартон ва Тибор Ланц, венгр фирмаси «Хемоль-имнекс»нинг савдо-сотик бўйича директори иштирок этган. Ўн олтинчида эрталаб соат тўққиздан палатада музокара бошланган. Меннель «Ганза» ўз молларини етказиб бериши мумкин бўлган корхоналар хақида батафсил сўраб-суриштирган. Мол етказиб бериш шартлари хақида гапирган. Томонлар тўланадиган ҳақлар борасида ўзаро келишиб битим тузишга тайёр эканликларини маълум қилишган. Молларнинг умумий ҳажми ва асосий турлари аниқ-равшан белгиланган ва беш йилга мўлжалланган қатъий шартнома тузиш лозимлиги кўзда тутилган. Немислар шартномани клиринг йўли билан шартномасиз, бериладиган молларнинг эвазига венгр мебелларини, озиқ-овқат молларининг баъзи турларини олишга, ҳатто ов мавсумида овчилар гуруҳларини уюштиришга тайёр эканликларини маълум қилишди. Мартон ва унинг ходимлари Меннелга венгр томони нималар сотиб олмоқчи эканликларини билдиришди. Шу кундан кейин меҳмон ташқи савдо вазирлигига қарашли бир нечта бирлашмалар ва фирмаларда бўлди. Номларини айтайми?

— Керакмас, — деди Кара. — Ҳозирча ҳожати йўқ.

— Ўн еттинчида Меннелнинг илтимосига кўра, Фармакология илмий-текширини институтини бориб кўриш уюштирилди. Бу ерда вазир ходиса рўй берди, — Фельмери ахборотни давом эттиришдан олдин бир зум ўйланиб қолди. — Мазкур иш учун бунинг у қадар аҳамияти бўлмаса ҳам ўзимча жуда вазир деб ҳисоблайман.

— Кўрармиз, — деди Кара. — Бир бош — бир бош. Икки бош — икки бош.

— Меҳмонларни ИТИ'нинг директори Матэ Табори қабул қилди. Шунини айтиб қўяйки, Табори шу кундан ташқилга чиққан, лекин ҳали бирон ёққа кетишга улгурмаган эди.

— Матэ Таборининг кимлиги сизга маълумми?

¹Илмий текшириш институти.

— Ҳа, унинг кимлигини маълумотномадан билиб олганман. Елкан спорт тури бўйича машхур спортчи бўлган, Венгрия ва чет элларда ўтказилган мусобақаларнинг бир неча бор ғолиби.

— Тўғри, жуда яхши одам. Фанистларга қарши курашда иштирок этган.

— Ўртоқ полковник, сиз уни танийсизми?

Кара, ха дегандай бошини ирғаб қўйди.

— Тез орада сиз ҳам танишиб оласиз, — деди у. — Мен эса, сизни кўпроқ унинг қизига эътибор беришингизни истардим. Ажойиб хилқат! Жуда гўзал. Фақат эҳтиёт бўлинг. Теинис бўйича чемпион, зарбаси чакки эмас, — астагина кулиб қўшиб қўйди Кара. Фельмери жилмайди.

— Қани, кўрармиз, кўрармиз ҳали, — деди у. — Биз ҳам жуда ландовур эмасмиз, қандай ҳимояланишга устаси фарағмиз.

— Майли, у ёғи бир гап бўлар, — деди Кара атрофдаги ўзига таниш манзараларга аланглаб қараркан. — Шундай қилиб, Табори таътилга чиқди.

— Музокара найтида Матэ Табори билан Тибор Ланц тадқиқот марказидаги лабораториялардан бирини қайта ускуналашмоқчи эканликлари ва бунинг учун бир ярим миллион доллар миқдорида янги асбоб-ускуна сотиб олмақчиликларини қистириб ўтишди. Меншель истиқболи бор мана бу савдо ишига қизиқиб қаради. Институт бир нечта, жумладан, инглиз, француз, швед фирмаларидан мол етказиб бериш шартлари хақида маълумот олганидан кейин Меншель ўз фирмаси ракобат қилувчи ҳар қандай фирмадан кам деганда ўн фоиз арзон, бунинг устига жудаям мақбул келадиган шартлар билан ўша ускуналарни етказиб бера олишига ишонтира бошлади. Қизғин шундаки, Меншель шу сўзларни айтиб панкасида институтга айнан зарур бўлган ҳар бир асбоб-ускунанинг нархлари кўрсатилган рўйхатни чиқаради. Дарҳақиқат, нархлар бўлажак музокараларда муҳокама қилиш учун институт томонидан тузилган махфий преискурантдан ўн фоиз паст эди. Мартон ва унинг ходимлари «Ганза»нинг таклифини қабул қилишса олди-соттига кетадиган пулдан юз минг доллар иқтисод қилишлари мумкинлигини тунғуниб етишди.

Ундан ташқари, Гамбург фирмаси эллик минг сўмлик асбоб-ускунани бошқа фирмалардан тўрт ой олдин етказиб беришга тайёрлигини маълум қилди, ваҳоланки, бу фирмалар билан институт хали ҳам музокара олиб бораётганди. Меннелга узил-кесил битим тузиш учун ваколат берилгани учун томонлар музокарани эртаси Балатонда Эмёдда ўтказишга келишиб олишди. Ташқи ишлар вазирлигининг Веспрем вилоят бошқармасидаги ўртоқларнинг маълум қилишича, Эмёд музокарани давом эттириш учун энг қулай жой деб Меннелнинг ўзи таклиф қилгани ва буни барибир ўзим ҳам бир печа қушимни Балатонда ўтказмоқчийдим, деб изоҳлабди. Боз устига, профессор Таборининг уни деб таътилни кечиктиришини астамабди.

— Бунинг нима қизиқ жойи бор экан? — сўради Кара ва олдинда кетаётган, нукул йўл қондасини бузиб бораётган «трабант»га узун-узун сигнал берди. Кара савол бераркан, Фельмери нима деб жавоб беришини чамалаб биларди.

— Меншель институтга айнан қайси асбоб-ускуна зарурлигидан қандай хабар топган, деган савол туғилляптими? Яъни институт томонидан музокара учун тайёрланган материаллар Меншельнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолган демоқчимисиз? — сўради Фельмери ва полковникка қаради. — Масалан, мен ўзим бу ҳақда кечадан бери бош қотираман.

— Агар буни Табори ёки унинг ходимларининг бироғасидан олмаган бўлса, бу ростдан ҳам қизиқ, — жавоб берди полковник. — Ҳар ҳолда биз худди мана шунини назардан қочирмаслигимиз ва шунга жавоб топишимиз керак. — Полковник шундай деди-ю, ўзича: «Ингитча жуда асосли фикрларкан. Бундан кейин уни маълумотларни баҳолаш гуруҳига ўтказилса чакки бўлмайди», деб ўйлади. Кейин деди:

— Менимча, Табори билан Меншель Балатонга ўн саккизинчи июлда кетишган бўлса керак.

— Тўпша-тўври, — тасдиқлади Фельмери. — Улар билан бирга Тибор Ланц ҳам бўлган. Лекин «Сув париси» отелида Меншель учун хона олиполмаган ва Тибори меҳмонни уйига таклиф қилган. Меншель бунга розилик билдирган. Ланц ҳам Тибориникида турган. Битимга

келишиш ва унинг матнини ишлаб чиқиш икки кунга чўзилган. Ун тўққизинчида Ланц шартномани ўз бошлиқларига кўрсатиб тасдиқлатиш учун Будапештга жўнаган. Шартномани тантанали равишда имзолаш маросими уч кундан кейинга, яъни йигирма иккинчи июлга белгиланган. Ун тўққизинчи июлда Меншель Гамбург билан боғланиб, битимга келишганликларини маълум қилган ва шартномага имзо чекиш учун улардан ваколат олган. Эртасига яқшанба куни эрталаб у «Сув париси»нинг хизмат кўрсатиш бюросидан ижарага қайиқ олиб, қўлни сайр қилишга чиқиб кетган. Тўққиздан қирк дақиқа ўтганда эса, қайиқнинг ёнидан ўтиб кетаётган катер уни қирғоқдан саккиз юз метрлар чамаси нарида кимсасиз, бўш ҳолда топган. Шу заҳоти бу ҳол сув милициясига хабар қилинган. Ва эрталаб соат ўнда, қайиқдан ўттиз метрлар нарида сувдан Меншелнинг жасади топилган. Яна вазалати ҳол... — Лейтенант тагин полковникка қаради.

— Қанақа?

— Меншелнинг оёғида туфли, эғнида қўйлак, шим, қискаси, у қайиқда сайр қилиш учун кийинмаган. Ҳамма хужжатлари, чек дафтарчаси ёнида экан. Ҳатто бир минг уч юз доллари ва тўрт юз эллик маркаси ҳам бор экан. Қўлида эса «Цертина» маркали тилла соат.

— Соати юриб турган эканми?

— Ҳа, у сув ўтказмайдиган соат. Бўйнида олтин занжир, бармоғида муҳри бор тилла узук.

Кара ўйланқираб пешанасини тириштирди.

— Мурдани дастлаб текшириб кўрган комиссия Меншель сув тикилиб ўлган деб топди, — давом этди Фельмери. — Сувга чўккан экан. Милициянинг биринчи расмий докладида ўлимга олиб келган сабаб шу деб кўрсатилади. Лекин орадан бир неча соат ўтиб, лабораторияда синчиклаб ўтказилган текширишда суд-тиббий экспертизаси Меншель бўғиб ўлдирилган, ҳатто бўйин умуртқа суяги бураб синдирилган, деган хулосага келган. Тиббий экспертизанинг хулосасига кўра, қотиллик эрталаб соат саккизу йигирма билан саккизу эллик ўртасида содир бўлган. Мана шу хулосадан кейин иш жиноий қидирув ишлар бўлимига оширилган. Бор ган шу, ўртоқ полковник.

— Раҳмат.

— Ўртоқ полковник, мумкинми, мен ҳам битта савол берсам?

— Марҳамат.

— Нима учун сиз бу қотилликни сиёсатга бориб тақалади деб ўйлайсиз?

— Нега мени фақат шундай фикрда деб ўйлайсиз?

— Ахир худди шунинг учун ҳам Эмёдга кетмаяпсизми аслида?

— Мен ўзимча, мана бу қотиллик сиёсий сабабларга кўра рўй берган бўлса керак деб ўйлайман. — Бир зум сукутдан кейин деди полковник. — Ўзимча.

Фельмери полковникка ўйланкираб қаради.

— Мен кечадан буён шу ҳақда бош қотираман. Қотилликнинг тагида жиндаккина бўлса ҳам сиёсатга бориб тақаладиган сабаб топишга интиламан. Лекин олинган материалларда бунга ишора қиладиган ҳеч нима кўринмайди.

— Материалларда ўзим ҳам ҳеч нарса кўрмаяман. — тап олди Кара. — Ҳар ҳолда бу қотиллик тушани мақсадида қилинмаган бўлса керак.

— Ўртоқ полковник, эҳтимол шубҳа тугдираётган бошқа бирон нарсадан хабардордирсиз?

— Сиз билгандан тарикчяам ортиқча нарса билмайман, йиғитча. У ҳақдаги батафсил маълумотни сизнинг оғзингиздан эшитиб билиб турибман. Шу вақтгача фақат қандайдир Меншель деган одамни ўлдириб кетишибди, деган гапни эшитгандим, холос.

— Шундай бўлса-да, сиз барибир буни сиёсий асосга кўра рўй берган деб ишонасизми?

— Ҳа, менинг навқирон дўстим. Қотиллик шубҳасиз сиёсий сабабларга кўра рўй берган. Бунга бошим билан жавоб бераман.

— Нима учун?

— Чунки Шалго шундай деянти. Агар Шалго бир нима дейдиган бўлса, унинг гапларига қулоқ солиш керак. Сиз ҳали у билан тўқнашмаганмисиз?

— Йўқ, лекин у ҳақда кўп эшитганман. Хотини ҳақида ҳам. Жумладан, подполковник Домбаи негадир қариянинг ўзига қараганда хотинини бамаънироқ деб ҳисоблайди.

— Йўғ-е, мен ундай демаган бўлардим, — эътироз билдирди Кара. — Нима бўлмасин, иккаласи жуда топишган, қобилияти зўр. Ҳа, айтмоқчи, огоҳлаштириб қўяй, борганимизда Шалго устингиздан кулиб майна қила бошласа тагин кўнглингизга олиб юрманг.

— Мени-я? Нимага?

— Одати шунақа. Лекин у ҳеч қачон асоссиз майна қилмайди. Умуман у бирон ишни ўйламасдан қилмайди. Фақат уни яхши билмайдиган одамларгина қария масҳарабозлик қиляпти, ўзини гўлликка соляпти, деб ўйлашади, лекин бу хато. Оскар Шалго рақибларининг кўзига бориб турган сафсатабоз бўлиб кўринган дақиқаларда, айниқса, хавфли бўлади. Унинг жипоятни очишда қалдайдир ўзига хос усуллари бор. У доим терговни шундай усулда олиб борадики, жипоятчи тушиб қолган вазиятда ўз-ўзини фош қилишдан бўлак иложи қолмайди. Шалго унинг орқага қайтадиган ҳамма йўлларини муқаррар равишда кесиб ташлайди. Маслаҳатим шуки, унинг гапларига диққат қилиб қулоқ солинг, ундан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Хотини Лизага ҳам. Улар ниҳоятда бир-бирига мос. Бир-бирининг кўнглидан кечаётган нарсани бир сўзданок тушуниб олишади.

«Ғалати одам экан, — ўйлади Фельмери бошлиғининг гапларини эшита туриб. — Ўз дўстлари ҳақида, худди куёв бола қайлиқ ҳақида гапирганидай тўлиқиб-тошиб гапирса».

Фельмерн энди Лиза ҳақида гапга тушиб кетган полковникнинг сўзларини мароқ билан тинглай бошлади. У урушга қадар оддий кишлоқ муаллимаси бўлган ва Польшанинг олис кишлоқларидан бирида яшаган экан. Фашистлар оккупациясининг дастлабки кунларида эри, капитан Ежи Задорскийнинг фашистларга қарши кураш олиб бораётган партизан отрядларидан бирига командирлик қилаётганидан беҳабар экан. Кейинроқ бориб Лизанинг ўзи ҳам партизанларга қўшилиб кетибди ва Краков подпольечилари билан партизанлар ўртасида алоқа ўрнатишни уюштирибди. Бир кунги сотқинлардан биттаси эрини гестапога сотади. Лекин ҳар қанча азоблашмасин капитан Задорский лом-мим деб оғиз очмайди. Тез орада Лизанинг ўзини ҳам ҳибсга олишади. Унинг кўз олдига эрнини ва бутун оила аъзоларини ваҳшиёна қийнашиб

ўлдирди. Ана шунда Лиза мабодо тирик қолсам бутун умримни фашистларга қарши кураш учун сарфлайман деб ойтди. Эллигинчи йилларда ҳаёт уни Оскар Шалго билан тўқнаштиради. Иккаласи турмуш куришадиган, энди яшириниб юрган ҳарбий жиноятчиларга қарши курашни биргалашиб бошлаб юборишади. Ўша даврда Эриё Кара душманларнинг тухмати билан турмага тушган эди. Лекин тез орада окланиб, яна контрразведка ишига қайтади. Шалго полковникни қидириб топади-ю, унинг қўл остида — полковник Кара Будапештда, Шалго — Венада ишлай бошлайди. Лекин «Шликкен» операциясидан кейин Шалго Будапештга қайтади ва полковник билан бир неча йил бирга ишлаб, сўнг истеъфода чиқади. Лекин барибир — ҳалиям нацистларга қарши курашдан воз кечмаган.

— Ёши нечада? — сўради хайрон қолган Фельмери.

— Олтмиш еттида.

Ған билан бўлиб кетиб иккаласи ҳам шамолнинг йўналиши ўзгариб, ғарб, яъни Альп тоғи томондан эса бошлаганини сезмай қолишди. Шамол қора булутларни суриб кета бошлади. Полгардга яқин келганда шундай кучли сел қўйиб юбордики, улар яқин атрофдаги бир майдончада дам олиш учун тўхтаб, ёмғирнинг ўтиб кетишини кута бошлади.

Оскар Шалго соя-салқин равонда орқасини кўлга ўгирганча ўтирарди. Фельмери унинг қаршисидан ўриш олган. У гап орасида дам хонадон соҳиби, дам полковник Карага қараб ўтирарди. Қари изқуварнинг иссиқнинг зўрию ҳаводаги рутубатдан қийналаётгани сезилиб турарди. Фельмери ўзича полковник Шалгонинг қиёфасини тўғри тасвирлаб берган экан, деб қўйди. Қариянинг кўриниши унчаликмас — эгнидаги кийимлари ёғим. Унда ёғ доғлари бор. Иссиқ бўлса, обдон мазасини қочирган, тер сув бўлиб оқаётган эди. Чилла бу йил одатдан ташқари иссиқ келди, Фельмерининг ўзиям равонда бўғилиб ўтиргунча ёғинасидаги кўлга бир шўнғиб чиқишни жудаям истаётганди. Лекин бунинг ҳечам иложи йўқ-да, чунки улар худди шу ерда майор Балинт келишини кутиб ўтириши керак эди. Фельмери соатига қараб қўйди. Уч ҳам бўлибди. Ана Караям хомуза торта бошлади. Ёқимли мусаллас билан тўйиб уриб олинган балиқ шўрва ва қатикли чуса¹дан кейин хонадон соҳибининг ҳам пинакка кетганига анча бўлди. Кўришиб турибдики, Лиза хола венгер миллий таомларини мазали қилиб тайёрлаш сирларини обдон ўрганиб олибди. Хонадон соҳибаси билан емакхонада гаплашиб ўтирган Илона Худак деган киз Фельмерининг фикрини жалб қилди. Фамилиясига караганда словакка ўхшайди. Ўзи эса бориб турган венгер: қоракўз, қоратўр. Бундай қизлар, одатда, ўрта Тиса қирғоқларида Сольнак тарафларда бунёдга келади. Уни оқшомги Балатонни қайиқда томоша қилиш учун таклиф қилса чакки бўлмасди. Шалгонинг уйи ҳам жуда қулай ерда жойлашган. Лейтенант тепалик ёнбағрида қатор чўзилиб кетган виллаларга назар ташлаб қўйди. Бу ерда катта йўлдан қатнаётган машиналарнинг шовқини мутлақо эшитилмайди, кўл эса, шундоққина ёғинасида: тепаликнинг этагига тушилса бўлди, нақ пляжнинг ўзидан

¹ Чуса — уграга ўхшаш венгер миллий таоми.

чикилади. Боғдан тўппа-тўғри қирғоққа чикиладиган сўкмоқ бор. Иштван Фельмери сунъий кўрфазчалардаги сўлиқчиларда чайқалиб турган елканли қайиқларга, камишлар орасидан соҳилга олиб чикувчи торгина капалларга қашас билан қарарди. Ҳа, майор Балинт билан бўладиган кенгаш тугаши билан полковникни, албатта, қайиқда отгина сайр қилиб келишга кўндираман, дея кўнглига қаттиқ туғиб кўйди лейтенант. Лекии Фельмерининг нигоҳи беихтиёр қирғоқни кеза бошлади. Тепалиқнинг нардида бетон ва ойнадан қурилган ўн бир қаватли «Сув тариси» отели савлат тўкиб куёшнинг ўткир нурларида яркираб турарди. «Бугун кечқурун ўша ерда овқатланамиз», деб ўйлади Фельмери.

Мана, ошхонадаи Илонка чиқиб келди. Лейтенант Фельмери қизнинг калта шорт ва сириб кийилган блузка ярашиб тушган қоматига, айникса, елкасида селкиллаб турган ва хаворанг бант билан боғлаб қўйилган тўқ малла сочларига завқ билан қараб қўйди. Шалго оёк товунларини эшитиб сесканиб кўзини очди.

— Нима, кетянтиларми? — деди у.

— Вақт бўлди, — деди қиз табассум билан. — Мен ахир, эрталабдан буён уйингиздаман-ку. Сиз нега чўмилгани бормаянсиз? — деди у лейтенантга мурожаат қилиб.

Унинг учун Шалго жавоб берди:

— Кўлга борадиган йўлни кўрсатадиган одам йўқ, — шундай деб яна ўзи сўради: — Казмер Будапештдан қайтиб келдимиз?

— Меи қаердан билай? Нима, у билан киндигимиз бирми?

Унинг овози бирдан ўзгариб кескин ва қатъий жаранглади.

«Казмер? — дея ўйлади Фельмери. — Бу эхтимол профессорнинг ўғли бўлса керак, Казмер Табори» — у бу исмин ишдаги материаллар ичида учратган эди. Унинг назаридан қизнинг Шалгога жаҳл, ҳатто дейиш мумкинлиги, газаб билан қарагани ҳам четда қолмади.

— Менга қаттиқ ганирма, — койиди Шалго, — бақиршини қара!

— Бақирмай бўладими! Икки кундан бери Казмер ҳақида савол беравериб жонимни хиқилдоғимга келтирдимиз-ку. Унинг қаердалигини меи қаердан билай.

Лиза равондан қаради-ю, поляк тилида қизга нима дир деб шивирлади. Илонка ҳам шу он аста бир нима деб, хайрлашмаёк чикиб жўнади. Фельмери унинг орқасидан тикилиб қолди. Ҳатто қиз зинаюя ёнида ўсиб ётган қарағатларнинг орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам ундан нигоҳини узолмади.

— Нега ҳадеб уни ижикилайверасан? — деб сўради полковник Оскар Шалгодан.

— Қиздан шубҳаси бор, — деди Лиза қўлини пешбандига артиб эрининг ёнидаги курсига чуқаркан. — Мана бу донолар доноси йигирманчи кун кечаси Илонка уйида тунамаган деган хулосага келган. Казмер ҳам шу кунни кечкурун соат ўнларда Буданенгдан қайтиб келган.

— Шу сабабли, эринг шу кечани иккаласи бирга ўтказган деб гумонсираяптими? — қайта сўради Кара. — Пима ҳам дердик. Қариянинг юрагига тушган алапгани тушуниб турибман. Лекин бунда шубҳаланадиган пима бор? Илонка гўзал. Шундаймасми, лейтенант? — У Фельмерига ўгирилди.

— Қани энди Казмернинг ўрнида бўлиб қолсам, — полковникнинг гапини қувватлади Фельмери, лекин ўзининг қовун тушириб қўйгани хонадон соҳибасига ёқмаганини сезиб, ўсал бўлганидан нима қиларини билмай боққа, қиз кетган тарафга қарай бошлади. Шалго хотинига аста ниманидир шивирлади. Лекин энди лейтенант хонада бўлаётган суҳбатларга қулоқ солмас, унинг бутун эътиборини уйнинг ёнидан ўтиб кетган машина тортиб қолган эди. Машина рақамини кўролгани йўқ. Кўк ихота буталари халақит қилиб қолди. Лекин шундай бўлса-да, машинанинг «Мерседес — 280» эканлигини кўрди. Кумушранг бежирим машина хиёбондан деярли товушсиз ўтиб кетди-ю, профессорнинг вилласи олдида тўхтади.

— Ҳеч нимадан шубҳаланаётганим йўқ. Ўзим, шундай, Казмер йигирманчи июль кечаси қасрда бўлганини аниқ билгим келувди, холос.

Кара бирон нима деб жавоб бермади. Фельмерига эса, полковникнинг келгандан буён Меншелнинг иши хақида бир оғиз ҳам гапирмагани валаги туюлаётган эди. Ана, тагига етиб кўр! Академияда терговни ташкил қилиш йўллари умуман бошқача қилиб ўқитишган эди чоғи. Лекин полковник нима қилишини ҳар ҳолда ўзи яхши билса керак... Мана энди содир бўлган жиноятдан бўлак

турди мансауларда сухбат бошланиб кетди. Полковник Наранинг бу ўлкаларда узумнинг қанча ҳосил бергани билан нима иши бор? Бунинг устига, Шалго ҳам кооператив раиси ёки соҳибкор эмас-ку. Ўзининг хушқудлик-хушқудлик жуссасига қараганда узумнинг қандай узулишини киножурналлардангина кўриб билса керак.

Олдига осилиб тушган ошпоқ соч тутамларини тўғри-танга Лиза ўрнидан турди ва майда оқ гулли кўк шибандини ечди.

Кўшнимизга меҳмон келганга ўхшайди. Бориб кўрайчи.

Бора қол, мунисгинам, — деди Шалго оғир ковокларини ярим кўтариб ва позиккина кампирининг орқасидан меҳри товланиб қараб қолди.

Хотинини шуздақаям талтайтирадим, деб ўйлаб қўйди Фельмери: «мунисгинаммиш». Хатто Ромео ҳам қаригунча яшаганда ўз маъшукаси Юлияга бу қадар мулоқимлик билан гаширмаган бўларди.

Лиза четларида қорағат шохлари эгилиб турган боғ були билан нилдираб кетди. Фельмери эндигина икки кўшнини ажратиб турувчи енгил сим тўсиқни ва чокқина ошниксани кўрди. Демак, кўшнилари жуда иноқ яшашаркан. Шунга қараб айтиш мумкинки, эшик хатто қулфланмайди ва доим очиқ туради. Лейтенант равондан тушиб боққа ўтди ва сўкмоқ билан хув четдаги улкан ошниксанинг олдига борди. Тўхтаб профессорнинг икки қангли вилласини диққат билан кўздан кечира бошлади. Кўл томонга қарагани учун уларнинг равони кўзга чақинмасди, лекин дарвоза ва гаражга кириладиган йўл кифтдек кўришиб турарди. Ҳалиги «Мерседес» гаражнинг олдига турибди. Вилла шу қадар катта эдики, унга бирон-бир заводнинг чоғроқ дам олиш уйини бемаъл жойлаштириш мумкин эди. «Саккизтача хона, кам эмас, — ўйлади лейтенант. — Бу Табори дегани, жа, ничоги мой устида экан-ку».

Кейин лейтенант тўсиқ бўйлаб настга, теналикнинг тағингача тушиб борди. У йўл-йўлакай боққа қандай қарганини, парвариш қилинганига эътибор қилди. Фақат дивағирлаб орқага қайтишда Фельмери ер сатхидан кўтарилмаган ва тоблашган темир қопланган дуб эшиккли вино ертўласини кўриб қолди. Ерида бор-йўғи беш-олти туша яқин токи бўлган Шалгога вино сақлайдиган ер-

тўланинг нима кераги бор экан? Ҳа, бу виночилик билан шуғулланадиган собиқ далаҳовли эгасиники бўлса керак.

Фельмери сайр қилиб юрганда майор Балинт келибди. Лейтенант ўзини таништириб бўлгандан кейин бир чеккага ўтирди-да, уни бошдан-оёқ кузата бошлади. Бу ҳали ёш, лекин ўз ёшига нисбатан бир оз этли, келишган, юзлари думалок, қоратўр, сочларининг ранги ўнгиб оқаринқираган ўттиз беш ёшлардаги бақувват бир одам эди. У эгнига калта енг қўйлак ва канон жинси кийиб олганди. Кара янги меҳмонни вино ичишга таклиф қилди-ю, имлаб Фельмерига ҳам кел деб ишора қилиб қўйди.

Кара эски кадрдонлардек майордан ҳаёти, оиласи ҳақида сўраб-суриштирди, хатто койиб ҳам қўйди:

— Нима бу, Миклош, ўзингга қарамай қўйганмисан? Яқинда Оскардан ҳам ўтиб кетасан.

— Вилоятга келганимга олтинчи йил кетянти, ўрток полковник, — ўзини оклашга тушди Балинт. — Доим тоза ҳавода юраман. Бунинг иштаҳани нақадар очиб юборишини билсангиз эди! Бу ерда сизлардагидек югур-югур йўқ.

Фельмери унинг табассумга мойил болаларга хос ёқимли чехрасига қаради-ю, қўл остидагилар майорни яхши кўришса керак деб қўйди.

— Миклош Балинт деган бир жангари рицар бизда хизмат кила бошлагандан буён жиноятчилар ҳам бу атрофларни минг чақирим наридан айланиб ўтадиган бўлиб қолишган, — шошилиб гап қотди Шалго юзларидан оқиб тушаётган терларини артаркан. — Шунинг учун у тоза ҳавода кўнглига сикканча бемалол дам олишлари мумкин. Балиқ тутадими, кўнгли тусаса қизлар билан кўнглини хушлайдими. Оқшомлари карта ўйинларини айтмай-сизми? Оқибатда — семиради-да.

Фельмери яна меҳмоннинг юзларига нигоҳ ташлади. Унинг юзлари ҳали ҳамон очиқ, мулојим, ундан хафа бўлиш ёки порозилиқдан асар ҳам йўқ эди.

— Лекин барибир отахон Шалгодай ҳеч қачон овқатга бўкмайман.

Кара қаҳ-қаҳ уриб юборди ва лейтенант унга ўтирилди. Ана шундагина Фельмери полковникнинг қиёфасидаги хорғинликни сездди.

— Хўш, Миклош, Менселнинг иши бўйича нималарни биласан, гапириб бер. — Балинт сигарета тутатди ва марказдан келган меҳмонларга уларнинг ўзларига маълум гапларни шонмасдан батафсил гапириб берди.

— Бу жинойт қай мақсадда амалга оширилгани менга яширин. — дея ўз хикоясини якунлади майор. — Мана шу Виктор Менселни ўлдириш кимга ва нимага керак бўлиб қолганини ўйлаб ақлимга сиғдиролмайман. Тунаш мақсадида десанг — ишонгинг келмайди: қимматбаҳо буюмларидан биронтасига тегинмаган. Сиёсий сабаблар билан ўлдирилган деб фараз қилинса бўлармикин? Унда ким ўлдирган? Нимага? Биздаги маълумотларга қараганда, Менсель Венгрияга биринчи бор келиши экан. Гарчанд сиёсий сабабларга кўра ўлдирилган бўлса қотиллар ишни чалкаштириш учун қимматбаҳо буюмларни олиши мумкинлиги ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

— Йўқ, Миклош, — эътироз билдирди Кара. — Сиёсий қотиллар бунақа қилишмайди. Улар одат бўйича, ҳукуматни хато йўлга бошлашмайди. Аксинча...

— Агар улар дўстимиз Миклош Балинтга ўхшаб ўйлайдиган бўлса-чи! — Шоша-пиша гап сукди Шалго.

— Илтимо, Шалго, қўй энди, — хонадон сохибидан бу сафар ранжиб деди майор. — Бирпас мени унутиб турсин.

Шалго жундор кўкрагини эринчоқлик билан қашиди.

— Агарда сени унутадиган бўлсам, унда чиндан ҳам мендан хафа бўлардинг, Миклошка! Ахир иккаламиз шамба куни балиқ овлашга борамиз-ку. Шундай бўлгач, кел, бу ўйинни охиригача ўйнай қолайлик.

— Балки, кимдир уни ранг қилиб бўғиб ўлдиргандир? — лейтенант шундай деб гап бошловди, майор уни сўзини тугатишга қўймади:

— Биз бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрганмиз. Ростини, бундай тахмин бизга анча тўғридай туюляпти. Гарчанд биздаги тергов материалларига қараганда у Венгрияга келгандан кейин биронта аёл билан учрашмаган бўлса-да.

— Учрашмаганми ёки учраганини билмайсизларми? — аниқлаб олмоқчи бўлди Шалго чўнтагидан йўғон сигарасини чиқараркан.

— Тўғри, — қўшилди майор. — Балки биз буни билмагандирмиз. — Лекин шу бугун эрталаб валати бир жумбоққа дуч келдик.

— Хўш-хўш, қанақайқан? — сўради Кара. У ўрнидан туриб кошинли равонда айлана бошлади.

— Қаҳвахонадаги официант аёл Магда Цапик Менпель ўн тўққизинчи куни кечқурун ёши ўзи қатори бир одам билан қаҳвахонада бўлганини тасдиқлапти. Улар бурчакдаги столда ўтиришибди-да, — тушунтирди Балинт, — икки рюмкадан коньяк ичишибди-ю, тезда чиқиб кетишибди.

— Кечқурун? Қай вақт экан?

— Соат саккизда.

— Бу ростдан ҳам қизиқ, — илиб кетди Шалго.

— Ана, отахон, салга бўлсаям энди қизиқ кўриндими? — кулиб юборди майор. Лекин шу ол полковник Кара икки дўстни гапдан тўхтатди-ю, бир-бирларига аччиқ-тизиқ гаплар гапиришни балиқ овига қадар барҳам бериш ва ишдан келишни, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишни маслаҳат берди. Балинт ноқулай аҳволга тушиб қолди, лекин Шалгога, кўринишидан, полковникнинг гаплари тарикчаям таъсир қилмади.

— Магда Цапикнинг аниқ хотирлашича, — давом этди Балинт. — Менпель ва унинг шериги французча гаплашибди. Тағин, коньякка, Менпель эмас, шериги тўлаб юборибди. Аёл француз тилини билмайди, лекин уларнинг гапиришларидан каттиқ хаяжонланаётгани сезилиб турганмиш. Улар қаҳвахонада бор-йўғи йигирмайигирма беш дақиқалар бўлибди. Менпельнинг шериги ундан пастроқ, лекин миқтидан келган, чайир экан. Цапикнинг гапларини меҳмонхонанинг пулли пляжи кассири Адам Рустам ҳам тасдиқлади. У буларни пляжда шу куни кечқурун соат тўққизларда учратиб қолибди. Улар пляжни айланиб, француз тилида шўх-шодон гаплашиб юришган эканлар.

— Рустамнинг ўзи француз тилини биладими? — сўради Кара.

— Ҳа. Французчадан бўлак яна тўрт чет тилини билади, — гапга қўшилди Шалго, — билгандаям жуда яхши билади.

— Нега у венгер чет эллар туристик бюросида бўлим мудирини бўлиб ишламайди? — хайрон бўлди Кара ва қўн тил биладиган меҳмонхона пляжининг кассири Адам Рустам ҳақида ёндафтарига белги қўйиб қўйди.

Балинт гапини давом эттириб, илгари у қўшни монастирда кутубхоначи бўлиб ишлаганини, лекин 1956 йил

юкеларида қуролли босқинчилар тўдасига раҳбарлик қилиб, ўн йилга кесилиб кетганини, икки йил муқаддам қамовдан чиқиб келганини тушутириб берди. Қиш кунлари Рустам маҳаллий кутубхоналарда, ёзда эса, мавсум охиригача пляжда ишларкан. Учар ва қув одам, эҳти- мол аскотиб қолар...

Кара тушундим дегандай калласини қимирлатиб қўйди ва Рустам билан яқиндан танишиб олишни кўнглига ту- тиб қўйди.

— Энди сиз ўша номаълум «миқтидан келган» одам- ни кидирасизларми? — сўради Балинтдан.

Майор бошини ирғади.

— Текшириб шундай хулосага келдикки, юқорида таъсирланган одамга ўхшаган кимсани отель хизматчила- ридан бироптасиям эслолмади. Бу деган сўз у отелда ишмаган, ундан ташқари ўн саккизинчи куни отелдан ҳеч ким кетмабди.

— Шу яқин орада кемшинглар борми? — сўрашда давом этди Кара.

— Бор, — калласини қимирлатди Балинт. — Менинг вилитларим ҳозир у ерда кимлар истиқомат қилишаёт- ганини ўрганишяпти. Ўша номаълум кимсанинг милла- ти, касрнинг фуқароси эканлигини қани энди билолсак.

— Бундан нима фойда чиқади? — эътироз билдирди Кара. — Бу билан эсимиз кириб қолмайди. Бармоқ из- ларини топмадингизларми?

— Бармоқ излари жуда кўп, лекин криминалистлар буларнинг ичида эътиборга сазоворлари кам деб ҳисоб- лашмоқда.

— Қайиқниям қарадингларми? — сўради Шалго.

Майор Балинт полковникка илтижо билан қараб қўйди.

— Кўрдингизми, ўртоқ полковник, у барибир ўз бил- ганидан қолмаяпти. Бир ҳафта муқаддам бир инсонни ўлдириб сувга ташлаб юборинибди-ю, бу одам бўлса, ҳеч нарса билмагандай, қайиқниям кўрдингларми, деб сўраб ўтирса! Унинг мана бунақанги бемаъни саволлари- га нима деса бўлади!

— Бундан ҳам бемаънироқ қилиб жавоб қайтариш керак, холос.

— Умуман айтганда, мен айни шу пайтда ҳазилла- шатганим йўқ, — эътироз билдирди Шалго. — Жиддий қилиб сўраянман, бунинг сабаби бор.

— Қарадик, албатта, — ёқинқирамай зўрға минғирлади Балинт. — У ерда икки эшкагу, ярим пакирча келадиган қўланса сувдан бўлак ҳеч вақо йўқ экан.

Кара равоннинг боққа тушиладиган эшиги олдида турар ва узоқ-узоқларга боқарди. Ўткир қуён нури қўл устидаги ҳовурни аста-аста осмонга тортиб кетди-ю, сув юзаси жимир-жимирга тўлди.

Кара суҳбатдошларининг олдига қайтиб келиб, майорга берган ахбороти учун ташаккур билдирди. Кейин носёлкада Будапешт билан боғлайдиган телефон алоқаси борлигини сўради ва Шалгонинг телефониини бўш рақамлардан бирига улашини, шу билан бирга, маҳаллий телефон станциясига мана шу капалга биров эшитмаслиги учун мослама ўрнатишини илтимос қилди.

— Ўртоқ полковник, бу ерда қанча бўлмоқчисиз? — сўради Балинт.

— Аниғини айтолмайман, — деди Кара унинг қўлини сиқаркан. — Ўша номаълум «французни» ахтариб топишга ҳаракат қилиб кўринг.

Лекин Балинт чиқиб кетишидан олдин Шалго, сенинг ходимларинг Менселнинг машинасидан тилга олишга арзирли бирон нима топмадими, деб яна савол бериб қолди. Балинт яна галамислик қиялпими, дея Шалгога шубҳали назар ташлаб қўйди. Лекин бақалоқ чолнинг чехраси жиддий, унинг қиёфасидан кулгига мойил бирон нимани уқиб олши мумкин эмасди. Бу нарса энди майорга ёкмади. Агарда Шалго бирон нарсага қизиқиб қолса, — гарчанд у энг оддий нарса бўлса-да, — албатта асосли сабаблари бўлар, буни эса, майор жуда яхши биларди. Шунда милиция ходимлари расмий текширини ўтказиб кетипгандан кейин Шалго бошқатдан машина билан қайикни сипчиклаб текширгани Балинтга маълум бўлди. Афтидан, у жиной қидирув ходимлари топиши лозим бўлган бирон ашёвий далил топганга ўхшайди. Лекин қари тулки машинадан нимани топган бўлиши мумкин? Ахир Балинтнинг ўзи, унинг мутахассислари жуда яхшилаб текширишган эди-ку. Факатгина машина «Мерседес» моделларининг ичида энг янгиларидан бири деган хулосага келишганди. «Даймлер-Бенц» концерни бир вақтнинг ўзида ўттиздан ортиқ автомашина моделларини ишлаб чиқаришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу

унчалик аҳамиятга молик нарса эмас. Венгрияда шулардан атиги тўрт-бештасигина маълум холос, кўн эмас.

— Ҳа, текширдик, — жавоб қайтарди у остонадан. — Ҳеч нарса топилмади.

— Унда раҳмат, Миклош, — деди Шалго. — Мени хотиржам қилдинг.

— Унда мен ҳам хурсандман, — унинг гапи оҳангида жавоб берди Балинт ва зинадан чошиб тушиб кетди.

Шалго хайратланарли даражада ўрнидан енгил ирғиб турди-ю, эшикнинг олдига келиб кўзларини ярим юмиб тиришратганча майорнинг орқасидан қараб қолди. У раёнда ўтирганларга ўгирилганда Фельмери унинг чехрасида муғомбирона кулги ўйнаётганини сизди. Шалго қарияларга хос қадам билан лапанглаб столга келди-да, бир шела тўлдириб випо қўйди ва уни бир кўтаришда синчириб юборди.

— Хўш, оқсоқол?! — деди Кара столга ўтираркан сабри чидамай. — Яна нималарни ўйлаб қўйдинг?

— Эшитган гапларимнинг бариши элақдан ўтказдим, — бўйинига олди Шалго. — Менга қаранг, лейтенант, нега сиз шунча вақтдан бери миқ этиб оғиз очмайсиз?

— Кўн гапиришни табиатан ёқтирмайман, — деди Фельмери.

— Шундай бўлса-да, бу иш ҳақидаги сизнинг фикрингизни эшитишни истардим.

Лейтенант савол назари билан бошлиғига қараб қўйди. Подковник ганир дегандай бош қимирлатди. Фельмери шовиллиб қолди. Нима, уни имтиҳондан ўтказишмоқчи-ми булар?

— Иш жуда чалкаш, — деди у гапни буриб. — Ҳали кўн нарсалар менга ойдин эмас. Биринчидан, бизнинг фармакология тадқиқот марказимизни бориб кўриш Меншелга нима учун зарур бўлиб қолибди? Иккинчидан, қандай лаборатория ускуналари бу институтга зарурлигини у каердан билди? Ундан ташқари, Меншелнинг рақобатчиларга нисбатан асбоб-ускуналарга бирдан наст баҳо қўйиб юборишининг ўзи ҳам жуда қизиқарли. Мен майор Балинтнинг ўрнида бўлганимда бутун эътиборимни айнан шу нарсаларга қаратган бўлардим...

— Қисқасини айтганда, — унинг гапини бўлди Кара. — Институтнинг қайта ускуналанишини Меншел олдидан қандай билганлиги қизиқтиряптими?

— Ҳа, — тасдиқлади лейтенант.
— Сиз тадқиқот марказида олиб борилган музокара билан Меннелнинг ўлдирилиши орасида қандайдир боғланиш бор, деб ҳисоблайсизми? — сўроққа тутди Шалго.

— Бу эҳтимолдан холи эмас, — Фельмери шундай деб бир оз ўйланиб қолди. — Шу билан бирга, Меннель рақобатчи фирмаларнинг биронтаси томонидан ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда бизнинг олдимизда мураккаб бўлмаган қотиллик турган бўлади.

— Бундан чиқди сиз Меннель сиёсий сабабларга кўра қилинган жинойтнинг қурбони бўлган бўлиши мумкинлигини йўққа чиқармоқчисиз, тўғрими? — ўсмоқчилаб сўради Шалго.

— Ахир қотиллик сиёсий сабабларга кўра содир бўлганлигини далилловчи белгилар йўқ-ку, — кескин қилиб деди лейтенант.

— Ҳозирча Фельмерининг ҳамма гаплари ҳақиқатга яқинроқ, — уни қувватлади полковник. — Мабодо сен уни йўққа чиқарувчи бирон-бир сирни ичингда яшириб ўтирмаётган бўлсанг.

— Мен Меннелнинг автомобилени текширдим, — деди Шалго тиззасидан сигарета кулини қоқаркан.

— Қачон? — сўради полковник.

— Қотиллик аниқлангандан кейинроқ, — у ўзига яна тўлатиб вино кўйди-да, бир-икки хўплаб қалин, дўрдоқ лабларини қўли билан артиб кўйди. — Тўғри, менинг техникага унчалик тишим ўтмайди, лекин бир амаллаб капотни кўтардим, шу он машина сериядан чиқарилмаганини англаб етдим. Мотори ҳам унга махсус буюртма билан ясалган. Бир оз тимирскиланиб панелдаги кўрсаткичлар ортида мўъжазгина, лекин анча-мунча кучга эгарация кўриб қолдим.

— Кўйсанг-чи, кулясанми?! — Полковник бақириб юборди.

— Ҳечам-да, энг қизиғи, передатчик аккумулятордан озиқланмас экан.

— Бошқа ҳеч қасрдан озиқланолмайди, — эътироз билдирди Фельмери.

— Тасаввур қилишгки, аккумулятордан озиқланмас экан, — сўзида туриб олиб такрорлади Шалго. — Менга ишонаверинг, шунинг учун ҳам амперметр ҳеч нимани кўрсатмайди.

— Қизик! — деди Кара ва Шалгонинг гапига кириб узок йўл босиб келганига ачинмай қўйди. Бундан чиқди, қари изқувар бу сафар ҳам ҳақ бўлиб чиқибди ва Менселнинг ўлдирилиши оддий жинной ишлардан эмас эканда.

— Ундан ташқари, машинадан овозни йўқотувчи мосламали тўшпонча ҳам топиб олдим, у ҳеч ким кўрмайдиган жойга яшириб қўйилган эди, — давом этди Шалго. — Рацияга келсак, усталик билан ниқобланган бир тўшмача воситасида уни жанговар ҳолга келтириш мумкин. Шундай экан, қани, марҳамат қилиб, менга айтинглари-чи, овоз қабул қилиб олиб овоз жўнатадиган радиомосламани гапирмаган тақдирдаям, овозсиз отувчи тўшпонча олиб юрадиган қанақа беозор савдогар бу ўзи?

Лейтенант савол назари билан Карага қаради, лекин у ўйга ботганча қаёққадир узок-узокларга тикиларди.

Шалго суҳбат давомида тетикланиб меҳмонларга бир сюрпризининг кетида иккинчисини қалайгириб ташлаётган эди. Суҳбат охирлаб қолганда, Лиза кириб келди. Фельмери унга қаради-ю, бир неча дақиқа хунуккина, лекин истараси иссиқ, одамни оҳанграбодай ўзига тортиб турувчи унинг чехрасига беихтиёр тикилиб қолди. Нимаси биландир ўзининг тақводор бувисини эслатиб турадиган мана бу ушоққина ёқимтой кампир энг оғир, қонли, шафқатсиз урушнинг бутун даҳшатларини елкасида кўтариб келганига одамнинг ақли бовар қилмасди.

Лиза Табориларнинг уйда қаттиқ тортишув кетаётганлиги, негадир ҳамма асабийлашаётганини гапириб берди. Айтмоқчи, буниям тушуниш мумкин: ахир марҳум уларникида ижарада турганди-да.

— Шошилма, азизам, сен гапни бошқа ёққа буриб юбординг, — деди уни гапдан тўхтатиб эри. — Яхшиси, уларникига келган меҳмонлардан гапириб бер, шошилмай, бир бошдап.

— Улар ҳақида нима дердим? — эътироз билдирди Лиза, — янги меҳмон келибди. Қандайдир Отто Хубер деган доктор. Немис. Кўринишидан эллик бешларда. Баланд бўйли, Эрнё, сендай бор. Лекин елкаси кенг, сочларига анча-мунча оқ оралаган. Хотиржам, гаплари жуда босиққи. Венгерчани яхши гапираркан.

— Шунақами? — хайқириб юборди Шалго. — Эҳ, мен венгр тилини яхши биладиган немисларни нақадар

ёмон кўришимни билсанглар эди. — У полковникка маънодор қилиб қараб қўйди. — Шу топда эсэсчи Шликкен унинг эсига тушиб кетган эди. Шалгонинг эти жимирлаб кетди. Лиза эса кулиб юборди:

— Албатта, менчалик тоза гапирмайди, лекин ҳар бир сўзни туғри қўллайди, гарчанд немисча хаёл қилиши аниқ сезилиб турса ҳам ўз фикрини лўнда қилиб ифодаланга уринади.

Шу он Лиза эрига қаради-ю, вайсанга тушиб кетди.

— Шалго, сени ҳеч одам қилиб бўлмади-бўлмади. Мана шу лаънати кулга шимингниям, полниям белабсан-ку.

— Азизам, бир дақиқа менинг шимимга тил текизмай тургин! Сен бизга гапириб бераётган нарса кулдан ҳам, полдан ҳам, ҳаттоки менинг шимимдан ҳам муҳимроқ.

— Менга эса баридан шимингнинг тозалиги муҳимроқ. Бунинг ўрнига, бориб кийимларни алмаштириб келсанг яхши бўларди.

— Бўпти, кейинроқ алмаштираман, — қўлини силкиди Шалго.

— Лиза, айтинг-чи, — гапга аралашди Кара, — Хубер бир ўзи келибдими?

— Йўқ, ёнида қандайдир йигитчаям бор. Афтидан, савдо палатасидан биронтаси бўлса керак. Лекин у немисни ташлади-ю, ўзи орқага, Будапештга қайтиб кетди.

— Табори уйига Хубер келишини билган эканми? — Полковник сўроққа тутишда давом этди.

— Менга билгандай туюлди.

— Билиши керак, — деди Фельмерн. — Савдо палатаси «Ганза» фирмасига Меннелнинг ўлимини маълум қилган. Агар хотиримдан кўтарилмаган бўлса, «Ганза» уларга ўзининг янги вакилимизни юборамиз, деб жавоб берган эди.

— Албатта билган, — қўшилди Шалго. — Лекин бу жудаям муҳими?

— Агар Меннель фармакология тадқиқот марказига муносабатларни жўнаштириб юбориш учун келган деган тахминимиз аниқ бўлган тақдирдагина, — тушунтирди Кара. — Унда бу жудаям муҳим бўлади. Сен топган нарсалар, Шалго, «жўнанадиган ишлар»га ёруғ нур сочиб юборади. Энди комил ишонч билан айтиш мумкинки, Меннель Будапештга лаборатория асбоб-ускуналари

бўюртмаларини стказиб беришга муваффақ бўлиш учунгина эмас, балки яна нимадир бошқа нарсалар учун ҳам келган. Фақатгина Меннель Венгрияда қандай топшириқни бажариши лозимлиги бизга қоронғи, холос.

— Гапинг тўғри, биз ҳали кўп нарсаларни билмаймиз, — деди Шалго.

Лиза бўлса, индамай гоҳ эрига қарарди, гоҳ меҳмонларга.

— Агарда... — Лиза уларга эмас, ўз-ўзига гапиргандай сўз бошлади, — агар Виктор Меннель фармакология маркази билан эмас, балки профессор Таборининг ўзи билан ёки бошқа биров билан алоқа ўрнатин учун келган бўлса-чи?

— Мен бу тўғридаям ўйлаб кўрдим, — деди Кара, — агар бу ростдан ҳам шундай бўлса, содир бўлган ходиса шунда фалатирок тус олади.

«Кизиқ одамлар, — ўзича ўйларди Фельмери, — қандайдир бир нусхани ўлдириб кетишибди-ю, қотилни топиш, нега қотиллик қилганини аниқлаш ўрнига полковник билан Шалго Меннель Венгрияга нега келганини фол очиш билан овора».

— Фельмери, сиз суҳбатимизни кузатиб боряпсизми? — Мурожаат қилди тўсатдан Кара ўйланқираб қолган Фельмерига. — Ё мудраб ўтирибсизми?

— Кузатяпман, — жавоб берди лейтенант.

— Унда фикрингиз қалай?

— Ҳали аниқ бир нима деёлмайман, — Фельмери шундай дея хижолат тортиб уй бекасига қараб қўйди ва унинг очик чеҳраси билан боқишидан гапларини маъқуллашга тендек маънони уқди. — Менимча, даставвал қотилни топиш жўялироқ кўриняпти. Ана ундан кейингина бизни қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб топилади.

Шалгонинг юзларидан лейтенантнинг жавоби унга ёқинқирамаганини билиб олиш мумкин эди.

— Мени эса, йигитча, қотилдан ҳам кўра, марҳум қизиқтиряпти, — деди у. — Назаримда, жиноятчини топиб қўлга олгунимизга қадар кўнгина саволга жавоб топиб қўйишимиз шартдек туюляпти. Ахир Меннелнинг махфий топшириғи билан унинг ўлдирилиши орасида умуман ҳеч қандай боғланиш бўлмаслиги ҳам мумкин-ку.

— Эҳтимол, — қўшилди Фельмери. — Унда биз биринчи галда «Ганза» фирмасининг машинадаги махфий рация билан алоқаси бор-йўқлигини аниқлашимиз керак бўлади. Бу рация, кўпроқ Меннель қайсидир бир чет эл разведкасининг агенти эканлигидан далолат бериб турибди.

— Мана бу бошқа гап, йигитча, — қўшилди Шалго, — бу нарса дарҳақиқат биринчи галда ҳал қилиш керак бўлган жумбоқ.

— Тўғри, — қувватлади уни Кара. — Айтмоқчи, Меннелнинг машинаси «Ганза» фирмасига дахлдорми?

— Йўқ, — жавоб берди Шалго. — Унда божхона бошқармасининг транзит рақами бор.

— Бундан чиқди, улар машинани ижарага олишган экан-да, — шу билан суҳбатга яқин ясади Кара ва лейтенантга ўгирилиб тошпириқ берди: — Ўртоқларга етказинг, улар машинанинг техник паспортини диққат қилиб-роқ текширишсин.

— Лекин машина ростдан ҳам ижарага олинган бўлса, унда бутун тахминларимиз йўққа чиқиб кетади. Ахир Меннель машинада бундай мосламалар борлигидан бе-хабар бўлиши ҳам мумкин-ку.

— Энди эса, Эрнэ ҳақ бўлиб чиқди, — гапни илиб кетди Лиза. — Хўш, Оскар, дамнинг чиқиб кетдими?

— Ҳаммаси бўлиши мумкин, — елкасини қисди Шалго. — Лекин бу эҳтимолдан узок. Бунда меннинг ҳолим не кечарди? Миклош Балинг ўзининг ничинглари билан жонини хиқилдоғимга келтирарди. Вой хомкалла-ей, қандай қилиб бу нарса ҳаёлимга келмади?

Шалго ўрнидан оғир қўзғалди-ю, хонасига кириб кетди. Бир оздан кейин унинг телефонда биров билан гаплашаётган овози эшитилди. Орадан сал ўтиб юзлари буришганча равонга қайтиб чиқиб, деди:

— Машина автомобилларни ижарага берадиган «Фридрих Мессер» фирмасига қарашли экан. Гамбург, Кёнигс-плац, учинчи уй.

Кара Фельмери билан ёлғиз қолгандан кейин шундай тошпириқ берди:

— Балиннинг ҳузурига боринг. У ердан Будапештга, Домбанга қўнғироқ қилинг. Унга шу гапларни етказинг: ўртоқлар «Ганза» ва «Фридрих Мессер» фирмалари, профессор Табори, шунингдек, Бланка ва Казмер

Табори хақидаги маълумотларни тўплашсин. Ундан ташқари, Домбаи бўлимда доимий навбатчиликни уюштирсин. Бутун маълумотларни бугуноқ олсам дедим.

— Азиз жаноб профессор, — деди Отто Хубер Таборининг меҳмонхонасида, — таклифингиз учун жуда миннатдорман, лекин сизни ҳечам безовта қилгим келмовди.

Отто Хубер гарчанд венгер тилида шошмай гапирса-да, хақиқатан ҳам ўз фикрини жуда лўнда, ҳар бир жумласини аниқ-равшан баён қиларди. Унинг овози худди аниқддий кашандаларникига ўхшаш бир оз бўйиқ ва паст эди. У баланд бўйли, яғриндор, юзлари чўзиқ ва сони, кўкиш-хаворанг кўзларининг остида халтаси осилиб турган, ажин босган пешанаси кенг бир одам эди. Ёши ҳам эллик олтиларда бўлса керак, лекин у профессорга анча каттароқ кўринди.

— Мени заррачаюм ташвишга қўймайсиз, — эътироз билдирди профессор. — Илтимос, ўзингизни ўз уйингиздай ҳис қилиб ўтиринг.

Меҳмон ўриндиқда каминга орқа ўгириб ўтирар ва очик эшикдан ташқарига назар ташлаганча Балатон манзараси ёққани юзларидан аниқ сезилиб турарди.

— Ғоят хурсандман. — Сигара тутатаркан, миннатдорчилик билдирди у. — Лекин мен сизнинг меҳмондўстлигингизни суниестемол қилмоқчи эмасман.

Гарчанд профессор хонанинг ичкарироғида ўтирган бўлса-да, лекин меҳмон унинг қийиқ кўзлари, юпқа лаблари, оғзининг икки бурчидаги чуқур-чуқур чизиклар, нўз ости ва ёноқларидаги ажилларни бемалол кўриши мумкин эди.

— Азизим доктор, — эътироз билдирди профессор Табори, — менинг виллам нулли пансионат эмас. Гарчи мен миллионер бўлмасам-да, сиздай азиз меҳмон бир бил бўлсаям шундай тураверишингиз мумкин.

Шу вақт коридорда оёқ товушлари эшитилди. Профессор ўгирилиб, ланг очик эшикдан тушиб турган қуюқ афтобда жиянини кўрди.

— Қазмер Табори, электр муҳандиси. Бу киши доктор Хубер, — танингирди у икковини.

Баланд бўйли, қотмагина, ёши ҳам йигирма саккизларда бўлган профессорнинг жияни меҳмоннинг қўлини олиб каттиқ сикди-ю, таъзим қилиб қўйиб, тўқима ўрин-

дикқа ўтирди ва бетартиб малла сочларини бармоқлари билан текислаб қўйди.

Ёнида столчада безакли журналлар ётарди. Кейин шулардан биттасини олди-да, ўқишга тутинди. Факат тоғасининг айрим жумлалари кулоғига чалиниб коларди.

— ...Бизнинг Казмер ёш олим, у ультра қисқа тўлкинлар борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб борапти.

— Менимча, бу нарса жаноб Хуберни унчалик қизиктирмаса керак, — деди Казмер Табори ва хайрон бўлиб тоғасига қаради.

— Нега энди? Қизиктиради. Хатто жуда ҳам қизиктиради.

— Шунақами? — сўради Казмер журнални варақлашдан бўшамай. — Унда рухсатингиз билан ўзимни батафсилроқ таништирай. Ёшим йигирма саккизда, бўйдоқман, техника фанлари номзоди унвоним бор. Севган ёзувчим — Роберт Мерль, композиторлардан Бенжамен Бриттен, ҳайкалтарошлардан эса Мур, футбол ва бокс билан шуғулланаман, кулранг — менинг севган рангим. Оёғим қирқ учинчи размер. Изғиринни ёқтирмайман, қуёш муҳибиман ва дахрийман, асримизнинг энг катта кашфиёти деб биология соҳасидаги инқилобни тап оламан. Яна нимани унутдим? — Казмер истеҳзо билан тоғасига тикилди. Унга қўшилиб Хубер ҳам профессорга қаради. Жиянининг ўзини тутиши профессорга мутлақо ёқмаётганлиги авзойидан аниқ билиниб турар ва у мук тушганча тумшайиб ўтирарди. Ҳа, Хубер профессорнинг жияни майнабозчилик қиляпти, бизни менсимаяпти, деб ростдан ҳам ўйлаб ўтирган эди. Шу сабабли ҳафсаласи нир бўлган эди. У кўп марталаб оғиз кўпиртириб гапиришганлари ўша навқирон даҳо шуми? Наҳотки Казмер Табори билан мана бу адабсиз, меҳмоннавозлик удумларидан йироқ бўлган кимса бир одам бўлса? Хубер ранжиб профессордан назарини узди-да, нарида турган кулдонни олдига суриб, хотиржамлик билан деди:

— Сизларни сиқиб қўяман деб кўрқяпман. Мана, жаноб муҳандис ҳам... Харҳолда бориб отелдан жой олишга уришиб кўраман...

— Чин сўзим, жаноб Хубер, мени заррачаю ташвишга солмайсиз, — Казмер журнални тиззасига қўй-

ди-ю, ўз пазарини Хубернинг назари билан тўқнаштиришга уриди. У одатан одамни кўзига қараб туриб гапирини ёқтирарди. — Агар, мабодо шундай бўлган тақдирдаям парвойингизга келтирманг. Ҳаёт уммонидаги мана бу кемада капитан — тоғам! Мен ҳам бу ерда бир меҳмон қаториман. Шунақамасми, тоға? — деди Казмер кесатиброқ ва тоғасига қаради.

— Бўлмаган гапларни валдираяпсан, болам, — қўлини силкиди профессор, Казмер янги меҳмонни нега бу юмдар хусумат билан қабул қилаётганини тушунишга ҳаракат қилиб. Лекин бу вақтда Казмер профессорга парво қилмай буни ўзи изоҳлашга тушиб кетди.

— Тўғриси айтайми жаноб доктор, менга нима ёқмайди? Тинимсиз сўроқ бериш, милициядан келиб текширишлар жонимга тегиб кетди. Таътил даврида фақат дам олсам дегандим, холос.

— Менга маълум бўлишича, сени фақат бир мартагина чақириб сўроқ қилишибди. Бундан жуда катта ҳудоса чиқариб юбормасанг ҳам бўлади. Майор Балинг кизмат тақозоси билан ўз бурчини адо этган. Ҳар ҳолда бошқа сўроқ бермасан деган умиддамиз.

— Агар янги қотиллик содир бўлмаса, — гап қўшди Казмер.

— Сизлар мени ҳам ўлдириб кетади деб ўйлаясизларми? — табассум қилиб сўради Хубер.

— Тирик одамни ҳар бир дақиқада ўлдириб кетишлари мумкин, — деди йигит. — Сиз билан биз эса тирик одамимиз. Бунинг устига, қотил ҳам тирик. Бир сафар Лиза хола, эсингда бўлсин, қотиллар орамизда юраркин, тириклар ҳеч қачон хотиржам яшай олмайди, деганди. Шунинг назарда тутгандим.

— Сийқа гаплар, — нуқта қўйди гапга профессор Тавори. — Лиза калланга сафсатами куйгани куйган. Бундан буён ўз калланг билан иш қилсанг бўларди.

У жаҳл билан жиянига ўқрайиб қўйди-ю, немисга ақаллашиб сўради:

— Албатта, Меннель бу ерда олиб борган дастлабки музокаралардан сизнинг хабарингиз бордир? Келишилган битим ҳақида сизга маълумот берган бўлса керак?

— Умуман олганда музокара материаллари билан юзани бўлсаям танишман, — тасдиқлади Хубер. — Лекин

битимга қўл қўйишдан олдин мархум ҳамкоримнинг хужжатлари ва ёзув-чизувларини сиңчиклаб ўрганиб чиқишим зарур.

— Марҳамат, — деди Табори. — Бугун эрталаб жиноий қидирув орган ходимлари Меннелнинг бутун хужжатларини қайтариб беришди. Шу билан мархумнинг жасадини олиб кетишга ҳам рухсат этишди.

Орага жимлик чўкди.

«Мархумни сукут сақлаб хотирлашяпти, — ичида кулиб қўйди Казмер, — агар меҳмонхонада бўлишмаганда эҳтимол, ўринларидан туриб мархумнинг иззатини жойига қўйишарди...»

Қасрдадир, қўшниларикида ит акиллади. Тепаликнинг устида, тош йўлда машинанинг сигнали эшитилди. Казмер боққа назар ташлади. Настариннинг куюқ сояси остида онаси қўшни аёл Лиза Шалго билан нима ҳақдадир тўлқинланиб суҳбатлашарди. У тоғасининг бўғиқ овозига қулоқ солди. «Ҳаммаси жойида, — деб қўйди Казмер тишини вижирлатиб. — Профессор ўзига керакли тингловчиларни топиб олди. Хонимлар ва жаноблар, профессор Табори ҳозир сизларга касаллик тарқатувчи бактерияларнинг яшовчанлиги ҳақида илмий-оммабоп лекция ўқийди. Асрнинг буюк кашфиёти, дунё аҳамиятига молик ҳодиса! Тезроқ келинг, хонимлар ва жаноблар! Ҳозир профессор сизларга ирсият, насл ҳақида ваъқилади...» Казмернинг хўрлиги келиб томоғига бир нима тикила бошлади. Кейин асабини босиб олиш учун ўзича санашга тушди. Бир оздан кейин ўз-ўзидан уялиб кетди. Унга нима бўлди ўзи? Мана, бир неча кундирки асаби бузилади, бўлар-бўлмасга тоғасининг жинига тегаверади. Қарияни ҳам тушуниш керак. Ёши ўтиб боряпти. Нафақага чиқишга ҳам озгина қолди, шундай бўлгандан кейин чет элликларга олимлиги ва илғор дунёқарашга эга эканлиги ва европача таълим олгани-ю, венгр меҳмондўстлигини кўрсатиб қўйиши керак-да, ахир.

— Шунинг таи олишим керакки, профессор, — Хубернинг овози эшитилди. — Мен биология билан у қадар таниш эмасман. Фақат шунинг биланки, ирсият борасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кашфиётлар қилинмоқда. Лекин ўзим оддий муҳандисман, буни устига юрист ҳамман. «Ганза» фирмасига мутлақо тасодифан хизматга кириб қолганман. Тўғри, савдо-сотик ишлари билан шу

гуллаувчи корхоналарга юристлар бошка мутахассисларга караганда баъзан жудаям зарур бўлиб қолади. Бу билан олимларнинг родини инкор этмоқчи эмасман. Асло. Мен фан кишилариши қаттиқ ҳурмат қиламан. Уларнинг ютуқларидан бошим осмонга етади.

Сухбатдошлар кулиб юборишди. Кейин Хубер яна гапга тушди.

— Мен расмий музокараларга ўтишдан олдин дўстим Меншелнинг жасадини ўз ватанига жўнатсам девдим.

Казмер хайрон бўлди.

— Нега уни шу ерда дафн қилавермайсиз?

— Шу ер — қаер? — Табори жияшига жскирди.

— Балатонэмедга-да! — жавоб берди Казмер ва Хуберга қаради. — Унга энди барибир қаерга дафн қилсангиз ҳам. Фирма эса, анча-мунча пулни тежаши мумкин. Бизда дафн маросимларига ҳеч вако кетмайди. Мен Эмед кабристонимизнинг нақадар гўзаллигини гапирмай кўри қолай. Ишончим комилки, бунакаси бутун Венгрия бўйича битта бўлса керак...

— Казмер! — Шахт билан униинг гапини бўлди профессор.

— Ха, нима бўлди, тоға? — дед Казмер. — Шундайлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку. Ўтган йили, қазо қилган мени худди шу ерга дафн қилинглар, дегандингиз.

— Буининг ҳозирги ишимизга мутлақо дахли йўқ, — профессорнинг энсаси қотди. — Кейин, илтимос, майнаворчиликни бас қил.

Казмер талтайиб кетган шумтакаларга ўхшаб елка қилди.

— Билганингизни қилинг. Мен яхши бўлсин девдим-да. Сизни хафа қилмадим деган умиддаман, — деди у Хуберга қараб.

— Заррачаюм, жаноб муҳандис, — ишонтирди меҳмон. — Тўғриси айтганда, сиз ҳақсиз. Лекин униинг онаси бор: отаси, онаси, ака-укалари дегандек. Улар шогарларининг жасадларини ватанига жўнатишни талаб қилишади. Ота-она меҳри нима эканлигини ўзингиз биласиз-ку.

— Буни билмайман, — деди эътиборсизлик билан Казмер. — Ўз ота-онамни кўрмаганман. Улар мени икки ой илгимдами, уч ойлигимдами бировларнинг эшигига ташлаб кетинган экан. — Унинг юзларида захарханда-

лик зухур этди. — Ҳарҳолда менинг ўлимимни эшитса, эҳтимол улар ҳам фарзанд доғида куйинган бўларди.

— Ота-онангиз ҳали тирикми?

— Билмайман. Буни ҳеч ким билмайди. Ҳатто мени боқиб олган ўғай онам ҳам.

— Кечирасиз, — деди немис. — Мен ярангизни тирнамоқчи эмасдим.

Казмер қўлини силкиди-ю, юзини ўгириб олди. Худди шу он равонга аёллар кириб келишди. Казмер югуриб онасига пешвоз чиқди, унинг ҳол-ахволини сўраб кўнглини хушсуд этди. Кейин Хуберга ўтирилди-ю, кулиб туриб хитоб қилди:

— Менинг ярамни тирнолмаганингизни кўрдингизми эпти, доктор? Чунки менинг ҳам онам бор. Ўз тукқан онамдан минг бор афзал. — Казмер онасини аста қучиб ўпиб қўйди. — Ойижон, уйга меҳмон келди. Ҳали танишмадингизларми?

Хубер ўрнидан туриб Бланка Таборига таъзим қилиб қўйди. Казмер қўли остидаги онасининг елкалари бирдан титраб кетганини сезиб қолди. У онасини маҳкам бағрига босди-ю, қўриб сўради:

— Нима? Сизга нима бўлди? Ўзингизни ёмон хис қиляпсизми?

— Нафасим сиқилиб кетди, — зўр-базўр шивирлади онаси.

Ҳаммадан олдин Лиза ўзига келди. Профессорга врач чакиринг, дея қичқирди-ю, сув олиб келиш учун ўзини ошхонага урди. Бланка бўлса, врачнинг кераги йўқ, ташқарида офтоб урди, ҳозир ўтиб кетади, дея туриб олди.

Лиза латта хўллаб унинг пешанаси, чаккаларига босди. Профессор кўз ўнгида бўлиб ўтган ҳодисалардан довдираб нима қиларини билмай қолди.

— Мен ўз хонамга бораман, — деди секин Бланка ўриндикдан зўрға тураркан. Казмер онасининг қўлтиғидан тутиб хонадан олиб чиқиб кетди.

— Қайсарлар! — деди унинг кетидан профессор. — Қайсарлик бари Табориларга қўндоқда теккан. Ҳозир врач унга жудаям зарур. У бўлса, врачнинг қорасиниям кўргиси келмайди.

— Илгариям шунақа бўлиб турармиди? — негадир қизиқиб қолди Хубер.

— Сўнгги кунларда бир неча бор бўлди. — Сервантдан ўрик ароғини оларкан жавоб берди Табори. — Жид-

дийроқ бирон нарса бўлмаса керак, — у ўзига ва меҳмонга ароқ қуйди. — Синглимпинг соғлиғи мустаҳкам. Шўлатдан ҳам қаттиқ. Мен ҳамма вақт унинг ирода кучига тан бериб келаман.

Профессор юмшоқ узун курсига чўкди. Унинг кулоқларида синглисининг бир вақтлар айтган гапларидан узук-юлук жумлалар жараглаб кетди. «Сабр косам тўлган пайтда мен нима қилишимни ўзим биламан. Лекин Матэ, ҳал қилувчи дақиқалар ҳали келмаган». Унинг кўз ўнгиде яна бир тунги суҳбат жонланди. Ирода ҳақида. «Қўйсанг-чи, Матэ, сенда ростакан ирода кучи йўқ. Сенинг ироданг бошқаларнинг иродасини босиб, ўзини учун зарур бўлган. Бу менинг бутун ҳаётимни қароб қилди. Йўқ, мен сеин айбламайман. Булар бари айлақачонлар ўтиб кетган. Лекин ҳар бир одамнинг ҳаётида эртами-кечми қилган ишларига жавоб берадиган кун келади: ал-қассосу миналҳақ. Бугун, Матэ, сенинг кунинг тўққан».

Бланка ноҳақ эди. Профессор Таборининг иродаси кучли эди. Фақат бир мартагина унинг иродаси букилган. Қачон эди бу ўзи? Балки жони узилаётган Иренинги юзларини кўргандадир? Ҳа, шундай бўлса керак. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин эса иродаси узил-кесил синди. Қабристонда, Иренинги қабрга туширишаётган кезде.

— Сизга яна қуяйми, профессор? — Хубернинг гаплари уни ўзига келтирди.

— Ҳа, марҳамат, — у рюмкасини меҳмонининг овози келган томонга чўзди.

Казмер қайтиб келди. Унинг чехрасида хотиржамлик аҳкур эгиб турарди.

— Аича яхши, — деди у. — Хавотир олманг. Билангиз ку, оиймнинг соғлиқлари яхши. Фақат уни қуёш панаграбодай доим ўзига тортади, бу эса соғлиғига тўғри келмайди.

— Мен аралашмайману... лекин сизнинг ўрнишгизда бўлганимда, албатта шифокор чақиртирган бўлардим, — деди Хубер.

— Жаноб Хубернинг фикри тўғри, — гапти илиб кетди Казмер. — Шундай қиламиз. Тез кунларда. Гарчанд мен бирон-бир хавф-хатар сезмаётган бўлсам-да. Шунинг хозир қаттиқ толиққан. Шунча ташвиш бўйинла-

рида, буларнинг ўзи бўладими. Бир ой муқаддам оксочимиз кетиб қолди. Уй ишларини бир ўзи бажаради: супуриб-сидиради, пишириб-куйдеради.

Казмернинг назаридан Хубернинг гапларини диққат қилиб эшитаётгани-ю, профессорнинг лоқайд бўлиб ўтиришигача четда қолмади. «Бу гапларни, умуман, нега валдираётибман? — деб ўйлади Казмер, лекин шундай деб ўйлади-ю, ўз иродасига қарама-қарши давом этаверди.

— Меннелнинг тўсатдан ўлиб қолиши унга қаттиқ таъсир қилди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: биров билан понушта қилиб гаплашиб ўтирсангизу, орадан бир ярим соат вақт ўтгандан кейин сизга қўнғироқ қилиб суҳбатдошингиз сувга чўкиб ўлди, деб хабар қилинса.

— Бир ярим соатдан кейин? — хонада кезинишдан тўхтаб сўради Табори. — Буни қаердан олдинг? Икки ярим соатдан кам вақт ўтмаганди.

— Шунақами? Эҳтимол. Умуман, қанча соат ўтгандан кейин қўнғироқ қилишганининг аҳамияти йўқ, — деди Казмер. — Бўлиб ўтган ходисанинг ўзи ғалати.

— Ғалати? Бунинг нимаси ғалати экан?

— Нега энди ғалати бўлмас экан? Сонпа-сов одам тўсатдан ўлиб қолса. Ёшгина, қувнок. Бу фақат фожиагина эмас, ғалати ҳам-да. Фикримга қўшилмайсизми?

— Буни даҳшатли деб биламан! — ғазаб билан қичкириб юборди Табори. — Ҳа-ха! Даҳшатли ва фожиали!

— Ақл бовар қилмайдиган ва сирли ҳол, — қўшиб қўйди Хубер. — Викторни ким ва нима учун ўлдириши мумкин?

— Мана шунисига доғмиз-да, — тасдиқлади профессор. — Бунинг устига милиция ҳам...

Казмер қўлини силтади.

— Милициямиш... Бидамиз уларни. Бу саволларнинг барига биз ҳеч қачон жавоб ололмаймиз.

Профессор каминга суянганча бокка тикилиб ўтирарди.

— Қайдам, — деб юборди у. — Ҳаёт аксини кўрсатади — бирон қилмиш жазосиз қолиб кетмайди. Шунга ишончим комилки, милиция тез кунларда қотилними, ё қотилларними барибир қўлга туширади...

— Эҳтимол, — сизгарами ўчириб деди Хубер. — Лекин бунинг Викторга фойдаси йўқ энди. — У соатига қараб қўйди. — Меннелнинг машинаси гараждами?

— Ҳа, — деди профессор. — Ҳукумат уни марҳумнинг юртига бериб юбориш учун рухсат берди. Бу ўзининг шахсий машинасими?

— Бунга машинанинг ўзини кўрганимдан кейин жаноб бераман. Бу ёққа хизмат машинасида келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас! Лекин ўз машинасида келган бўлиши ҳам мумкин. Унинг «БМВ–250» машинаси бор эди.

— Бу «Мерседес»ку, — деди Казмер. — «Мерседес–280».

— Жаноб профессор, машинанинг калити сиздами?

— Казмер, хизмат бўлмаса, олиб чиққин, кабинетимда, столнинг устида. Бугун эрталаб майор Балинт ташлаб кетган эди, — деди Табори Хубернинг хайрон бўлиб қараб турганини сезиб.

Казмер кетгандан кейин меҳмон сўради:

— Улар машинани ҳам текширишдимиз?

— Ҳа, текширишгандаям жуда синчиклаб, — маъқуллади профессор. — Ҳатто бармоқ изларигача олишди. Ҳарҳолда буниги маънисини бўлмаса керак. Чунки ҳар қандай машинадан минглаб бармоқ изларини топиш мумкин.

— Балки, қоида шундай бўлса керак. Ҳаммаям кўрсатмада белгиланганини бажаради-да. Терговда, ҳар қандай бошқа ишда бўлгани каби, ўзининг қатъий қоидалари бор, — мулойимлик билан деди Хубер.

Казмер калитни олиб келгандан кейин меҳмонга қарашворайми деган эди, у:

— Раҳмат, ташвишланманг. «Мерседес» машиналарининг тилини яхши тушунаман, деди.

Казмер меҳмоннинг ортидан эътиборсиз қараб қолди, кейин юмшоқ ўриндиққа чўзилди-ю, шифтдаги мисдан ясалган жимжимадор қандилга тикилди. У ҳозир тоғамнинг овози эшитилади деб ўйлади-да, ўзича нима бўлмасин баҳсга киришмайман, деган қатъий қарорга келиб қўйди. Кейин сигарета чиқариб тутатди.

Ҳақиқатан ҳам шу заҳоти тоғамнинг овози чиқди.

— Казмер, баъзи бир парсаларни эътиборга олиб кўйсанг дедим...

Казмер паға-паға тутун орасидан шифтга тикилганча ишдамай ётаверди.

— Сенга гапиряпман...

— Эшитяпман, гапираверинг...

Казмер ўз овозида эҳтиром оҳанги йўқлигини — шу билан бирга қандайдир ёқимсиз қалтираб чиққанини сезди.

— Бу — менинг уйим...

— Тоға, сиз буни менга шу қадар кўп эслатдингизки, ўлганимдаям эсимдан чиқмайди. — Хотиржам, шу билан овозида ярашувчанлик оҳангида илжайиб тасдиқлади Казмер.

— Демак, уйимга кимни хоҳласам шуни таклиф қилиш ўз ихтиёрида. Шунинг учун бу уйда менинг меҳмонларимга нисбатан жиндай ҳурмат сақлашингни талаб қиламан.

— Жуда зўр! — деди Казмер. — Бундан чиқди мен сизни деб мана бу келгиндининг олдида эмаклаб юришим керак экан-да? Бекорларни айтибсиз! Сизниям тушунай қолдим, намунча унинг олдида маймундай ўйнайсиз? Ахир сиз унинг кетидан гирдикапалак бўлиб юрадиган дипломат эмассиз-ку!

— Ҳеч ким сендан, ҳали айтганингдай, эмаклаб юришингни талаб қилмайди.

Казмер ўрнидан туриб суянчиксиз диванга ўтирди-ю, тоғасига ёвқараш қилди.

Унинг хаёл кўзгусида бирдан жирканчли бир манзара намойиш бўлди: Стол ясатилган. Унинг тўрида Балатоннинг ёввойи қирғоқларига аданиб келиб қолгандек Виктор Маннелъ мустабидларга хос бўлган виқор билан савлат тўкиб ўтирарди. Гуё у бу масканга қадам ранжида қилгани билан Таборининг вилласини нурафшон этган, унинг ёнида эса нўрлик профессор ва Бланка. Улар бамисоли одобли ва назокатли оксочлардек стол устидаги бўш талишқалар, қолган-қутган овқатларни йиғиштириб юришибди. Матэ тоға ёш мустабиднинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини итдай садокат билан илғаб оляпти, уни ажойиб поз-неъматлар билан меҳмон қияпти. У бўлса, профессорнинг бу ўлиб-тирилишларига бепарво. «Азизим Виктор, дўстим Виктор, ҳечам тортинманг, ўзингизни ўз уйингиздагидай ҳис қилинг». Ва Виктор ўзини худди уйдагидай ҳис қилади. «Бланка, сингилгинам, меҳмондан сўра-чи, кўнгли бошқа яна бирон нима тусармикин?» «О, йўқ, профессор, қаранг, ҳаммаси окей. Бошқа ҳеч нима керакмас». Бу кўпингдан ўлганинг яхши. «Яна озгина қуяйми? О, мана бу винодан албатта татиб кўришингиз керак!..»

Казмер дивандан туриб кулдонни столга қўйди, кейин Таборига жирканиб назар ташлади-ю, деди:

— Балки, шунча ақл ўргатганингиз етар-а? Агар истасанингиз ҳозироқ уйингиздан чиқиб кетишим мумкин. Олдинроқ чиқиб кетмаганимга ҳалиям пушаймонман. Мана бу муртадларга профессор Таборининг хушомадгўйлик қилаётганини кўрсам кўнглим айпаб кетади.

— Меннелъ муртад эмасди.

— Бари бир. Уни жинимданам ёмон кўрардим.

— Илгари бундай демагандинг.

— Чунки мендан у ҳақда сўрамагандингиз. Бу тухумдан чиққан янги фашист сизни ўзига ром қилиб қўйганди. Ҳа, у худди шунинг ўзи эди. Ахир, мен ҳам у билан гаплашган эдим-ку. Негадир мен Бухенвальдда тўрт йил ётиб чиққан ҳар қандай одам у даврларни сираям ёддан чиқармаса керак, деб ўйлардим. Лекин сизга қилган эканман: сиз унутибсиз. Ҳамма нарсани. Ёки ёслангани истамаетгандирсиз.

— Ҳеч нарсани унутганим йўқ. — Табори эзилиб минирлади. — Бухенвальд учун Виктор Меннелъ жавоб бермайди.

— Эхтимол. Лекин мен у ердаги бор нарсаларни ўз кўзим билан кўрдим. У ерга қилинган саёҳатда қатнашганман. Шундай бўлгач, мендан «азиз» меҳмонларингизга хушомад қилишимни талаб қилманг.

— Ҳеч ким сени бировларга хушомадгўйлик қилгин демайди. Лекин сеинг илтифотсизлик билан қилган танбихларинг жонни хиқилдоққа келтиради.

— Менинг эса, ўлим фабрикасини кўриб жоним хиқилдоғимга келганди. Шундай бўлгач, менга ҳадеб одоб ёндагарини ўқитаверманг.

Шу он меҳмонхонага Лиза хола кириб келди-ю, суҳбатга чек қўйилди.

— Бланка менга бугун қараниб юборинг деб илтимос қилганди, келдим. Қаҳва ичасизларми?

— Раҳмат, лекин бир оздан кейин, — деди Табори. — Ахволи қандай?

— Сал яхши, аммо дурустроқ врачнинг кўригидан ўтга ёмон бўлмасди, — деди Лиза. Казмернинг хўмрағини ўтиришидан яна Матэ билан айтишибди-да, деган ёдроғга келди-ю, ўзини тутиб туролмади.

— Сенга нима бўлди? Худди курк товукқа ўхшаб хурпайиб олибсан?

— Тоғамга доктор Ху-Хубер билан яхши муносабатда бўлмаганим ёқмаяпти...

— Жиянчамиз кўпиртириб гапиришни ёқтиради, — ярашув оҳангида деди Табори.

«Шу қадар ҳам галварс бўламанми? — ўйлади Казмер. Тупурдим-э барига!» У эшикка келиб боққа назар ташлади ва шу заҳоти Таборига ўгирилди. Унинг кўзларида шўхлик аломатлари зухур этди.

— Менинг тоғам эса, Эмёд қабристони дунёда энг гўзал қабристон эканлигига ишонмаяпти, — деди у Лизага гўё яқингинада бўлиб ўтган даҳанаки жангни унутгандай.

— Чунки ҳали унга у ерда дам олиш насиб этмаганда, — деди Лиза ҳазил оҳангида.

— Сен-чи, ҳали у ерда бўлиб ҳам улгурдингми? — сўради профессор.

— Мен қачон дам олгим келса, доим ўша ёққа бораман. Атроф-жавоиб у ердан жуда гўзал бўлиб кўринади.

Табори чўчиб ўгирилди. Боғ эшик ғийқиллаб очилди. Сўқмоқ бўйлаб бошида тўзиб кетган сомон шляпа, оғзида ҳеч қачон лабидан тушмайдиган трубкасини тутатиб сўрганча аста-аста лапанглаб Оскар Шалго келарди. Шляпани босиб кийиб, думалоқ юзларини офтобдан тўсиб олган эди.

«Энди сен етмай турувдинг, — деди ичида профессор ғижиниб, — жамоат жам бўлди. Бўш келма, Табори!»

— Худога шукр! — деди унга бақалок. — Ниҳоят чехранг ҳам очилибди-ку.

— Чехрам?

— Ҳа-да, қововингдан қор ёғиб юрганди, — деди Шалго ва Казмерга қаради. — Салом Казмер. Қачон келдинг?

— Бугун эрталаб, — жавоб берди Казмер.

— Қизик. Қандай қилиб таниш мотор овозини эшитмай қолдим?

Шалго столга келди, келди-ю, коньяк шишасини эгаллаб олди.

— Машинани настига, хизмат кўрсатиш станциясида қолдирганим, — тушунтирди Казмер. — Сервантдаги тоза рюмқалардан ола қолдинг.

— Мени ич демоқчимисан? Нимаям дердик, сўзингни кайтаролмайман.

— Жуда ичкиликка ружу қилаверма, — эҳтиёт қилди уни Лиза. — Бугун хурмачангга ярашасини отиб олдинг.

— Ичсам ўзимникини ичдим, Матэникинимас-ку, — деди Шалго рюмкада қолган коньякпинг юқини ҳидлаб. — Нақадар хушбўй! «Мартель» экан-да. Гапнинг ўнгл боласини айтишим керак, Матэ, дидингам жа банд-да. Айтмоқчи, Гавана сигараларидан борми тагин?

— Агар ғамлаб қўйганларимнинг барини тугатмаган бўлсанг, унда... — унинг овозига урди профессор ёнлаб гаражга қараб қўяр экан.

— Сўнги марта чекканимда қутичангга уч дона қолдиргандим.

— Бугун қолганлариниям қуритаман.

Казмер хахолаб кулиб юборди, Лиза аччиқланиб стулдан туриб кетди.

— Шу қадар ҳам юзсиз бўласанми, Шалго! — деди у ўзини тутолмай.

— Агар Гавана сигарасини севсаму, уни кўрганда ўшимни тўхтатолмасам, менда нима гуноҳ? Бу менинг ожиз томоним. Ҳар ҳолда, хом сут эмган бандаман-да.

— Бунақа эрни буюртма қилиб ҳам тополмайсан.

— Сен хурсандчиликдан ийиб йиғлаб юборма тагин, — узиб-узиб олмоқчи бўлди Табори. — Умуман, мен ҳайрон қолмасдим...

Шалго бир зум рюмкадаги коньякнинг рангига қараб турди-да, кейин ўзини тап этиб ўриндикқа ташлади ва лабдурустан шундай деб сўради:

— Казмер, ўн тўққизинчидан йигирманчига ўтар кечаси қасрда бўлгандинг?

— Бу нарса қай жиҳатдан сизни қизиқтиряпти?

Казмер тепадаи туриб бақалоқнинг юзига қандайдир бахати қилиб тикилди.

— Мени эмас. Милициядан майор Балинг сўраган-ди. Шу топда эсимга тушиб қолди.

— Нега энди у бу тўғрида сиздан сўради?

— Дарҳақиқат, қизиқ-а! Баъзан ниҳоятда тўғри гапларни гапирасан.

Казмер анча ҳаяжонланиб сигарета чиқарди.

— Орқаворотдан мени искаб кўриш майорнинг миясига қасрдан келиб қолганикин?

— Бу унинг бурчи, — деди Табори. — Шунинг учун бу унутмагани, бу ерда қотиллик юз берган. Бундай ҳолларда истисносиз ҳамма сўроқ қилинади ва ҳар ким ўзини оқлаши керак бўлади. Тўғрими гапим, Оскар?

Шалго куддонни олдига тортди.

— Бундай фикрни, ҳатто мен ҳам сенчалик лўнда қилиб тушунтиролмаган бўлардим, — тасдиқлади Шалго. — Эпг муҳими — ўзни оқлаш. Айниқса, ҳозир.

— Ҳозир? Нега энди ҳозир? Кечагина бу нарса у қадар муҳим эмасмиди ёки ўтган кунини? — Хайрон қолганини анча хотиржам баён қилди Казмер.

Шалго муҳандис ўзини яхши тута биларкан, деб қўйди ичида.

— Ҳозир шунинг учун ҳам муҳимки, — тушунтирди Шалго, — терговни будапештлик Кара ўз қўлига олди. У жуда қирриқ. Юрагим сезиб турибди, Казмер, у худди ўша, йигирманчи июль кечаси соат иккидан эрталаб ўнгача қаерда бўлгандинг, деган саволни сенга беради. Сенинг эса жавоб беришингга тўғри келади. Мен бунга тайёр бўлиб туришингни истардим.

Казмер ўйланқираб иягини қашиди.

Худди шу пайтда полковник Кара посёлка идораси биносининг иккинчи қаватидаги хонага жойлашган тергов гуруҳи «штабн»да ўтирар ва оператив равишда келтирилган маълумотларни диққат қилиб ўрганарди. Афсуски, хабарларнинг кўпгина мужмал томонлари бор эдики, бу нарса яна ўз-ўзидан анча-мунча саволларни келтириб чиқарарди. Унинг икки ёнида ўтирган лейтенант Фельмери билан майор Балинглар полковникнинг ҳорғин ва ташвишли юзларига қараб тураркан иккаласининг кўнглидан икки хил фикр кечарди: лейтенантнинг вужудини бундан икки йил муқаддам академияни битиришда сўнгги имтиҳонларни топшираётгандагига ўхшаш хаяжон чулғаб олган эди; майорга эса Караки ишнинг ўз қўлига олибдими, демак, ўзи қаердадир хатоликка йўл қўйгандек туюлаётган эди. Кара буни тушуниб етди-ю, сенинг бу ерда ҳеч қанақа дахлинг йўқ, менга фақат Будапештдан иш сиёсий тус олгани учун унга Бош бошқарма аралашингани маълум қилишди, деб Балингни хотиржам қилди. «Лекин мен Веспрем бошқармасига иш тугагунга қадар сени менинг қўл остига беришларини сўрадим», дея қўшиб қўйди

Кара ва шу заҳоти Балинтга ўз оператив гуруҳидан учта абжир йигитни ажратиб олишни, қолганларини эса оркага — Веспремга қайтариб юборишини тайинлади. Чунки, деб тушунтирди у, тергов гуруҳига вазирликнинг сиёсий бошқармасидан ходимлар келиб кўшилади. Полковник билан бирга ишлан бахтига муяссар бўлганидан чексиз қувониб кетган Балинт шу заҳоти зарур тошшириқларни бера бошлади.

Кара бўлса, яна сигаретини сигаретига улаб чекиб, мук тушганча ҳужжатларни ўрганишга тутинди.

— Қани, Матэ Табори ҳақида нималарни биламиз? — вихоят сўради у. — Домбайдан ҳалигача материал келмадимми?

— Архивдан жавоб келди: картотекада қайд қилинмаган экан, — жавоб берди Фельмери.

— Маълум бўлишича, профессоримиз у қадар ҳам қария эмас экан, — қоғозлардан биттасига қараб туриб деди Кара, — ўн тўртинчи йилда туғилган.

— Эллик беш ёшга кирибди, лекин ҳалигача қиличдек, — тасдиқлади майор.

Кара маълумотномани овоз чиқариб ўқиди:

«... Бева, хотини бир минг тўққиз юз қирқ олтинчи йил мартада ўлган...»

— Тувомай ўлган, — тушунтирди майор Балинт, — лекин кизи тирик қолган. Ҳозир у теннис бўйича мамлакат чемпиони. Венгрия терма командаси аъзоси... Ҳозир Калифорнияда, мусобакага кетган.

— Буни биламан, — унга қараб қўйиб деди полковник. — Лекин мен нима учундир Казмерни ҳам унинг ўғли деб ҳисоблардим.

— Йўқ, Казмерни профессорнинг синглиси Бланка Табори боқиб олган. Уни қирқ олтинчи йил июлида Веспрем болалар уйидан олиб келган.

— Унинг ота-онаси ким? — сўради Фельмери.

— Билмайман. Текшириб кўрмадим. Буни керак бўлади, деб ўйламабман.

— Билиб қўйилса зиён қилмайди, — маслаҳат берди Кара. — Меннель уларнинг уйида истиқомат қилган. Бу онла ҳақидаги ҳамма нарсаларни билиб олинса, ёмон бўлмасди. Иложи борича кўпроқ.

— Яхши, ўзимга белгилаб қўйдим, — деди Балинт. — Ина бир гап. Тўғри, ҳужжатларда қайд қилинмаган,

лекин бунга жиддий эътибор қилиш керак: урушга қадар Матэ Табори Данияда яшаган. Мамлакат истило қилингандан кейин у Дания ватаншарварлари билан бирга нацистларга қарши жанг қилган. Қирк иккинчи йилда эрхотин иккаласи гестапочилар томонидан қўлга туширилиб, Бухенвалдга жўнатилган ва лагерь озод қилиниши арафасигача у ерда бўлган.

— Бу энди қизик. Синглиси-чи?

— У бутун уруш давомида Будапештда яшаган. Гимназияда расмдан дарс берган. Қирк тўртинчи йилда бомбардимондан сақлаш мақсадида бу ёкка эвакуация қилинган. Рассом бўлиб етишган. Қайнэгачиси ўлгандан кейин эр қилишдан воз кечган ва умрини қариндоши-ю, боқиб олган боласини тарбиялашга бағишлаган. Шундай дейишади ҳамма.

Кара индамади. Полковник қари қизларни ёқтирмасди. Ҳатто мана бу Бланка Таборига ўхшаб ўз ҳаётини нимагадир қурбон қилганларниям. Демак, эрга тегишни хоҳламабдилар-да? Шалголарнинг гапларига қараганда ёшлигида гўзалликда бунинг олдига тушадигани бўлмаган экан...

Кара ён дафтарига қайд қилиб қўйган гапларни кўздан кечириб ўтирарди. Энди у терговни бир вақтнинг ўзида икки, ҳатто уч томонлама олиб бориш зарурлигини аниқравшан тасаввур қилди. Ана шундагина бирон муваффақиятга умид боғлаш мумкин эди. Аввало, Гамбургнинг «Ганза» фирмаси ҳақидаги энг зарур ахборотларни тўплаш керак. Эҳтимол, Домбаи вазирлик картотекасида у-бу нарсаларни топиб қўйган ҳамдир. Ундан кейин сўнги кунларда Меншель ким билан учрашган, нима ҳақда гаплашган ва ўзини қандай тутганлигини билиш лозим, учинчидан, Меншелнинг тўсатдан ҳалок бўлиш куни арафасида кечкурун у билан пляжда сайр қилган одамни албатта топиш. Нотанин кимсанинг ташқи қиёфаси тасвирлари жуда ноаниқ, фақатгина унинг французча гапириши маълум. Бу, ҳали нотанин кимса албатта француз деган гап эмас...

Полковник Фельмери иккаласи Шалгонинг вилласига қайтгунга қадар Балинт билан унинг нима иш қилиши кераклигини атрофлича муҳокама қилиб олди. Кара йўлда суд-тиббий экспертизаси чиқарган хулосани яна кўз олдига келтирди. «Демак, фақат бўғиб ўлдирил-

ган. — ўйлади у. — Экспертиза ўлим асносида кучли олинувлар, курашлар бўлган, деб ҳисоблайди. Қотил Меннелнинг бўйнини шу қадар катта куч билан сиққанки, бўйин умуртқа суягини синдириб юборган. Мархумни бўғиб бир зумда у дунёга жўната олиши учун қотил ниҳоятда кучли бўлиши керак. Бундан ташқари, Меннелъ ҳам у қадар заиф одамлардан бўлмаган, ҳар ҳолда ўзини химоя қила олиши учун кучи етарли бўлган. Маълумки, ўлим хавфи туғилганда одамнинг кучига икки баробар куч қўшилиб кетади... Агар қотил унга тўсатдан ташланиб қолган бўлса-чи? — Ўз-ўзича муҳокама қилишда давом этди Кара. — Унга биров ҳужум қилишни тариқчайам хаёлга келтирмаган пайтда? Лекин қандай бўлмасин, Меннелни аввал бўғиб ўлдиришган, кейин сувга ташлаб юборишган...»

Шалго уйида йўқ экан. Кара уни қидириб кетди ва Таборининг вилласидан топди. Кара уйга кириши билан ўзини таништирди-ю, қўлини профессор ва унинг жиянига чўзиб кўришди, кейин лейтенант Фельмерини таништирди. Профессор меҳмонларга коньяк ва қаҳва ичишни таклиф қилди.

— Ташаккур, йўқ демаймиз, — жавоб берди Кара. Қаҳвани қошиқча билан аралаштираркан ўзининг Меннелъ билан қандай танишлиги борасида гаплашиб ўтирди профессорга назар ташлади.

Тўғрисини айтганда, Кара унинг гапларидан бирон англоликни илғаб ололмади. Лекин барибир бир нечта савол бериб кўришга қарор қилди.

— «Ганза» фирмаси Меннелъ бу ерга келганга қадар унга маълуммиди? — сўради у.

— Йўқ, — калласини кимирлатди Табори, — дунёда бунақа фирма борлиги етти ухлаб тушимгаям кирмаган.

Фельмерининг назаридан бирмунча нарида ўтирган муҳандис Казмер Таборининг юзида зоҳир бўлган хушёр кўриш ҳам, ундаги истехзоли табассум ҳам четда қолмади.

— Айтинг-чи, профессор, Виктор Меннелъ худди сизнинг шахсий рўйхатингизда мавжуд бўлган лаборатория эҳдоб ускуналарини харид қилишни таклиф қилганда айтилганнингиз йўқми?

— Йўқ. Аммо ҳозир, сиз буни мендан сўраб турган вақтингида бир хаёл... ростдан ҳам ғалати ҳол... Бир

дақиқага... — Профессор меҳмонхонадан чиқиб кетди. Шуниси аниқ бўлгандики, полковник берган савол уни саросимага солиб қўйганди.

— Одам ўлдириладиган бўлса, Балатон қирғоқларида ўлдирилса гаштли-да, — деди тўсатдан Казмер.

— Гаштли? — ўз қулоқларига ишонмай қайта сўради Кара. — Кимга гаштли?

— Кечирасиз, мен ундай демокчимасдим, — шоша-пиша тўғрилади Казмер. — Мен авлоқ бир қишлоқда иш олиб боргандан кўра маданий жихатдан юксалган жойларда, яъни масалан дейлик, биздагидай жаппатмакон ерда сиз ва сизнинг ўртоқларингиз ишлаши нақадар гаштли ҳамда осон демокчи бўлгандим. Бу ерда сўрок орасида қўлга тушиб чўмилиб чиқиш, ҳатто балиқ тутиб келиш ҳам мумкин. Қотилга келсак, у ҳам ишини ба-жаргандан кейин қамишлар орасига яшириниши, ҳатто... изни босди-босди қилиб юбориши ҳам мумкин. Тўғри маънода гапиряман.

— Биласизми, бу тўғрида мен, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эканман, — бўйнига олди Кара. — Шундай бўлса-да, битта нарсада хато қиласиз. Менгелни қўл қирғоғида эмас, қайиқда ўлдиришган.

— Қирғоқда ўлдирган бўлиши ҳам мумкин-ку.

— Яъни, қандай қилиб?

— Жуда осон: чалиб йикитиб, бўғиб ўлдиришган, кейин қайиққа солиб қирғоқдан ичкарига сузиб кетишган ва...

— Сиз қотил бир киши бўлмаган деб ҳисоблайсизми?

— Бир нечта бўлган бўлиши ҳам мумкин, — ғоят хотиржамлик билан тасдиқлади Казмер. — Ҳатто қотил битта деб ҳам тахмин қилайлик. Қирғоқ. Қотил Менгелни сарапжомлаб қайиққа солади-ю, ичкарига сузиб кетади ва қулай бир жойга келгандан кейин сувга ташлаб юборади.

— Сизнингча, қотиллик қандай содир бўлган? — деб полковник ниёладаги қаҳвадан бир неча бор хўплаб қўйди. Фельмери бўлса, худди миҳлаб қўйилгандай Казмернинг бақувват, мушаклари бўртиб турган қўлларидан кўнни уюлмай қолди.

— Бу борада ҳали ўйлаб кўрмадим, — бўйнига олди Казмер. — Тўғрисини айтсам, бу пусха унчалик эътиборини жалб қилмаганди.

— У сизга ёқмасмиди?

— Мен уйдан жирканардим. Такаббур ва сурбет бир махлук эди.

— Казмер рақибларини жинидан ҳам ёмон кўради, — деди хотиржамлик билан Шалго.

— Отахоп! Сиз мениям такаббур деб ўйлайсизми?

— Ҳаммавақт ҳам эмас. Унга қолганда димоғингни кўтардинг.

Шу он профессор Табори кириб келди. У анча хаяжонда эди.

— Сиз ҳақ экансиз, полковник. Мен бунга эътибор қилишим керак эди. Мана, қаранг. — Профессор ҳужжатларни столнинг устига ёйиб ташлади. — Мана бу ерда институтга зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг рўйхатлари, уларни француз, инглиз ва швед фирмаларига шиллов учун таклиф қилганмиз. Охиридагиси Меншелнинг фирмасиники. «Ганза» фирмаси бизнинг рўйхатдаги предметларнинг айнан ўзини таклиф қилганини англаб олин осон. Бу эса, мен учун мутлақо тушунарсиз.

— Ҳолбуки бунинг бари жуда оддий ҳамда тушунарди, — эътироз билдирди Шалго. — «Ганза» фирмасининг узоқда туриб бўлсаям, масалан, профессор Матэ Таборининг лабораториясига қанақа асбоб-ускуна зарурлигини сезадиган башоратчи ходимлари мавжуд.

— Бундан ташқари, — гапга қўшилди шу вақтгача жим ўтирган Фельмери. — Французлар, инглизлар ва шведлар бу молларни қанақа нархда сотишлари ҳам унга маълум.

— Оскар, мени Меншель билан тил бириктирган дедимкисан, шекилли?

— Нималар деярсиз, Матэ тоға! — кулиб деди Казмер. — Сиз ҳали ҳам отахонимиз Шалгонинг ўлжани яшириши усулларига кўникканингиз йўқми? Қария кўбинингизга қўл солиб кўряпти. Хўрак қармоқнинг учиде — биди қайси балик ўзи келиб тумшугидан илинишини кўтиб ўтиради.

— Тўша-тўғри! — тасдиқлади Шалго. — Менинг шикоятчиши қўлга тушириш йўлларимдан бирининг сири худди шундай. Бунда мазали хўрак ташлаб қўйишу, сабр керак бўлади.

— Сизда ўша яхши хўрак деганингиз ўзи борми? — бирикканиди Казмер.

— Бор, Казмержон. Сабрим ҳам етарли.

— Шу нарса аниқки, — деди Кара профессор олиб келган ҳужжатларни кўздан кечираркан. — ИТИнги-нинг кенгайиши ва қай маҳсулотлар билан таъминланиш режаси «Ганза»дагиларга маълум бўлган. Бундан ташқари, улар ўз рақобатчилари олиб келадиган маҳсулотларга қанча пул сўраганларигача хабр топишган. Шундай экан, Меннелнинг одамлари ИТИнинг бирон-бир ходими билан алоқада бўлган. Менимча, мантиқан шу тўғри бўлса керак.

Казмер ўрнидан туриб керишди, сўнг ўзига жиндай коньяк қуйиб ичиб юборди.

— Мантиқан тўғри, фақат бир жиҳати бор, — деди у полковникка мурожаат қилиб. — Агар танлов шартлари яна бошқа бирон ерда маълум бўлмаган бўлса. Буни эса, менимча, юзлаб одамлар биларди. Масалан, танқи савдо вазирлиги ходимлари. Ўзимизнинг Лондондаги, Стокгольм ва Париждаги савдо ваколатхоналаримизчи. Ҳатто, Меннель буни ўз рақобатчиларидан ҳам билиб олган бўлиши мумкин. Ахир, дунё фирмаларининг бири-бирининг орқасидан искаб юришади-ку.

— Буларни каердан биласиз? — сўради Кара.

— Ўзингиздан.

— Мендан?

— Ҳа. Мен Ташки ишлар вазирлигида бир туркум махсус лекцияларни тинглаганман.

— Казмер илмий-техника ҳамкорлиги бўйича Москвадаги қўшма комиссиянинг котиби қилиб тайинланган, — тушунтирди Лиза. — Уч ҳафтадан кейин у кетади.

— Худди шундай, баъзи бир чет эл разведкачиларининг қўнорувчилик хатти-ҳаракатлари ҳақидаги лекциялардан бирини, ўртоқ полковник, бизга ўзингиз ўқигандингиз. Ҳозир айнан ўзингизнинг гапингизни такрорладим.

Кара ишдамади. У ҳозир бўлиб ўтган воқеалар борасида профессорни кўпроқ жиддий ўйлашга мажбур этадиган мавзудан четга чиқиб кетишини истамади. Полковник профессорнинг Меннель билан ортиқча алоқалари борлигига ишонмасди. Гарчанд бундай хулосага келишига ҳеч қандай далил бўлмаса ҳам. «Лекин нима учун манами кичик Табори менинг ҳар бир ганимга ёнишиб

олишти, — ўйлади Кара. — Бу нима? Ёшларда бўладиган тегажоқликми ё бунинг замирида бошқа гап борми? Хархолда у билан яқинроқ танишиб олиш керак», — шундай қарорга келди Кара ва овозини қўйиб деди:

— Сиз ҳақсиз. Биз жиноятчини мутлақо бошқа томондан кидириб юрган бўлишимиз мумкин. Меннелни касд олиш учун ўлдирган бўлишлари ҳам мумкин. Ёки ранг қилиб. Ё бўлмаса бизга хали номаълум бошқа сабаблар ҳам бордир бу ерда. Мана масалан, ўзингиз, тушунишимча уни ёқтирмас экансиз.

— Мен ундан жирканардим, — тасдиқлади Казмер «Ғалида зажигалкани айлангираркан. — Лекин бу деган сўз бирон маънони англатмайди. Менинг шахсий фикрим, холос. Шунақа одамлар борки, бир карашдаёқ ёқтириб қоламан. Масалан, отахон Шалгога ўхшаш. Уни жудаям яхши кўраман. Меннель эса, тамоман бунинг тинси.

— У сизни ҳақорат қилганими ёки хафа қилганими?

— Йўқ, мени хафа қилмаган...

— Балки, Илонкани хафа қилгандир? — гапга аралашди Шалго.

— Илонкани? — Казмер довдираб қолди. — Билмайман, бу билан нимани назарда тутяпсиз? — У шубҳаломуз қари изқуварга тикилди. — Нима бу, янги хўракми?

— Мен орага аралашганим учун узр, — деди профессор Табори. — Казмернинг ҳалиги фикрлари, дарҳақиқат, ўз шахсий фикрлари. Меннелни юз балога гирифтёр қилишнинг нима кераги бор? Умуман олганда, ақлдан, санодли ва яхши тарбия кўрган бир йигит эди у.

— Олифта, мақтапчоқ ва палид бир одам эди, — бунингидегини тўкиб солди Казмер ўзини тутолмай. — Уша Меннелингиз кимлигини биласизми ўзи?

— Сенга нима бўлди, болам, ақлингни еб қўйдингми?

Казмер асабийланиб лабини тишлай бошлади. У бир неча дақиқа котиб турди-ю, кейин кескин бурилиб, раводан югуриб тушиб кетди ва дарвоза томонга йўналди. Оравадан Фельмери ҳам чиқди. У зинапояда туриб Казмернинг дарвоза олдида тўхтаганини кўрди.

— Ила! Илонка! — бор овози билан қичқирди муваддис. — Бир дақиқага бу ёққа кел!

Уюқдан кизнинг овози келди.

— Ҳозир! Ўзи нима гап?

— Илтимос, уйга киргин. — Казмер шундай дея унга пешвоз юрди.

Фельмери ҳам ўша томонга кетди, гаражнинг олди-дан ўтаркан унинг ичига назар ташлади, бўм-бўш. «Менселнинг машинаси қаёққа ғойиб бўлдикин?» — ўйлади лейтенант.

Илонка бўлса йўлни кесиб Таборининг уйи томон югуриб кела бошлади. Кара боғ эшик вичирлаб очилганини эшитди-ю, қани энди Казмер қиз билан нима деб гаплашганини билсам, жуда зўр бўларди-да, деб ўйлади. «Ҳа-я, офарин Фельмери, чиқиш кераклигини аниқлаб етди. Балки, у эшитар?..»

Мана дахлизда бошида бинафшаранг шляна ва эгнида худди шу рангда шорт кийган қиз кўзга чалинди. Илонканинг ўзи эса, офтобда қорайган, тўқмағиз эди.

— Илонка, ўзинг айт-чи, анови аблах Менсель сенга нима деб гап ташлаганди? — деди қизга.

Илонка нима қиларини билмай хижолат бўлганча мехмонхонанинг ўртасида туриб қолди.

«Жилла қурса устимга халат ташлаб олсам бўларди, — деб ўйлади у ўзича. — Бўпти энди бўлар ини бўлди. Анови лейтенантнинг тикилиб қолгани нимаси...»

— У менга ўйнаш бўлгин деб айтди.

— Шуюм гап бўлди-ю! — қўлини силкиди профессор. — Туш кўряпсанми дейман. Бу гапга мутлақо иншонмайман...

— Бу ёғи энди, Матэ амаки, сизнинг ишингиз, шахт билан деди Илонка.

— Қачон шундай деган эди?

— Шанба куни кечкурун. Қўлда чўмилаётгандим, уч туш қари мажнунтолнинг олдида, у бўлса...

— Биз чўмилаётгандик, — аниқлик киритди Казмер. — Тўғрироғи, Илонка қирғоқда баданини офтобга тоблаб ётарди, мен эса сувдайдим.

— Балки Илонканинг ўзи гапириб бергани дурустдир, — деди полковник аста.

— Марҳамат, — рози бўлди қиз. — Менсель сувдан чиқиб келди-да, ёнимга ўтирди.

— Уни қар-ю, ҳе йўқ, бе йўқ тўппа-тўғри «менга ўйнаш бўл», депти-да? — жаҳл билан сўради профессор.

— Йўқ, албатта, бирданига айтмади буни. Аввал уёқ-бўёқдан гаплашиб ўтирди, — деб эътироз билдирди Илонка. — Обру-эътиборли эканлигини айтиб, чиранди. Кўрмаган юрти, бормаган жойи қолмапти! Кейин венгер кизларини мақташга тушиб кетди. Биз бир қошиқ сув билан ютгудек гўзал, ақлли ва хушчақчақ эмишимиз, бунинг устига хушхулқ, табиатимиз ҳам нозик эмиш. Кейин менга хушомад қила кетди. Гўё мен ҳам жуда гўзал эмишман. Гўзал бўлгандаям мафтунокор. Кейин эрим бор-бўқлигини сўради. Йўқ, дедим. «Ошиқларингиз-чи», деди. «Гўлиб ётибди!» дедим. Мен ҳам сизга жазман бўлсам дедим, деди. «Хўп десангиз, кейин хурсанд бўласиз. Биз немислар сахий халқмиз». Шунга кўнсам икки томонга ҳам фойдамиш. Кизларга шунинг учун ҳам фойдаминики, улар ҳар сафар учрашганда бу ерларда топишмайдиган ҳар хил совға-саломлар олармиш, ғарб жентельменлари эса, ҳар келганларида янги жазман қидириб юрмасмиш. Шу қабилдаги таклифга сиз қандай қаратган бўлардингиз? Сиз, деди, менга жуда ҳам ёқиб қолдингиз. Шу кечани сиз билан бирга ўтказишга жон деб рози бўлган бўлардим. Казмер бўлса, худди шу вақтда сувдан чиқиб келди-ю, унинг сўнги сўзларини эшитиб қолди.

— Сен унга нима дединг? — сўради Шалго Казмердан.

— Ҳеч нима. Фақат синглингиз борми, деб сўрадим. Йоп, деди. Жуда ёқимтой, исми Лиза, деди. Гап бундай, дедим унга, агар шунақа ёқимтой бўлса, келаси сафар бирга олиб келинг. Мен ҳам синглингиз билан бир кечаними ёки икки кечаними маза қилиб ўтказсам, жуда зўр бўларди-да. Бу гапим унинг нафсониятига тегди ва мени кўриб таъзиримни бериб қўймоқчи бўлди. Мен эсам... жана вақтини силаб қўйдим.

— Нима қилдинг? — ҳайрон бўлди профессор Табори.

— Банарасига тортвордим.

— Тўғри, — кулимсираб тасдиқлади киз. — Мана бундай қулочкашлаб, — ўнг қўлини ёзиб кўрсатди у. — Шўрлик Меншель ағдарилиб тушди. Ҳеч қачон Казмернинг қўлини бу қадар гурзидек деб ўйламагандим.

Ҳаммаининг диққат марказида бўлиш Илонкага ёқаётганини биллиб турар ва у бўлиб ўтган ходисани миридан-миридан батафсил гапириб беришга тушиб кетди.

— ... Аввал Мененлнинг кўзлари олайиб, шокосасидан чиқиб кетай деди. Лекин барибир ўрнидан туриб энгагини силади, гўё унга нима қилди-ю, нима бўлганини билмай қолгандай атрофига аланглади.

— Э, у мувоамбирлик қилган.

— Ажаб бўпти! — суҳбатга қўшилди Лиза. — Тўғри қилибсан, болам. Баттар бўлсин, жаззаси шу.

— Лиза, илтимос... Минг марта сиздан сўрадим...

— Матэ, хафа бўлма, — маслаҳат берди Шалго. — Ганингни давом эттиравер Илонка, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди, бир оздан кейин Меннель ўзига келди. Кечирим сўради, ҳазиллашувдим, деди. Ўзи бўлса ҳадеб овзидан қон туфлайди денг. Лаблари тарс ёрилиб кетибди.

— Қанжиқнинг боласи! — бармоғини қарсиллатиб кўйди Шалго. — Аблахликни қара, ҳазиллашганмиш!

— Ҳа, ҳазиллашдим, деди. Унинг гапига мослаб Казмер ҳам боплади, мен ҳам ҳазиллашдим, деди у.

— Нега менга ҳеч қачон бундоқ дилингни ёрмайсан? — ғазабдан хайқириб кичкирди профессор жиянига. — Нега бу ҳақда индамадинг?

— Айтганимда нима қилардингиз? — ажабланди Казмер. — Хўш, қани менинг ўрнимда сиз нима қилган бўлардингиз?

— Ҳа-я, Матэ, ўзинг нима қилардинг, айт-чи? — кулиб саволни такрорлади Шалго.

— Мен, ҳар ҳолда, мана бундай бемаза муштлашувга йўл қўймаган бўлардим.

— Худди шунинг учун ҳам сизга лом-мим деб овиз очмаганман-да.

Қара бу даҳанаки жангга индамай қулоқ солиб ўтирди.

— Казмер, айтнинг-чи, — бирдан сўради у. — Қотиллик содир бўлган кунда сиз қаерда бўлган эдингиз?

— Энди мenden шубҳаланаётибсизми?

— Нималар деяписиз?! Шундай ўзим, билмоқчиман. Афтидан, сизни ҳали гувоҳ сифатида сўроқ қилишмаган кўринади.

— Гап бундай, ўртоқ полковник! — деди Казмер Табори асабийлашиб. — Тўғри, тажанг кўриниянману, лекин қотил барибир мен эмасман.

— Ҳеч ким бунақа деб ўйлаётгани ҳам йўқ. Хўш, ўша тун қаерда эдингиз?

— Қаерда бўлиши мумкин? — профессор ўзи савол бериб ўзи жавоб берди, — уйда-да!

— Йўқ, мен Будапештда эдим, — эътироз билдирди Камер. — Ўн тўққизинчи куни кечқурун машинада шаҳарга тушиб кетгандим.

— Демак, мен бундан беҳабар қолган эканман-да? — қаёрон бўлди Табори.

— Ёшим йигирма саккизда. Ҳар бир кадаминини сўраб ёсинга зарурат йўқ бўлса керак, деб ўйлайман.

— Орқангизга қачон қайтгансиз? — яна савол ташлади полковник.

— Йигирманчи куни эрталаб. Соат ўнларда. Ойим тасдиқлашлари мумкин буни.

— Будапештда нима қилдингиз?

— Уйимга кирдим. Овқатландим — иккита бутерброд едим, ваннага тушдим ва ётиб ухладим.

— Фақат шунинг учунгина шаҳарга тушганмидингиз?

— Ҳа.

— Бу ёққа қараб қачон йўлга тушгандингиз?

— Эрталаб олтида.

— Олтида чиқиб ўнда етиб келдингизми?

— Худди шундай. Тагин йўлда ярим соат машинанинг тагига кириб ётишимга тўғри келди. Бир жойи ёпишиб қолди. Саккиздан саккиз яримгача овора бўлдим.

— Яхши. Шаҳардаги квартирангизда ўзингиз бўлдингизми?

— Ҳа.

— Бундан олдин қачон боргандингиз?

— Бир ҳафта муқаддам.

— Ойингиз-чи?

— Бир ой илгари.

— Сиз-чи, профессор?

— Менми? Институтда Меннель билан учрашадиган куним.

— Яъни ўн саккизинчида-а? — аниқлик киритди Камер.

— Меннелнинг ўлимидан икки кун муқаддам.

— Ҳа, шундай бўлса керак.

— Яхши.

Кара билан Шалго кўз уриштириб олишди. Бақалок мийида кулиб қўйди.

— Отахон, бунинг нима кулгили жойи бор экан? — сўради Казмер. — Ёки менинг гапларимга ишонмаётиб-сизми?

— Эй, нималар деясан, болам! — эътироз билдирди Шалго. — Қайси нондан бутерброд тайёрлаб еганингни ўйлаб ўтирибман.

— Қанақа нондан бўларди? Ҳали қандай нон истеъмол қилишимизни билмайсизми?

— Нега билмас эканман? Баъзан суви қочган нонларниям сотиб олиб юрасан. Агар икки ҳафта аввал олинган нон бўлса... Мени кечиргину бўтам, қип-қизил бефаҳмсан. Ё бўлмаса, одамлар айтадигандек, гўрсан ҳали.

Уй олдида қаттиқ ғийкиллаб машина тўхтагани эшитилди. Лиза ўз ёшига хос бўлмаган энчиллик билан ирғиб туриб, равоиға югуриб чиқди.

— Хубер қайтиб келди, — маълум қилди у. — Менелнинг машинасида. Қаерларда санғиб келганини?

— Буни ўзидан сўрайсан, — жавоб берди Шалго ва полковникка қараб, бошичи сарак-сарак қилиб қўйди.

Илонка Карадан рухсат сўраб ташқарига чиқиб кетди. Унинг кетидан Казмер ҳам чиқди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас меҳмонхона эшиги олдида Хубер пайдо бўлди. У пиджагини қўлтиғига қистириб олганча ҳадеб машинанинг мойи теккан бармоқларини дастрўмолчаси билан артиб келарди.

— Халакит қилмадимми? — деди у остонада тўхтаб.

— Йўқ, бемалол, — унга пешвоз чиқиб деди профессор. — Меҳмонларимни сизга таништиришга рухсат этинг. Бу киши полковник Кара — Будапештдан. У Менелнинг иши бўйича тергов ишларини олиб боряпти. Бу дўстим Оскар Шалго... — профессор унинг нима иш қилишини ўйлаб бир зум тараддудланиб қолди, лекин поқулай вазиятдан Шалгонинг ўзи қутқарди.

— Участка нозирининг ёрдамчиси. Эмёт участкаси бўйича. Тўғри, қўлимга боғич таққаним йўқ, чунки хаво исиб кетганда одамни жуда қийнаб юборади. Хотиним билан, жаноб Хубер, танишиб олган бўлсангиз керак?

— Ҳа, хоним билан танишиш шарафига муяссар бўлганман.

Хубер бармоқларини нари-бери мойдан тозалаб дастрўмолни чўнтағига тикди.

— Қалай, полковник, тергов яхши кетяптими? Олдинга силжиш борми?

— Хозирча бирон тайинли гап айтолмайман сизга. Жудаям чалкан иш.

Профессор Табори полковникка ялтоқилиқ қилиб кўшиб кўйди:

— Азизим Хубер, сизни ишонтириб айтишим мумкинки, бизнинг жинойй қидирув бўлимимиз жинойятчини қидириб топиш учун ҳамма чораларни кўради. Мақтанни бўлмасину, венгр тергов органлари бу борада шундай юқори чўққига кўтарилдики, буни энди чет элларда ҳам тан олишяпти.

Фельмери профессорнинг мақтов гапларини ёқинқирамай эшитди.

«Мана энди, — дея ўйлади лейтенант. — Рақамларини роса тўкиб ташлайди...» Лекин Табори бошқа мақтанмади, аксинча, ўзининг баландпарвоз нутқини қуйидагича хазил билап тугата қолди:

— Бизнинг милициямизнинг бир сирли томони шундаки, жаноб Хубер, унинг сафларида, масалан, менинг дўстим Шалгодек ёрдамчилар бор. Гапнинг ўвил боласини айтиб қўя қолай, интизом сақлашни Оскар ўз кўлига олган ерларда жинойтчилар ҳеч нарса қилолмай қолади.

Ҳамма кулиб юборди. «Оббо профессори тушмагурей, — ўйлади Фельмери. — Жуда хазилкан чикиб қолди-ку!»

— Ҳамма гап ишни қай йўсинда олиб боришда, — деди Шалго камсуқумлик билан.

— Сизнинг ўзингизга хос бўлган махсус қидирув усулингиз мавжудми? — қизиқди Хубер. — Тан олиб айтманки, бу соҳани иари борса бир детектив телефильмларнинг мухлисичалик тушунаман. Тергов қилиш борасидаги усулларнинг биридан бирини фарқлай оламан деб айтолмайман.

— Бундан осони йўқ, — деди Кара. — Масалан, Сименоннинг қахрамони инспектор Мегрэнинг услуби — мантик.

— Жаноб Шалгонинг услуби-чи? — сўради Хубер ва мудраб ўтирган бақалокқа қизиқсиниб қаради.

— Бизнинг услубимиз — бу сабр! — Эри учун жавоб берди Лиза. — Ашаддий балиқчиларга хос бўлган сабр.

Биз балиқнинг ўзи келиб хўракни ютмагунча кутиб юра-
верамиз. Шуни айтиб қўяйки, қармоқни фақат наҳанг-
ларга ташлаймиз. Йиртқич балиқларга! Ахир уларни,
одатда, тутиб олиб сувдан чиқариш осон эмас-да. Шу-
нинг учун биз улар илингандан кейин обдон ҳолдан
тойишини кутамиз. Бунинг учун эса худди ўша сабр,
чидам деганимиз жуда-жуда зарур. Ваҳший балиқ қар-
моқни ютгандан кейин уёқ-буёққа юришига ва ниҳоят
ўзи келиб бўлар энди, тортиб ол, дегунигача имкон яра-
тиб қўямиз.

Хубер буруксатиб-буруксатиб сигара чекди. Кейин
тан олди:

— Мен умрим бино бўлиб балиқ тутган эмасман.
Эҳтимол, шунинг учун ҳам мен, хоним, бояги сиз услу-
бимиз деганингизнинг ўзига хос нозик жиҳатларини яхши
уқиб ололмасман.

— Оддий қилиб айтадиган бўлсак, — тушунтирди
полковник. — Дўстимнинг иш услуби шундан иборатки,
у ҳаммавақт воқеалар ривожини ўз қўлига олишга, уни
ўзи бошқаришга интилади ва бу билан шундай вазиятни
вужудга келтирадики, жиноятчи ўзи келиб, ўзини тутиб
беришга, фош қилишга мажбур бўлиб қолади.

Хубер ўйланқираб осмонга тутун пуфлади.

— Агар мен тўғри тушунган бўлсам, бу шундайки,
жаноби Шалго жиноятчини фош қилгунга қадар ўша
жиноятчининг ким эканлигини яхши билади. Жағоб Шал-
гонинг эса, жиноятчи ўз оёғи билан келиб, қани мени
ушланглар, мен айбдорман дейишини кутишдан бошқа
иши қолмайди...

— Ҳа, шунга яқин келади, — тасдиқлади Кара.

— Лекин бундай ҳол бўлишини тасаввур қилиб
бўлмайди! — эътироз билдирди Хубер. — Шахсан ме-
нимча бундай ишларда воқеалар ривожини ва амали ода-
тан жиноятчининг қўлида бўлади. Худди шахматдаги-
дек. Ташаббус доим оқ билан ўйновчиларда бўлади. Ахир,
унинг рақиби химояланади-ку.

— Яхши шахматчи химояланиб туриб, хужум ҳам
қилади. Энг уста шахматчи эса, тезда оқ билан ўйнаёт-
ган рақибидан ташаббусни олиб қўяди-да, ўзи хужумга
ўтади, — баҳслашди Шалго. — Сиз шахматни яхши
қўрасизми?

— Яхши қўраман. Лекин афсус, ўйнаш учун вақтим

Йўк, — тан олди Хубер. — Кечирасиз, сиз ҳали ҳам хизматдамисиз?

— Йўк, — деб жавоб берди Шалго. — Нафақага чиққанимга кўн йиллар бўлган. Баъзан кўнгилхушлик учун дўстимга ёрдам бериб юраман.

— Тўғрисини айтсам, ғалати кўнгилхушлик, — деди Хубер.

— Шубҳасиз, — қўшилди бақалок. — Ахир ҳар бир нафақахўрнинг ўзи хушлайдиган бошқа иши ҳам бўлади. Биров бир нималарни тузатади, бошқаси товуқ боқади. Букирни гўр тузатади, дейишади. Мен эса, мухтарам жаноб Хубер, гўрга киргунимча жинойтчини тутиш билан шуғулланаман. Бирон нарсага хавас, майл, унга бутун вужудинг билан сингиб кетганингдагина рўёбга чиқади. Менинг шунга ишончим комилки, одам қариган сари эзгу-ниятларига содиқ бўлиб бораверади. Тўғриси-ни айтганда, биз, қариялар, хатто катта ақл, эҳтирос билан чуқур севиш ва нафратланиш иктидорига эгамиз.

— О, мен сизнинг фикрингизга юз фоиз қўшиламан! — хитоб қилди Хубер. — Нима ҳам дердик, Виктор Меннелнинг котилини топишда сизга чин кўнгилдан муваффақият тилайман.

— Жаноб Хубер, — деди яна полковник Кара, — мен ҳам сиздан баъзи бир нарсаларни сўраб билмоқчийдим.

— Марҳамат, — сигарасининг кулини биллур кулдонга уриб-уриб қоқиб деди немис.

— Сиз билмайсизми, Венгрияда Меннелнинг танишлари бормиди ё йўкмиди?

Фельмери Хуберга тикилди, лекин унинг оғзидан чиқиб турган паға-паға тутун юзидаги ифодани аниқ кўришга ҳудди нардадай халақит қиларди. Мана, тутун тарқадиган шу он лейтенант унинг чехрасида акс этиб турган хорғишликни аниқ-таниқ кўрди.

— Жаноб полковник, сиз билан холис гаплашсам майлими? — жавоб ўрнига сўради Хубер. Кейин ўзининг мойли қўлига қараб қўшиб қўйди: — Дейлик, ўн дақиқалардан кейин.

— Майли, ихтиёрингиз, — ўрнидан қўзғаларкан, деди Кара. — Сизни кутаман.

— Сизни ваннага кузатиб қўяй, — Хуберга таклиф қилди профессор.

Эшикда Казмер кўрипти.

— Отахон, уйда бир ўзингизми?

Шалго чўчиб тушди-ю, фикри бўлипти:

— Фазода Леонов ёлғиз бўлганидек, уйда мен ҳам танҳоман.

Казмер яқинроқ келиб столнинг олдида тўхтади. Кейин кўзлари чакнаб, қарияга шахт билан деди:

— Сизнинг полковник дўстингиз мени қотил деб шубҳаланаяпти.

— У ҳаммадан шубҳаланаётир, — эътироз билдирди унга Шалго ковоғини кўтариб. — Ҳатто мендан ҳам гумонсираётган бўлса ажабмас.

— Одамга қанақадир бемаъни саволларни беради...

— Уйдирма ганлар бемаъни саволларни тугдиради. Бу «Шалгонинг танланган асарлар»идан кўчирма.

— Жиндай бўлсаям майнабозчиликни бас қилсангизчи. Мен жиддий сўраяпман.

— Мен ҳам. Ҳозирги айтган гапим жуда топиб, билиб айтилган гап. Чуқур фалсафий маънога эга.

— Тилимдан тутмоқчимисиз? Чўчимайман.

— Сен фақат моворлаган нондан қилинган бутербродни чўқийсанми?

— Мен ўна куни Будапештга борганимга ишонамайсизми?

Шалго келиб турган эноғини босди-ю, сигарасини кидириб чўнтаklarини пайпаслади, тополмагач, ишқиллаб ўрнидан турди. Лекин Казмер ундан олдинроқ ҳаракат қилиб қолди. Туриб шкафдан бир кути сигара олиб қарияга узатди. Шалго калласини кимирлатиб мишиқдорчилик билдирди-да, бир дона сигаретнинг учини лабига қистириб тутатди.

— Ҳа-я, нимани сўровдинг? Ҳа-ха. Ростдан ҳам ишонамайман. Лекин энди бунинг аҳамияти қолмади. Қари сенга бундай ҳолларда бўладиган одатдаги бир неча саволларни берди. Агар иш жиддий кўчадиган бўлса, у

жуда кўн савол беради. Сен ақлли йигитсан, Казмер, булдан кейин жавоб берганигда ўйлаб туриб жавоб берганинга ишонаман.

— Нималар деярсиз ўзи? Наҳотки сиз ҳам бу аблахни мен ўлдирган деб билсангиз?

— Азизим, бу жудаям жўяли савол эмас, сен муҳандиссан. Ахир ўзинг ҳам физиканинг конупларига ишонмайсан, фақат уни биласан, холос. Шунинг учун ҳам биласанки, улар исбот қилинган. Худди шундай, Карадам Меншелни ким ўлдирганини билмоқчи. У буни исбот қилади. Шунинг учун у билан гаплашганда ўзингни уёқбўёққа ташлашинг ярашмайди. У ҳамма нарсани ишидангинасиғача аниқ билмоқчи.

— Сўрайверсин. Жавоб бераман. Ундан кейин билганини қилаверсин, ўзининг иши. Лекин мен қотилни бу ердан кидирмаган бўлардим.

— Қотилни Меншелнинг таниш-билишлари орасидан кидирин керак.

— Мен, масала, дўстиигизининг ўрнида бўлганимда, аниқло, бу ердаги одамларнинг ичида кимда ақваланг борлигини аниқлардим.

— Назарингда қотил... — Шалго жумлаши охирига етказмай, фикрини хаёлап давом эттирди: Меншель қаёқда қуёшга орқасини тутиб ўтирибди, кимдир сув остидан биқиниб келиб, орқасидан унга ташланади.

— Худди шундай. Кимдир орқасидан келиб бўйнига бинишган, — тасдиқлади Казмер, — ва у ўзини химоя қилмай ҳам қолган. Қотил бўлиб сувга туширган ва қўқатириб юборгану, ўзи яна сув ости билан қирғоққа сушиб кетган. Қамишлар ичи билан кўздан ғойиб бўлган.

— Бу қизик тахмин. Лекин Карага бу тўғрида оғиз очиб кўрма...

— Нима учун?

— Чунки ақваланг худди сенинг ўзингда ҳам бор.

— Мени ўз холимга қўясизларми-йўқми, ахир! — Казмер жаҳл билан кичкириб юборди-ю, ирғиб туриб бунадан чиқиб кетди.

Булдан Лизанинг ким биландир қаттиқ-қаттиқ гаплашган овози келди. Шалго эшикка борди.

— Ёшгина, кўхликкина бир жувон жаноб Меншелни сўрайинти, — шивирлади Лиза ва омборхона томонга имлади.

— Уни ўлган деб гуллаб қўймадингми?

— Нималар деясан, жоним, эсимни ебманми? — ранжиб жавоб берди Лиза. — Машинада келишибди. Қандолат магазинининг олдида тўхташди. Хоним машинадан тушди-ю, эркак киши тушмай уни кутиб машинада қолди.

— Бу ёққа таклиф қил уни, — деди Шалго. — Кейин машинанинг рақамини ёзиб ол. Хафа бўлма, рақжитмоқчи эмасдим.

Лиза чиқди, Шалго эса эгнидаги костюмини туғрилаб, сочинини таради.

— Марҳамат хоним, бу ёққа, — Лизанинг овози эшитилди. — Қўркманг, ит қопмайди.

— Итларинг борми?

— Жуда ювош. Шуининг учун ҳам қопмайди.

Шалго эшикда турганча равон зинасидан Лиза билан бирга кўтарилаётган юзлари анордай қип-қизил жувошнинг кузатарди.

— Жаноб Шалго, — таништирди уни Лиза, — жаноб Меннелнинг менежери.

— Салом, — сўрашди меҳмон.

— Салом, хоним, — жавоб берди Шалго ва қўли билан аста имо қилиб чиройли соявош остидаги ёзги тўқима курсига ўтиришни таклиф этди, кейин ўзи инглиз лордларига хос такаллуф билан Лизага мурожаат қилди:

— Раҳмат Лиза, сизга рухсат.

Калта оқ юбка кийган меҳмон офтобда қорайган чиройли оёқларини бор бўйича яланғочлаб курсига ўтирди. Шалго ўтиргандан кейин ўзини таништирди.

— Мен Беата Кюртимаан. Менга жаноб Меншель керак эди.

— Дўстим Викторни нима иш юзасидан қидиряписиз?

Қиз сумкачасидан сигарета олди-да, оёғини чалмаштириб чекди.

— Виктор Меншель тоғамнинг ўгли бўлади, — деди у.

Шалго лол қолганидан сигара тутунини ичига шунча кўп тортиб юбордики, оқибатда қаттиқ йўтал тутди. Унинг юзлари қизариб, майда тер босди. Хайратга тушганини сездирмай фикрларини тартибга солиб олди. «Тағин илқуварга омад керак эмасмиш-а! — ўйлади у. — Бекор

ларни айтибди! Бир неча кун мобайнида нима қилишингизни, бошингизни қасрга уришингизни билмай ётган пайтингизда контрразведкачиларнинг хомийси бўлмиш қандайдир номаълум маъбуда томонидан юборилган гўзал бир малла сочли фаришга қаршингизда намоён бўлсада, ниҳоятда табиий овоз билан: «Виктор Меннел тоғамнинг ўғли бўлади», деб турса. Мана буни нақ мўлжалга уриш дейдилар. Бироқ афсуски... Тўғри, худди шу ўринда Лизанинг ўқи хато кетди. Мени Меннелнинг менежери дейиши керакмасди. Афтидан, қиз ўз тоғаваччасининг менежери бўлишини табиий бир ҳол деб ҳисоблаган. Унда маълум бир муддат қулоққа жуда жарангдор эпитиладиган ролни ўйнашимизга тўғри келади. Тузатиш киритишга ҳаммавақт ҳам улгураверамиз. Ҳарҳолда ҳозир ўзимни менежерларга хос сиёлик билан тутишим зарур...» Шалго йўталгани учун айбни Гавана сигарасига тўнкади-да, кечирим сўради.

— Кечирасиз, исмингизни дурустроқ эшитолмай қолдим.

— Беата, Беата Кюри. — Қиз гўё Меннелни қидираётгандай равонга қизиқсиниб қараб чикди-да, кейин тушунтирди: — Мен Меннелдан бугун тушдан кейин келгин деган хат олгандим.

— Бугун?

— Ҳа-да. Йигирма олтинчида. Мен кунни чалкаштирмаган бўлсам керак деб ўйлайман? — табассум қилиб сўради меҳмон.

— Йўқ, чалкаштирмадингиз. Бугун йигирма олтинчи июль. Шанба. Қизиқ... — Шалго жим бўлиб қолди, кейин ўйланиб қолгандек бир нуқтага тикилди. — Бундан чикди сиз билан... Виктор... — Шалго ясама қариндош-уруғчилигини ўзи сайраб берсин деган ўйда атайлаб чашилди.

— Менинг онам — Меннелнинг отасига сингил бўлади. — тушунтирди Беата, — унинг қизлик фамилияси Меннель.

— Ҳа-ҳа... Шуни маълум қилиб қўйишим керакки, Виктор гарчанд ўз оила аъзолари, қариндош-уруғларини ташириб юришни ёқтирмаса ҳам...

Қизнинг чехрасига ҳам қўлка солгандек бўлди.

— Уйда йўқми? — ташвишга тушиб деди у.

— Афсуски, йўқ, — деди Шалго. — Менда манзилингиз бўлганда албатта, албатта маълум қилган бўлардим...

— У кетганми?

Шалго оғзидан тутун халқасини чиқарганча ғамгин қиёфада меҳмонга боқди:

— У ўлди.

Беатанинг феруза кўзлари тиниқлашди; овзини юмишни ҳам унутиб сумкасидан шоша-пиша бир нималарни кидира бошлади.

— Ўлди? — аста такрорлади у.

— Ўлдирилди. Йигирманчи июль эрталаб. Деярли бир ҳафта мукаддам.

— Ёлвораман, хазиллашманг, — ранги докадай оқариб деди Беата.

— Бунақа нарсда хазиллашиб бўлмайди, — эътироз билдирди Шалго, кизнинг ҳар бир хатти-харакатини синчковлик билан кузатаркан... Ўлдиришди. Кимдир бўғиб ўлдирган... эҳтимол кўпчиликдир... Лекин ким, нима учун бундай қилди — номаълум. Балки Беата, сиз бирон нима билан ёрдам берарсиз. Дафн этиш борасида...

— Ўлдиришди? — шивирлаб қайтарди киз саросималаниб қаёққадир бўшлиққа тикилганча. У намсиз кўзларига жон-жаҳди билан дастрўмолини босар, гўё одоб юзасидан жилла курса бир неча томчи ёшни сиқиб чиқаришга уринаётгандай эди.

— Хоним, таъзиямни қабул қилинг.

— Раҳмат, — ўша-ўша паст овоз билан миннатдорчилик билдирди меҳмон.

— Эҳтимол, ойингизга хабар берсак яхши бўлармиди? — деб сўради Шалго. — Мен сизга жон деб ёрдам бераман. Келинг, телеграмма жўнатайлик.

— Ойимга? Менинг ойимга-я?

— Ҳа-да! Полиция мархумни дафн қилишга розилик ҳам берган.

Онаси эланишни билан киз гўё хушига келгандай бўлди ва ўзини қўлга олди.

— Йўқ-йўқ! Бунинг унга маълум қилиш керак эмас.

— Йўқ бўлса йўқ-да. Ўзимча ўйловдим... Бу ерга Гамбургдан Виктор Меннелнинг бошлиғи Хубер келган.

Балки ойингиз Меншелни қаерга дафи қилишни — уни шу ерга кўмадимни ёки жасадини ўз ватанига олиб кетдимни, шуни кенгашармиди девдим.

Беатанинг юзлари асл ҳолига қайтди, кўзларидан кўркүв ва саросималик ғойиб бўлди — кизнинг ўзини кўлга олгани ва у хотиржам бўлиб, бўлар иш бўлибди, онди ўлганни қайта тирилтириб бўлмайди, дегандек кулфатга кўниккани шундоқкина сезилиб турарди.

— Жаноб Шалго... — аста, сўзларни чертиб-чертиб танига тушиди Беата. — Ўлим мени ғоят оғир ахволга солиб қўйди. Буни мен сизга қандай қилиб тушунтиришни ҳам билмай қолдим. — Беата чуқур уф тортиб тилининг учи билан лабини ялаб қўйди. — Ҳаракат қиламан... Балки тушунарсиз... — Беата сигарета чиқарди, лекин уни чекмай бармоқлари билан эзди. — Ойимнинг Викторнинг отаси билан муносабатлари ёмон. Дейишим мумкинки, бир-бирларини жуда ёмон кўришади. Отгани ўқлари йўқ. ҳатто ойим Виктор Венгриядалигиниям билмайди.

— Ундан хат олдик, дегандингиз-ку.

— Ҳа. Хатни мен олганман. Қаллиғимнинг номига. Ойимга завод дам олиш уйига уч кунга йўлланма бор, деб келганман. Врачларнинг кўрсатмаси бўйича. Шунинг учун уч кунни бу ерда ўтказмай туриб уйга қайтишим мумкин эмас.

— Аҳволингизни тушунаман, хоним, — калласини кимирлатди Шалго ва ўзича дам олиш уйи билан боғлиқ машинани қиз ҳозир ўйлаб топди, деб қўйди. Шу сабабли бу нарса унга мутлақо ўтиришмади. Аммо... Воқеа ҳаляти йўналиш олганди! — Йўлланмангиз қайси дам олиш уйига?

— Менда ҳеч қанақа йўлланма йўқ. Айтдим-ку, ойимни алладим деб. Биз мана шу уч кунни Викторникида меҳмон бўлиб ўтказамиз, деб мўлжал қилгандик. У бизга хона топиб берарди...

— Қаердан?

— Отелдан. Ё бошқа бирон жойданми. Ўзингиз биласиз-ку, чет элликларга бунинг яраси енгил.

— Тўғри, лекин бу ерда иложи йўқ. Отель тўлиб ютган, хоним. Дала ҳовли эгаларидан илтимос қилиб, омадни синаб кўриш мумкин албатта.

— Энди биз нима қилдик? — Беата зајигалкасини ёкиб савол назари билан бақалоққа қаради.

— Сизлар мени посёлка идорасига олиб борсангиз, бирон иложини қилишга уриниб кўраман, — жавоб берди Шалго. — Отелда танишларим бор. Қаллигингиз ҳам сиз билан бирга қолмоқчимиз?

— Шундай.

— Демак, сизга иккита хона керак экан-да?

— Йўқ, биз никоҳдан ўтганмиз, — Беата никоҳ узугини кўрсатди.

— Ҳа-ха, тушунаман, — кулди Шалго. — Унда мени дарвозанинг олдида кутинг. Ҳозир сгиб бораман.

Беата кўча эшикдан чиқди дегунча Шалго имлаб Лизани чақирди.

— Мен посёлка идорасига кетдим, — деди у аста. — Қизнинг оти Беата Кюрти. У Меннели аммасининг қизи. Эрнега айт. Домбаи унинг картотекада бор-йўғини аниқласин. Машинанинг рақамини ёзиб қўйдингми?

— Ҳа.

— Айт, ўртоқлар машина кимга қарашли эканини аниқлашсин. Эрнега айт, бунинг таги лойқа. Агар Домбаидан қизикроқ бирон ахборот оладиган бўлса, менга хабар қилсин. Мен қаҳвахонада бўламан. Агар у ердан тонишолмаса, қаердалигимни Ева билади.

— Тушундим. — Деразадан Лиза дарвоза олдида «Опель» келиб тўхтаганини кўрди. «Ўйинчоқ»ни нима қилай? Тайёрлаб қўяйми?

— Билмайман, — елкасини қисди Шалго. — Эрнедан гап тегади деб кўрқялман.

— Унга айтмай қўя қол.

— Таваккал қил демоқчимисан?

— Биздан нима кетди?

— Бўпти. Бошла. Фақат эҳтиёт бўл.

Лиза эрини дарвозага кузатиб чиқди. Шалго базўр машинага чиқиб қўлини силкигунча кутди. Хатто «Опель» ўрнидан кўзғалиб бирпасда бурилишдан ўтиб қораси кўринмай кетди ҳамки, у машинанинг орқасидан қараб тураверди.

Иштван Фельмери боғнинг кўлга туташ пастки томонида тўлкинлар урилавериб ялтиратиб юборган катта-

кон бир харсангинг устида, офтоб тигидан кочиб кенг соя ташлаб турган шумтолнинг остида пайпоқ ва яна алламбалоларни юваётган Илонкага қараб ўтирарди. Қуёш эбтига олиб қиздирар ва бечора лейтенант терлаб жикқа ҳўл бўлиб кетган эди.

— Лейтенант, тепангизга қаранг, миянгиз қайнаяпти, — гап отиб хазиллашди қиз. — Жилла қурса кўйлагингизни ечиб қўйсангиз бўларди...

Фельмери бошқа ялинтириб ўтирмади. Кўйлагини ечиб ташлади-ю, водопроводнинг олдига келиб бир неча дақиқа мушакдор елкаларини муздек сувга тутиб турди.

— Ёрдам берайми? — деди у ўз навбатида ювилган кирларни сирли тоғорага тахлаётган қизга қараб.

— Энди ёрдамнинг нима кераги бор? Бояроқ қаердайдингиз! — Йигитга тегажоклик қилди Илонка. — Лйтмокчи, тоғорадаги сувни тўкиб ташлай қолинг. Унгача мен буларни осиб келаман.

Ҳа, бу коратўр қиз ростдан ҳам лейтенант Фельмерининг юрагидан уриб қолганди. Шунинг учун у тоғорадаги сувни тўқди-ю, оёқларининг учида чўзилганча назокат билан дордаги кийимларни тўғрилаётган қизга беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди.

— Сиз сузишни биласизми? — ўгирилмасдан сўради Илонка. У бу гапни шу қадар кутилмаганда айтдики, Фельмери, ҳатто бирмунча вақт нима деяриши билмай эсанкираб қолди. Жавоб беришга оғзини жуфтлаганда эса, кечиккан, қиз кирларни осиб бўлиб қўл томонга қараб кетаётган эди. Фельмери ҳам унинг саволини бирга чўмиламизми деган маънода тушунди-ю, унсиз, тор сўқмоқ билан унга эргашди. Чунки ўсган киёқлар узра тушган сўқмоқ тўша-тўғри худди ўроқ ой сишгари эгик бурушининг ўзига олиб чиқарди. Буруннинг четидаги кичкинагина қўлтиқда яшнаб учта мажнунтол ўсар, унинг нарёғи эса худди девордай қамишзор эди. Мажнунтоллар тагида шинамгина жой бўлиб, сувгача эгилиб тушган шохлар ерга қуюқ соя ташлаб турарди. Ўша ердан шинаби келиб туташган тепалик ва унинг бағридаги боғроғлар, худди солдатлардек соф тортиб турган ток йўллари, ундан нарида, тепаликнинг чўққисиди эса, кўзни қамаштирадиган даражадаги оқ уйлар, дачалар ва виллалар худди кафтдагидек кўриниб турарди.

— Нақадар гўзал! — ўртадаги жимликка раҳна солишга қарор қилди лейтенант ва ечина бошлади.

— Мен халигача саволимга жавоб эшитмадим! — Илонка шундай деб устидаги шортини ечиб ташлади-ю, эғнида фақатгина тор бир нарча плавкаси қолди, — Сузишни биласизми? Бўлмаса, ўзингиз билганингиздек баъзи бировлар чўкиб кетяпти.

— Олимпия чемпиони бўлишимга, тўғри, ҳали кўп қовун шишиғи бор, лекин сувда ўзимни ушлаб тура оламан... Бирмунча вақт, — камтарлик билан жавоб берди лейтенант. — Нима, бу ер ҳақиқатан ҳам чуқурми?

— Упчалик бўлмасаям, ҳарҳолда чўкиш учун етади. — Қиз шундай деб қичқирди-ю, югуриб келиб сувга калла ташлади. Бир оз муддат сув остида йўқ бўлиб кетиб кейин бошини чиқарди-да, сув пуфлаб қичқирди. — Ҳа, лейтенант нимага ағрайиб қолдингиз? Бирам мазаки! — шундай дея оёқлари билан сувни сачратиб, лейтенантни чорлагандай қўлларини силкий бошлади.

Лейтенант бирпасда уни қувиб етди ва шундан кейин иккаласи ёнма-ён суза кетди: Илонка орқаси билан сузар, лейтенант эса бир-бирини яхшилаб кўриб гаплашиб кетиш учун ундан бир метрча нарида қурбака сузини усулида борарди.

— Мешель ҳам сузишни билармиди? — сўради Фельмери. — Сиз чамаси у билан ҳам бирга сузган бўлсангиз керак. Эҳтимол бир эмас бир неча бор.

— Э-э! Бунақаси кетмайди! Сувда сўроқ қиялпсизми?

— Шундай бўлса ҳам айта қолинг!

— Бор-йўри бир марта... Ўша қуни кечга томон, Буни билишингиз шу қадар муҳимми?

— Менга эмас «йигит»ингизга керак.

— «Йигитим»га? — Илонка орқасидан қорнига ағдарилди-да, Фельмерига қаради. — Ким экан йигитим?

Лейтенант бошини сувга тикиб, бирмунча вақт шундай сузди. У бошини кўтариб қизга қараганда у ҳали ҳам ўша-ўша кизиксиниб, дейиш мумкинки, хайратланиб ўзинга қараб турарди.

— Ким экани нимаси? Қазмер Табори-да.

— Нега энди у менинг «йигитим» бўларкан?

— Бунга юз фоиз ишончим комил! — тезда жавоб

берди лейтенант. — Ҳар қанақасига гаров ўйнашга тайёрман.

Улар бир айланишиб орқага — қирғоққа қайтишди.

— Нима сабабдан бу қадар ишончингиз комил?

— Буни унинг ўзини тутиши айтиб турибди. Рашк қилибди. Меннелга тарсаки солиб юборибди...

— Сиз-чи?.. Унинг ўрнида сиз бўлганингизда бошқача қилган бўлармидингиз? — деб сўради Илонка сувдан чиқиб кўкатлар устига ўтираркан. У Фельмери узатган сигаретани олиб чекди-ю, шоша-пиша тушунтиришга тушиб кетди. — Казмер мени туғилганимдан буён билишини унутманг. У, ҳатто гўдаклигимда мени боққан десам янглишмайман. Шундай бўлгач, Меннель сурбетлик қилганда, ёнимни олиши табиий эди. Худди акамдек, таъбир жоиз бўлса.

Фельмери индамай ўт юлиб ўтирди.

• Бўлиши мумкин, — деб ўйлади у. — Лекин у қадар ишончли эмас. Унинг эсига дарров Илонка билан Казмернинг учрашувини илк бор кўргани келди. Муҳандиснинг биринчи чақирғига қизнинг учиб келиши, уни кўриб келарининг ёришиб кетишлари, кўлини чўзиб назокат билан кўришишлари, кейин эса, бир-икки оғиз гаплашишгач, бирданга чехрасига қайғу кўлка солишларичи. Қиз билан гаплашгандаги Казмернинг қиёфаси-чи? Йўқ, бу ҳеч қачон ака-сингил орасида бўладиган муносабат эмас... Фельмери қизнинг елкасига юлиб олган майсаларини ташлади.

— Илонка, менга Меннель ҳақида ганириб берсангиз... У қанақа одам эди ўзи?

Қиз бошини орқасига ташлади-ю, ўйланиб, тиниқ осмонга тикилди.

— Тўғриси янги айтсам, мен уни хали яхши билмасдим. Қанақа одам эди дейсизми? Нима десам экан-а? Беандиша, сурбет ва калондимов эди. Доим дангал иш қиладиганлар тоифасига кирарди. Нимани назарда тутаятганимни тушунаётисизми?

— Ҳа.

— Назаримда, Меннель Венгрияга келганда биз ҳақимиздаги бор гапларни ниҳоятда яхши билиб келган. Ҳар қолда ўзича шундай деб ҳисоблаган. Кимдир унга кўнрақ кўнрақлари гах десанг кўлингга қўнадиган бўлади,

деб уқтирган. Фақат имласанг бўлди, ғарблик меҳмоннинг кўрпасига кириб кетаверади, деб айтган. У менга шундай маънода бир нималарни таклиф қилганди. Сиз эҳтимол, мен Матэ амакига айтган гаиларимни ёлғон деб ўйлаган бўлсангиз керак? Бўйинингизга олинг, шундай деб ўйладингиз-а? Бунга ўзим айбдорман, ўзим йўл қўйган эдим. Бўлмаса, шундай дейишга журъат қилолмаган бўлармиди?

— Йўқ... л-лекин... умуман... албатта, — жавоб беришдан ўзини олиб қочиб минғирлади Фельмери.

— Гап бундай: у ўзини бундай тутиши учун ҳеч қачон жиловни бўшаштирмаганман. Чин сўзим! Фақатгина у билан хушмуомала бўлгандим, бор гап шу. Чак-чақлашдик, ҳазиллашдик. У менга ўз саёҳатларини гапириб берди. Ер шарини уч марта айланиб чиққан экан. Қиз орқасини куёшга тутиб ағдарилиб ётиб олди. Бир оз жимликдан кейин қўшиб қўйди. — Меннелни ахборот берган одамлар йўлдан оздиришган. Казмер тарсаки тортиб юборганда у қотиб қолди. Калтак зарбидан эмас, асло! Хайрон қолганидан. Тентак, нега мени уряпсан, дегандай...

— Меннель бир марта бўлсаям бу ерда, Венгрияда танишларим бор, деб айтганми?

Илонка узоқ вақт жавоб бермади: Меннель билан бўлган суҳбатларининг ҳаммасини хаёлан элақдан ўтказди. Буни ўзича тушунган Иштванга қизнинг жимиб қолиши ёқмади.

— Йўқ, — ниҳоят тилга кирди қиз. — Шунга ўхшаш бирон нарса деганини эслолмайман. Бир сафар нимадир бўлиб, фақат бу мамлакатни жуда яхши биламан, дегани бор. Лекин унинг бу гапи илгари ҳам келганман дегандай маънода эшитилмади. Мен ўшанда буни одатдаги мақтанишларидан бири деб ўйлаб қўя қолгандим...

— У қўли билан ҳўл майсани силаб қўйди-ю, лейтенантга қарамай аста деди:

— Мен сизнинг хотинингизга ачинаман.

— Менинг хотиним йўқ.

— Бўлмасам қайлигингизга!

— Нега энди?

— Сиз уни савол беравериб тинкасини қуритардингиз!

— Агарда бизнинг ишимиз фақат савол-жавобдан иборат деб ўйласангиз хато қиласиз. Ҳозир иккаламиз шундоққина гаплашиб ўтирибмиз. Айтинг-чи, бу ходиса сизни ҳаяжонга солмадими? Ахир бир одамни ўлдириб юборинди-ку! Уни ким ва нима учун ўлдиргани сизни қизиқтирмайдими?

— Нега қизиқтирмас экан? Наҳотки сиз Казмерни қотил деб шубҳаланаётган бўлсангиз? — қутилмаганда сўраб қолди қиз ва кейин қўшиб қўйди: — Бориб турган бемаънилик! Бу ерда унинг тариқчайм дахли йўқ.

Фельмери қизнинг кўзларида қандайдир ҳадик, кўрқув акс этганини сезиб қолди. Лейтенант қиз унга ҳамма гапни гапирмаганини, бирон бир муҳим нарсани сир тутаётганини билди.

— Ким бунга қатъий қафолат бера олади? Меннель шахсиятига теккан кимсадан тўқнаш келиб қолганда ўзини олишга интилган бўлса-чи? Ва бу тўқнаш худди йигирманчида эрталаб содир бўлган бўлса-чи?..

— Ахир, улар учрашгани йўқ!

Фельмери бу гапдаги қатъийлик оҳангини эътиборга олиб қўйди-ю, ўзини Илонканинг гапи у қулоғидан кираиб бу қулоғидан чиқиб кетгандек қиёфага солди.

— ...Казмер Меннель билан муштлашганини унутиб, унинг олдига келибди-да, хушмуомалалик билан сўрашибди. Шунда Меннель бирданига унга тапганиб қолибди-кимикин?!

— Ақлингиздан озганга ўхшайсиз! — хайқириб юборди Илонка лейтенантни ёмон кўриб кетиб. — Мен сизга айтдим-ку, ахир: улар бошқа учрашишгани йўқ, йўқ! Казмер Будапештда эди. Кейин... — у шундай деб бир оғангадан тўхтаб қолди. — Меннелнинг ўзиям Казмерга ҳужум қилмасди. Аксинча, у билан муносабатларини яхшилаб олишга интилганди. Тушунарлими?

— Бўли сиз қасрдан билдингиз?

— Биламан. Мен айтганимдан кейин гапимга ишонинг.

— Ҳа, энди, — жилмайиб қўйди Фельмери. — Сиз шундай деб турганингиздан кейин ишонмасдан бўларканми!

— Бекорга мени калака қияпсиз. — Илонка туриб, ўзининг устида чордона қуриб ўтириб олди. — Сиз ўзин-

гизни доно ҳисоблаб, ўзгаларни бориб турган подон деб ўйлаяпсиз.

Ҳаяжонланганидан қизнинг овози титраб чиқар, юзлари эса қизариб кетган эди.

— Нималар деяпсиз, Илонка? Мен, масалан, ўзимни ҳеч қачон бошқалардан донороқ ҳисобламайман, шу билан, жуда подон деб ҳам ўйламайман. Сиз гапларингизга ишонишимни истаяпсизми? Бўпти, ишондим ҳам дейлик. Унда шуни тушуштириб бериинг-чи, Меннелга Казмер билан алоқасини тиклаб олиш нимага зарур бўлиб қолибди? Мақсади нима? Ёки Казмерни у шу қадар ёқтирармиди? Ё ундан бир нималик бўлиб олмоқчимиди?

— Буниси менга қоронғи, — деб жавоб берди қиз ва ўйлапқираб узоқ-узоқларга тикилди. — Билмайман. Лекин барибир бор гап мен айтганимдек бўлган. Гарчанд менга ишонмаган тақдирингизда ҳам.

— Ишонмайман, — катъий қилиб деди Фельмери. — Мен ўз саволларимга аниқ жавоб олмагунимча ишонмайман.

Илонка сергак тортиб лейтенантга қаради.

— Мен, — давом этди Фельмери. — Меннелъ ўлдирилган пайтда Казмер Табори қаерда бўлганлигини билишим шарт. Йигирманчи июлга ўтар кечаси ўзингиз қаерда бўлгандингиз? Илонка, гапимга ишонинг, мен сизга заррачаем ёмонликни соғинмоқчи эмасман. Лекин бу ерда қотиллик рўй бериб турибди-ку. Биз биринчи навбатда қотилни Меннелни билган, у билан алоқада бўлган одамлар орасидан қидиришимиз шарт. Сиз эса, кўнглингиздаги бор гапни ўртага ташлаш ўрнига миқ этмайсиз ва бу билан ўзингизни нубхага қўяяпсиз. Менга бу қадар ишончсизлик билан муносабатда бўлишингизнинг бонси нима?

— Нега ишонмас эканман?

— Унда айтинг-чи, ўн тўққизинчидан йигирманчига ўтар кечаси қаерда бўлгандингиз?

Илонка лом деёлмай қўлидаги майсани тишлади.

Кара қайтиб келгандан кейин Лиза унга Шалго билан Беата Кюрти ўртасида бўлиб ўтган суҳбат мазмунини гапириб берганда у анча жонланди. Меннелнинг Венгрияда қариндошлариники топилибдими, демак, қидирув доирасини кенгайтириш керак. Лекин нима учун буни майор Балинг билмайди. Наҳотки у Меннелнинг анкетасига, унинг «чиқиш делоси»га назар ташлаб қўйиш эсидаш чиққан бўлса? Шуниси ҳам борки, Меннель ўз анкетасига венгер қариндошларини кўрсатмаган бўлиши ҳам мумкин.

— Фельмери қаерда?

— Илонка билан чўмилгани кетди.

— Дарров-а, лекин у бу гўзални нишонга олган. Лиза, сизга иш бўлмаса, лейтенантни кидириб кўрсангиз.

— Унга нима дей?

— Зудлик билан Домбаи билан борлансин, Беата ҳақидаги бор маълумотларни аниқласин, кейин «Опель»нинг эгаси фамилиясини билсин.

Лиза чиқиб кетди, орадан бир оз ўтгач, меҳмонхонага Отто Хубер кириб келди.

Кара унинг янги қирилган бетига қараб бирдан қаердир танишдай кўришиб кетди. Полковник тез хаёлини элақдан ўтказди: бу чехрани илгари қаерда кўрган экан? Лекин ўз саволига жавоб тополмади. Кейин ҳар бир одамнинг ҳам хаётда ўхшаниши бўлиши мумкин, деган хаёл билан ўзига таскин берди. Тўғри-да, бир эмас, бунақа одамлар бир нечта бўлиши ҳам мумкин.

— Шундай қилиб, жаҳоб Хубер энди биз иккаламиз тамоман холи қолдик, — деди Кара.

— Сиз билан холи гапланишга имконият яратиб берганингиз учун миннатдорман, ўртоқ полковник, — ташаккур билдирди Хубер ва кўкрак чўнтагидан чарм тамакидон чиқарди. — Олинг!

— Раҳмат. Мен сигарета чекаман, — деди Кара ва сигарет тутатди. Унга Хубер нимадир муҳим бир нарса

хусусида гапирмоқчи бўлиб ҳамон тараддудлапаётгандай туюлди. Дарҳақиқат, у гапирмай дам костюмини, дам кулдонни тўғрилаб вақтни чўзарди.

— Жаноб полковник, — ниҳоят тилга кирди Хубер, — агар мен билан гаражга тушишга майл билдирсангиз мен сизга Меншеллинг машинасидаги жуда устмонлик билан ниқобланган рацияни кўрсатишим ва унинг овоз чиқармай отадиган тўппончасини берардим.

— Рация? Тўппонча? — ўзини каттиқ ҳаяжонланганга солиб ҳайқириб юборди у. — Сиз ҳазиллашяпсиз?!

— Ўлим қанчалик муҳаққаҳ бўлса, мен ҳам шунчалик жиддийман, — хотиржам эътироз билдирди немис. — Бу гап сизни лол қилиб қўйишини ўзим ҳам билгандим.

— Инкор қилолмайман, — тан олди Кара. — Лол қилдингиз. Бундай ҳоллар менинг фаолиятимда камданкам учрайди.

Хубер бир болакай норасо ишлар қила-қила ота-онасининг олдида тавба қилишдан бўйин товлаб, охири тавба-тазарру қилгандай снгил нафас олиб хўрсинди.

— Энг қийини ортда қолди, — деди у. — Бу нарса катта машаққат билан юзага келди. Бу дақиқаларда, ўртоқ полковник, мен ўз тақдиримни ҳал қилишим лозим бўлди десам, лоф қилмаган бўламан. Лекин ё остидан, ё устидан, мен бир йўлни ташладим. Умуман, олганда, инсон ўз қилмишлари учун мардона жавоб бера билиши ҳам керак... Лекин гаражга тушишимиздан илгари сиз билан бир масалани ойдинлаштириб олишим керак.

— Марҳамат.

— Сиз менинг айтган ва ҳали айтишим мумкин бўлган гапларнинг барини сир сақлайман деб ваъда берасиз.

— Шундай бўлади.

— Буни ўзимга қарши ишлатмайсиз.

— Нимани назарда тутяпсиз?

Хубер полковникка тикилиб қаради. Унинг киёфаси очик кўнгил, юрагига қўл солиб кўришларидан заррача-ям кўрқмайдиган одамнинг кўринишига ўхшарди.

— Мени кўрқитмасликларини, ёлланга интилмасликларини истардим.

— Сиздан олинган маълумотларни биз махфий сақлашимизга сўз бераман. Шунинг учун бизга фақат сиз

дозим деб ҳисоблаган парсаларни, шунда ҳам зарур деб билган даражада маълум қилишингиз мумкин.

— Раҳмат, жаноб полковник, — Хубер бир печа дақиқа кўзини юмганча бармоқларининг учи билан чаккаларини ишкалаб турди, кейин худди фикрини тўплаб олмоқчи бўлгандай калласини силкитиб юборди. Ниҳоят рюмкани тўлатиб коньяк қўйди-ю, бир кўтаришда бўшатиб, гапга тушди. Лекин унинг нутқи олдингидай бир текис, босинқи эмасди. Гаплари ўзини босиб, гуноҳларини ҳалол бўйнига олаётган жиноятчининг гапларидай чиқарди.

— Менинг уруф-аждодим ҳарбий ўтган. Бобом ва дадам ҳам офицер бўлишган. Эхтимол фельдмаршал Гинденбургнинг бош штабидаги пиёда қўшинлар генерали Отто фон Хуберии эшитган чиқарсиз. Мен ҳам солдатлик йўлидан кетдим. Мен эришган мартаба, умуман олганда, бутун прусс офицерларига хос мартаба эди. Ёшлиқданок бош штабнинг офицери бўлдим ва... национал-социалист эдим. Тез орада мени Венгриядаги империя ҳарбий атташесининг офицери қилиб тайинлашди ва мен венгер тилини ўрганишим ва Венгрия бош штабчилари билан алоқа ўрнатишим лозим эди. Мен булар баришни ниҳоятда катта майл, рағбат билан амалга оширдим, ишимда, айтишларича, «анча-мунча натижаларга» эришганлигим ҳақида гапиришарди. Пешанаси ярқиллаган бўлганим учунгина бундай муваффақиятларга эришганим йўқ. Венгр офицерлари ичида учинчи рейх олдига қўйган мақсадларга хавасмандлар кўп эди. Кейин фронтга жўнатишди. Ғалаба қилайлик деб ўлдирдим, ўзимнинг жонимни асраб қолай деб одам ўлдирдим. Норвегия, Шарқий фронт, Москва бўсағасидаги жанг, Курск, Орёл, Воронеж... Кейин Нормандия. Дадамнинг фюрерга қарши фитна уюштирганларга қўшилганини эшитганимда, ундан воз кечдим ва қатл этишларини талаб қилдим. Дадамни осиб ўлдиришди. Мен мана шунақаман, жаноб полковник. Кўкрагим орден билан тўла эди. Ҳар сафар орден олганимда қувончимнинг чеки бўлмасди. Кейин асирга тушдик, французларга. Бизга аёвсизларча муносабатда бўлишди. Мен одамларни исён кўтаришга чорладим. Билмайман, ўшанда мени нима учун отиб ташлашмаган экан? Фақат карцерга ташлашди. Оккупация

даврида бу камерада француз, голланд, немис антифашистларини жазолашган экан. Афтидап, бу ўлимга ҳукм қилинганлар камераси эди. Деворларга ёзиб ташланган сўзлар одамнинг хаёлини ҳар томонга олиб қочарди. Ўлимга маҳкум қилинганларнинг мана бу видолашув сўзлари менда фикрлашга истак уйғотдими ёки мен билан камерада бир неча ой бирга бўлган муаллимми, биллолмадим. Аслидаям билмайман. Шуниси муҳимки, мен ўйлай бошладим...

Кара Хубернинг тавба-тазарру қилиб айтаётган гапларини диққат билан тинглади. Баъзи бир ашаддий гитлерчилар ва прусс юнкерлари болаларининг ўз ўтмишларидан ҳазар қилиб гапиришлари унинг учун ажабланишли ҳол эмасди. Шу билан бирга шунча йил контрразведкада ишлаб орттирган тажрибасидан одамнинг фақатгина сўзига ишонинг мумкин эмаслигини яхши билса ҳам, ҳозир Хубернинг чин юракдан айбларини бўйнига олаётганига шубҳаланиш учун асос ҳам йўқ эди.

— Гапимга ишонинг, жапоб полковник, — давом этди Хубер. — Мен ўзимдан жиркана бошладим. Ўтмишимдан. Лекин ўзимни ўлдириш учун менда журъат етишмасди. Сиз билан менинг орамизда катта фарқ бор. Лекин мен ҳам худди сизга ўхшаб уруш бўлишини хохламайман. Мен ундан нафратланаман. Турмушим яхши. Собиқ жангчи сифатида юртимда баъзи бир имтиёзларга эгаман. Барибир мана шу ўтган йигирма йил мобайнида нимадир қилишим кераклигини ҳис қилиб келаман. Биздаги баъзи бир эътиборли доираларни ром қилиб қўйган неофашистик кайфият, рух билан чиқишолмайман. Билан, фашизмнинг қайта дунёга келиши сизни ҳам безовта қилади. Мана мен биричи кадамни ташладим. Йўқ, бу билан мен сизга хизмат қиламан демоқчи эмасман, агар менга шундай деб таклиф қилинса, оёғимни тираб туриб олиб қаршилик кўрсатган бўлардим. Лекин мен қилган гуноҳларимнинг жилла қурса бир қисмини ювиш ниятидаман. Менинг гапларимга ишонинингизни истардим.

— Сизнинг чин юракдан айтаётган гапларингизга шубҳа қилиш учун бизда асос йўқ, — деди Кара.

— Асос, бунга бор дейлик ҳам. Бунга сиз ҳақлигини эмас, мажбурсиз.

— Жаноб Хубер, юртингизда миллионлаб тинчлик тарафдорлари бор. Биз немис халқи билан бир гуруҳ реакцион сиёсатдонларни илгариги Германияда ҳам, hozиргисида ҳам ҳеч қачон аралаштириб юборганимиз йўқ. Биз сизлар билан савдо-сотик ишларини олиб бормокчи эканмиз, бунинг учун ўзаро ишонч бўлиши муқаррар.

— Гапларингиз мени хурсанд қилди, — шодон деди Хубер. — Унда қулоқ солинг: «Ганза» фирмаси иқтисодий жосуслик билан шуғулланадиган хусусий корхонадан бошқа нарса эмас.

— Демак, Меннелъ жосус бўлган экан-да.

— Ҳа, жосус бўлгандаям, жуда қирриғи.

— Сиз-чи?

— Мен мана шу ташкилотда хизмат қиламан. Бир нақтлар генерал Геленга қасамбд қилгандим, лекин ҳозир разведкачи эмасман.

— Буни қандай тушунсак бўлади?

— Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман, — деди Хубер. — «Ганза» фирмасининг хизматчиларидан унинг махфий фаолияти билан фақатгина «Б» секторининг Шарк бўлимида ишлаганлар таниш эди.

— Сиз шулар қаторига қўшиласизми?

— Мен Шарк бўлимида ишлардим, шу сабабли венгер тилида яхши гаплашаман. Менинг эски танишим Эгон Браун шу бўлимда «Б» секторини бошқарарди. Бир вақтлар биз иккимиз бош штаб мактабида бирга ўқиганмиз. Мактаб тугагандан кейин Эгон абверга тушди. Менинг ўтмишимни, фронтдаги хизматларимни яхши билгани учун у бундан икки йил муқаддам ўз ҳузурига чақирди-да, менинг билимларим, тажрибамни кўзда тутиб, ишга таклиф қилса розилик билдиришимга умид бўлади. У ўзлари Шаркий Европада, жумладан, Венгрияда ишончли агентура шохобчасига эга эканликлари ҳусусида гапирди. Менга эса шохобчанинг Венгрия йўналишини бошқаришимни таклиф қилди. Мен рад этдим. Қаридим, ундан ташқари ўз ўтмишимни энди эсламайман, дедим. Лекин барибир Браун мени «Б» секторининг ишларига жалб этишга муваффақ бўла олган экан, ташкилотимизнинг мана шу бўлимасига ўтказишни мақсадга мувофиқ деб билди ва мендан маълумотларни биринчи ерда оғиздан гулламаслик ҳақида тилхат олди. Худ-

ди шу алфозда мен «Б» секторига тушиб қолдим. Мени доим назорат қилиб туришди. Менга берилган оператив топшириқлар шундай бўлардики, минг тиришсам ҳам секторнинг умумий фаолияти ҳақида бир бутун тасаввурга эга бўлолмасдим. Мен маълумотларни баҳолаш гуруҳида эдим: агентурадан олинган маълумотларнинг қай даражада ишончли ва ҳалол эканлигини аниқлардим. Лекин мана бу ола-қуроқ маълумотлардан ўзимга ажойиб хулосалар чиқарардим.

— Яъни, масалан?

— Масалан, Брауннинг сектори бизнинг жосуслик фирмамизга ўз хизмат мавқеи жихатидан асқотадиган шахсларнинг обрўсини тўкадиган маълумотлар тўплашда беҳато фаолият кўрсатадиган система яратгани шубҳасиз деб ҳисоблайман. Давлат амалдорларининг ошиқ-маъшуқлари, савдогарларнинг фойдаларини молия органларидан яширишлари, қалтис хуморликлар, чет эл сафарига чиққанда валюта билан шуғулланиш ва хоказолар. «Б» секторининг ходимлари ўзлари ҳеч кимни ёллашмайди. Умуман, фирмамиз одам ёллаш ишлари билан Фарбда шуғулланишни маъқул кўришади. Хавфсизрок. Масалан, Меннель ўтган йили ўзининг шарқий европалик агентлари билан учрашишни Италия ва Австрияда олиб борди.

— Меннель нима мақсадда Венгрияга келганини айттолмайсизми?

— Буни жуда яхши биламан. Меннель менга ишонар ва шу сабабли баъзан керагидан ортиқ гапларни ҳам айтиб юборарди. Бир томондан, у венгер саноат фирмалари билан яхши алоқа боғлаш мақсадида келган, бу шубҳасиз. Иккинчи томондан бир неча агентлари билан учрашиши керак эди. Шу билан бирга яна бошқа мақсади ҳам бор эди: у ўтган йили Италияда қандайдир венгриялик хоним ва унинг қизи билан танишиб қолган. Хоним суҳбат асносида уруш даврида бир немис офицери севиб қолганини ва у чекиниш налласида Венгриядан катта бойликни талаганини айтиб берибди.

— Буни сизга Меннелнинг ўзи айтганми?

— Йўқ, маълумотларни баҳолаш пайтида Меннель берган хабарлардан биттаси қўлимга тушиб қолган эди, ўшандан ўқиганман.

— Канака бойлик назарда тутуляпти? — сўради Кара.

— Анигиши билмайман. Қимматбаҳо тошлар, безаклар, тилла тапгалар, валюта — жумладан, анча-мунча доллар ва инглиз фунт стерлинги — яна нималар борлигини ким билади, хуллас, ҳад-ҳисобсиз бойлик. Фашист ўз бойлигини маъшуқасининг вилласига яширган. Уруш тугаши билан қайтиб келаман-да, бойлик билан бирга сени ҳам олиб кетаман, кейин Жанубий Американинг бирон жойида қўшим топиб янги ҳаёт бошлаймиз, деб ваъда берган. Офицер шундай деб бедарак кетган, хоним эса, шунча йил яширилган бойликка қўл тегизишга ҳам қўрқиб яшаб келган.

— Нимадан қўрқади?

— Буни фақат хонимнинг ўзи айтиб бера олиши мумкин. Шундай қилиб, бойлик Венгрияда яширилган. Лекин Меннель ўша аёл билан Венгрияга ўзим бораману бойликни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетаман, сиз эса мен билан орқама-орқа туристик гуруҳ билан килингизни олиб, бирон-бир Фарбий давлатга чиқасиз, кейин топишамиз, деб келишиб олган. Шундан кейин шккаласи хазинани сотишмоқчи, пулларни Меннель билан тўғривоғи, «Ганза» билан баравар бўлишиб олмоқчи бўлинган. Назаримда, Меннелнинг ўлими ҳам қайсидир жихатдан мана шу дафина билан алоқадор бўлса керак.

— Бўлиши мумкин, — қўшилди Кара, — гарчанд бу ҳол ўз-ўзидан бошқа бир саволни туғдирса ҳам. Агар Меннель фойдатамалик йўлида ўлдирилган бўлса, бу ҳолда қотиллар нега ундаги пулларни олмай ташлаб кетинган?

— Ҳа-да. Демак, сиз қотиллик тунаш мақсадида амалга оширилмаган деган фикрдасиз? — гапни илиб кетди Хубер.

— Яширилган дафинани Меннелдан бошқа биров ҳам билганмиди?

— Ўша аёлнинг куёви биларди. Уям улар билан бирга Италияда дам олган ва Меннель билан танишган.

— Бу аёл ҳақида сиз нималарни биласиз?

— Афсуски, оз нарса биламан, — деди Хубер. — Маълумотномада унинг исми қайд қилинмаган. Фақат лақаби бор эди: Сильвия. Унинг кимлигини менга Меннель ҳам айтмаганди. Унинг эри уруш пайтида ҳалок

бўлганлигини биламан. Немис офицерига бева қолгандан кейингина ўйнаш бўлган. Хўш, нима дейсиз, жаноб полковник, бориб машинани қарасак ҳам бўлар.

— Жоним билан, — рози бўлди Кара, лекин ўрнидан кўзгаллишни ўйламай индамай ўтираверди. «Гапза» фирмасининг мана бу жанобини яна бир оз сўроққа тутгиси келаётганди.

— Агар сизга машина керак бўлса, уни бажонудил топшираман, — қўшиб қўйди Хубер. — Уни олиб кетмокчи эмасман. Истаганингизча текширишингиз мумкин.

— Бунинг учун хафа қилишмайдами? Мен шефингизнинг ўрнида бўлганимда машинани қайтариб юборишларини талаб қилган бўлардим.

Хубер маъноли қилиб қўйди.

— Ҳамма гапингиз тўғри, лекин мен унга махфий радиопередатчик ўрнатилганлигини билмаслигим керак. Браун мени бу ёққа жўнатганда Меннелнинг махфий ишлари ҳақида лом-мим деб оғиз очмади. Унга машина ёниб кетди, деб айтаман-қўяман. Сиз эса менга расмий маълумотнома ёзиб берасиз, кейин Браун тинчийди-қолади. Гап шундаки, автомобилда уни бир печа дақиқа ичида ёндириб йўқ қилиб юборадиган яна бир махсус мослама бор. У шундай усталик билан ўрнатилганки, махфий радиопередатчик сизнинг қўлингизга тушмайди. Ўтган йили Польша чегарасидан ўтаётганда божхона ходимлари худди шундай машинани текшириб қолишган. Агентимиз йўқ қиладиган мосламани ишга солиб юборгану, машина ҳамманинг кўз олдида ёниб кулга айланган кўйган.

— Ташаккур, — деди Кара ўридан кўзгаларкан. — Жон-жон деб яна бир печта савол берган бўлардим у аммо ваъдам эсимда.

Хубер бир печа қадам ташлаб остонада тўхтади.

— О, сизни тушунаман, полковник! — хитоб қилди у, — сизнинг ўрингизда бўлганимда мен ҳам Отто Хуберни роса сўроққа тутган бўлардим. Лекин Виктор Меннел тирик бўлганда сиз билан бизнинг мана бу суҳбатимиз, амниманки, бўлмаган бўларди. Мен ҳам ўз-ўзим билан курашим керак-ку, ахир. Бу нарса қўлимдан кетар, деб ўйлайман. Агар шундай бўлса, ваъда бериб айтаманки, бор гапни савол-жавобсиз ўзим айтиб берардим. Тўғри, одамларни соғин, уларни сизларнинг давлат

хавфсизлиги органларингизга тутиб беришга қарор қилиш, ўртоқ полковник, гапимга ишонинг, бу осон нарса эмас. Кейин жаҳоб «Икс» ёки «Игрек»нинг мени деб умри қамокда азоб билан ўтадиган бўлди, деган хаёлда юриш.

— Тушунаман, — калласини ирғади полковник. — Сиз кўз олдимизда сотқин бўлиб чиқишни хоҳламаян-сиз. Нима ҳам дердик, мен сизни бунга мажбур қилмайман. Шусиз ҳам сиздан муҳим маълумотларни олдим.

Кара ҳамёнидан таширф қовозини чиқарди-да, Хуберга узатди.

— Олиб қўйинг. Бу ерда менинг телефон рақамим ҳам кўрсатилган. Агар мен билан зудлик билан гаплашиш истаги туғилиб қолса, асқотар.

Хубер картчкани олиб кисеасига солди.

Гаражга кириб келишганда Кара бирдан сўраб қолди:

— Агар шефингиз Меннель қиладиган ишларни сизга айтмаган экан, бу нарса у бойликка эга бўлиш фикридан воз кечганини аниқлатмайдимиз?

— Ундан бўлмаса керак, — ўткир куёш нуридан кўзини қисиб эътироз билдирди Хубер. — Бу нарса, мени ишга аралаштирмасдан Венгрияга бошқа одамни юборгани ёки энди юбориши мумкинлигини билдирса керак. Гап шундаки — кимни юбориш мумкин? Шуниси ҳам бор, ўша одам чет элдан кириб келиши шарт бўлмаган ҳам керак. У нақ шу ерлик бўлиши мумкин...

Бланка анча ўзига келиб қолди. У иссиқ ванна қабул қилди, дори ичди. Томир уриши аслига қайтди.

Казмер хонага кирди-ю, онасининг тузалиб қолганини кўриб қувониб кетди.

— Ойижон, тузалиб қолдингизми?

— Анча-мунча. Умуман, сенинг гапинг тўғри: касал хонага ётишим керак экан. Фақат шундан қўрқаманки...

— Қўрқманг, ойижон, — уни гапдан тўхтатди Казмер. — Гапимга ишонаверинг, сизда ҳеч қанақа ёмон касал йўқ. Толиққансиз, асабларингиз бўшашиб кетган.

У онасининг қўлини ушлаб лабига олиб борди — менинг сафарга кетишимни юрагингизга қаттиқроқ олдингизми? Тўрт йилгина, холос, бу сизни жудаям қўркиниб юбордимиз, а?

Онаси жавоб бермади. Казмер қошини чимириб қўйди. «Демак, узоқ вақт ташлаб кетишимга ҳали қўникмаяпти-да», — деб ўйлади у ва ойисини юпатишга тушди:

— Тўғри, тўрт йил тўрт ой эмас, лекин ҳар ёзда бир ярим ойдан олдингизга келиб туришимни ҳисобга оладиган бўлсак, ўрним ҳам билинмайди. Ойи, наҳотки бекорга мени ташлашмаганини тушунмасангиз. Профессор мени фақатгина қобилиятим боисидан юборишаётганини, гап асносида менга қаттиқ умид боғлаётганини, қайтиб келганимдан кейин бу ерда мени гаройиб ишлар кутаётганини шама қилиб кетди... Ойижон, — деди у аста, — мен ҳеч қачон хафа қилмоқчи эмасман. Агар кетишим сизни шунча азобга қўяр экан, бугуноқ профессорга хат ёзиб бормаслигимни маълум қиламан...

— Йўқ, Казмер! Худойим-эй! Тушунаман, бу сен учун қанчалик зарур эканлигини. Фақатгина бирмунча вақт ёнимда бўлмаслигингга қўниколмаяпман, холос... — У ўрнидан турди. — Боравер... Боравер, ўғлим. Мен учун энг асосийси — сенинг келажагинг.

Казмер ойисини ўшиб қўйди-ю, қўл бўйига, отелга бориб бир оз сайр қилмайсизми, деб сўради.

— Музқаймоқ билан меҳмон қиламан! — кулиб деди у.

— Жоним билан. Балки сайр қилсам бир оз кўнглим ёзилар.

Улар аста-секин қадам босиб кетишди.

Тушдан кейин кўча сокин ва кимсасиз эди. Ишдан бўшаган одамларнинг баъзи бирлари қўлга тушиб улгурган, бирлари жазирама иссиқдан қочиб уйларининг муздек хонасига кириб кетган, бошқалари эса, бовда бурчак-бурчакдаги соя-салқин дарахтларнинг остида хордик чиқаришмоқда эди. Бланка аланглар, таниш чехраларни кидирар, лекин яхши парвариш қилинган бов кимсасиз эди.

Она-бола чинорзор кўчани қўйиб, қўлга олиб чиқувчи, икки четидан чирмовиклар ўраб ётган ва қалин бута зорлараро тушган соя-салқин сўкмоқ йўлга бурилишди.

Шу билан улар пляжга бориш йўлини ярим километрлар қисқартиришди, бундан ташқари, олов пуркаб турган ва ҳали ҳам ҳиди анқиётган янги йўл билан кетгандан кўра ёнбағир бўйлаб балаңд бўйли қалин чинорлар ичидан боришнинг ҳам ўзига яраша гапти бор эди.

Казмер узок муддат хижрон олдидан онам билан сўнги бор сайр қилаётган бўлсам керак, деб ўйларди. У худди мана шу калин чинорлараро тушган сўқмоқ йўл — унинг болалик йиллари ўтган ва ҳар бир хилват ерлари, тошқин баҳор сувлари ўйиб кетган чуқурликларни, ёрларигача ўзи беш қўлдек билган, ғарбий шарқдан нишаблик томон кетган арчазор сайхонликлар, яъни ви-сол жойлари, биринчи ширин бўсалар, талабаликнинг бетанивиш дамлари гувоҳи бўлган ўша «чангалзор» бўйлаб кетаётганидан беҳад хурсанд эди. «Эҳ, онажон, онажон, сен булар ҳақида тарикча бўлсаям биласанми? Қайнок август кунларининг бирида Илонканинг бобоси Худак чолдан сен менинг ўз тукқан онам эмаслигининг эшитганимда бу ерларни сўнгсиз алам билан зор-зор йиғлаб келганимни билармидинг?..»

Казмер бу Худак дегани ўзи киму ва у Табори Бланканинг сирини билмасдан айтиб қўйдими, ёки агайлаб килдими — ҳалигадвор аниқ бир фикрга келолмаган. Аниги, иккинчиси тўғрироқ бўлса керак. Худак чол Таборилар хонадонига найза санчиш учун яратилган ҳар қандай имкониятни қўлдан чиқаргиси келмасди.

Казмер онасига кўз қирини ташлаб қўйди-ю, унга меҳри товланиб кетди. Унинг на юзларида, на ҳатто ҳаракатида яқинда содир бўлган ҳорғинлик, беҳолликдан асар ҳам қолмаганди. У ёш, тетик ва гўзал кўринар, фақатгина ўйчан, камган бўлиб қолганди.

Казмер яна хотирага берилди: эҳтимол ўз киндик қони тўкилган ер билан узок муддат айрилиққа тушаётганда ҳар бир одамда шундай бўлса керак. Бирдан эсига ёшлигида онаси билан мана шу ерларда сайр қилиб юрганга ўйнайдиган қизиқ ўйини тушиб кетди. Улар ўзларига таниш одамлари қанақа рангдалигини топиш ўйнашарди. Йўқ, буида ган одамнинг кўзи ё сочи қанақа рангдалиги ҳақида бормасди. Бирор одамнинг фикрлаш тарзи, гаплашиш ва сукут сақлаш усули, боқиш ва тасаввум қилишларига қараб ўз тасаввурингда унинг қанақа тус, рангда эканлигини айтиб бериш керак эди. Ахир Бланка Табори рассом ва шунинг учун ранглар, бўёқлар воситасида фикр юритишга кўникиб кетган эди. У ўз атрофидаги мухитни ҳам бўёқларда кўрарди. Ранглар ёрдамида одамдаги ҳар қандай ўзига хос бўлган хусусиятини, унинг табиатидаги маълум бир товланишни айтиб

бера олишига ишончи комил эди. Казмер гарчанд онасининг бундай башоратларига унчалик ишонқирамаса ҳам унга бир кўнгилочар ўйин, мазза қилиб кулиш воситаси сифатида қарар эди. Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин бирон-бир талабалик зиёфатларидан қайтиб, онасининг ким билан ўтирдинг, нима гаплар бўлди, дея сўраб-суриштиришларига жавоб берганида Казмер одамларга қисқача «рангли» тавсиф бериб қутулиб кетарди. Масалан: «Даврада зардоли ранг йиғит билан сан-сарик математик ва унинг зангори қайлиғи ҳамда нотаниш бир кулранг физик бўлди», дерди.

Гоҳида онаси қораламалар солинган альбомни ўзи билан ола кетарди. Шунда иккаласи бирон қирнинг ёнбағридан шамол урмайдиган жойга ўтириб олишарди. Ватман қоғози узра қалам ёки фламастер шўх йўрғалаб кетганда аёл қоғоз бетида яралаётган суратга шўхчанлик билан тушунтиришлар бера бошларди. Фақатгина чизган расм кўнғир рангда чиқарди: булутлар, сув, узок-узокдаги тоғлар, дарахтлар, шох-бутюклар — биргина сувда акс этиб турган осмон кўкимтир рангда бўларди.

Казмер расом билан баҳслашмасди. «Эҳ, онагинама, — дея ўйларди у, — шу билан хурсанд бўладиган бўлсанг, ол ана, сени ўраган мухит бинафина, кулранг ёки кўм-кўк, Шалго амаки эса сан-сарик, Лиза хола оч сарик бўла қолсин. Менга бари бир».

Бланка ниҳоят жимликни бузиб, мени юқорига, ётоқхонага олиб чиқиб кетишгандан кейин нималар бўлди, деб сўраганда улар қўлни қора камардай айланиб ўтган катта йўлга чиқиб келишган эди.

— Бир оз Матэ тоғам билан сан-манга бордик, — очигини айтди Казмер ва кейин бўлган гапини гапириб берди.

Казмер онасининг киефасидан Хубер ва ҳадеб шубҳаланаверганидан ўзига ёкмай қолган Кара ҳақидаги гапларини эътибор билан тинглаётганини сездди.

— Нима, у сендан ҳам шубҳаланишдан дедими? — дарров сўради онаси.

— Тўғридан-тўғри айтгани йўқ. Ҳар хил катта-кички савол бериб чалкаштирмоқчи бўлди. Улар Оскар иккаласи юрагимга қўл солиб кўришди.

— Сен ростдан ҳам Меннель билан муштлашганмидинг? — сўради онаси ва соядаги болалар учун қилин-

ган скамейкага ўтирди. — Муштлашинга муштлашиб, тагин мендан яширганинг нимаси?

— Меп ўзи чонқиллаб келиб шикоят қилади, деб ўйлагандим.

— Йўқ. Менсель бу ҳақда лом-мим деб оғиз очмади. Бу қандай содир бўлди?

Казмер истар-истамас гапириб берди.

— Казмер, айт-чи, мана бу сатангдан нимани истайсан, — бир оз сукутдан кейин ойнадай ялтираб турган сувга қараб туриб сўради Бланка.

Опасининг Илонкани қачон қарасанг «сатанг», «бу сатанг» деб тилга олиши доим жаҳлини чиқарарди. Шунинг учун:

— Қайси «сатанг»ни назарда тутяпсиз? — деб қайта сўради.

Бланка ўғлининг феълини яхши билгани учун ихтилоф чиқишини сизди-да, гапни бошқа мавзуга бурди.

— Бўпти, баҳслашмайлик. Ўғлим, сендан бир нарса ни қаттиқ илтимос қиламан. Матэ билан уришма. У бунга лойиқ эмас. У сенга қандай яхшиликлар қилганини ҳали билмайсан. Гапимга ишонавер: сени шундай яхши кўрадики, сен деган жойда жонини ҳам аямайди.

— Менинг учун-а? — Казмер ойисига ажабланиб қаради. — Нима учун энди Матэ тоғам мен учун жонини қурбон қилиши керак экан?

— Қўй энди. Бу гапларни ҳозир қўя тур. Яна баҳслашмайлик. Сени қаттиқ яхши кўришини тушунгин деб мисол тарикасида айтдим.

— Ҳеч нарса ни тушунолмаянман. Умуман, бу унчалик муҳим эмас. Ўзингиз биласиз-ку, мен уни ҳурмат қилибгина қолмай, қаттиқ яхши кўраман ҳам. Агар сиз унинг Хубер билан қандай гаплашганини ўзингиз кўрганингизда оғзингиз очилиб қоларди.

— Матэ, одобли одам. Ёшлигидан шунақа. Қўни-қўшиқлар ҳам жуда яхши кўришарди. Гаплари ёқимли эди. Ҳатто пайтлар бўладики, соатлаб оғзимизни очиб ўтириб, гапини тинглардик. Биз чурвақаларгина эмас, катталар ҳам. Матэ шу қадар кўнгилчанқи, ҳатто энг ёмон котилдан ҳам бирон яхши томонини излаб топишга ҳаракат қилади. Мана шунинг учун ҳам Хубер билан шундай муносабатда бўлган. Тушунолмаянман, бунинг нима сизга ёкмаганикин?

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — деди Казмер ўрнидан тураркан, — кетдик, ойи.

— Ха, дарвоқе, Хубер ким экан ўзи? — сўради Бланка.

— Маълумотли одамдек таассурот қолдирди. Лекин шуниси тушуна олмадим, полковник билан махфий гаплашишининг нима кераги бор экан? Бетма-бет!

— Кара биланми?

— Бошқа ким билан бўларди? — «Жаноби полковник, сиз билан холи гаплашишининг иложи бўлармикин?» — Хубернинг гапини масхара қилиб деди Казмер.

— Буни менга айтмовдинг.

— Энди эсимга тушиб қолди.

Бланка оёқ остидаги қалин ётқизилган қон-қора асфальтдан бир нарса излагандай калласини настга эгганча аста борарди.

Меҳмонхона барида Шалгони учратиб қолишди.

У ўзининг одатдаги жойида, бурчакдаги дераза ёнида сигара чекиб ўтирарди. Унинг олдида ёзиб тўлдирилган бир варақ қоғоз турар ва у шу қадар ўқинга берилиб кетган эдики, ҳатто Казмер билан Бланканинг олдига келганини ҳам сезмай қолди. Боқалдаги винодан хўплаган чоғда ҳам кўзини қоғоздан узмади.

— Халақит қилмаймизми? — деди Казмер яқинроқ келиб. Шалго мулойимлик билан уларга қаради. Кейин қоғозни икки буклаб табассум қилиб жавоб берди:

— Ҳечам-да! — сўнг шу захоти сўради: — Қалай соғлиқларингиз, Бланка?

— Оскар, сизни кўрдим дегунча бехузур бўлаверман! — деди Бланка унинг ёнига ўтираркан. — Буни қаранг, яна худди ўзингизга кулдонни ағдаргандек бир алфоздасиз. Шўрлик Лиза! Шунақа шалтоки одамнинг нимаси Лизани тортиб тураркан, ҳечам тушунолмайман.

Шалго эгнига қараб шимига тўкилган сигара кулини қоқиб ташлади-да, муғомбирона табассум билан деди:

— Лиза менинг қалбимни яхши кўради. Фариштадек пок қалбимни.

Казмер ҳазил тариқасида айтилган мана бу аччиқ-тизич гапларга кулиб юборди-ю, ёнидан зинғиллаб ўтиб кетадиган официантни тўхтатиб, икки порция музқаймоқ буюрди.

— Шошма, Янчи, бирйўла ҳисоб-китоб қилиб кет, — деди Шалго.

— Кўркитиб юбордимми, дейман, Оскар? — сўради Бланка.

— Нималар деяпсиз, ўзим ҳам анчадан буён ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлиб ўтирувдим. — Шалго столнинг устига пул қўйди, официант пулни олди-ю, устига қўшиб берилган «чой пули»сига раҳмат айтиб, нари кетди.

— Уйга борасизми? — сўради Казмер.

— Айтганим билан ишонмайсиз. Эшкак эшмоқчиман.

— Шунақа жазирамада-я! — ажабланди Бланка. — Ёниб кетасиз-ку, Оскар!

— Врач буюргапини бажаришим керак, — деди Шалго. — Ҳар куни уч километрдап тез-тез эшкак эшишим керак. Бўлмаса, оз-оздан ёғ бойлаяпман. Умуман биласизми, Бланка, ёшлигимда мен жуда хушқомат йигит бўлганман. Ишопмайсизми?

— Йўқ, нега энди? — деди рассом ва уни ёш ва хушқомат йигит сифатида тасаввур қилишга уринди. Лекин музқаймоқ келтиришди-ю, Шалго хайрлашиб ўрнидан кўзгалди. У отелдан чиқиб, эшик олдида туриб қолди, бир кўзини қисиб қуёшга қараб қўйди, шундан кейин ранги ўнгиб кетган похол шляпасини бошига қўйдирди. Сўнг тўйган роздай лапанглаб посёлка идораси томон йўлга тушди.

Бу ерда уни Фельмери билан майор Балинт кутиб турарди.

— Нима янгиликлар бор, йигитча? — деб сўради Шалго лейтенантдан. — Домбаи билан ганлапидингизми?

— Гаплашдим, — лейтенант шундай деб бақалоққа концерт узатди. — Ўртоқ Домбаи сиз сўраган нарсаларга мана шуларни юборибди. Ҳозирча батафсил эмас, дейди. Давомини кечгача юборармиш.

Шалго конвертни очиб, маълумотни синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Фельмери унинг чехрасидан қапдайдир маънилари уқиб олмоқчи бўлиб тикилди. Лекин унинг юзида хаяжондан асар қуринмади ва бирон нимани уқиб олишнинг иложи ҳам йўқ эди.

— Хўш, оксоқол, бирон фойдали гап бор эканми? — батакалдуфлик билан қизиксинди Балинт ва Фельмерига кўзини қисиб қўйди.

— Кўп эмас. Лекин илдизи бор. Таянишимиз мумкин, — конвертни буклаб сурп шимининг чўнтагига тикаркан қисқа қилиб деди Шалго. Шундан кейин титилиб кетган ўриндикка ўтирди-ю, бикқигина кафти билан пешанасидаги тери артди.

— Қўл остингда бамаънироқ йигитлардан борми? — сўради у очик ойнанинг олдида турганча қўшни уйининг ҳовлисида футбол ўйнашаётган болаларни томоша қилиб турган майорга.

— Бу қанақа ишлигига боғлиқ, — деди мужмал қилиб Балинт ва дераза раҳига ўтириб папирос тутатди.

— Фредда Будапешт қурилиш-пардозлаш бошқармасининг бир муҳандиси ишлайди. Геза Салаи деган. Тунги «Венгер денгизи» барининг ички пардозлаш ишларини бошқаради. Кимдир мана шу ёш муҳандисдан огоҳ бўлиб туриши керак. Лекин бунинг учун маҳаллий шарт-шароитни яхши биладиган одам бўлсин.

— Салаи деганининг нимаси билан ўзига жалб қилиб қолди? — дея савол берди Балинт ўзига худди терговчининг ёш ёрдамчисига муомала қилаётгандек гапираётгани ёкмай турган Шалгога қараб.

— Салаи, Салаи, — такрорлади Шалго. — Ҳозирча мен унинг Виктор Меншелнинг жияни билан алоқада эканлигини биламан, холос.

— Ҳалиги, ўша... Беата Кюрти билан-а?

— Худди ўша. Айтмоқчи, «Ошиқ-маъшук»ларимизнинг ахволлари қалай?

— Кузатянимиз, — деб жавоб берди Балинт. — Қиз ҳали хонадан чикқани йўқ. Унинг жазмани Тибор Сյуч эса эргалабданоқ қахвахонага тушиб қиттак коньяк отиб олди-да, Берта билан гаплашиб ўтирди. Кейин пляжга борди ва Адам Рустам билан анча суҳбатлашди.

— Буниси қизик, — бош ирғатди Шалго ва роҳат қилганидан томоғини тақиллатиб қўйди. — Жуда қизик. Улар эски танишми ёки энди танишдимми, шуни билганимизда жуда соз бўларди-да.

Балинт деразадан ташқарига кўм-кўк тутун пуфларкан кулиб юборди-ю, деди:

— Бу муаммо ечимини топишга қайси йўл мақбул бўлади?

— Уларнинг қадимдан таниш бўлиб чиқиши.

— Унда, отахон, хурсанд бўлаверинг, сиртдан кузатиш ходимлари «объектлар бир-бирини эски дўстлардек қутланди», дея маълум қилишди.

Балинт туриб керишди.

— Фюредга ўзим бораман, — у соатига қаради. — Саккиз яримда қайтаман. Ўртоқ Фельмери, меи билан бирга бормайсизми?

— Қайдам, — тараддудланди лейтенант, лекин шу он кечқурун соат тўққизда Будапештдаш Домбаи кўнғироқ қилиши ва ушгача Шалгонинг вилласини Будапешт билан тўғрима-тўғри телефонга улашларини шахсан бошқариш кераклиги эсига тушиб қолди. Шу сабабли қатъий қилиб деди: — Йўқ, боролмас эканман.

— Лейтенантни мен ўзим билан олиб кетсам дегандим, — деди Шалго.

Улар биргаланиб қўлга, қайик станциясига тушишди. Шалго шонмай аста-аста талпанглаб юрар, лейтенант эса жазиллаб турган иссиқ йўлда унинг оёғига қараб қадам ташлашга мажбур бўларди. Қария Шалго эса гарчанд иссиқдан болиса ҳам барибир шонилмас, бунинг устига ўтган-кетган танишлари билан сўрашиб қўйишши ҳам унутмасди. Фельмери қарияни бутун посёлка халки яхши билишига ажабланди.

— Хўш, қиздаи нималарни апиқлай олдингиз? — сўради бақалоқ ҳарсиллаб пляжга олиб борадиган хиёбонга бурилганларидан кейин.

— У билан бирга бўлганимнинг исиши каердан ола қолдингиз, — ҳайрон бўлди Фельмери. — Мен бу ҳақда хали полковниккаям оғиз очиб улгурганим йўқ-ку.

Шалго лейтенантга ўгирилди-ю, унга узок тикилиб қолди.

— Билиб қўй ўғлим, агар мен биров нарсени билишим лозим бўлса, жануби гарбга ўгириламанди, қўлимга қадимги аскарликдан қолган дурбинни оламан ва сабртоқат билан пляжга тикилиб ўтираман. Мен бўлмасам бу ишни илтимосимга кўра бебаҳо рафикам бажаради. Шундай экан, мен Беата билан отелда суҳбатлашиб турганимда Лиза Балатон манзараларини томоша қилиб ўтирган. Турган ганки, у уч туп мажнунтолининг олдида сизларни мутлақо тасодифан кўриб қолган. Шунга айтишим керакки, мана шу жиндаккина бурун бутун вилоят бўйича энг яхши жой. Шу жихатдан балиқ овлаганда у ерда

балиқ овлашни ёқтирмайман: балиқлар ҳаддан ташқари тўқ бўлишади. Профессорга эса, аксинча, жуда хуш ёқади. Хўш, Илонка сизга нималарни гапириб берди?

Лейтенант Фельмерининг қиз билан қилган суҳбатини бир бошдан гапириб беришдан бошқа иложи қолмади.

— Меннелни Казмер Табори ўлдирган деб ўйламайман, — гапини яқунларкан деди у. — Лекин нима учун Илонканинг муҳандисни бир қадар ҳимоя қилаётгани ва уларнинг ўша кечаси қаерда бўлган бўлиши мумкинлиги менга қоронғи. Тўғри, қиз Казмер Таборига жуда ёқади деган тахминим ҳам бор.

— Бу-ку тўғри-я! — тасдиқлади Шалго. — Нишонга беҳато урдинг.

— Лекин қизга унинг ёқин-ёқмаслигини билмайман. Аммо ўша куни кечаси қиз Меннелнинг ҳузурда бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Буни мана бундан билса бўлади: муҳандис Табори кечга томон Будапештга кетган. Илонка бўлса, майор Балинт гуруҳининг аниқлашича, кечқурун соат тўққизда уйдан чиқиб, саҳарда яъни, соат тўрт-бешларда қайтиб келган. Шундай деб буvasи айтиб берди. Муҳандис йигирманчи кун эрталаб соат ўнда эмас, бундан уч соат илгари, яъни соат еттиларда қайтиб келган ҳам дейлик. Келибоқ биронтасидан шу кечани Илонка Меннель билан ўтказди деб эшитгану, газабланиб кетиб уни ўлдириб қўйган.

— Қаерда? — сўради Шалго. — Улар шу пайтда бозор ёнидаги катор дўкон ва киоскларнинг олдига келиб қолишганди.

— Буни ҳали ўйлаб кўриш керак. Шошманг, тондим! Меннель Табориларникида яшаган. У эрталаб пляжга жўнагандан кейин Казмер ҳам сездирмасдан орқасидан кетган. Қўлга бошқа қайиқда тушган-да, рақибини ўлдириб орқасига қайтган.

— Ҳм, хм, — деди қария ўзича. — Тахмин унчалик ишонарли эмас, исбот қилиб ҳам бўлмайди.

— Келинг, баъзи бир нарсаларни ойдинлаштирайлик, — таклиф қилди Фельмери. — Ҳарҳолда сиз улар иккаласини мендан яхшироқ биласиз.

— Жиндек ўтирайлик, ўғлим, — соядаги скамейкага имо қилиб деди Шалго. — Бўлмаса, бу иссиқда ўлиб қолишим мумкин. Хўш, нима демоқчийдинг?

— Илонкани шундай иш қилиши мумкин деб ўйласа бўладими?.. Дейлик, Мешнелнинг таклифийи қабул қиладиган деб.

— Ҳозирги кунда бировга бир нима қилмайди деб касфолат бериб бўлмайди.

— Иккинчидан, — давом этди лейтенант, — Казмер Таборининг қотиллик қилиш қўлидан келадими?

— Мумкин, — дея жавоб берди қатъий қилиб Шалго. — Казмер ўз соҳаси бўйича ажойиб мутахассис, шу билан бирга, жуда ўзбошимча ва тийиксиз. Ёшлигида бирон кун йўқ эдики, у биров билан уришмаган бўлсин. Ўтакетган кекчи, хафа қилган одамдан аламини олмасдан қўймасди. Афсуски, жуда ёшлигиданок сен ташландик, болалар уйдан чиққансан деб «кўзини очиб» қўйинган. Тез орада бу гап сиффолари орасида ҳам ёйилиб кетди-ю, унинг жинга тега бошланди. Биттасини калтаклади, кейин уни роса дўнпослашди. Шундан кейин дзюдо билан шуғуллана бошлади. Спортда шуҳрат қозониш учун эмас, ўрни келиб қолганда ўзини ҳимоя қила билиш учун. Лекин у халигадодур дарров пов этиб ёниб кетади, гапни кўнглига экин олади. Қалбида ниҳоятда алами кўп.

— Илонка билан унинг муносабати қалай? Менга бири-бирига эътиборсиз эмасдек туюланти.

Шалго жавоб бермай шляпасини бошидан олиб қўлида айлантира бошлади. Пляждаги юзлаб овозлар қўшилиб ҳосил қилган чувиллашлар, вағиллашларга узоқ вақт қараб турди. Кеч бўлиб қолган, лекин шунга қарамасдан на сувда, на кўм-кўк қирғоқда ҳаракат тўхтамасди. Болаларнинг қичкириғи, катталарнинг хохолаб кулишлари, динамикларнинг кулоқни қоматга келтирувчи гувуллани ҳар томондан келарди. Сувда гувиллаб катерлар ўтиб турибди.

— Бу саволга жавоб беришга ожизман, — деди ниҳоят ўйлаб туриб қари изқувар. — Ота-онаси ҳақида Илонканинг ўзи нима деди сизга?

— Бунига борганимизча йўқ ҳали, — деди Фельмери ва қизиқсиниб Шалгога тикилди.

— Ахир, Илонканинг ўзиям стимча-ку, — давом этди у. — Эллик олтинчи йилда унинг ота-онаси ўзини ўлдиришган. Иштван Худак ҳарбий прокурор эди. Униям ўнга яраша ишлари бор эди, ўша ола-ровурли кунларда ондан чалмоқчи бўлиб юрган кимсалар йўқ эмасди.

Уни кидириб уйига келишган. Худак эшикни очмаган. Кейин у тўшпоқчасини олиб аввал хотинини, кейин ўзининг қоқ пешанасидан отиб ташлаган. Балки, киз ҳам шу холга тушган бўларди. Бахтга, ўша пайтда киз уйда бўлмаган. Шунини айтишим керакки, Таборининг Худаклар билан муносабатлари ёмон бўлган. Мархум Худак ўз даврида уларга кўп ёмонликлар қилган. Хатто уларга қарши иш кўзгаган ва шахсан ўзи профессор билан Бланкани сўроқ қилган. Тўғри, бу иш хозир тўхтатилган. Фақат Бланкагина ўшандан буён Худакнинг номи тилга олинди дегунча шайтоллаб қолади. Агар Казмернинг Илопка билан гаплашиб юришига чидаса ҳам уларнинг турмуш қуришларига тиш-тирноғи билан қарши туради. Казмер эса, буни тушунади ва онасини яхши кўргани ва ҳурмат қилгани сабабли унинг дилини ранжитишни хоҳламайди. У умуман ишни чигаллаштиришни ёқтирмайди. Буям сизнинг тахминингизга тескари, — дея гапини тутатди Шалго ва лейтенантга қаради.

— Нега тескари бўларкан?

— Бунга кейинроқ жавоб бераман, — скамейкадан оғир кўзгалиб жавоб берди қария. — У кум сениб қўйилган йўлка билан пляж томон кетди. Фельмери унга эргашди.

Дарвоза олдида мўъжазгина столча қўйиб, пляжнинг кассири — Адам Рустам ўтирарди. У ёни ўтинқираб қолган, ёнок суяклари туртиб чиққан, ўсик қошлари кўзига бостириб тушган бир миттигина одам эди. Ундаги қолган нарсаларнинг бари — сочлари, қўйлаги, сурп иштони, эгнидаги халати ошшоқ эди.

— Ишлар қалай, профессор? — Рустамга қўлини чўзиб сўради Шалго.

— Тупроқдан ташқари юрибмиз, — жавоб берди у Фельмерига шубҳаомуз қараб қўяркан. — Бугун иштиёқмандлар сероб муздек сувга. Бир шўнғиб чиқишга тобингиз қалай?

— Худо сақласин, — деди Шалго. — Мана лейтенант Фельмерини таништиришга рухсат этинг. У Менель сўнги бор сайр қилган еттинчи рақамли қайиқни кўрмоқчи.

— У қайиқ станцияда турибди. Майорнинг рухсатисиз биз уни ҳеч кимга беролмаймиз, — маълум қилди Рустам.

— Яхши. Биздан бошқа ҳеч кимга бермайсиз, — аниқлик киритди Шалго. У чўнтагидан сигара чиқариб Рустамга тутди. — Айтинг-чи профессор, Меннель сайрга чиққан куни эрталаб сиз шу ерда бўлганмидингиз?

— Албатта. Шуни айтиб қўяйки, мен ҳали умримда ҳеч қачон ишга кечикиб келган эмасман. Жаноб Меннельга қайикни ўзим берганман. Абонементни хизмат кўрсатиш бюросидан олган экан. Бечора! Худо раҳмат қилсин. Жуда ёқимли, хушмуомала одам эди. Жаноб Меннелни причалга ўзим бошлаб боргандим. Йўлда бир оз гаплашиб ҳам бордик. У менинг оилам билан қизиқди.

— Ўша вақтда пляжда одам кўпмиди?

— Ҳеч ким йўқ эди. Бизда фақат уч-тўрттагина одам эрталаблари — соат олтидан етти яримгача чўмилишади. Жаноб Меннель эса соат саккизларда қайикда сузиб кетди.

— Шу вақтда причалда фақат иккаламиз эдик демокчимисиз бу билан, — пачоққина пляж назоратчисига гумонсираб қараб аниқлаштирди Шалго.

— Ҳа, иккаламиз эдик. Жаноб Меннелу ва мен. Бу вақт пляжда танаффус десак ҳам бўлади. Отелдаги меҳмонлар нонушта қилишаётган пайт, четдан келганлар эса, вақт эрта, келиб улгуришмаган бўлади. Дастлабки чўмилувчилар саккиз яримдан кўрина бошлайди.

— Потаниш одамлардан ҳеч кимни кўрганингиз йўқми?

— Биттаям, нима, сиз менга ишонмаяпсизми? Лекин бор гапни айтяпман.

— Хафа бўлманг, биродар, — деди Шалго ўзини зўрлаб кулимсираб. Жуда ақлга тўғри келмайдиган ишлар бўлиб ўтди-да, Казмер Табориниям кўрмадингизми?

— Йўқ, эрталаб кўрганам йўқ. У тушга яқин келди.

— Нима ҳам дердик, шунга ҳам раҳмат, профессор, — ташаккур билдирди Шалго ва қовжираб қолган ўтуланини босиб тикка причал томон кетган Фельмерига эртанди. Жазирама иссиқда пляжда келаётган шовкин-сурон одамнинг кўнглини одатдагидан ҳам баттароқ оздиради.

— Мана, менинг иккинчи эътирозим худди шунинг ўши эди. — Лейтенантга етиб олиб деди Шалго. — Казмер Табори Меннель билан изма-из қайикда келмаган. Котиллик унинг уйида содир бўлган деган тахмин ҳам

ишончсиз. Қотиллик қандайдир бошқача йўл билан амалга оширилган.

Улар қайикқа ўтиришди. Дарров ғалати эшкакчиларни масхаралаб куладиганлар ҳам топилиб қолди. Лейтенант Фельмери одамлар нега кулишаётганини тезда англаб етди-ю, хижолат тортди. Балки худди кўчаллик кийим билан шундай жазирамада қайиқ хайдашга тушган афандинамо одамларни кўрганда ўзи ҳам қорнини чангаллаб кулган бўлармиди. У кўп ўйлаб ўтирмай устки кийимларини ечиб ташлади-ю, ўзини қушдек енгил сездди. Қария Шалгога эса одамларнинг кулиши заррачаюм таъсир қилмагани афтидан кўриниб турарди: у хотиржамгина чекар ва шўхчанлик билан лейтенантни кузатарди.

— Тайёرمىсиз? Унда Худо билагингизга қувват берсин! Олга! — буйруқ берди у соатига қараб қўйиб. — Рошпа-роса саккиз. Тушунарлими? Шундай қилиб эшкак қўлда, бор қуч билан эшилсин! Йўналишини мен кўрсатиб бораман.

Фельмери эшкакка энгашиб олди-ю, қайиқ сув юзасида илдам илгарилаб кетди. Мана у қўлга туртиб кириб турган қамишзорни айланиб ўтиб, жануби-ғарб томонга кескин бурилди. Лейтенантнинг юзларидан тер шовиллаб оқар, лекин у суръатни бўшаштирмай эшкакни қуч билан тез-тез эшишда давом этаверди. Бир фикр, қария мана бу «қайиқ сайри»да нимани аниқламоқчи ўзи, деган фикр унинг калласидан чиқмасди. Лекин қария индамас, фақат вақти-вақти билан соатига қараб қўярди. Қайиқ узоқлаб кетди-ю, тез орада қирғоқдаги одамларнинг гавдалари ва нарсалар ўз қиёфасини йўқотиб бир йўлга тизилгандек шаклсиз ҳолга келиб қолди. Турлитуман овозлар, ранглар, гўё сув устидаги ҳовурга сингиб кетгандек бўлди. Сув сатҳига тушиб турган ўткир қуёш нури кўзни қамаштирарди.

Ниҳоят ёлғиз турган уч туп мажнунтол кўзга ташланди. Кўк-кўнғир қамишлар орасида ўроқсимон митти яриморол аранг кўзга ташланарди.

— Сал ўннга бурунг, — деди Шалго эшкакчига.

Фельмери буйруқни шахд билан шундай тез амалга оширдикки ҳатто қайиқ аъдарилиб кетаёзди. Шалго қайиқнинг қўйруғида ўтирарди. У орқасига ўгирилиб олганча кўзи билан қирғоқдаги қурилишлар ичидан олд томони

ошюк Таборининг вилласини кидирарди. Ям-яшил боғлар билан қопланган тена ёмбағри ҳозир кимсасиз эди.

— Тўхта! — буйруқ берди Шалго лейтенантга. Фельмери эшкакни сувга тушириб бир ховуч сув олди-ю, юзини, кўкракларини намлади, кейин шимининг чўнтагидан сигарета олиб чекди. Фақат шундагина у қайик ёнида тўлқинда сакраётган кичкина қизил буюк¹ турганини кўриб қолди.

— Қайик худди мана шу ердан топилган, — деди Шалго. — Яхшилаб ҳайдаганда қирғоқдан қирқ дақиқалик йўл. Меннель бу ерга саккизу қирқ беш дақиқада етиб келган. Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, у эрталаб саккизу йигирма билан саккизу эллик ўртасида ўлдирилган. Агар биз уларнинг қайди рост деб биладиган бўлсак, — уни инкор этишга далилимиз йўқ, — унда Меннель бу ерда ўлдирилмаган деган хулосага келиш мумкин.

— Қасрда бўлади?

— Ана шунисини билмайман-да... Лекин бу ерда эмас, — қатъий қилиб деди Шалго.

— Агар уни биров бу ерда кутиб турган бўлса-чи?

— Учрашувни шу ерда белгилайдиган аҳмоқ қасрда тошилади?

— Нега энди аҳмоқ бўларкан? Дейлик, Меннель ким биландир учранимокчи бўлган ва ўша «кимдир» катерда келиб, уни шу ерда кутиб турган бўлиши мумкин. Умуман, ҳамма нарса ишни қандай ташкил қилишга боғлиқ.

— Ҳа, сен ҳақсан, — қўшилди Шалго сенсирашга ўтиб. — Сен ютдинг. Лекин шу билан бирга бу тахминингга Казмернинг алоқадор эмаслигини кўрсатиб турибди. Зотан мен мана бундай ўйинга, тўғрисиини айтсам, унчалик ишонмайман. Биласанми нима? Қани, эшкакни кўлингга олиб қайикни ўша суръатда бурун томонга ҳайда-чи.

— Вақтни белгилаб олдингизми?

— Ҳа.

Фельмери қайикни бурди-да, шахд билан эшкакларини кўтариб ташлади.

— Хўш? — деди у харсиллаб қайикнинг учи қирғоққа қадалгандан кейин.

¹ Буюк — сувда саёзлик, йўл ва ҳоказоларни кўрсатадиган белги.

— Үттиз етти дақиқа, ҳа-ҳа, бунда бир гап бор. Чекишга шошилма, қамишзор бўйлаб ҳайда.

— Об-бо, жуда зolim экансиз-ку!

— Чарчаган бўлсанг, жойимизни алмаша қолайлик, — таклиф қилди Шалго.

— Шу тобда чўмилишга тобим йўқ, — қулди лейтенант ва яна эшқакка энгашди.

Учта ёлғиз мажнунтолгача яна ўн дақиқа сузишди.

— Шу ерда тўхтаймиз, — деди қария. — Энди чекса бўлади. Демак, қирқ бешдан ўттиз еттини олиб ташлаймиз — қолади саккиз. Бунга ўнни қўшсак ўн саккиз бўлади. Яъни саккизу ўн саккизда Меншель ҳеч қандай қийинчиликсиз шу ерда бўлиши мумкин экан. Чунки шу ердангина у бировга сездирмасдан қирғоққа чиқа олиши мумкин.

— Йўл бўйи мен олтита бурунча ва олтита кичик причал санадим.

— Тўғри. Лекин булар одамларники, шахсий. Агар у биров билан учрашишни мўлжал қилган бўлса, бегопа кишилар қўриб қолиши мумкин бўлган жойни таънамаган бўларди. Бу ер эса, яширин, учрашиш учун жуда қулай. Атрофга қара! Қамишлар бу причални бегона кўзлардан яшириб туради. Хуллас, шундай тахминга борамиз. Меншель бу ерга қайиқда келгану ким биландир учрашган: улар орасида «катта гап қочган» ва номаълум одам уни ўлдирган; қотил мурдани қайиққа юклаган ва бу ёққа олиб келиб сувга ташлаган, кейин ўзи қирғоққа сузиб чиқиб кетган. Бунга нима дейсан, ўғлим?

— Тўғри бўлиши мумкин. Энди энг оддий нарса — ўша номаълум кимсани тонишу, қўлга олиш қолди.

— Тўғри. Дам олиб юрган киши бўлиб теваарак-атрофни синчиклаб текшириб чик, бирдан эътиборга сазовор бирон нима тониб олишинг мумкин. Мен эсам қайиқнинг ичини яна бир марта текшираман.

«Ганза» акционерлар савдо компаниясининг директори Эгон Браун яқинда ўзининг олтмиш йиллигини нишонлади. Лекин чорак асрга яқин турмуш тарзи бир меъёрда, фаровон кечгани сабабли бўлса керак, у ўз ёшига нисбатан анча ёш кўриарди. Умуман, жаноб Браун ҳар соҳадаям меъёрни сақлайдиган, вазмин одам эди. Илгаридан овқатга хўра бўлган Эгон тўйиш учун эмас очликни йўқотиш учунгина овқатланарди. Шу сабабми, комати тик, мушаклари эса, муिताзам спорт билан шуғуллангани учун тараф ва кучга тўла эди. Тўғри, қордай ошпоқ юмшоқ сочлари йиллар ўтиши билан анча сийраклашиб қолган, лекин тухумдай йилтираган ёқимтой юзларига эса биттаям ажин тушмаганди. У ҳақда гап кетганда одамлар одобли, беозор деб тилга олишарди. Ходимлар уни ҳурмат қилишар ва ишонишарди. Ёшлигида Эгон Браун шифокор бўлишга ҳозирлик кўра бошлади ва шу билан бир вақтда физика, айниқса, электротехника билан шуғулланади. Ахири шундай бўлиб чиқдики, 1932 йили Браун врачлик дипломи билан бирга АҚШда яшовчи амакисидан у ерга кўчиб бориш, Калифорния университетининг талабаси бўлиш ҳақида таклифнома олди. Германия тешасига Гитлер келгандан кейин Эгон Браун АҚШ давлатидан сиёсий бошнана сўрайди. Ўғлининг қарори кекса ота-онани каттиқ рағжитади. Лекин ўн ил Америкада яшаб қолади ва амакисининг ёрдами тугайли бир нуфузли фирмада электротехника бўйича муҳандис бўлиб ишлай бошлайди. Хизмат тақозоси билан у фақат Штатлардагина эмас, Жанубий Америка, Канадада — ҳуллас, фирманинг қасрда ҳаракатдаги филиали ёки вакиллари бўлса, ўша ерларни кўп марталаб кезиб чиқади. Браун қасрда бўлмасин империяга қаршим, унинг тарафдорими, немис муҳожирлари билан алоқа ўрнатди, лекин бунда ҳар қандай кераксиз доврқ қозонишдан ўзи олиб қочди. Жамиятда ўзини камтар тутди, лекин ўзига яраша нуфузга эга ҳам эди, ҳамманинг

диккат марказида бўлишни севмасди. Холаси уйлантириб қўяман деб жонини жабборга берди, бироқ Эгон усталик билан унинг қўйган тузоқларидан чикиб кетаверди. Йўқ, у уйланишни истамасди. Шундай қилди ҳам. Гарчанд аёлларни севса, хатто ўйнашлари бўлса ҳам, кўпчиликнинг ичида уларнинг биронтаси билан кўринмади. Шундай қилиб, Эгон Брауннинг учинчи рейхнинг ғалабаси йўлида ҳар қандай фидойиликдан тоймайдиган устомон ва омадли немис разведкачиси эканлигини бирон кимса хаёлигаям келтиргани йўқ. Браун узоқ океан ортида туриб, ўз ватанида бўлаётган ходисалардан қўлқулоқ бўлиб турди. Аввалига Гитлернинг ғалабаларини кузатди. У фюрернинг «алангали», одамни васвасага солувчи нутқларини истехзо билан тингларди. Унинг учун муҳими Гитлернинг ўзи эмас, империя, герман ирқининг дунёдаги ҳамма ирқлар устидан ҳукмронлиги эди. Гитлер бўлса, унинг учун факатгина бир қуроли вазифасини бажариши керак эди. Браун Гитлер билан империяни бир хил деб билмайдиган кам сонли одамлар сирасига кирарди. У немис халқи ўз тарихий ўтминини ва ўзининг бекиёс қобилиятлари билан Германияни Европада ҳукмрон ҳокимиятга айлантиради, деб ҳисобларди. Браун АҚШда яшаган кўп йиллик хаёти давомида у ернинг жамият тузилишини, одамларни миридан-сиригача ўрганиб чиқди ва бунга қойил қолмади. Учунчи рейхнинг ҳалокатидан сўнг Эгон Браун умидсизликка тушгани йўқ. Кучлар нисбатини чамалаб кўриб, Германия тезда оёққа туриб олади, чунки ғарб давлатларига иттифоқдош сифатида кучли Германия албатта зарур бўлади, деган хулосага келди. У янги Германиянинг тезроқ тувиллини учун кимдан бўлмасин ёрдам олишга тайёр эди, фақат Қўшма Штатларнинг мустамлакасига айланиб қолмаси бўлди. Мистер Брауннинг Америка ҳарбий санати билан алоқаси яхши бўлиб, хатто бир неча сенатор билан дўст ҳам эди. Мана бу сиёсатдонлар ўзлари Эгон Браун сурункасига бир неча йилдан буён қўйиб келаётган спектаклга қўғирчоқ ўйинчи эканликларини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Ўзини тутиши, киёфасидан американи хаёт тарафдори бўлиб кўринар, бу нарса уруш пайтларидаги хақиқий башарасини ниқоблаб турарди. Уни «Марказ» билан боғлаган ва Канариснинг ҳалокатидан сўнг

«борса келмас»га кетган ўша абвер офицери кейинроқ Браунга АҚШда ишлаган абвер разведкачиларининг шахсий делолари адмиралнинг амри билан ўз вақтида йўқ қилиб юборилганлигини айтиб берган эди. Шундай қилиб, оператив маълумотларда зикр қилинган разведкачи талаба билан Эгон Браун иккаласи бир одам эканлигини ҳеч ким билолмай қолди. Орадан бир неча ҳафта ўтиб, «борса келмас»га кетган офицер автомобиль ҳалокатига учрайди-ю, Браун узил-кесил хотиржам бўлади. Ҳамма нарсадан фориғ бўлиб олгандан кейин ишни шундай усталик билан олиб бордики, ҳатто америкалик дўстларининг ўзлари унга орқага қайтишга, эндигина мағлуб бўлган Германиянинг иқтисодиётини тиклашда қатнашишга ундай бошлашди. Анчагина «изтиробли ўйлаб кўриш»лардан кейин у дўстларининг қистапларига қўнди ва бирк олтинчи йилнинг бошларидан Германиянинг Америка қўшинлари томонидан оккупация қилинган жойда Олий Бош қўмондонликнинг маслаҳатчиси бўлиб ишлай бошлади. Бу ердаям ҳамманинг кўзини чалғитиб Америка ҳарбий разведкаси билан ҳамкорликда ишлади ва унинг қандай қатта ишларни олиб бораётганини жуда оз одам биларди. Унинг дўстлари канцлернинг эътиборини ўзи келиб чиқиши немис бўлган камтаргина, лекин яхши маълумотли ва қобилиятли Америка муҳандисига тортишди. Қариб бораётган сиёсатдон Брауннинг ёрдамини мамнуслик билан қабул қилди. Қисқа вақт ичида Браун қари сиёсатчининг энг ишончли маслаҳатчиси ва экспертларидан бирига айланиб олди. Хонаси келганда, «мен партияларга эмас, Германияга хизмат қилмоқчиман», деган таниш рўқач қилиб, биронта партияга киргани йўқ. Икки йил жойида генерал Геленнинг ўша пайтларда барга қилинган жосуслик ташкилотининг фаолияти ва генералнинг ўзи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Бу танишув аста-секин муносабатларда ўзаро ишонч пайдо бўлишига олиб келади. Оқибатда, эллигинчи йилларга келиб Брауннинг таклифи билан «Ганза» акционерлар савдо компанияси тузилди, унинг ўзи эди, бунга бош директор бўлди. Браун жон-жаҳди билан ишга киришиб кетди-ю, тез орада «савдо» фирмасининг ишида Шарк бўлимининг «Б» секторини яратди.

Мениннинг ўлими Эгон Браунни оғир аҳволга солиб қўйди. Тўрған гап, у Шарк бўлимининг бошлиғи

Иосиф Шлайсигга Меннелнинг сирли ўлими тафсилотларини аниқлаш учун зудлик билан текширув ўтказишни топширди. Лекин орадан мана уч кун ўтди ҳамки, Шлайсиг бирон-бир аниқ маълумотга эга бўлолгани йўқ...

Шу кунни Браун уйга кеч қайтди. Овқатланиб, ваннага тушиб чиқкандан кейин уйку олдида Герхн Бёллнинг янги романини қўлига олди-ю, тушакка чўзилди. Кўзи илиниш олдида эшикда рўзгорини бошқарувчи аёл фрау Эльвиранинг қадам товушлари кулоғига кирди. Ярим кечага бориб, телефоннинг бўғик жиринглани уни уйғотди. Шлайсиг телефон қилаётган эди. У кечаси безовта қилаётганидан узр сўраб муҳим маълумотга эга бўлганлигини хабар қилди. Браун хомуза тортиб тўнғиллади.

— Келаверинг.

Орадан ярим соат вақт ўтиб, Шлайсиг Брауннинг квартирасига кириб келди. У кичкинагина жуссали, кўзойнак тақиб олган, ўсиқ малла сочлари бошида кийшик фарқ билан очилган, эгнига қиммат матодан қулинг ўргилсин килиб тикилган костюм кийган бир бақалоқ одам эди. У тез-тез ҳаракат қиларди-ю, гапга қолганда бир оз эзмарок бўлсаям, бамаъни гаширарди.

— Яна бир бор узр сўрайман, лекин мен олган маълумот муҳим аҳамиятга эга...

Браун ўзини зўрлаб табассум қилди ва анча юмшаб деди:

— Худо ҳақки, тезроқ асосий гапга ўтинг.

— Хубердан телеграмма олинди. Жуда галати. Рухсат берсангиз ўкиб берсам... — Браун маъқул дегандек бошини қимирлатди. — «Меннелнинг жасадини сешанба кунни «Малев» авиакомпанияси рухланган тобутга солиб жўнатади. «Машпед транспорт контораси» олиб боради... Машина шикастланган. Сотиб юбордим. Битим лойиҳасини ўрганиб чиқялман, келаси хафтада имзо чекаман. Хубер!».

Шлайсиг телетайп лентасини Браунга узатди. У лентани қўлига олиб тез-тез кўз югуртириб чиқди.

«Демак, рост экан-да?»... — дея ўйлади у вазабланиб, аямо дарров ўзини қўлга олишга шошилди.

Шлайсиг хали гани тугамаганлигини билдириб қўйиш учун айти томоқ кириб қўйди. Браун унга кўзини қаради.

— Венгр хокимияти Меннель автомобиль халокатида эмас, уни сувга чўктириб ўлдирганлари ҳақида аниқ маълумот беришди. Менга, шеф, Хубернинг автомобиль ҳақида бундай ёзиши тушунарсиз бўлиб турибди. Шу муносабат билан бир савол беришга рухсат этасизми?

— Ҳа, азизим Шлайсиг, албатта!

— Хубер Меннель Венгрияга махсус мослама билан таъминланган оператив машинада кетганлигидан нахотки беҳабар бўлса?

— Бу ҳақда унга айтмагандим. Ҳар ҳолда «ханжар» тарзидаги машиналар нималарга мўлжалланганлигини унинг ўзи билиши лозим эди.

— Демак, мен нимани ўйлаганимни тушуниб етдингиз-а?

— Ҳа, Шлайсиг.

— Хубернинг ўғли ҳозирги пайтда Гаванада. Буни биласизми?

Браун биламан дегандай калласини кимирлатганча анча вақт жим бўлиб қолди. Шлайсиг, албатта, ўз шефи нега бунча узок сукут сақлаб қолганлигини билмасди. У давом этди:

— Биз шуни аниқладикки, Хубер кетиши арафасида шаҳар ташқарисидаги вилласини сотиб, пулини Швейцария саёҳат бюроларидан биттасига акцияга кўйибди.

— Булар бари табиий, — деди Браун. — Хубер бундан бошқача қилганда ғалати бўларди-да... — У ўрнидан туриб жавондан шиша олиб рюмкаларга коньяк куйди. — Ҳозир Хубернинг соғлиги учун қадах кўтарадиган бўлсак, ўринсиз бўлса керак? Венгрияда қанча одамимизнинг тагига сув қуйилиши мумкин экан?

— Мен аниқлаб чиқдим, шеф, — жавоб берди Шлайсиг. — Ўндан ортиқ агентимизнинг.

— Нима учун у сотқин бўлиб чиққанлигини айтиб беролмайсизми?

— Билмайман, — калласини кимирлатди Шлайсиг. — Кечкурун унга маълумотнома тўғрилаётиб бунга асос бўладиган ва биз нима учундир эътиборсиз қолдирган нарсаларга кўзим тушиб қолди. Биринчидан, Хубер Шаркий Пруссияда туғилган. Қариндошларидан биронтаси халиям ўша ерда яшаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Хубернинг отаси генерал бўлган ва уни Гитлерга суиқасд уюштиришда иштирок этганлиги учун қатл қилинган.

Бу нарса эҳтимол Шарқда унинг фойдасига ишлар, дейиш мумкинки, «чегарада пропуск» бўлиб хизмат ҳам килар. Хубернинг баъзи бир қариндошлари ҳозир Шарқий Германияда катта-катта вазифаларда коммунистларга хизмат қиляпти. Демак, у — бу ерда, улар — у ерда. Эҳтимол, уни аврашгандир, қўрқитишгандир, охир-шировардида қўндиришгандир. Хуллас, бу тўғрида бизга фақат унинг ўзи гапириб бериши мумкин.

Браун бошини ирғади. «Ха, — дея ўйлади у, — тўнша-тўғри. Далилларга ишонишади. Менга таънаям кам-рок бўлади».

— Телетайн орқали унга шуларни маълум қилинг, — деди у Шлайсигга. — «Машина сотилмасин. Битимга қўл қўйилсин. Зудлик билан Гамбургга қайтинг. Браун». Эҳтимол Хубер қайтиб келишни хаёлига келтирмасаям керак. Шу билан бир вақтда уни йўқотиш ҳақида операция тайёрланг. — Браун буни шундай бир оҳангда айтдики, унинг гаплари бировга ўлим ҳукмини ўқиётгандек эмас, худди кечаги жазирама ёки бултурги қалин қор ҳақидаги арзимас нарсалар ҳақида гапираётгандек жарангларди. — Яна бир рюмка қуяйми, Шлайсиг?

— Ха, шеф, раҳмат, — деди кўзойнакли митти ва қадахни қўлига олиб ютоқлик билан ичиб юборди.

Барибир Шлайсигнинг юзида зохир бўлиб турган таъвиш Брауннинг назаридан четда колмади.

— Хўш, биродарим Шлайсиг, яна бошқа «марокли хабар»лардан борми?

— Ха, дейишга тилим бормайди, шеф. Меннель ўзи билан К-олтишчи томонидан биз учун қўлга киритилган танлов баҳолари рўйхатини олиб кетган эди. Биз эсак бутун «К» гуруҳисини Сильвия билан алоқа қилдирмоқчи эдик. Агар Хубер Меншелнинг қовозлари ичидан рўйхатни топиб оладиган бўлса, у «К» коди тағида нималар борлигини билиб олиши мумкин.

Браун индамади. У ўз хўжайинларига ишнинг бундай барбод бўлиш сабабларини қандай қилиб тушунтирсам экан, дея бош қотирарди.

Тибор Сюч балконда паришонлик билан узоқ-узоқларга тикиларди. У ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўй, келинган, хурпайган тўқ малла сочли, кўзлари кўкиш бир киши эди.

— Биласанми, анув Шалго дегани ким ўзи? — сўради у ўгирилмай.

Қип-яланғоч Беата каравотда ётганча мода журналисти варақларди.

— Викторнинг менежери-да, а?

Тибор балконда хонага қайтиб кириб қиз ётган каравотга у билан ёнма-ён ўтирди.

— Ўзинг жилла курса «менежер» деган сўзнинг маъносини тушунасанми? — У шундай деб қизнинг устига чойшаб ёниб қўйди.

— Билмайман, бунга қизиқмайман ҳам. Ўзим шундоним исиб кетяману, тагин устимга чойшаб ёпасан-а. Ё инди ёқмай қолдимми?

— Ёқасан жудаям. Баданинг фарипталарникидай, шунинг учун тезда кўнглимга уриб қолмагин деяман... Хўш деганингдан билсак, Шалго «Бежиқабех»лардан.

— Шунақами хали? — деди қиз чўзиб журнал варақларидан тўхтамай. — Афтидан, ўхшамайди.

Тибор унинг хотиржамлигига ажабланди.

— Нима сен, «Бежиқабех»лар кимлигини билмасанми?

— Нега? Африкадами, Америкадами яшайдиган бир халқдир-да...

«Одам шу даражадаям думбул бўладими? — деб ўйлади Тибор. — Ўзи гўзал, лекин калласида алиф ҳам йўқ».

Кейин деди:

— Лекин мен айтаётган «Бежиқабех»лар бошқача. — Буданешт — жиноят қидирув бўлимининг ходими. Қисқартмаси «Бежиқабех». Бошқача қилиб айтганда исқонуч, изқувар.

Беатанинг кўлидаги мода журнали ерга тушиб кетди.

— Буни қаердан эшитдинг?

— Отелда фақат унинггина одамлари эмас, менинг ҳам одамларим бор, — заҳархандалик билан тунгунтирди у.

— Демак, илинтиришибди-да. Мен айбдор эмасман. Агар билишни истасанг, ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Мен сенга меҳмонхонада тўхтайлик, қаҳвами, кока-колами ичайлик деб худонинг зорини қилдим. Ўшанда ахир томоғим қуриб ўлар ҳолатга келгандим-ку. Сен бўлсанг, аввал Виктор билан гаплашайлик, деб ўз билганингдан қолмадинг! Бу нарса гўё ҳаммасиданам муҳиммиш! Сенинг калланга ўзи бир нарса кириб қолса, омбир билан ҳам суғуриб олиб бўлмайди...

— Уни ўлдиришганини туш кўрибмизми?.. Энди нима қилишимиз керак, бу ёқдан кел, — деди у ирғиб туриб хонада уёқдан-буёққа асабий юраркан.

— Ресторанга бориб нонушта қиламиз, — деди Беата, — Гамбургдан келган шэфни қидириб топишга уришиб кўрамиз. Овқатга қалай, майлинг борми?

Тибор яна каравотга, қизнинг ёнига ўтирди.

— Майлим борку-я. Ҳар қачон — кечасиям, кундузиям. Сенинг ёнингдан бир қарич ҳам жилгим келмайди. Бундай навозишни қаердан ўргангансан ўзинг? Баъзан назаримда гўдаклигингдан шундайдек бўлиб кетасан.

Беата кибр билан кулиб қўйди.

— Тентаксан, Тибор! Агар мен сени севмаганимда бағрингда тошдек муз бўлиб тураверардим. Бўпти, қани келиб бир ўпиб қўй-чи!

Эшик тақиллаб қолди. Тибор елкасига пахмоқ халатини ташлади.

— Ҳозир! — дея қичқирди у, кейин қизга қараб секин деди: — Устинга бирон нима ёшин, яхшииси, ваннага қира қол. — У Беата ваннага кириб кетгунча кутиб турди-да, кейин бориб эшигини очди.

Хонага Оскар Шалго кириб келди. У ҳорғин кўринар, лекин чехрасида ёқимли табассум ўйнарди.

— Худога шукр, шу ерда экансизлар, мен кетиб қолдингизми деб ўйловдим. — У атрофга назар ташлади. — Беата қаерда?

— Шу ердан, — деди қиз ваннадан чиқиб келаркан. — Салом!

— Салом, Беата. — Шалго хонанинг ичкарасигача кириб борди. У ўзини мезбонлардаги саросималикни сез-

маётганга солди. Унинг хатти-ҳаракатлари шу қадар хотиржам, босинки эдики, кўрган одам мезбон деб ўйлаши мумкин эди. Шалго столга келиб коньяк шишасини қўлига олди.

— «Мартель»ми? Ёмон эмас. Шахсан мен ўзим «Наполеон»ни хуш кўраман. Азизим, сизда тоза стакан борми?

Қиз Тиборга назар ташлади. У бирон-бир катгарок ганини айтиб юборинга оғиз жуфтлаганда Тиборнинг жим дегандек ишорасини кўриб тилини тишлаб қолди.

— Беата, стакан келтир, — деди Тибор.

Беата чуқур бир хўрсинди-ю, яна ваннага кириб кетди.

— Рухсатингиз билан жаноб Сюч, бир дақиқа ўтирмаман, — деди Шалго ва инқиллаб ўриндиқлардан бирига чўкди. — Х-ха, қарилик қурсин, мадордан олади. Бирок нега ўзингиз ўтирмайсизлар? Илтимос, ўтиринг! Сизларнинг соғлиқларингиз учун! — Шалго коньякдан бир хўшлаб қимирламай турган Беата билан Тиборга қаради. — Назаримда, бемаврид таширифим сизларга малол келганга ўхшайди. Балки мен адашаётгандирман-а?

Тибор бу вақтда шимини кийиб олди.

— Биз чарчаганмиз, — деди у. — Кечаси уйку кам бўлди. — У ўриндиқнинг биқин суянчигига ўтирди-ю, сен ҳам ўтир деб Беатага имо қилиб қўйди. Қиз қараётганга чўкди.

Шалго сигара чекди.

— Бу билан бизга халақит қилганингиз йўқ демокчисиз дея ўйласам бўладими? — Шалго дили ранжигандай бир оҳангда гапирди. — Бўлмаса, келганимга тоза афсусланган бўлардим... Менга жуда ёқимли кўриниб кетинисизлар. Учрашувимиздан сизлар ниҳоятда хурсанд бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Хурсанд бўлгандаям даҳшатли равишда хурсандлигимиз сезилмаётгани ахир? — деди Беата баппарасини бурштириб. — Сизни кўриб юрагимиз шодлиқдан тарс ёрилиб кетай деди жаноб менежер. Тўғримасми, Тибор? — қиз қария уларни алдагани учун қандай қилиб ахирини сочишни билмай турган эди.

— Секинроқ айтасанми! — тасдиқлади Тибор ва сигарета чекди. Кейин кафти билан туртиб чиқиб турган ичгини силаб қўйди. — Хўш, таширфингиз боисини сўрасанг бўладими?

Шалго мувозанатдан чиқмасликка уринди. Копьякни хўплаб деди:

— Менинг соғлигимга ичинглар. Бир култум бўлсам. Хоҳламайсизми? Йўқ бўлса йўқ-да, сезиб турибман, мендан жаҳлларингиз чиқяпти. Агар гапнинг ўғил боласини айтадиган бўлсак, менда ҳам сизлардан хафа бўлиш учун сабаб бор: ахир мени алдаб кетишингизга бир баҳя қолди-я. Яхшимас!

— Сиз изкувармисиз? — чўрт кесди Тибор ва Шалгога тикилди.

— Шундай бўлган тақдирда, нима, бу сизларни лол қилиб қўйдими?

— Мен улардан жирканаман!

— Тасаввур қиялман, балки сизга милиция хақида кўпдан-кўп латифалар, ҳар хил яхши-ёмон ҳазил-ҳузуллар маълум бўлса керак. — Шалго Тиборга шодон кўз қисиб қўйди-ю, бапшарасига тутун пуфлади. — Лекин барибир сиз менга хушфеъл йигит бўлиб кўриняпсиз...

— Қап-катта одам бугун ёшларнинг суҳбатини олгиси келиб қопти-да? — сабр косаси тўлаётганини сезиб истехзо билан сўради Тибор. — Қисқаси, нимага келганингизни айтинг-да, жўнаб қолинг!

— «Жўнаб қолиш»га ҳали пича бор, Тибор Сюч, — Шалго оғриётган оёғини уқалаб туриб, Беатага жилмайиб қаради. — Тиборнинг мен билан ҳечам дўстлашгиси йўқ. Бунга хафа бўлмай бўладими? Сиз бунга қандай қарайсиз, Беата?

— Назаримда жудаям тилингизга эрк бериб юборяпсиз, жаноб менежер, — куруққина қилиб эътироз билдирди Беата.

— Бу қариликнинг белгиси, — деди Тибор Сюч ва ўрнидан турди. — Қани, сизни нима қизиқтиради? Сўрайдиганингизни сўранг-да, чиқиб кетинг! — деди у ўзига қатъий ишонган одамлардай қилиб.

Шалго ўридикқа яхшилаб ўрнашиб олди.

— Мени фақат баъзи бир майда-чуйда парсалар қизиқтиради. Марҳамат қилиб айтинг-чи, азизим Беата, сиз нима мақсадда мени алдамоқчи бўлдингиз? Ахир, сизнинг онангиз Меншелга қариндош эмас-ку. Улар умуман бир-бирига бегона.

Беата индамади. Нажот сўрагандай кўзини Тиборга қадади.

— Қачон бу ердан туёғингизни шиқиллатасиз? — қўполлик билан сўради Тибор.

— Зўр! — вазминлик билан деди Шалго. — Ҳазилкаш одамларни яхши кўраман. «Қачон туёғингизни шиқиллатасиз?» Топиб айтилган гап! Фақатгина Беата ҳақиқатни очиб гапирмагунча мен бу ердан «туёғимни шиқиллат»майман.

Қиз бир нима демоқчи бўлган эди. Тибор унга қараб қўйиб гапдан тўхтатди.

— Аввал баъзи бир нарсаларни келишиб олсак, отахон, — деди у. — Агар адашмасам, ҳозир нафақада бўлсангиз керак-а?

— Тўша-тўғри.

— Шундан яққол кўриниб турибдики, Оскар Шалгонинг саҳар-мардондан эшик қоқиб келишини, хусусий шахснинг таширф буюрини маъносида қабул қилсак бўлаверади, бу демак, унинг Беатага берган саволлари расмий сўрок эмас деган сўз.

— Шундай деб ҳам тасаввур қилайлик, — деди Шалго.

— Агар шундай бўлса, шуни эътиборга олиб қўйишингиз керакки, биринчидан, Беата саволларингизга жавоб беришга мажбур эмас. Иккинчидан, хусусий шахс бўлганингиз боис, мен сизни ўз уйимда қабул қилишга мажбур эмасман.

— Лекин мен сизникига меҳмонга келганман-ку.

— Учинчидан, ҳали қиладиган ишларим кўплиги ва келиб жонимга текканлигингиз сабабли коньягингизни ичиб бўлиб чиқиб кетишингизни илтимос қиламан.

— Кетмасам-чи!

«Шу қадар ҳам совуқ бўладими одам, — ўйлади Тибор жони хиқилдоғига келиб. — Нахотки сен мени ўз соясидан ҳам кўрқадиган галварс деб ўйласанг! Лекин шундай ўйласанг адашсан, қари тулки. Мен сен пўна-нак босиб кетган қария мустақил иш олиб бораётганингни жудаям яхши биламан-ку. Шундай бўлгач, айтмаган жойга нега бурнингни тикиб юрибсан! Ҳеч ким ёнингга тушмайди-ку. Сенга ўхшаганлар ўзларининг найранглари билан расмий органларнинг ишларига халакит қилишади».

— Сиз яхшиликча чиқиб кетмасангиз оқибати нима бўлишини сўраянсизми? — овозини кўтариб сўради у.

Шалго табассум билан бошини ирғаб қўйди.

— Эшитинг, — давом этди Тибор Сюч. — Ёқангиздан олиб кўчага улоқтириб ташлашдан бўлак иложим қолмайди... Қани?

Шалго пешанасини артди. «Ўзига ишониб ганирини менга ёқанти», ўйлади у. Шу билан нима учундир саросималаниб турибди.

— Сизнинг ўрнингизда мен бундай қилишдан ўзимни тийган бўлардим, — деди Шалго. — Сиз улоқтириб ташлай олишингиз учун ҳаддан ташқари юким оғир бўлгани учунгина эмас. Ҳамма гап шундаки...

— Сафсаталарингиз жонимга тегди. Қани, чиқиб кетинг! — У дағдаға билан ўрнидан турди, лекин Шалго кимирламадиям.

— ... гап шундаки, ҳозир мен чиқиб кетсам, — бошлаган гапини давом эттирди у, — беш дақиқадан кейин бу ерга майор Балинт билан полковник Эрнэ Кара кириб келишади. Улар, гапимга ишонаверинглар, сизга жуда кўнгулсиз саволларни беришади. Масалан, нима учун муҳандис Геза Салаининг қайлиги Беата Кюрти Тибор Сюч билан бирга яшайпти, дегандек. Ҳатто бу ерга Геза Салаининг ўзиниям таклиф қилишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

— Товламачилик қилмоқчимисиз? — деди қиз овози титраб.

— Асло, азизим! Мен ахир нимани истаётганимни айтдим-ку, Виктор Меннель билан қаерда танишгансизу, унга сиздан нима керак эди, шунин билмоқчиман, холос.

— Сиз билан гаплашишни истамайман? — очик-ойдин ғаразгўйлик билан деди Беата. — Биласизми, сиз ўзингиз кимсиз? Ғализ-ғаламиссиз, ҳа, худди шундай!

Тибор Сюч келиб ўйнашининг елкасидан қучди.

— Ўзингни бос, Беа, — деди у. — Ўзингни бос, эсингни йиғ.

— Ахир ўзингиз ҳам Меннелнинг менежериман деб таништирдингиз-ку, шундай қилишингиз тўғримида?

Шалго кулиб юборди.

— Ҳазилкан экансиз, оноққиз! Мен ҳам азизим, ўзингиз Меннелнинг жияниман деганингиздай унинг менежериман-да. Сиз бир олдингиз, мен бир олдим. Демак, ора очик.

— Мен ҳақимда нимани биласиз? — сўради Тибор Сюч ва жим дегандай қизнинг қўлини шу қадар қаттиқ

кисдики, киз оғриқдан чиқкириб юборди. — Мен хақим-да сизга нима маълум бўлса, барини тўкиб солинг.

— Кўн нарса билмайман. Эллик иккинчи йил тиббиёт факультетини битиргансиз. Аъло бахолар билан. Каршингизда порлок келажак нишоналари аниқ кўринди. Хатто сизни мухалифларингиз ҳам жуда қобилиятли врач бўлади, деб хисоблашарди. Эллик бешинчи йилда гимназиячи киз Пирошка Хамери билан ошиқ-маъшуклик кўчасига кирдингизлар. Тўғрими?

— Тўғри, — калласини кимирлатди Сюч ва бир дақиқа вужудини хотиралар чулғаб олди, кўзларига мунг чўкди, бирдан овозиям ўзгариб одобли бўлиб қолди. — Бу маълумотларни Будапештдан олдингизми?

— Токиодан, — ҳазилланди Шалго. — Давом этаверайми?

— Керакмас, зарурати йўқ! — деди Тибор Сюч ва тўғрисидаги гиламнинг бир нуқтасига тикилганча қовоқини солиб олди. «Афтидан, бу нуسخа мен хақдаги ҳамма гапни билади чоғи», — ўйлади у. Хаёлига Пирошка Хамери келиб қолган ва унинг қиёфасини харчанд уринмасин кўз олдидан нари кетказа олмасди.

— Сиз ўша кизни севармидингиз? — сўради Шалго.

— Мен унга уйланмоқчийдим, — жавоб берди Тибор Сюч ҳали ҳамон кўзини ўша нуқтадан олмай. — Балки сиз бунга нишонмасиз... Афсуски, ўшанда суд менга ишонмагани... Хатто алдамаган бўлсам-да. Ҳозир ҳам тўғрисиини айтяпман. Мен Кубадан қайтиб келганимда Пирожанинг тўрт ойлик хомиласи бор эди.

— Кубада қанча вақт бўлдингиз?

— Уч ойдан мўлроқ. — Ўтган кунлар алами Сючни ўз қомига тортиб кетди. Пирошка хақида гап кетди де-гунча хар сафар шу ҳол содир бўлаверарди.

У Кубадан ватанига қай даражада қувонч ва бахтиёрлик билан қайтганини хотирлади. Хатто самолёт назарида имиллаб учаётганга ўхшарди. Ахир Будапештда тезроқ бўлишини жоникиб кутгани-да. Пирошка билан юз кўришмай тўрт ой хижронда яшаш — бу энди жуда узок муддат эди!

Келиб чамадониниям очиб улгурмаган, устидаги йўл чапгариниям қоқиб бўлмаган ҳам эдики, остонада Пирошка пайдо бўлди. Юраги тарс ёрилар даражада Тибор унга ўзини отди, шундагина чехрасидаги қучли ўзгарини сезиб қолди. «Бўйимда бўлиб қолибди», деди киз

алам билан ва йиғлаб юборди. У шошиб қолди ва кунларни санай бошлади. «Ишончинг комилми, адашмас-тибсанми?» — сўради у. — «Йўқ, бу аниқ, — йиғи аралаш жавоб берди Пирошка. — Дадам билиб қолса, мени сўяди!» — Қайта-қайта дерди у. — «Ечиш!» — унинг овози буйруқдай янгради. У кизни қабулхонасига олиб кирди. Кейин қўлини узок ювди, лекин калласида шундай фикрлар гужғон ўйнади: «Қизнинг отаси Янош Хамери аёвсиз ва тийиксиз бир одам, ўтакетган мутаассиб. Шу даражадаки, ўйламай-цетмай кизини монастиргга қамаб қўйилдан ҳам тоймайди. Пирошканинг онасиям эридан заррача қолишмайди. Тонг ёришар-ёришмас черковда ҳозир бўлади-ю, меҳробнинг олдидаги муздай тошга тиззалаб туради, кизиниям бутун дуо тамом бўлгунча ёнида шундай туришга мажбур қилади. Пирошканинг катта акаси-чи, — уям диндор ва ўлгудай мутаассиб...»

Пирошка истамаганиданми ёки улдан уялганиданми ишқилиб юзларини қўллари билан беркитиб олади. Ҳа, Пирошка янглишмаган эди: у ҳақиқатан ҳам хомиладор эди. «Кийинавер энди!» — деди Тибор ва яна қўлини ювишга тутинди. Бир дақиқа тушқунликка тушиб танишганигаям, ўша кунгаям лаънатлар ўқиди. Ахир танишганда Тибор уларнинг оиласи ҳақида ҳеч нимани билмасди-да. Фақатгина мана шу гўзал маъбудани ақлдан озар даражада севинию улдан воз кечиш амри маҳол эканлигинигина биларди. У Янош Хамери — ўтакетган золим ва тақводор одам эканлигини билмасди. «Энди нима бўлади?» — Пирошканинг қўрқа-писа берган саволи узок-узоклардан келаётган нидодек эди. Сую ўгирилиб халатини ечди, сигарета тутатди. «Туғасаң, мен эса сенга уйланаман». Пирошканинг юзлари қўрққанидан буришиб кетди. «Йўқ, йўқ, — дея шивирлади у, ваҳимага тушиб, — ҳеч қачон! Яхшиси ўзимни ўлдираман!» — «Бунга ҳамма вақт улгурса бўлади». У алам устида Пирошканинг қўлидан ҳамма парса келишини биларди...

Тибор Сую чўчиб тушди-ю, хотираларни четлаштириш учун калласини силкиб қўйди. Шалго унга синовчан بازار билан қаттиқ тикилди.

— Мен боласини олдиришини истамаганидим, — деди Сую. — Ота-онасининг олдига бордим. Сиз уларнинг мен билан гаулашгиси келди деб ўйлайсизми? Адашасиз!

Улар мени уйдан қувишди. Пирошкапинг отаси милиция чақираман, деб дағдаға қилди.

— Шундан кейин сиз яширинча боласини туширишга қарор қилдингиз, — деди Шалго.

— Қўлимдан бошқа нима келарди? Қизнинг отаси ҳам, бутун оила аъзолариям тақдирга тан беришга мажбур бўлишди. Ҳазимча, уларни боқладим, деб ўйладим. Ахир улар бола менданлигини билишмасди-да. — Уларга кизнинг илтимоси бўйича операция қилганим маълум эди, холос. Дастлабки уч кун яхши ўтди. Тўртинчи кун кутилмаган ҳодиса рўй берди: ўпка тромбози. Мени жуда кечикиб хабардор қилишди. Шундан кейин Хамори сира иккиланмасдан милицияга хабар берди. — Энди унга барибир эди. Мени беш йилга кесишди... Сизни бошқа яна нималар қизиқтиради?

— Тугма ясашни турмада ўрганиб келганмисиз?

— Ҳа. Мен тўрт йил тугма цехида ишлаганман. Озодликка чиққанымдан кейин мана бу иккинчи хунаримниям ташлаганим йўқ.

Шалго маъқул дегандек Сючга қаради. Будапештдан олинган маълумотлар унинг бари гаплари ростлигини тасдиқларди.

— Беата сизнинг тижорат ишларингизда ёрдам берадими?

— Сиз аниқламоқчи бўлиб келган ишингизга бунинг нима дахли бор? — гапга қўшилди Беата унга нафратланиб қараб.

— Биз, исковучлар, ҳамма нарсага қизиқувчан бўламиз, — деди Шалго «исковучлар» сўзига алоҳида урғу бериб, — айниқса, ҳозирги вазиятда содир бўлган ҳодисанинг ўзи мендаги қизиқувчанликни баттар ўт олдирыпти. Сиз Геза Салаининг қайлиғисиз. Шундай бўлишига қарамай Тибор Сюч билан бир хонада тунаяنسиз. Очиғини айтсам, бу нарса менинг тушунчамга сирмаяпти. Мен янғича эмас, эскича одамман.

— Ҳеч қанақа эскича одам эмассиз, бор-йўғи исковучсиз, — жавоб берди киз дағаллик билан. — Агар позик таъб одам бўлганингизда полицияга ишга кирмай адабиёт профессори бўлган бўлардингиз.

— Худди шундай, — унинг гагини бўлди Шалго. — Умуман, шуни айтиб қўйишим керакки, муҳандис Салаи гарчанд исковуч бўлмаса-да, барибир уям мана бу ғалати, дейиш мумкинки рухий жихатдан жуда зийраклик

талаб қиладиган ҳодисани тушуниб етишига кўзим ет-майди. Шунинг учун ҳам буни хозирча фақатгина менга изоҳлаб беришингизни сўрадим-да.

— Бунинг мутлақо изоҳлаб ўтирадиган ери йўқ. Геза менинг бўлажак эрим. Тиборни эса севаман. Бор гап шу.

— Виктор Меннелниям севганмидингиз?

— Ўзи менга осилиб юрарди, лекин орамизда ҳеч нарса бўлган эмас. — Қиз Тиборга юзланди. — Гапир-саиғ-чи, нахотки мен мана шу қари тулкига ҳисоб беришга мажбур бўлсам?

— Мажбур эмассиз, азизим, — Тибор учун жавоб берди Шалго ва шу захоти яна сўради: — телефондан фойдаланишга ижозат этасизми?

— Кимга қўнғирок қилмоқчисиз? — сўради Тибор.

— Майор Балинтга. Бу ёққа чақирмоқчиман. У менга ўхшаган «қари тулки» эмас. Ўйлайманки, унинг саволларига Беата қулоқ қокмай жавоб беради. Мен эса эшитиб ўтираман.

— Беа, тентаклик қилма! — деди Тибор. — Гапни чалкаштиришдан ҳеч қандай маъни йўқ. Бор гапни очиқ-ойдин айтиб қўя қол. Бу жаноб ўз мавқеини суниистеъ-мол қилмаса керак, деб умид қиламан.

— Худо сақласин, — тасдиқлади Шалго. — Шундай қилиб, Виктор Меннель билан қаерда танишгансизлар.

— Италияда. Ўтган йили ёзда, ўша йили ойим ва қайлиғим билан Италияда дам олган эдим.

— Меннель билан ораларингизда ишқий муносабатлар бўлганми?

Беата индамади.

— Қўрқмай айтавер — бу учун жазоламайди, — тиржайди Тибор Сюч.

— Бўлган эди... — аста минғирлади Беата.

— Қайлиғингиз буни билганмиди?

— Кейинроқ билган. Шундан кейин ҳар қадамимни кузатиб, қаттиқ рашк қиладиган бўлиб қолган.

— Бунинг ажабланадигани жойи йўқ, — деди Шалго. — Унинг ўрнида мен ҳам рашк қилган бўлардим. Давом этинг.

— Бир куни Меннель қўйлагимдаги тугмачамга эътибор бериб қолди. У менга жуда ёқди, деди ва қаердан сотиб олганимни сўради. — Қиз сигарета чекди. — Ана шунда мен унга Тибор Сючнинг қай даражада қобилиятли эканлигини ва унинг ўз йўлини тополмаётганлигини

гашириб бердим. Эртасига Меншель бизга қандай ёрдам бериши мумкинлигини айтди. Тиборинга айт, деди, ўз тугмачаларидан намуналар тўпласин, ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳасини тузсин. — Бунинг учун қанақа дастоҳлар зарурлигини айтди. Сўнгра Меншель кейинги йили ёзда, яъни бу йил Венгрияга келишини айтди. Қолганини ўша ерда батафсил муҳокама қилиб оламиз, деди.

— Ҳа, худди шундай бўлган эди, — тасдиқлади Тибор Сюч. — Шу йил январь ойидан буён хат олишиб турамыз. Меншель мени шоширди. Кеча-қундуз тиним билмай ишладим. Жумладан, Меншель менга фирмасидан катта кудратга эга бўлган пардозлаш дастоҳи ва кўйдириш учун печь олишимни ёзган эди, — Тибор ўридан туриб панкасини олди-да, Шалгога узатди. — Марҳамат, маца, ўзингиз кўришингиз мумкин. Бу бизнинг хатларимиз. Ҳамма хатимни мен «Артекс» фирмаси орқали жўнатганман. Бизнинг фикримиз фирмани ҳам қизиқтириб қўйди. Маца, тугмалардан намуналар. — Тибор шундай деб портфелидан картон қоғозларга қадаб қўйилган тугмаларни чиқариб столга териб ташлади. Бир-биридан чиройли тугмалар! — Бир ҳафта муқаддам Беата Меншелдан хат олди, унда Меншель тугмаларни олиб олдига — Балатонга келишимизни сўраган эди. Маца, биз келдик. Лекин уни бу ерда ўлдириб қўйишибди.

— Виктор Меншелнинг келинлар деб таклиф қилган хати ҳам шу ердами? — панкадаги қоғозларни варақлардан сўради Шалго.

— Йўқ, қайлиғимда қолган, — жавоб берди Беата. У хатни қўлимдан тортиб олди-ю, бир шапалок уриб, Меншель билан учрашимизни тақиқлаб қўйди. Айтувдим-ку ахир, ўтакетган ранкчи деб.

— Ҳ-ҳа, бу гапларингиз ҳақиқатга яқин, — деди Шалго ва яна қоғозларни варақлашга тушди. У Тибор билан Беата энди алдамаётганини тушуниб турарди... — Ҳ-ҳа, ҳаммаси тўғрига ўхшайди. Ҳар ҳолда бир қарашда...

— Иш билан яқиндан танишсангиз ҳаммаси тўғрилигига имонингиз комил бўлади, — деди Тибор Сюч. — Будапештга боринг, «Артекс»нинг ходимлари билан гаплашинг. Улар сизга менинг Меншель билан бирга иш олиб бориш учун у қадар кўнглим чонмаганиниям гапириб беришади.

— Нима ҳам дердим, гапипгизга ишонаман, жаноб доктор.

— Сиз масхара қияпсизми? — Тиборнинг кўзлари ёниб кетди.

— Йўқ, мутлақо, гапимга ишонаверинг. — Мен одам-гарчилик нуқтаи назаридан сизга раҳмим келяпти, — Шалгонинг овози самимий жаранглади. — Шуңдай қилиб, олдинги касбингиз билан бир умрга видолашдингизми?

Тиборнинг юзлари аламдан қийшайиб кетди. У бал-қонга чиқди, Балатошнинг кўзни қамаштирувчи манзарасига бирпас қараб турди-да, яна қайтиб кирди.

— Бу гапни кўяйлик, — деди эшикда турганча курук-қиша қилиб. Ўтган ишга салавот. Хуллас, энди бир умр тугма яшан билан ўтиб кетишим аниқ бўлиб қолди...

Шалго ўрнидан туриб, одатдагидай сезмай кулли гиламга қокди. У ўйланқираб этли бурнини ишқади, кейин шимининг орқа чўнтагидан хат олиб Тиборга узатди.

— Мана, Виктор Менцелнинг хати. Олинг-да, яшириб қўйинг. Эхтимол, хали сизга керак бўлиб қолар.

Тибор Сўч хатга қаради-ю, Адам Рустамнинг Шалго ниҳоятда айёр ва хавфли одам, у билан хушёр бўлиб гаплашиш керак, дея огоҳлантириб айтган гаплари эсига тушди. Мана, hozir қария ҳамма вақт очик кўнгилик билан гаплашиб турди-ю, лекин ўша бадбахт хатни чўнтагида яшириб ўтирди. Ким билади хали ўйлаб қўйган яна қанақанги шумликлари бор экан?

Шу вақтда Беата Тиборнинг олдига келиб, унинг қўлидан хатни олди.

— Хат қандай қилиб сизнинг кўлингизга тушиб қолди? — сўради қиз Шалгога кўзини кадаб.

— Қайлигингиз йўқотиб қўйган экан, биз топиб олдик.

— Мен бу ердалигимни Геза билладими? — Қизнинг кўзларида қўрқув акс этди.

— Беата, мен гарчанд «қари тулки» бўлсам-да, гийбатчи эмасман, — деди Шалго ва ўз ҳорғин назарини Тиборга қаратди. У ҳам ўз навбатида хушёр тортди ва очикдан-очик шубҳа билан меҳмонга қаради: «Кўриниб турибдики, қари изкувар хаммасини ўйлаб, пишитиб келган экан, сўроқларни эса — йўлига эрмак учун берган экан», деб қўйди ичида.

— Сиз билан эса, Тибор, бир битимга келган бўлардим, — тўсатдан деди Шалго.

— Яна қанақа битим? — хайрон бўлди Тибор.

— Мана бундай, агар биз келишолсак, мен сизга ирачлик дипломингизни қайтаришларига ваъда бераман.

— Мен нима қилишим керак?.. Биласизми, келинг, бу мавзудаги гапга нуқта қўяйлик. Мени ўша тугмачаларимдап нари қилмасин. Мен ишлашни, ўз ишимни севаман.

— Ўзингиз биласиз. — Шалго эшик томон йўналди. — Ха, айтгандай, полковник Кара ҳозирча меҳмонхонадан бирон ёққа кетиб қолмаслигингизни илтимос қилган эди.

— Нима бу, уй қамоғими?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз! Бир илтимос-да! Полковник Кара ҳам Меннель билан «қандай қарииндош» жақлигингизни яхишлаб билиб олмоқчи бўлган эди. Борган шу!

— Хақкингиз йўқ! — норозилик билдирди Тибор Сյуч.

— Мендан норозилигингизни ўзимга ҳар қандай шаклда баён қила олишингиз мумкин. Бутун тергов-текшириш ишларини олиб бораётган полковник Кара билан эса — ҳазиллашманг. Бунинг устига гап атиги бир неча кун устида кетяпти. Бу муддат ичида Беата иккингиз ҳарҳолда бир-бирингизнинг қўнглингизга урмасангиз керак, деб ўйлайман. Меҳмонхона пули тўлаб қўйилди. — Шалго эшикнинг тутқичини тутди. — Ҳа-я, Беата, айтинг-чи, Балатонда дала ҳовлиларингиз борми?

— Бор. Балатонсемешда, — жавоб берди қиз ва бир оз сукутдан кейин қўшиб қўйди. — Хуняди кўчаси, иккинчи уй. Ота-онам уни урушдан олдин қуришган.

— Ташаккур. — Шалго таъзим қилиб хонадан чиқди. Меҳмонхонада уни Фельмери кутиб турарди: улар қаҳвахонага киришиб столга ўтиришди-ю, қаҳва буюришди. Официант икки стакан қаҳва олиб келиб столга қўйганда Шалго унга қараб деди:

— Менга қара, Янчи, илтимос, Тибор Сյучнинг хонасига икки рюмка коньяк олиб кириб бер. Менинг ҳисобимдан.

Официант кетиши билан Фельмери сўради:

— Бирон нима бўлдимми?

— Айтарли ҳеч нарса, — жавоб берди қари изқувар. — Бир печта саволга жавоб олишим зарур бўлиб қолган эди.

— Масалаи?

— Масала, Венгр савдо палатаси «Ганза»нинг «Артекс» фирмаси билан яшвардан буён ёзишмаларини нима учун билмаган? Яна, Геза Салаи кай шароитда ва нима учун Беатадан Меннелнинг хатини тортиб олган? Бугун қайси сана?

— Йигирма еттинчи, якшанба, — деди Фельмери.

Орадан бир соат ўтгандан кейин Кара кичкина йиғилиш ўтказди. Полковник бардам кўринар, ҳатто мана шу ўтган икки кун ичида бир оз қорайиб ҳам улгурибди. Шалго бўлса, бунинг акси, ҳорғин, холдан тойгандай эди. Майор Балинт ўзини жуда яхши хис қилар, кайфи ятти аъло даражада эди. Фельмери Кара билан Шалгонинг гапларини зериккандек киёфада тинглади, намунча улар «бир жойда ер тепиниб қолишди», дея хайрон бўлди. Лиза у-бу харид қилгани кетди. Шалго дўстларининг меҳмонга чақирса, у икки қўлини бурнига тикиб қуруқ қараб ўтирсинми.

Кара ўтган кунда тергов ишлари анча олдинга силжиганини гапириб берди. Унинг гапига караганда эртами-кечми бир-бири билан кесишин керак бўлган ва иккаласидаям Виктор Меннель асосий ишни олиб борган икки йўл аниқ кўзга ташланибди. Биринчи йўл «Ганза» фирмаси билан боғлиқ ёки нарсаларни ўз номи билан аталадиган бўлса, Венгрияда фирмани панох қилиб олган чет эл разведкасининг фаолияти. Мамлакатда Меннелнинг агентлари иш олиб бораркан, унинг ўзи эса, бу ерга улар билан учрашини учун келган экан. Шундай қилиб, масала равшан: «Ганза» фирмасининг агентура тармоғини фон қилиш. Кара давом этиб, бу ишда Хубер бизга жиддий ёрдам бера олиши мумкину, хали уни очик суҳбатга жалб қила олганимиз йўқ, деди. У ҳозирча кўп нарсаларни гапириб берган бўлса-да, унинг аҳтиёт бўлиб юриши тушунарли. Иккинчи йўли бир вақтлар гитлерчи офицер томондан яшириб кетилган қимматбаҳо дафилаларини топиш, бу ердаям масала янада аниқ эди: ўтган йили кизи билан Италияда дам олган ва ўша ерда Меннель билан тапишган аёлни топиш керак эди. Ўтган йили Италияга Кюртилар оиласи борганлиги аниқланди. Агар Хубер гапириб берган гаплар тўғри бўлса, Кюрти дегани ўша аёл бўлиб чиқини аҳтимолдан узоқ эмас, унинг кизи Беата Кюрти Меннелнинг ўйнаши бўлган.

— Меннель Италияда туриб Кюртилардан бошқа венгерлар билан учрашган деб ўйлаш унчалик ишончли

бўлмаган бўлур эди, — гапга аралашди Балинг. — Ахир ҳамма маълумотлар бир-бирига мос келяпти-ку, ўртоқ полковник! Меннелъ билан алоқада бўлган қиз, онаси, унинг қаллиғи... Бунга Шалго аниқлаган нарсаларни — Меннелъ билан хат олишувлар, Балатонсемешдаги дала ҳовлини кўшсак... Мен, масалан, зудлик билан уларни қўлга олиш учун буйруқ берган бўлардим.

Кара майорнинг гапларини диққат қилиб тинглади, ўзи эса кўз қири билан вазирни машғул топиб олган Фельмерини кузатди: лейтенант бир ипни топиб олиб ҳадеб тугун ясарди.

— Сиз қандай ҳаракат қилган бўлардингиз, ўртоқ лейтенант, — бирдан унга мурожаат қилди Кара. — Тугунчаларингизни бойлаб олинг, кутиб турамиз.

Лейтенант хижолат бўлди, ишни шоша-ниша икки думалоқлади-ю, кулдонга ташлади. Полковникнинг бундай мурожаат қилиши бир оз қўнглига тегди — ахир у нима гаплар бўлган бўлса барини диққат қилиб тинглади, агар «оқсоқол» хоҳласа ҳаммасини сўзма-сўз бир бошдан такрорлаб бериши мумкин...

— Нима ҳам дердим, албатта уларни қўлга олиш мумкин, — деб жавоб берди у, — лекин мен бундай қилмаган бўлардим. Бунинг учун хали бизда етарли асос йўқ. Қизга келсак, Шалгога айтиб берган гапларига қараганда, менимча ҳақиқатга яқин келади. Айтмоқчи, Тибор Сүчинг тугма ҳақидаги олди-қочди гапларини текшириш жуда осон...

— Шундай бўлса ҳам, ўзингиз масалан, нима қилган бўлардингиз?

— Мен Семешдаги дала ҳовлини синчиклаб текширган бўлардим. Уруш йилларида ростдан ҳам бу ерда ўша Кюрти дегани яшаганми, йўқми, немис офицери билан алоқада бўлганми, буларнинг барини аниқлашга ҳаракат қилардим. Балки, ҳатто зарур асбоб-ускуналар, техник воситалар билан дала ҳовлини тинтув қилган бўлардим.

Шалго калласини қимирлатиб ўтирди. Лейтенантнинг хотиржам туриб гапириши унга маъқул тушган эди.

— Кейин эса, Беата Кюртининг қаллиғи билан шуғулланардим, — давом этди Фельмери, — менимча, Саландан бизга зарур бўлган маълумотларни олиш осонроққа ўхшайди.

Телефон жириглаб қолди. Кара гўшакни кўтарди. Домбаи телефон қилган эди.

— Нима янгиликлар бор, Шандор? — сўради Кара гўшакни Домбаининг жавобини ҳамма эшитсин учун қулай тутиб.

— Варшавадан қизиқ маълумотлар олдик, — маълум қилди Домбаи. — Поляк ўртоқлар «Ганза»нинг фаолиятини ярим йилдан буён кузатиб келишаркан. Лекин Отто Хубер дегани уларга номаълум экан, уларнинг картотекасида қайд қилинмаган экан. Зотан, Варшавада Браун ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд экан. 1932 йилда Қўшма Штатларда яшаган, абвер разведкачиси. Қирк олтинчи йилда Фарбий Германияга қайтиб келган... Алло!.. Яхши эшитяпсанми?

— Ҳа, яхши. Давом эт.

— Варшавадан берилган маълумотда баъзи бир маҳсус эътибор берадиган ўринлар бор. Сўнгги йилларда америкаликлар билан Браун ўртасида ихтилоф чиққанмиш. У ҳақда батафсилроқ маълумот юбориним мумкин...

— Ҳозирча керакмас, — деди Кара. — Ҳозир зудлик билан Петер Кюртининг хотини ва унинг қизи ҳақидаги маълумотларни тўпланг.

— Хўп бўлади.

— Мени, айниқса, хонимнинг ўтмиши қизиқтиради.

Улар яна бир оз уёқ-буёқдан гапланиб туришди. Домбаи, Балатонда сув қалай, қария Шалго нима ишлар қияпти, деб сўради.

— Сув жуда зўр — кунни билан сувдан чиқмаймиз. Қария бўлса, фақат оёғини сувга тикиб ўтиради.

Домбаи қулиб юборди. Кара гўшакни қўйиб дўстларига қараб деди:

— Келинглар, энди қиладиган ишларимизни келишиб олайлик. Сен, Балинт, Семенга бориб Кюртининг вилласи билан шуғулланасан, сен эса, Фельмери, Балатонфюредга жуна ва Геза Салаини сўроқ қил. Мен Эмёда қоламан. Кўрайлик-чи, Хуберни кузатиш нима натижа бераркин.

— Мен нима қилай? — сўради Шалго.

— Дам ол, Лизага қараш.

— Тўшна-тўғри! Мен Фельмери билан бирга бўламан ва Фюредга жунайман. Салаи мени ҳам қизиқтириб қолди.

Шалго мехмонхонанинг учинчи қаватидаги рақамда дераза олдида турар ва дурбин билан пляжни кузатарди. Одамлар ғуж-ғуж, диккайган бирон гиёҳ кўринмайди. Қуёш аёвсиз қиздирар, турли рангдаги соябонлардан қайтган нур кўзни қамаштирарди.

— Қараб бўлдингизми? — сўради у Фельмеридан. Лейтенант кафтини пешанасига соябон қилганча унинг ёнида турар ва у ҳам пляжга тикиларди. — Ё кўзингиз санамлардан бошқасини кўрмайдими?

— Шундай бўлишим мумкин, унияям яширмайман, — кулди Фельмери. — Зотан, мен биз истаган йигитни топдим. Тўлқин қайтаргичдан уннг томонга қаранг. Кўк кизил аделга чўзилганча қандайдир журнални ўқиб ётибди.

— Кўзингиз жуда ўткир экан, — мақтади Шалго. — Уни кузатиб туринг. Агар пляждан кетишга хозирлик кўра бошласа, менга хабар қилинг. — У имлаб радиотелефонни кўрсатди.

— Сиз билан бирга борсам бўлмайдами? Йигитни ўша ердан туриб ҳам кузатаверман.

— Бу тўғри, лекин йигитча, сизда тинтув қилиш учун рухсатнома йўқ.

— Сизда борми?

— Қаёқда? Мен оддий фуқароман, — дея Шалго оғир қўзғалиб эшикка йўналди. — Тагин оғзингиздан гуллаб қўйманг. Шефингиз гарчанд эски кадрдоним бўлсада, теримга сомон тикади.

— Туя кўрдингми — йўқ! — қувлик билан кўзини қисиб қўйди Фельмери ва журнал ўқиб ётган кишини кузатишга тутинди.

Шалго коридорнинг охиригача борди-да, бир эшикнинг олдида тўхтади, кейин чўнтагидан калит олиб эшикни очди. Ичкари кирди-ю, яна қулфлаб қўйди, чоққина йўлакда бир оз туриб атрофга назар ташлади. Кейин ваннахонага қаради. Ваннада ювилган нейлон қўйлак

осилган, эшикнинг орқасидаги илгакда плавка ва пахмок халат турарди. Умивалникнинг тагида олти шиша пиво ва қахва қайнатадиган идиш бор эди. Шалго хонага кирди. Каравотлар саришта, биттасининг остида шипнак ётибди. Столда чизма тахта, готовальня, чизғичлар ва бир блок «Уинстон» сигаретаси, унинг устида икки қути «Мальборо» сигаретаси, ёнида очилиб жиндай ичилган коњьяк шишаси турарди. Столнинг четида эса бир даста дафтар, меъморчилик бўйича журналлар, инглиз тили дарслиги уюлиб ётарди. Стуллардан биттасида икки томлик инглизча-венгерча ва венгерча-инглизча луғат ҳамда ичига лента солиб қўйилган қалингина бир китоб бетартиб турарди. Шалго китобнинг номини ўқиди: «Зафар дарвозаси». Чизма тахтада бинонинг режаси чизилган. Ҳаммаёқда рақамлар, ҳисоблар. Шалго уларга қараб ҳеч нимани тушунмади, умуман, булар уни қизиқтирмади-ям. У ҳамма дафтарларни кўздан кечириб чиқди. Ҳаммасида ҳисоб-китоблар, қурилиш материаллари ҳақида хулосалар, кундалик ишнинг бориши хусусидаги ёзув-чизувлар. Иккита дафтарга инглизча сўзлар ва машқий таржималар битилган, учинчиси бўм-бўш эди. Шалго стол ғаладонини тортди ва ундан яна бир блок сигарет тонди.

Шалго ғаладонни ёнди. «Шундай қилиб, хозир биз ўртоқ Карадан яширинча қонунни қўпол равишда буздиқ: Геца Салаининг квартирасига бостириб кирдик — ҳамда жиноят белгиларини ахтараётибмиз... Мабодо, шундай белгини топсак, муҳандисга сичқоннинг ини минг танга бўлади. Ана шунда Кара қилган ўзбошимчалигимизни кечиради».

Шалго чамадонлар ва кийим-кечакларни титкилаб чиқди, лекин диққатга сазовор бирон нима тополмади. У кўнгли чўкиб столга келди. Архитектурага дахлдор китоблардан биттасини варақлай бошлади. Шу он бирдан китобнинг орасидан бир откритка учиб полга тушди. Шалго уни қўлига олди. Будапешт сурати солинган рангли откритка, орқасида манзил: Балатонфюред, «Марина» отели, Геца Салаига. Унда шундай сўзлар бор:

«Тувилган кунингда соғлиқ тилаймиз. Дўстларинг Эйре, Немеш Менгер, Ласло Дери ҳамда ўзимдан салом.

Сени ўтиб. Сильвия, 17 июль, 1969 й. ».

Дастхат чиройли, худди мактаб болаларининг ёзувидай. Шундай бўлса ҳам, Шалго сингчилаб қараб хат болалар қўли билан эмас, тажрибали қўлда ёзилганини аниқлади. Афтидан, табрикнома юборувчи катта одаму, худди ёш бола юборгандай тасаввур қолдириш учун атайлаб шундай қилганга ўхшайди. Шалго почта мухрига қаради. Откритка Будапештдан ўн бешинчи июлда жўнатилган эди. «Бу Сильвия дегани лалайган қиз бўлса керак, — деб ўйлади у. — Откриткага ўн еттинчи число ёзиб қўйибди-ю, ўн бешинчида жўнатибди. Шўх қиз экан...» Қисқа мактубни у яна бошдан ўқиб чиқди: «...дўстларинг Эндре... Немеш... Ласло... ҳамда ўзимдан салом...» Булар ким бўлди? Шалго откриткадаги текстни қоғозга ёзиб олиб соат чўнтагига солиб қўйди. Кейин кундалик иш дафтариини кўздан кечира бошлади. Салаининг сўзлари аниқ, деярли босма ҳарфда ёзилган эди: «Бугун пойдевор ётқизишни тугатдик. Икки тонна цемент сарф бўлди». Кейинги кун ёзилган бетда Шалго шу сўзларни ўқиди: «Икки дурадгор, икки бетон қуювчи ва тўрт тош терувчи ишга келмади...» Ўша бетнинг тагида французчалаб шу сўзлар ёзилганди: «Разил пусхалар. Кечадан буён Сегварининг вилласида ишлашяпти. Бўшатиб юборишга тўғри келади...» Қизиқ, Салаи француз тилини жуда яхши биларкан — бу жумлалар хатосиз ёзилиши устига француз тилида ҳам жуда лўнда ва аниқ ифодалаб берилган эди... Шалго кундаликни қанча варақласа французча изоҳларга шунча кўп дуч келаверди. Балки Салаи кундаликни бошқа бировлар ҳам ўқиши мумкин бўлгани учун ўз фикрлари ва қайдларини французчалаб ёзиб қўйгандир. Кутилмаганда кундаликнинг давоми бошқа дастхат, бошқа сиёх билан ёзилганини, унда французча изоҳлар йўқлигини пайкаб қолди. Шалго санага қаради: жума, ўн саккизинчи июль. Кундаликни яна варақлади — ўша дастхат йигирманчи июлгача давом этган эди. Шалго фотоаппарат олиб келмаганига афсусланди: бу ёзувларнинг барини суратга олиб қўйса ёмон бўлмасди. У афсусланганча кундаликни ўз ўрнига қўйди, кейин титган нарсаларининг барини қандай бўлса шундай жой-жойига қўйдимми деб яхшилаб қаради-да, хонадан чиқди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб Фельмери билан гапга

тушиб кетди. Лейтенант ярим яланғоч гавдасини куёшга тутганча балконда ўтирарди.

— Бирон нима тополдингизми?

— Бошламасига етади, — жавоб берди Шалго телефон гўшагини олиб. — Қизим, мени отель директори билан боланг. — Телсфончи қиз абонентни чакиргунча, Шалго Фельмеридан Салаи қаерда ва қачон туғилганини билмайсизми, деб сўради.

— Бир зум, — лейтенант ёндафтарчасини чиқариб варақлади-да, деди: — Еттинчи март, бир мишг тўққиз юз қирқ биринчи йил, Будапештда. Онасининг исми ва фамилияси Жужанна Аготаи.

— Туғилган куни ҳақида бошқа сана йўқми?

Фельмери қарияга ҳайрон бўлиб қараб, киноя билан деди:

— Нима, сиз уни икки марта туғилган демоқчимисиз?

— Шунга ўхшаганроқ. Ахир у ростдан ҳам еттинчи мартда туғилган бўлса, нега уни туғилган куни билан ўн еттинчи июлда табриклашади?

— Эҳтимол, шу куни чўқинтирган ёки қандайдир бирон оилавий тантанаси бўлгандир?

— Бўлиши мумкин...

Телефонда директорнинг овози эшитилди.

— Ниҳоят-э! — суюниб кетди Шалго. — Мен сени айтиб келишга Шиофакни юборсаммикин деб ўйлаб турувдим. Мартон, менинг олдимга киролмайсанми?

— Киролсам керак, Шалго.

— Илтимос, киргин. Йўл-йўлакай официантга айт бизга икки рюмка коньяк билан икки стакан аччиқ қахва ҳам олиб кирсин.

— Ҳаммаси муҳайё бўлади, ўрток бошлиқ!

Шалго гўшакни қўйди.

— Тагин қандай шумликни ўйладингиз? — деб сўради Фельмери Шалгодан.

— Муҳандис Салаи билан суҳбатлашамиз. Мартон ёрдамида уни рақамимизга чакирамиз, ўзимизни таништирамиз ва ўз қимматбаҳо вақтидан биз учун бир неча дақиқа ажратишини илтимос қиламиз...

Салаи уларни совуққина қарши олди. Ҳатто Фельмери унга хизмат гувоҳномасини кўрсатгандан кейин ҳам

мулойим тортмади. Шалго ҳеч қандай ҳужжат кўрсатмай ўриндикқа чўкди.

— Сиз мени адаштирдингиз, — деди у Салаиға тезгина назар ташлаб. У ўгирилиб, ғараз билан сўради:

— Сиз ким бўласиз? Сиз ҳам милицияданмисиз?

— Ҳа. Менинг фамилиям Шалго. Оскар Шалго.

— Ичишга бирон нима таклиф қилсам бўладими, жаноблар?

— Ташаккур, бизга керакмас, — жавоб берди Фельмери. — Ўзингизга эса ихтиёрингиз. — У Салаининг хонасидан бир шиша пиво олиб келиб, очиндан тортиб стаканга қуйиши-ю, бир кўтаришда ютоқиб ичиб юборишигача кутиб турди. Кейин краининг остига яна уч шиша пивони қўйиб, устидан муздек сув туширди. Салаи хонага кирди, каравотга ўтирди ва деворга суяниб чекди.

— Сиз Виктор Меннель билан танишмисиз? — сўради Фельмери. Савол Салаини довдиратиб қўйгани аниқ сезилди. У ўзини айтилган исмни яхши англолмагандай қиёфага солиб қайта сўради:

— Кечирасиз, ким билан?

— Виктор Меннель билан, — деярли хижжалаб аста такрорлади Фельмери.

— Меннель билан... Виктор Меннель билан...

Салаи гўё ўйлагандай қошини керди ва фикрини йиғиб жавоб беришга тайёрланаётгандай шифтга тикилди.

— Сизни қизиқтираётган одам мен бултўр Италияда танишган немис эмасми?

— Худди ўша, — тасдиқлади Фельмери. — У ҳақда нималарни биласиз?

— Меннель ҳақидами?

«Айёр йигит экан, — ўйлади Шалго. — Қайтадан сўрайди, вақтни чўзишга интилади. Кутилмаган ҳолдан ҳечам ўзига келолмаяпти. Ҳозир у вазиятни чамалайди, муғомбирлик қилади, Меннель билан алоқаси бизга қай даражада маълумлигини билиб олишга интилади».

— Ҳм... Сизга нима десам экан? Моҳиятан ҳеч нима маълум эмас. Биласизми, турист бўлиб саёҳатга чикқанингда ҳар хил одамлар билан бир зумда танишиб кетаверасан — бири билан суҳбат қурасан, бири билан бирга отиначасан. Уйга қайтганиндан кейин ҳаммасини унутиб юборасан...

— Демак, у билан тасодифан танишгансизлар?

— Ҳа, шунга ўхшаган десаям бўлаверади. Менимча, у билан Ливорнода танишган бўлсак керак. — Салаи ўзини зўрлаб табассум қилди. — Мана, кўряисизми, ҳагто қаердалигиниям аниқ билмайман.

«Тентак экансан, Йигит, — ҳаёлан уни сўқди Шалго. — Наҳотки шу пайтгача хонангдан Меншелнинг от-криткаси йўқолганлигини сезмаган бўлсанг?»

— Сизга айтсам, мен муҳандис-меъморман. Одамларга қараганда биноларни кўпроқ эслаб қоламан, Меншелми?.. Виктор Меншель. Шошманг-чи, бир ҳаёлимни элакдан ўтказай... Ҳа-ҳа, нимадир эсимга келяпти. Юз тузилиши барико услубидаги готик бинога монанд. Хўш, унга нима бўпти? Нима учун Меншель билан қизиқиб қолдингиз?

Фельмери бўёғига нима қилай дея маслаҳат сўрагандай аста Шалгога қараб қўйди. Шалго унга «Шу руҳда давом этавер. Ҳаммаси зўр кетяпти. Офарин!» дегандай тез назар ташлаб олди.

Лейтенант ўзини Салаининг жавобини эшитмаганга солиб жавоб бериш ўрнига сўроқ берди:

— У билан сўнгги бор қачон кўришгансиз?

Муҳандис бу ерда саволларни ўзи эмас, унга беришини ҳис қилди. Қариянинг қовоғини уйиб индамай ўтириши, қаттиқ тикилиши ва ганларига ишонқирамай истеҳзо билан кулиб туриши қанчалик ёқмаётган бўлса, бу ҳам шу қадар ёқмади... «Шундай қилиб, нима жавоб берсак экан?»

— Қачон кўришгандингиз? — Салаи кенг қафғи билан оғир иягини қашиди. — Бир зум сабр қилинг. Мен саволингизга аниқроқ жавоб бермоқчийдим... Биз Ливорнога қачон келгандик ўзи?.. Агар адашмасам ўтган йилнинг бешинчи ё олтинчи июлида.

— Ливорнога ким билан борган эдингиз?

— Қайлигим ва бўлажак қайнонам билан.

— Қайлигингизнинг исми нима?

— Беата Кюрти.

«Йигит анча ўзини босиб олди, — ўзича қайд қилиб қўйди Шалго. — Чамаси, Фельмерининг саволларидан у ўзи ҳақида бизга кўп нарса маълум эмас, деган хулосага келган бўлса керак».

— Ўзингиз Меншель билан қандай танишгансиз? — савол беришда давом этди Фельмери.

— Бундай бўлган эди: қайлиғим опаси билан у-бу харид қилгани кетган эди. Биз кемпингда яшардик, шунинг учун озиқ-овқатнинг ғамини ўзимиз ейишимиз керак эди. Бизда хар бир одам бошига бир ҳафтага етмиш доллардан тўғри келар, хонимлар ўзларига у-бу латга-путта сотиб олишлари учун хар бир тийинини эҳтиёт билан тежаб туришимизга тўғри келарди. Шу сабабли асосий емишимиз консерва эди. Лекин баъзан дурустроқ бирон нима тамадди қилишни кўнглимиз тусаб қоларди. Аёллар бозорга кетганда мен машинанинг уёқ-буёғини созлаб қолардим. Машинанинг ўт олиши ёмон эди...

— Машинангиз қанақа марка эди?

— «Опель» — рекорд олтмиш етти».

— Хўш, кейин нима бўлди? — Фельмери уш аввалги мавзуга қайтарди.

— Гап бундай. Беата бозордан қайтишда қоқилиб йиқилиб оёғини жароҳатлаштириб қўйибди. Шу он ёнидан машинада Меншель ўтиб қолибди. У аёлларни машинасига таклиф қилиб, кемпингга олиб келиб ташлади. Кечқурун эса кечки овқатга меҳмонга чақирди.

«Йигит алданга жуда устаси фаранг экан, — ўйлади Шалто. Салам кечки таомда нималар тановул қилишганини бир четдан санай бошлагач... — Қизиқ, аввали муҳандис Меншелли — ўша кўзи «барокко услубдаги готик бинога монанд» кишини зўр-базўр эслаган эди, энди бўлса, ҳатто столга қанақа овқатлар тортганигача батафсил хотирлашти».

— Меншель венгерча гапирганмиди? — тўсатдан сўради Фельмери.

— Йўқ.

— Сухбатингиз қайси тилда кетди?

— Беа билан унинг опаси немис тилида, мен эса француз тилида гаплашдик. Тўғри, Меншель француз тилини анча бўш биларди.

— Нега ўтган замон феъли билан гапирярсиз: «биларди». Нима, бу тилни у ҳозир яхши биладими? Ёки... — Фельмери ўз луқмаси билан муҳандисни доводиратиб қўйганини сезди-ю, жумласини давом эттирмай қўя қолди.

— Умуман, мендан ўзи нимани истайсиз?

— Саволга жавоб беринг, — хотиржамлик билан деди Фельмери. — Хўш, нега Меншель ҳақида ўтган замон феъли билан гапирярсиз?

— Чунки мен у билан ўтган йили учрашганман.

— Ушандан буён у ҳақда бирон дарак эшитдингизми? Эхтимол ундан хатми, откритками олгандирсиз? — Фельмери ҳужумга ўтишга ҳозирлади. «Шалгонинг иштирок этиши мени ҳечам хижолат қилмайди, — деб ўйлади у, — аксинча, менга дадиллик бахш этади». Қари изкуварнини кулимсираб ўтирини ростдан ҳам унга рух бағишлаб турганди. Шалго худди ҳаммаси кўнгилдагидек кетяпти, деб ганираётгандай эди. Сўроққа киришишдан олдин улар иккаласи Салаининг гапларини рад қилмаймиз. Сиримизни очиб ниятимизни билдириб қўймаймиз, деб келишиб олишганди. Маълум бўлдики, у ўлиб-тирилиб Меннелъ билан алоқаси ҳақида очик гапиришдан ўзини олиб қочяпти. Бунда бир сабаб бўлса керак.

— Меннелъ ҳақида бошқа ҳеч қанақа гап эшитганим йўқ. Ундаи хат ҳам олмаганман.

— Қайлифингиз-чи? — тикилиб туриб сўради лейтенант. — Ёки бўлажак қайлифингиз-чи?

— Билмадим, қайлигим нега ундан хат олиши керак экан? — Салаи астойдил ажабланиб лейтенантга қаради. Лекин Шалго унинг чехрасида саросималаниш аломатларини сезди.

— Ҳа, ростдан ҳам нима учун у Беатага хат ёзиши мумкин? — қайта сўради Фельмери.

Шалго гўё уйқудан уйғонгандай бўлди, сигаранинг учини тишлаб чекди.

— Эхтимол, сен муҳандис Салаининг қайлиғи мана бу «готик» келгинди билан ишқий муносабатларда бўлган-бўлмагани ва бу муносабатларни Венгриядаям давом эттириш нияти бор-йўқлигини аниқлаб олмоқчидирсан? Агар шундай бўлган тақдирдагина Виктор Меннелъ Беата Кюртига хат ёзиши мумкин. Шуни назарда тутяпсанми?

— Ҳа, худди шуни, — гапни илиб кетди Фельмери ва муҳандисга тикилди.

Салаи ирғиб турди-ю, ўз гавдаси билан даярли деразани тўсиб қўйди.

— Мен билан бундай оҳангда гаплашишингизга мутлақо қаршман, — деди Салаи. Унинг юзлари қизариб, овози ғазабдан қалтираб кетди. — Ҳаққингиз йўқ бунга! Тушунарлими? Давлат сизларни ҳалол одамларни иғво

билан таҳқирлаш, уларга тухмат тошларини отиб ёмон отликка чиқариш учун ишга олганмас. Менинг қайлиғим шаънига доғ тушириш учун ким сизларга ҳуқуқ бериб қўйибди? Бу мансабни суиистеъмом қилиш. Умуман, бундай гапларни индамай эшитиб туришим мумкин эмас.

— Сиз ҳақсиз, — қўшилди Фельмери. — Сизнинг ўришигизда бўлганимда қайлиғимнинг шаънига бировлар доғ тегизмоқчи бўлишса, мен ҳам чидаб туролмаган бўлардим.

— Ундай бўлса, нега Беатага тухмат қилиясиз? — деб сўради Салаи ва асабий бир ҳаракат билан коньякка қўлини чўзди.

— Мен қайлиғингизга мутлақо тухмат қилаётганим йўқ. Бу сизга беш қўлдек маълум.

Рюмка Салаининг қўлида қалтираб кетди.

— Нима менга маълум экан?

— Сизнинг ардокли қайлиғингиз Виктор Мешелнинг ўйнаши бўлганлиги.

Салаи олазарак бўлиб лейтенантга қаради. Кейин коньякни ичмай столга қўйди.

— Ёлғон! Бу гапни қаердан тондингиз? — сўради муҳандис бўғиқ овоз билан ва Фельмерига томон бир қадам ташлади. Салаининг лўни юзига қуёш нури тушди, шу тоб унинг чехраси Шалгога ўликнинг тусига ўхшаб кетди.

— Афсуски, бу тўғри гап. Агар бу нарса сизга ҳали-гача маълум бўлмаган бўлса, ачинарли ҳол. Лекин ўрни келиб қолганда бунинг ўз қайлиғингиздан сўраб билиб оласиз.

Жавобдан гарангсиб қолган Салаи ўзини каравотга ташлади-ю, бир нуқтага тикилиб қолди. У бир нарса димоқчи бўлиб оғзини жуфтлади. Лекин ҳеч нима демасди, фақатгина сувдан қумга улоқтириб ташланган балиқдек каша-қаша нафас оларди.

— Қулоқ солинг, Салаи, — гапга тушди Фельмери самимий оҳангда, — биз сизни тушунамиз. Ёлғон гапларингизни, дейлик, сиз учун кўнгилсиз бўлган ўша ҳодисаларни эсламасликка уринишингизни ёки уларни яшириш учун бизни чалғитиш мақсадида оёқ тираб қилган хатти-ҳаракатларингизни, ҳатто ҳисобга олмасликка ҳам тайёрмиз. Умуман олганда, севиклиси бевафолик қилга-

пини гапиришни ҳеч ким ҳам хоҳламайди. Лекин ҳамма гап шундаки, жаноб Меннелъ ўлдирилган, биз эса ҳозир тергов ишларини олиб бораёмиз.

— Ўлдирилган? — аста такрорлади Салаи.

— Буни билганингиз йўқмиди?

— Йўқ, — унинг кўзлари ҳали ҳамон бир нуқтага тикилган, энгаги кенг кўкракларига тегиб турар, кўллари мушт бўлганча танаси бўйлаб пастга осилиб қолганди.

Кутилмаганда гапга Шалго аралашди.

— Салаи, спортнинг қайси тури билан шуғулланасиз?

— Ҳеч қанақа. Бунинг учун менда вақт йўқ. Ўзимнинг лаънати ишим билан хикилдоғимгача бандман.

— Шунинг учун ҳам сўрадимки, мушакларингиз жуда таранг. Одатда, уришганингизда қайси қўлингиз билан урасиз? Ўнги биланми ёки чапи биланми?

Фельмери Шалгонинг саволларини қизиқиб кузатиб турди. «Қария «тугунни ечишга» тушди, — ўйлади у. — Энди, Салаи оёқ тираб олаётганига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин қария хужумга ўтишга қарор қилди. Қизик, муҳандис унга қандай жавоб бераркин, кўрайлик-чи».

— Уриш? — Қайта сўради Салаи гўё бу билан вақтдан ютишга ҳаракат қилгандай.

— Ҳа, уришингиз.

— Менинг уришадиган одатим йўқ, — жавоб берди муҳандис. — Биронтаси мен ҳақимда сизга бўлмаган гапни вайсаган кўринади. Оббо тухматчилар-ей!

— Беатанинг юзига шاپалоқлаб солганингизда қайси қўлингиз билан ургандингиз? Ва нима учун? Нахотки нозик туйғуларингиз жунбишга келган бўлса? Ёки сизнинг калтакларингиз Беатага ёқадими? Ундай бўлмаса керак... Ҳар ҳолда сиз уни ургансиз. — Шалго Салаининг афтига қаради. Унинг юзига яна қон тепа бошлади. Муҳандис илдамди. — Келинг, очикчасига гаплашайлик. Бераётган саволларимиздан сиз ҳақингиздаги ҳамма гандан хабаримиз борлигини аллақачон пайқагансиз. Эҳтимол, олдингизга нима мақсадда келганимизни ва бу гапни бекорга қўзғамганимизни тушуниб турган бўлсангиз ҳам керак... Меннелънинг Венгрияга келиши сизга қачон маълум бўлган эди?

Салаи бу ёғига алдаш маънисиз эканлигини тушуни.

— Беа Меннелдан хат олганда кўлидан хатни тортиб олдим, у билан учрашишни таққилаб қўйдим. Шу орада айтишиб қолдик-да, тарсаки тортиб юбордим.

— Мана кўряписизми, бу энди тамомаи бошқа гап. Албатта яна гапирадиган гапларингиз бор бўлса керак. — Шалго чўнтагидан дастурмолини чиқариб пешасини артди, кейин ўрнидан туриб, хонада аста-секин кезина бошлади. — Ўзингиз Меннель билан қачон учрадингиз? — сўради у столчанинг олдида тўхтаб.

— Мен у билан учрашмаганман! — жаҳл билан қичкириб юборди Салаи.

Шалго беихтиёр кўлига муҳандиснинг кундалигини олди-ю, зерикаётган бир қиёфада парижонлик билан варақлай бошлади. Кейин Салаига қаради.

— Ўн тўққизинчи ва йигирманчи июль кунлари қасрда бўлдингиз? — сўради Фельмери.

— Шу ерда. Балатонфюретта.

— Яна ёлгон гапиришга ўтдингиз, Салаи, — хотиржамлик билан деди Шалго кундаликни варақларкан. — Хатто иш кундалигингиздаям мана кўриб турибманки, шу уч кун сизнинг кўлингиз билан ёзилмаган. Нима учун? Балки, кўлингиз оғригандир?.. Салаи, тентаклик қилманг. Кўнчилик сизни Меннель билан ўн тўққизинчи кун кечқурун қахвахонада, кечроқ эса кўл кирғоғида сайр қилиб юрганингизни кўрганини айтишяпти. Французчалаб гаплашган эмишсиз.

— Меннелнинг қотили деб мендан шубҳаланаётган бўлманг ҳали?

— Уни ўлдиришгани сизга қасрдан маълум бўлган? — сўради Фельмери.

— Ҳозир ўзингиз айтдингиз-ку!

— Демак, бунгача билмагансиз?

— Мендан нима керак сизларга ўзи? — деярли қичқиргундай бўлиб деди Салаи. — Мени ҳибсга олинг! Кўлингиздан келади бу. Нима қилсангиз қила оласиз.

— Агар бундан кейинам ўзингизни шундай тутадиган бўлсангиз сизни ҳибсга олиш ҳам ҳеч гап эмас, — ваъминлик билан деди Шалго. — Қулоқ солинг, биродар, мен сизга бор гапни гапириб бера қолай. Ўтган йили сиз Италияда Виктор Меннель билан танишгансиз. Ўшандоқ қайлифингиз унинг ўйнаши бўлганлигини билган-

сиз. Аввалига бундан каттиқ дарғазаб бўлгансиз, кейин кўз юмиб қўя қолгансиз. Уйга қайтгандан кейин ҳам Беата билан муносабагингизни узмагансиз. Нима учун? Устига-устак сиз Виктор Меннель шу йил Венгрияга келганда қизни, дейиш мумкинки, бирмунча вақт унга бериб туришни келишиб олгансиз.

— Бундай сафсаталарни ким сизга вайсади ўзи? Умуман, мен тўғримда нима ўйлаяпсиз? Нима, мен сизнингча хотинфурушманми?

— Худди шундай, хотинфурушсиз! — Шалго йигитнинг мушги тугилиб, юзлари уча бошлаганини сизди. Беата жаноб Меннель билан учрашишни истамагандан кейин сиз уни ургансиз.

— Мен нақ Меннель билан учрашишни истагани учунгина шапалоқ солиб юборгандим.

— Бу арзон баҳона, биродар. Умуман, сизни қотилликда айблаётган кимсалар хато қилишади. Меннелни сиз ўлдирмагансиз. Бунинг учун сизда журъат йўқ, қўрқоқсиз. Бунинг устига уни ўлдириш учун сизда асос йўқ эди. Аксинча, сиз Меннель узоқ яшашидан, иложи борича тез-тез Венгрияга келиб туришидан манфаатдор эдингиз. Энди айтинг-чи, Салаи, сиз ўз қайлигингизни Меннелга қанча банкнотга сотган эдингиз?

— Энди бу ёғи етар! — деди дағдаға билан муҳандис.

— Сиз, Салаи, эхтимол мени қўркитаман деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Гапимга қулоқ солинг, йигитча! Сиз аслидаям бориб турган хотинфурушсиз, сизнинг ахлокий қиёфангиз билан милиция аллақачонлар ростакмига шуғулланиши лозим эди. Ахир сиз билан қизиқиб ҳам қолишган-ку. Нима ҳам дердик, биродар, сиз ҳақингизда баъзи бир гапларни гапириб беришга тўғри келди.

— Яна нимани гапирмоқчисиз?

— Ҳақиқатни, азизим Геза Салаи. Мен сизни Италияда ўз қайлигини Виктор Меннелга сотган хотинфуруш дейман. Энди нима учун Беатага шапалоқ туширишингизни айтиб бераман...

«Бу қария Шалгонинг фактларни тўплаш, умумлаштириш усули», — деб ўйлади Фельмери. Лейтенант қаршисида тик турган муҳандисга қаради-ю, хаёлан унинг қалбида тугён урадиган фикрларни тасаввур қилиб кўрди.

Шалго агар котил ростдан ҳам Салаи бўлса, у суд қаршида қотилликда айбланишдан қўра айб бўлса-да, хотинфуруш бўлиб туришни афзал қўради. Агар Меннелни у ўлдирмаган бўлиб, унда заррача гурур ва номус бўлса, ўзига қўйилаётган айбларни бўйнига олмайди ва ўзини оқлашга тушади. Бу ҳолда Салаи Шалгонинг шубҳалари асоссиз эканлигини исботлаши керак бўлади. «Қария, бу ўринда, албатта таваккал қилди, — ўзича фикр қилди Фельмери. — Умуман олиб қараганда, қотил Салаи бўлиб чиқмаслиги ҳам мумкин. Беатага бўлган севгиси уни бу қадар тубанлашишга мажбур қилгандир. Энди эса турмадан қутулиб қолиш учун, ҳатто шундай шармандали айбларни бўйнига олишга ҳозир. Шалго Салаини қотил деб шубҳаланиб гўё милиция мана бир печадан буён сизнинг кетингиздан кузатиб юрибди, деган бўлмаган гапни тўқиб чиқариб жуда усталик қилди-да».

— Гапимга қулоқ солинг, илтимос, — миширлади Салаи.

— Сизнинг таржимаи холингиз мени қизиктирмайди. — кескин унинг гапини бўлди Шалго. — Уялинг! Шахотки сизга ўхшаган одамлар йигирманчи аср техник индустриянинг вакили сифатида намоён бўлса! Атом даврининг эркаги сифатида! Қурувчи — муҳандис — хотинфуруш!

— Илтимос, — яна гап бошлади Салаи. — Сиз аввал менинг гапларимни эшитишингиз керак. Мени энг жиркангли ишларда айблаяпсиз, лекин ўзимни оқлайдиган менинг ҳам гапларим бор. Тушунинг ахир. Мен ҳечам сиз ўйлаган даражадаги одам эмасман.

Шалго ўзини суҳбатдошининг қилмишларини оқлаб гапирishi уни мутлақо қизиктирмаётгандек бир киёфага солди.

— Мен хотинфуруш эмасман. Менинг яқкаю ягона айбим, — фойжам ҳам шу, — Беатани қаттиқ севаман ва усиз яшолмайман. Тап олишим керакки, буёққаям Меннел билан учрашиш ва у билан гаплашиб олиш учунгина келганман. Беатанинг қўлида хатни қўриб қолганидан кейин уни тортиб олдим, Меннель билан учрашини тақиқлаб қўйдим. Биз айтишиб қолдик ва уни қулоқ чаккасига тортиб юбордим. Шу дақиқаларда мен, ҳатто Меннелни ўлдиришгаям қодир эдим. Бу ҳақ гап. Уи саккизинчи числода Будапештга боргандим. Қара-

сам, Беата уйда йўқ. Опаси, кеча кечкурун чикиб кетган, деди. Шундан кейин унинг Эмёдга кетгапига ишончим комил бўлди. Шу он машинага ўтирдим...

— Шошманг, Салаи, — унинг гаини бўлди Шалго, — куруқ гап мени қизиқтирмайди. Келинг, столга ўтиринг-да, нима бўлган бўлса, барини бир бошдан ёзинг. Беата ва унинг ота-оналари билан қандай танишгансиз, ўтган йили Италияда нима бўлган, Виктор Меннелъ хақида сизга нималар маълум... Тушунарлими? Нималар бўлиб ўтган бўлса, ҳаммасини то шу бугунги кунгача батафсил ёзиб беринг. Билдингизми?

— Мана шу дафтарга ёзаверсам бўладими? — сўради мухандис.

— Бўлади. Ишга киришинг.

Салаи столга ўтирди.

— Мен ҳамма гаини ёзаман. Фақат сиз учун, — деди у аста маънос овозда. — Лекин мен бўйнимга олиб ёзган нарсаларимни ҳеч кимга кўрсатмайман деб сўз беринг.

— Нималарни ёзишингизни аввал кўрайлик-чи.

Салаи тўсатдан қайсарлик кила бошлади.

— Йўқ. Агар менга сўз бермас экансиз бир қатор ҳам ёзмайман. Мени нима қилсангиз қилинг, энди менга барибир. Мен ҳамманинг олдида кимлигимни нўқиб кўрсатверишларига тоқатим йўқ.

Шалго Салаи жиддий гапираётганини тушунди.

— Яхши, — деди у. — Лекин Сильвия хақида ёзишнинг унутманг. Нима учун у сизни июль ойида туғилган кунингиз билан табриклаганини билгим келяпти. Кейин ун еттинчи числода ёзилган откриткани қандай қилиб ун бешинчида жўнатганикин?

— Нима тўғрида гапираётганингизни билолмаянман. Онт ичаман, бу тўғрида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман...

Тундан кейин полковник Кара Шалго ва майор Баллинт билан воқеаларнинг боришини муҳокама қилиб олмақчи бўлди. Шалго жуда ҳорғин кўринарди. Кечаси кам ухлаган ва тонг саҳарлаб Балатонфюредга кетгани ун толиқтириб қўйган эди. Шу топда у ҳамма нарсадан жиндай мизғиб олишни афзал билаётганди, лекин Кара гаплашиб олайлик деб туриб олди. Равон дим, Кара у ерда ўтирсак Шалго ухлаб қолади, деб кўрқди. Шунинг

учун полковник ўзига иш кабинети қилиб олган мехмонхонага киришди. Лиза барвақт пардаларни тушириб қўйгани учун хона салқин эди.

Аввал пима ишлар қилгани ҳақида майор Балинт ахборот берди. У Балатонсеменда, шундоққина қўл бўйида Хуняди кўчасидаги умумий қиммати миллион форинтди иккинчи вилла ҳақиқатан ҳам Кюртилар хонадонига қарашли эканлигини аниқлабди. Балинт чизмаларни чиқариб вилла хоналарининг жойлашини гапириб берди. Бу бенига хона шубҳасиз, Кюртилар хонадони учун қатта даромад манбаи. Чунки «Гутенберг» босмахопаси орта баҳордан кеч кузгача бу вилла учун ҳар йилига бир юз қирк миңг форинтдан бериб, пансионат ўрнида фойдаланаркан. Вилла Кюрти хонимнинг биринчи эри Денеш Хавашни томонидан ўттиз еттинчи йилда қурилган экан. Хавашни захирадаги офицер бўлиб армияга чақирилибди-ю, урушнинг биринчи кунларидаёқ ҳалок бўлибди. Уруш йилларида виллага немис штаби жойлаштирилибди. Ўша пайтларда хали Денеш Хавашининг беваси бўлган Кюрти хоним виллага уни қўриш учун фақат ёз ойларида келиб кетаркан, лекин у ерда яшамас экан. Майор Балинт вилланинг атрофини текшириб, яширилган бойликдан далолат берувчи бирон из тополмабди.

— Текшириш техник воситалар ёрдамида ўтказилди-ми? — сўради Кара.

— Ҳа. Биз яна боғниям қидириб чиқдик.

— Мен шу тонда Балинт бригадаси у ернинг қандай ҳус-тўполонини чиқариб юборганини тасаввур қилиб турибман, — қулди Шалғо.

— Ҳа, биз олдинданок яширилган қимматбаҳо бойликни қидирянимиз, деб бутун посёлкага жар солдик... Яъни отахон сиз қандай иш олиб борсангиз биз ҳам шундай қилдик, — унга зарба берди Балинт, кейин полковникка ўгирилиб деди, — Хубер ганирган венгер ёшли комил ишонч билан айтаманки, мана шу Кюрти хонимнинг ўзгинаси.

— Бўлиши мумкин, — деди Кара. — Лекин буни вилла яхшилаб исботлаш лозим.

— Салаини қаттиқроқ сўроққа тутиш керак, — жавоб берди Балинт, энди айблари анча-мунча очилиб қолган муҳандисни назарда тутиб. — Ишончим комил, у вилла ҳаммасини айтиб беради...

— Прокуратурада, терговда эса ҳамма гапларидан тонади, — унинг сўзини бўлди Кара. — Йўк, биз рад этиб бўлмайдиган далил-исботларни қаламтириб қўйсак кина истаган натижаларга эриша оламиз.

— Мен ҳаллям Меннелнинг қотили Салаи деб ҳисоблайман, — ўжарлик билан деди Балинт, — бўлмаса, мана калламни кесинг.

— Уни мана шундай гузал қайсар бўйнидан ажратингга одамнинг кўнгли бўлмайди-да, — ҳазиллашди Шалго.

— Сизнинг «химоя»нгиздаги Беата билан Тиборга келсак, отахон, мен уларни зудлик билан хибс қилдирган бўлардим.

— Бунга ҳали улгуриш мумкин, — деди Шалго. Вақт бизнинг фойдамизга ўтяпти. Шу муносабат билан сенга бир жуфтгина эски латифалардан айтиб берайми?

— Латифаларингиз ўзингизга сийлов!

— Афсус, жуда бемаъни ҳазил-латифаларни эшитган бўлардинг... шу қадар бемаъники, улар иккисини хибсга олиш керак деб сен киритган таклифга ўхшаш.

— Ҳозир майнабозчиликнинг ўрни эмас, — қуруқкича қилиб жавоб берди Балинт. — Гап жиддий бир иш хусусида кетяпти.

— Жиддийлигига ҳеч ким эътироз билдираётгани йўк, — келиштирувачанлик оҳангида деди Кара Балинт ҳам қаттиқ чарчаганини тушуниб.

— Ўртоқ полковник, — гап бошлади майор, — агар Хубер ростини гапирган бўлса...

— Энди ўзингга келдинг, гап шу хусусда кетяпти, унинг гапини бўлди Шалго, шу пайтда қариянинг чехрасидаги айёрона табассум йўқолди. — Бутун жумбоқ худди мана шу кичкинагина «агар»-да-да...

— Отахон, жудаям шубҳагўй бўлаверманг. Фактлар Хубер алдамаётганини тасдиқлаб турибди.

Шалго майорга ажабланиб қаради.

— Фактлар? Қанақа фактлар? Ўзимиз машинадан топганимиз, рация — факт; Виктор Меннелнинг жосуслиги, «Ганза» фирмаси эса хусусий жосуслик ташкилоти эканлиги — буям факт. Булар бари бизга Хуберсиз ҳам маълум эди-ку. Лекин биз ҳам «Ганза» агентура тармагидан биропатям одамни билмаймиз-ку.

— Биз Беата Кюрти билан Тибор Сючни биламиз, — катъий эътироз билдирди Балинт.

— Лекип сенинг тушунининг буйича шундай, бу хали факт эмас, азизим. Биласанми, Миклош, мен сенга баъли бир парсаларни айтиб бера қолай: ишни чалкаштирини учун...

Шалго сигара тутатиб бир неча марта узун-узун тортиди. — Бугун эрталаб Геца Салаи Балатонфюредга фактгина Виктор Меннелни ўлдириш учун келганини буйинга олди...

— Ахир бу зўр-ку! — хайқириб юборди Балинт.

— Ярим соат муқаддам Фельмери кўнғироқ қилиб, бу гапнинг тагига етганини айтди. Салаининг Меннель билан ўт тўққизинчи куни кирёққа сайр қилганлиги инқилланган. Гувоҳлар ҳам ҳеч иккиланмай Меннелнинг ҳамроҳи ўша Геца Салаи эканлигини айтишди... Лекип шунга қарамай мен Меннелни Геца Салаи ўлдирган деёлмайман.

— Намунча бирданига бу қадар эҳтиёткор бўлиб кетмасангиз, — истехзо аралаш деди Балинт. — Салаининг ўзи Виктор Меннелни ўлдириш мақсадида бу ерга келганини тап олибди. Гувоҳлар ҳам Меннель билан учрашган худди ўша деб танибди...

— Улар нима деб гапиришибди? — Балинтнинг гапни бўлиб савол ташлади полковник Кара.

— Салаи Меннелдан қайлигини ўз ҳолига қўйишни ятимос қилган. Айтмоқчи, у айтган гапларнинг бу қисмини ўз қўли билан ёзиб берди ва ёзгани менда. — Шалго шундай деб инқиллаганча ўриндикдан турди-ю, нариги хонага кириб кетди.

Қария Салаининг тоза пўстагини қоққан кўринади, — қизиқсинди Балинт.

Ҳа, лейтенант Фельмери иккаласи, — тасдиқлади полковник Кара. — Барибир, Салаи ҳамма гапни айтмаганини кўнглим сезиб турибди. Ҳали унинг гувоҳлигини ўқиганим йўқ, лекин унинг энди қўрқадиган жойи йўқлигини биламан! Меннель ўлган. Шунинг учун Салаи ўзи узун қолай бўлган ҳар қандай гувоҳликни беравериши мумкин. Меннель энди булардан тонолмайди, хуллас, мушкул бир ҳол. Гарчанд ўша «номаълум киши»ни топсан бўлсак-да, қўлимизда ҳеч вако йўқ. Кўриб турибман, касрдадир йўлдан бир оз четлашганга ўхшаймиз...

Бир соат муқаддам телефонда Фельмери билан гаплашдим. Салам борган сари ўзини ишончлироқ сезаётганмиш. Нима учун? Чунки ўз гувоҳлигини ёзаётган пайтда ўйлаб бир қарорга келиб олган бўлса керак, чунки унинг айбини фош қиладиган ҳеч ким йўқ-да. Оғзингга шима келса гапиравер, қани терговчилар бунинг аксини исботлаб берсин-чи қабилда.

Шалго келиши билан Кара гапдан тўхтади. Қари изкувар бўлса, деразага келиб пардани кўтарди ва бориб ўз ўриндигига ўтирди.

— Мана, қулоқ сол, — дафтарни варақларкан полковникка мурожаат қилди. — Қасрдайди?.. Ҳа, мана, топдим, «Мен Меннели қаҳвахонадан тондим. У эшикка орқасини ўгириб ўтиргани учун мени кўрмади. Мени киминдир бировни кутаётгандай кўрипти. Мен у Беатани кутаётган бўлса керак, деган қарорга бордим бориб нндамай столига ўтирдим. У жуда хайрон бўлди. Кейин хайрон қолганини ниқоблаш мақсадида ҳазиллаша бошлади. Биз французча гаплашдик. У коньяк буюрди, лекин ўзи ичмади. Мен ичдим, Беата қани деб сўрадим. Меннель бўлса, унинг қайлиги сен, шундай бўлгач, қасрдалигини ўзинг биласан-да, деди. Лекин у менинг асибим қўзиб турганини дарров сезди-ю, бу ерда тўполон қилмайлик, деди. «Мен, — деди, — пуфузли савдогарман, ҳар хил воқеаларга аралашини истамайман. Яхшиси, юринг. Балатоннинг қирғоғига бориб сайр қилайлик. Ўша ерда қанча гап бўлса хотиржам гаплашиб оламиз...» Коньякка пул тўлашимга қўймади, ўзи тўлади. Биз қирғоққа томон кетдик. Меннель гапда ўзини боғларча тутди, бундан менинг баттар жоним қурипти. У мени Беата билан ораларида бўлиб ўтган Италиядаги саргузаштлар ҳозирги замонда оддий нарса эканлигига, бундан катта хулосалар чиқариш ўринсизлигига, Беата асли мени севишига, ораларидаги муносабатлар эса, оддийгина таниш-билишлик эканлигига зўр бериб ишонтирмоқчи бўлди. Тағин қайлигимдан унга ҳеч нарса керакмаслигини, аксинча, ўзи унинг учун асқотишини қўшиб қўйди. Охир-пировардида мени қандайдир хезалак ўринда кўришни жаҳлимни чиқариб юборди-ю, уни ўлдиришга аҳд қилдим. Лекин бу ишни пляжда амалга ошириш ўринсиз эди. Меннель қўнглимдан кечган фикрларни худ

ди уқиб олгандек мени ташлаб югургандай меҳмонхонага тез-тез юриб кетди. Жойимда қанча туриб қолганимни айтолмайман, лекин мен эртага, албатта аввал уни, кейин ўзимни ўлдираман, деган қатъий аҳд билан барга қайтиб келдим. Икки рюмка коньякни ичдим, ярим кечага яқин мотелга келдим. Шуни қўшиб қўйишим керак, улар мени шунинг учун ҳам сезишмадики, мен администраторга икки юз форнинг бергандим ва шунинг учун қайд таслиғини илтимос қилгандим. Қайфим анча баланд эди, шу сабабли эрталаб кеч уйғондим. Шу пайт мендан олдин кимдир уни жойростон қилганини эшитдим...»

Шалго ўқишдан тўхтади, дафтарни яхшилаб буклаб чўнтагига солиб қўйди. Балинг Шалго Салаининг гувоҳлиғини охиригача ўқимаганини айтди.

— Қолганлари ҳозирча унчалик қизиқини уйғотмайди, — жавоб берди Шалго унинг саволига ва лабини кимтиб қўшиб қўйди: — Мана, кўриб турганингиздек, Салаи Менселни ўлдирмоқчи бўлганини бўйнига олди. Менинг тахминимча, уни хибсга олишнинг ҳожати йўқ. Чунки барибир ҳали унинг қотиллик қилганини бўйнига қўя олмаймиз-ку.

— Ўзини оқлайдиган далилиям йўқ-да, — деди Балинг.

— Бизда эса, уни қотилликда айблайдиган далил йўқ. Сабр қил Миклош. Баликнинг йириги эртами, кечми келиб қармоқни ўзи чўқийди, ана ундай кейин айбни фош қилиб ташлаймиз. Ҳозир, агар рухсат берсаларингиз, бориб бириас чўзилсам.

— Жуда тўғри қиласан, — деди Кара, — лекин аввал мен ҳам бир-икки оғиз гапириб олай. Мен ҳозир Хубер кеча жаноб Браунга жўнатган маълумотни олдим. Эшитиб кўрсанг зиён қилмайди: «Менселнинг жасадини санабма куни «Малев» авиакомпанияси рухланган тобутга солиб жўнатиб юборишади. «Машпед» транспорт компанияси олиб боради. Рейс рақами...», давомининг кизиғи йўқ. Мана бу гапдан ташқарисининг, албатта «...» Машина шикастланган. Сотиб юбордим. Битим лойиҳасини ўрганиман. Кейинги ҳафтада имзо чекаман». Мана, бу гапларга Брауннинг жавоби: «Машина сотилмасин. Битимга қўл қўйилсин. Зудлик билан Гамбургга етиб келинг. Браун». Кара матни Оскар Шалгога узатди. — Хўш, бунга сен нима дейсан?

— Ўйлаб кўриш керак. — Шалго оғзидан сигарани чиқариб ўриндикка ястаниб ўтириб олди-да, шифтга тикилди. — Биринчи: Браун қимматбаҳо тошларни олиб кетиш операциясига Хуберни жалб этишни хоҳламаган. Иккинчи, ё у бойликка эга бўлиш ниятидан қайтган, ё бу ишни бошқа бирон кимсанинг бўйнига юклаган.

— Учинчи эҳтимол ҳам йўқ эмас, — ўйланқираб деди Балинт. — Меннелнинг ўзи бу ишларни бировга оғзидан гуллаб қўйган бўлса-чи? Дейлик, энг ишончли бир одамига. У бўлса билдирмай орқасидан кузатиб юргану ва ҳеч қачон назардан қочирмаган. Бизга маълумки, Меннель кечқурунлари машинасига ўтириб бир ёқларга кетиб қоларди. Дейлик, мана шундай боришлардан бирида бойликни олиб келган. Бу тўғрида ҳалиги дўстиям билган. Шундан кейин у Меннелни ўлдириб, бойлик билан валютани олгану Венгриядан жуфтани ростлаган.

Полковник Кара бутун диққатини бир жойга тўплаб хонада уёқ-буёққа бориб келарди.

— Шундай бўлган бўлиши ҳам мумкин, — деди у. — Бу борада сенинг фикринг қалай, Оскар?

Лекин Шалго аллақачон пинакка кетган эди.

Полковник Кара қуйилиб келган кулгисини зўр-базўр босди. У қариянинг оғзидаги сигарани эҳтиёткорлик билан олди-да, Балинтга имлаб қўйиб, иккиси аста оёқ учида юриб хонадан чиқиб кетди.

Шалго кечга томон уйғонди. У ошхонага чиқди. Лиза сув иситарди. Шалго хомуза торта-торта столга ўтирди.

— Матэ тушликдан олдин нима ишлар қилди? — сўради у.

— Елканли қайикда сайр қилди.

— Бир ўзи-я?

— Бир ўзи, қайикни ўзи эшиди. Уйгаям бир ўзи кайтди.

— Хубер-чи?

— У бир соатча боғда айланиб юрди. Кейин қирғоққа тушиди-да, чўмилди, офтобда қорайди.

— Тушлик устида нима хусусда гаплашишди?

— Ҳар хил нарсалар ҳақида. Улар уч киши овқатланишди. Бланка ўз хонасидан чиқмади. Аввалига касбга алоқадор мавзуларда гаплашиб ўтиришди, кейин бориб гап сиёсатга кўчди. Хубер жуда некбин одам экан, —

Лиза шундай деб бир зум гапдан тўхтаб қолди, кейини Шалгога қараб ўйланқираб деди: — Айтинг-чи, Оскар, ашаддий фашист ўз дунёқарашини ўзгартира олиши мумкинми?

Шалго тирсагини столга тираб кафтига суянганча узок-узокларга кўз тикиб ўтирарди. Унинг чехраси қаримсик ва ҳорғин кўринарди.

— Биласанми Лиза, бу гапга ишонмайман дейиш менинг ўзимга кулгили кўринган бўларди. Виждонан айгсам, қариб сочим оқаргандаям баъзан ўзим учун бўлсада, ўтмишимга бошқатдан сайқал бергим келади. Қанийди, ёшлигимда венгер фашистларига хизмат қилмаган бўлсам, деб ўйлайман. Лекин шундай бўлган. Ўзимгаям, бу беш қўлдай маълум. Хористларнинг контрразведкасида ишлаган йилларим эсимга тушиб кетса, ҳозир ҳам виждонан эзиламан. Бундай дақиқаларда мен хали ўз айбимни ювишга етарли иш қилмаганман, деган андиша бутун вужудимни қамраб олади. Худди мана шу туйғу ҳалига довур, таъбир жоиз бўлса, мени ниқтаб туради... Агар менки, яъни Шалго, ўзгаролган эканман, нима учун бошқалар ўзгармас экан? Хуберга келсак... билмайман, бир нарса дейишга тилим бормайди. Эриб Хуберни кузатиб боришга буйруқ берди, менимча у буни тўғри қилди. Хубер бизга маълум қилган нарсалар хусусида бош котириб кўрдим-да, шундай хулосага келдим! Бу маълумотларнинг бари усиз ҳам бизга маълум эди.

— Лекин машинадаги махфий рация мавжудлигини сен билганингни у касрдан сезди бўлмасам? — сўради Лиза.

— Шундан билдики, мунисим, машинада аппаратга бирон ўзга қўл «текканини» маълум қиладиган қандайдир мослама бўлиши керак. Бу мосламани мен кўрмай қолганман. Хубер бўлса-чи, огоҳлантириб, сигнал берувчи аппаратни кўргану биз машинадан передатчикни тоғганимизни тушунган, уям ҳар ҳолда ахмоқ эмас, шунинг учун «сирни очини»ни маъқул топган. Бу ёғига Меннелнинг жосус эканлигини инкор қилишдан маъни қолмасди, чунки буни машинада сирли рациянинг борлиги ўзиёқ исботлаб турарди.

— Шундай бўлса ҳам у Меннелнинг машинасини Қара ва унинг одамларига бермаслигям мумкин эди.

— Масалан, у шундай қилди — машинани бермади дейлик. Лекин бу билан ҳукумат уни ҳибсга олмаслигига ишончи комил бўлармиди? Хуллас, Хубер ҳам жосус бўладиган бўлса, — у жудаям айёр ва ўз ролини ниҳоятда усталик билан бажаради, деб билмоқ керак. Бир қарашда бизга муҳим нарсаларни маълум қилгандек кўринади, аслида-чи, ҳеч нарса айтмади. «Ганза»нинг Венгрияда жосуслик билан шуғулланишими? Бу нарса бизга унинг вакили машинасидаги махфий рацияни тоңанимиздаёқ маълум бўлган эди... Биз адашаётган бўлишимиз ҳам мумкин, балки Хубер ҳақиқатан ҳам ўз қарашларини ўзгартириб бизга самимий ёрдам бермоқчи бўлаётгандир ҳам. Булар бари тез қуида бир ёкли бўлади.

— Менга эса, нима учундир Хубер самимийга ўхшаб кўринаяпти, — деди Лиза идиш-товокларни артаркан.

Шалго сигара тутатди ва паға-паға тутунга разм солиб турди.

— Бланканинг ҳушдан кетиб қолиш манзараси ҳечам калламдан чикмаяпти. Нима учун у фақат Хуберни кўрган пайтдагина ёмон бўлиб қолди? Яна: Меннель танлов шартларини бу қадар аниқ қаердан билиб олди? Менимча, у албатта шу ерга, Эмёдга тушишини ўзи уюштирган бўлса керак. Мен бу нарса унга нима учун бунчалик зарур бўлиб қолганлигининг тагига етишга интилиб келаман.

— Жа бўрттирадиган бўлиб кетибсан-да ўзингиз, Оскар, — деди Лиза. — Нега энди «Ганза»га фақатгина Матэ Табори керак бўлиб қолибди? Хато йўлга кириб қолмаганмикансан дейман-да. Менимча, биринчи навбатда, котилни топиш лозим... Бунинг учун Салаи бор ҳақиқатни очиб ташилади керак.

— Эхтимол, сен ҳақдирсан... Ёрдамлашайми?

Шу найт полковник Кара эшиқдан мўралади.

— Оқсокол, нима гаплар? Қирғоққа тушиб жиндаи балиқ тутмаймизми? Балинтни Балатонфюрעדга Геза Салаини ҳибсга олиш учун юбордим. Осойиштароқ жойда турса, унинг ҳам кўнгли жойига тушади: эрта нима бўлишини ким билади...

Шалго жавоб бермай елка қисиб қўя қолди. Кара Лизага Домбаи билан боғлаб турадиган аппаратни қандай ишлатишни ўргатди.

— Илтимос, шошилинич маълумот бўлиб қолса, бизга хабар қилинг, шу яқин орада бўламыз.

Майор Балинг полковникка буйруғингиз бажарилди дея ахборот берганда куёш ҳам уфққа бош қўйганди. Майорнинг айтишига караганда, Салаи ўзининг ҳибсга олинишини кутиб турган экан, фақат хизмат юзасидан ишларини тоншириб олишга рухсат сўрабди.

— Мен уни қишлоқ посёлкасининг хоналаридан бирига жойлаштирдим ва қараб туриш учун милиционер қўйиб қўйдим, — ўз докладыни тугатди Балинт.

— Фельмери қаерда?

— Илонканинг олдига кетди. Афтидан, жигаридап уриб қолганга ўхшайди.

— Яхши, — деди полковник Кара. — Ўзингиз Веспремга қайтиб кетишингиз мумкин. Эртага эрталаб учрашамиз. Ёзилган маълумот агар ёнингизда бўлса, олиб хонамга кириг.

Полковник кетишга рухсат берганидан қувонган Балинт нега бугун Шалго камган, деб қизикди.

— Ўртоқ полковник, у билан уришиб қолмадингизми?

— Ҳечам-да, — шодон деди Кара. — Шунинг учун нарироққа хайдаб юбордимки, балиқ уни бир чақиримдан сезади ва қармоқни чўқимайди. Ҳозир Хубер қаерда?

— Ўз хонасида, — жавоб берди Балинт. — Сизнинг олдингизга келишдан олдин йигитлар билан гаплашдим. Жуда қийналиб кетишибди. Бахтга хали уларнинг биронтасиниям сезгани йўқ.

— Қулоқ сол, Миклош, — Балинтга мурожаат қилди Шалго. — Будапештдан келиб юрадиган Сильвия деган аёлни эшитганинг борми?

— Сильвиями? — Балинт ўйланиб қолди. — Йўқ, негадир эсимга келмаяпти. Бу номни қаердан олдинг? — Балинт қари изқуварга қизиксиниб тикилди.

Шалго унга Салаининг хонасидан қандай валати откритка топганини гапириб берди.

— У сизга откритка юборган Сильвия ким эканлигини айтиб бермадимми?

— Биронтаси мазах қилган бўлса керак, деб айтди. Ким бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввургаям эга эмас.

— Откриткада нима ёзилган? — кизиксинди полковник Кара.

Шалго чўнтагидан откриткани олиб кафтида текислади-да, ўкиди:

«Туғилган кунингда соғлиқ тилаймиз. Дўстларинг Эире, Немеш Мештер, Ласло Дери ҳамда ўзимдан салом. Сени ўпиб Сильвия.

Кейин сана: «Ўн еттинчи июль, бир минг тўққиз юл олтинчи тўққизинчи йил», — откриткани ўкиб бўлиб, Шалго уни полковник Карага узатди.

— Сен откриткадаги почта мухри ўн бешинчида босилган деяпсанми? — сўради полковник.

— Худди шундай. Балки бу бир хазилдир, балки шифрланган маълумотдир... Қани, математик, мапа бу жумбоқни ечиб кўр-чи!

Кара бир майсани тишлаганча қоғоздаги матнни ўргана бошлади.

— Сильвия, — деди у. — Буниси қандай қуш бўлди экан энди?

— Буниси ҳозирча билмаймиз, — деди Шалго.

Кара кўзини қисиб пешанасини тириштирганча откриткани текширарди.

Фельмери душга тушиб чиқиб, эгнига янги кўйлаги ва дазмолланган шимини кийди-да, Лизага, полковник сўраб қолса Илонканинг олдида бўламан, деб тайинлаб Худакларнинг вилласига қараб кетди.

Илонканинг олдида Казмер Табори бор экан. Муҳандис соя-салқин равонда ёш бека билан суҳбатлашиб ўтирарди.

— Мен эсам бир ўзингиз зерикиб ўтирибсиз, деб ўйловдим. Халақит қилган бўлсам узр, — деди лейтенант.

— Ўтиринг, ўтиринг, — таклиф қилди киз қўли билан тўқима ўриндикни кўрсатиб. — Нима учун ташриф буюрганингиз барибир менга маълум. Яна бирон нарса-ни тилимдан илиштирмакчи бўлсангиз керак-да, а?

— Лекин ҳозир мен хизматда эмасман, — эътироз билдирди Фельмери, ўриндикқа ўтираркан. Унинг назаридан Казмернинг тиржайиб қўйгани четда қолмади.

— Ахир сизлар ҳамма вақт хизматда, ҳамма вақт постда бўласизлар-ку, — деди у лейтенантга сигарета тўтиб. Улар чекишди.

— Тўғри гап тўғри-да, — қўшилди Фельмери. — Агар ўз ишинг қўнглингга мақбул келса, дам олиш пайти билан иш пайти орасига марза қўйиб қўйиш қийин бўлади. Масалан, шифокорларни олайлик. Шифокор — ишдаям, уйидаям шифокор. Сутканинг ҳар қандай пайтида, ҳамма ердаям. Шу жумладан, мен ҳам, ҳатто дам олаётганимиздаям барибир давлат хавфсизлигининг офицери бўлиб қолавераман.

— Қизик, одамнинг калласига қандай қилиб ўшандай ердаям ишлаш фикри келаркин? — гўё ўз-ўзига гапиргандай деди Илонка. — Яхши касб: одам овчиси.

— Ҳа, «танланган жамиятда» жирканчли касб, — очик-ойдин алам билан қувватлади Фельмери. — Одам овчиси! Бунақа сифатни, тап олишим керак, ҳали эшитмагандим.

— Бошқа сифатиям бор: «Бош суяги овчиси», — деди Казмер. — Бунақасини эшитгандирсиз?

Фельмери, ҳа дегандай калласини қимирлатди.

— Қўнглингизга олманг, — айтиб қўйган ганидан афеусланиб деди киз. — Мен хафа қилишни...

— Сираям хафа бўлаётганим йўқ, — деди лейтенант. — Хафа бўлишдан ўтганмиз.

— Ҳозир бундан баландмисиз? — унинг жиғига тегишда давом этди Казмер. — Биз ғофил бандалар қандай қилиб сизни хафа қилардик! Сиз, гапингиз бўйича, бошқача нав одамларсиз-ку.

Фельмери муҳандисга ачиниб қараб қўйди.

— Нега сиз ҳадеб мени хафа қилгингиз келаверадиди? — қизиксинди у. — Сиз мени мутлако билмайсиз-ку. Кимман, нимани ҳис қиламан, нима ҳақда ўйлайман — бу ҳақда тарикчаям тасаввурга эга эмассиз. Фақат давлат хавфсизлик органларида ишлаганим учун шундай қиялсизми?

Казмер кулиб юборди.

— Онт ичиб айтаманки, сизни хафа қилиш етти ухлаб тушимгаям кирмаган. Умуман олганда қизик-да: нега инди келиб-келиб шу касбни танладингиз, фақат шу соҳага лаёқатлимисиз?

Лейтенант Казмер Таборининг димоғини баланд қилиб гапиришидан вижина бошлади. «Чириган зиёлича, — ўйлади у, — ўзини буюк даҳо қилиб кўрсатмоқчи, тириклар ва ўликлар устида тафаккур қилади.

— Биласизми бу қандай бўлган, — хотиржамлик билан жавоб берди Фельмери. — Онам менга ҳомиладорлигида қандайдир ёмон бир туш кўрган экан. Ҳа, энди, оми, ўқимаган аёл бўлган-да. Шунинг учун тушининг таъбирини билиш учун яқин орадаги фолбинга боради. Биз ўшанда Обудда яшардик. У ерда фолбин демаганининг саноғи йўқ эди. Трежи деган фолбин кампир чинни заводига яқин ерда яшарди. Кичкинагина хужраси, торгина ховлиси ва девор ёкалаб ўсган беш туп дарахти бор эди. Авроқчи кампир онамни куюк соя ташлаб турган дарахтнинг остига ўтказибди. Дарахтнинг устига, шохларига эса ҳар хил жодугарлик нарсалари осиб ташланган экан. Катта-кичик бош суяги дейсизми, тишлик, тишсиз жағ суяқлари дейсизми, қўйинг-чи, алламбало нарсалар тўлиб кетган экан. Ёнида ўт ёниб тураркан ва фолбин вақти-вақти билан унга хилма-хил ўтларнинг илдизларидан ташларкан. Трежа буви онамнинг тушини эшитиб бўлибди-да, кўзини қисиб туриб шундай дебди: «Қизим, билиб қўй бор гапни. Ҳузурингга шайтон келибди. Қорнингга кириб, ҳомиладаги болаңга ўз муҳрини босиб кетибди. Аламинг бисёр қизим, дардинг оғир. Шундай ўвил туғасанки, катта бўлгандан кейин шайтонлар аскарни бўлади. Инчиям, шифокор, адвокатам, ҳатто масалан, Казмер Таборига ўхшаган электрлаштирини бўйича муҳандисам бўлмайди, сенинг ўрлинг тўймас қонхўр ва бош суягининг овчиси бўлиб етишади. Нонуштага одамнинг қўлини ейди. Тушликка оёғини, лекин, болагинам, қўп кулфатга ботаверма, узоқдан жиндаккина нур тушиб турибди, мана шу хира нур ичидан кўзимга рўшнолик кўринмоқда, умидингни узма: орадан кўн йиллар ўтгандан кейин сенинг қонхўр ўғлинг Балатонэмед деган жойда машҳур бир муҳандис Казмер Таборига йўлиқади. Худди шу одамгина ўғлингни шайтоннинг чапғалидан қутқариб олади. Ўртоқ Табори унга нима учун бундай гуноҳи азим йўлга тушиб олганини тушунтиради. У синфий кураш ҳақидаги таълимот баъзи бир одамларнинг хато йўлга кириб кетинидан бошқа

парса эмаслигини, аслида эса ҳеч қандай синфий кураш йўқлигини ва ҳеч қанақа — на ички, на ташқи душман йўқлигини исботлаб беради. Виктор Мендель бўлса, ҳечам чет эл жосуси эмас, ўлдириб юборишди шўрликни. Вақтлар келади — ҳаммамиз париги дунёга сафар қиламиз. Табиат қонуни шундай. Қотилни эса тутишадиди, турмага тикишади. Бу яхши эмас! Ахир одамзодни эркинликдан махрум қилиш мумкинми? Йўқ, бу одамгарчиликдан эмас. Қасрда турма бўлса, ўша ерда эркинлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизга ҳеч қанақа турма, ҳеч қанақа милициянинг, боришгки, армиянинг ҳам кераги йўқ. Оғизга келган гапни ганириш, қаллага келган ишни қилиш учун бизга эркинлик керак, дейди. Сенинг ўвнинг донишманд муҳандис Таборига берган насихатлари учун ташаккур билдиради-ди, ўзининг одамийликка тескари бўлган қонли жиноятларини бас қилади, кейин шайтон лашкари сафидан чиқади, руҳаи тозаланиб, узун сочли ва яланг оёқ ер тегиб, мана шунақа озодликни ёллош қилувчи муқаддас «Хиппи»лар иттифоқига кириш учун ариза беради». Ўртоқ муҳандис, хали срув дунёни кўрмасимдан мепинг бошимдан шунақа саргузаштлар ўтган. Академияни битирдим, мана шу энг ашаддий «бош суяги овчилари» ичида лейтенант бўлдим, йўл-йўлакай эса, Будапешт университетининг фалсафа факультетида диплом ёқладим. «Чет элликларни овлаш»да муваффақиятларга эришиш учун немис ва инглиз тилларини ўргандим. Шундай бўлса ҳам, ноумид шайтон, бир кун бориб сизга ўхшаган буюк инсонларвар бўлиш умидим бор.

Фельмери гапдан тўхтади. Казмернинг уялиб қолганлиги аниқ сезилиб турар, Илонка бўлса, вазмин бир киёфада чўткача билан тирноқларини бўярди.

— Назаримда, мени нотўғри тушунганга ўхшайсиз, — ниҳоят узоқ чўзилган жимликни бузди Казмер Табори. — Сиз жудаям жиззаки ва муболағага ишқибоз одам экансиз.

— Гапларингизни тўғри тушундим. Биз ҳақимизда нималарни ўйлаётганингиз ҳам менга яхши маълум.

— Гапнинг индаллоси, сизларнинг ишларингизни иқим суймайди. Маҳфий парсалар, сир сақлашларни ёқтирмайман. Орқамдан изма-из кузатиб юришларини ҳам яхши кўрмайман...

— Мана, ўттиз ёшга чиқиб қолибсиз. Айтинг-чи: шу давргача биров сизни бир марта бўлсин кузатиб юрғамми? Йўқ. Агар ҳозир назорат остига тушиб қолган бўлсангиз, нега бундан ажабланасиз? Қотиллик содир бўлган, сиз эса мархум билан уришгансиз: қотиллик содир бўлган кезларда қаерда бўлганингиз маълум эмас.

— Ўзимга маълум. Будапештдайдим. Фақат сизлар менга ишонмаётибсизлар.

— Шунинг учун ҳам ишонмаяпмизки, сиз тўғри гапни гапирмаяпсиз. Бу билан, табиий, ўзингизга шубҳа орттиряпсиз.

Казмер нидамай Илонкага қаради, қиз бошини қуйи солди. Бу ҳол Фельмерига қиз Таборининг назарига тушишдан қочгандек кўринди. Лекин нега?

— Меннелни ўлдириш учун менда ҳеч қанақа сабаб йўқ эди, — ярашувчанлик оҳангида деди Казмер сизга та чиқараркан.

— Сабабини ҳамма вақт топавериш мумкин, — этироз билдирди лейтенант. — Аввал фактларни аниқлаш керак. Ўзингиз айтдингиз-ку, ахир, Меннелни ёмон кўрайдим деб.

— Сизни ҳам унча ёқтирмайман, аммо ўлдирмоқчи эмасман.

— Илонка Худакка илакишаверсам-чи?

— Унда сиз ҳам бир мушт ейсиз, — Казмер лейтенантга тикилиб қаради.

— Мана, кўряпсизми! Демак сиз рапкчи экансиз, — деди лейтенант. — Илонкани севиб қолгансиз. Рад этманг, қизни хафа қилиб қўйишингиз мумкин.

— Бу ерга кўнгил ёзгани келганмисиз ўзи? — ёнқаран қилиб сўради муҳандис.

— Йўқ, мен фақат сиз Илонкани севадизми, йўқми, шуни аниқлагани келувдим. Агар уни ростдан ҳам севадизми рапк қилиб жинойатга қўл уришингиз мумкин. Демак, сизни севиб қолган, дея фараз қилайлик. Бу ҳолда воқеалар оқими қандай давом этиши мумкин?

Мана бундай. Ўша қуни сиз Илонкани қидириб топмайсиз. Меннелни ҳам. Тонготарда Илонка уйига келиб келади. Айтгандай, бу ҳол исботланган факт, тақмин эмас. Сиз Илонкани қистовга оласиз ва у ўз айбиги иқроор бўлади. Меннелни қидириб кўрасиз. У уйда йўқ. Равондан дурбинда қараб унинг қўлдалигини, уч маж-

кунгоди бурун томон эшкак эшиб келаётганини аниқ-лабсиз. Сиз ҳеч кимга сездирмай боғ оралаб ўша томон-га учиб борасиз. Орада муштлашув бошланади. Сиз Мен-нелини ўлдирасиз. Унинг жасадини кайикка солиб, қа-йикни анча нарига ҳайдаб борасиз-да, мурдани сувга ташлаб юбориб, кирғоққа сузиб келасиз. Омадингиз юри-нади, сизни бу сафар ҳам ҳеч ким сезмай қолади. Аста ўзингизга келасизу кийиниб чиқиб кетасиз. Буданештга кетдим, деган ёлғон гапни тўқийсиз ва сўраганга гапи-риб юрасиз. Хўш, бундай гапга нима дейсиз?

Казмер ўрнидан туриб, куёш ўз нуруни сахийлик билан сочиб турган боққа қаради, кейин лейтенантга ўтирилиб бешарволик билан деди:

— Йокаинининг¹ романларини кўп ўқиркансиз дей-ман.

— Эхтимол, — қаршилик кўрсатмади Фельмери.

Кечроқ, отель қаҳвахонасида ўтирганида Фельмери ораларида бўлиб ўтган бу гапни яна бир бор хотирасида тиклади. «Эхтимол, менинг далил-исботларим кўриши-нидангина асосли бўлса керак?» — деб ўйлади у.

Кенг, жихозлар дид билан батартиб қўйилган залда ишбатан одам кам эди. Ташриф буюрувчилар асосан чет-элликлар бўлиб, улар столда ўтиришганча музқаймоқ ичишар, қаҳва ичишар. Бир нечта одам барнинг пештах-тасида коньяк ичишар ва қаттиқ-қаттиқ кулишарди. Ўттиз ешлардаги қорасоч бир барзанги малла сочли сулув офи-цианткани уёқ-буёққа ўтганда худди бақадек кўзлари би-лан тикилиб ўзига жалб қилишга ҳаракат қиларди. Унинг ёнидаги сочини калта қилиб олдирган, елкасида фотоап-паратги бор малла дўсти бўлса, қизни оғайнисига эъти-бор қилсин учун чечанлик қилиб висотидаги бутун ши-рин сўзларни ишлатар, баъзан қуюшқондан чиқиб ҳам кетарди. Лекин қиз меҳмонларнинг шилқимликларига эътибор қилмай ўз иззатини сақлар, шу билан уларнинг кўнгилларига озор бермасликка ҳам интиларди. Униш бундай вазиятда усталик билан ўз хурматини сақлаш Фельмерига ёқиб тушди. Шу топда ўрнидан туриб кукун-қондан чиқаётган саёқларнинг олдига боргиси ва уларни тийиб қўйгиси келиб кетди; лекин бировларнинг эътибо-

¹ Таникли венгр ёзувчиси Мора Йокаининг (1825 - 1904) саргузашт романлари назарда тутиляпти.

— Мана, ўттиз ёшга чикиб қолибсиз. Айтинг-чи: шу давргача биров сизни бир марта бўлсин кузатиб юрганми? Йўқ. Агар ҳозир назорат остига тушиб қолган бўлсангиз, нега буздан ажабланасиз? Қотиллик содир бўлган, сиз эса марҳум билан уришгансиз: қотиллик содир бўлган кезларда қаерда бўлганингиз маълум эмас.

— Ўзимга маълум. Будапештдайдим. Фақат сизлар менга ишонмаётибсизлар.

— Шунинг учун ҳам ишонмаяпмизки, сиз тўғри гапни гапирмаяпсиз. Бу билан, табиий, ўзингизга шубҳа орттиряпсиз.

Казмер нидамай Илонкага қаради, қиз бошини қуйи солди. Бу ҳол Фельмерига киз Таборининг назарига тушишдан қочгандек кўринди. Лекин нега?

— Меннелни ўлдириш учун менда ҳеч қанақа сабаб йўқ эди, — ярашувчанлик оҳангида деди Казмер сигарета чиқараркан.

— Сабабини ҳамма вақт тонавериш мумкин, — эътироз билдирди лейтенант. — Аввал фактларни аниқлаш керак. Ўзингиз айтдингиз-ку, ахир, Меннелни ёмон кўрардим деб.

— Сизни ҳам унча ёқтирмайман, аммо ўлдирмоқчи эмасман.

— Илонка Худакка илакишаверсам-чи?

— Унда сиз ҳам бир мушт ейсиз, — Казмер лейтенантга тикилиб қаради.

— Мана, кўряпсизми! Демак сиз рашкчи экансиз, — деди лейтенант. — Илонкани севиб қолгансиз. Рад этманг, қизни хафа қилиб қўйишингиз мумкин.

— Бу ерга кўнгил ёзгани келганмисиз ўзи? — ёвқараш қилиб сўради муҳандис.

— Йўқ, мен фақат сиз Илонкани севасизми, йўқми, шуни аниқлагани келувдим. Агар уни ростдан ҳам севсангиз рашк қилиб жиноятга қўл уришингиз мумкин. Демак, сизни севиб қолган, дея фараз қилайлик. Бу ҳолда воқеалар оқими қандай давом этиши мумкин?

Мана бундай. Ўша куни сиз Илонкани кидириб топмайсиз. Меннелни ҳам. Тонготарда Илонка уйига кириб келади. Айтгандай, бу ҳол исботланган факт, таҳмин эмас. Сиз Илонкани қистовга оласиз ва у ўз айбига иқроор бўлади. Меннелни кидириб кўрасиз. У уйида йўқ. Равондан дурбинда қараб унинг қўлдалигини, уч маж-

пунтолли бурун томон эшкак эшиб келаётганини аниқлайсиз. Сиз ҳеч кимга сездирмай боғ оралаб ўша томонга учиб борасиз. Орада муштлашув бошланади. Сиз Мепелни ўлдирасиз. Унинг жасадини қайикқа солиб, қайикни анча нарига ҳайдаб борасиз-да, мурдани сувга ташлаб юбориб, қирғоққа сузиб келасиз. Омадингиз юришади, сизни бу сафар ҳам ҳеч ким сезмай қолади. Аста уйингизга келасизу кийиниб чиқиб кетасиз. Будапештга кетдим, деган ёлғон гапни тўқийсиз ва сўраганга гапириб юрасиз. Хўш, бундай гапга нима дейсиз?

Казмер ўридан туриб, қуёш ўз нурини сахийлик билан сочиб турган боққа қаради, кейин лейтенантга ўгирилиб бепарволик билан деди:

— Йоканининг¹ романларини кўп ўқиркансиз дейман.

— Эҳтимол, — қаршилик кўрсатмади Фельмери.

Кечроқ, отель қахвахонасида ўтирганида Фельмери ораларида бўлиб ўтган бу гапни яна бир бор хотирасида тиклади. «Эҳтимол, менинг далил-исботларим кўришишидангина асосли бўлса керак?» — деб ўйлади у.

Кенг, жиҳозлар дид билан батартиб қўйилган залда исбатан одам кам эди. Ташриф буюрувчилар асосан чет элликлар бўлиб, улар столда ўтиришганча музқаймоқ ейишар, қахва ичишар. Бир печта одам барнинг пештахтасида коньяк ичишар ва қаттиқ-қаттиқ кулишарди. Ўттиз ёшлардаги қорасоч бир барзанги малла сочли сулув официанткани уёқ-буёққа ўтганда худди бақадек кўзлари билан тикилиб ўзига жалб қилишга ҳаракат қиларди. Унинг ёнидаги сочини калта қилиб олдирган, елкасида фотоаппарати бор малла дўсти бўлса, қизни оғайнисига эътибор қилсин учун чечанлик қилиб бисотидаги бутун ширин сўзларни ишлатар, баъзан қуюшқондан чиқиб ҳам кетарди. Лекин қиз меҳмонларнинг шилқимликларига эътибор қилмай ўз иззатини сақлар, шу билан уларнинг қўнгилларига озор бермасликка ҳам интиларди. Унинг бундай вазиятда усталик билан ўз ҳурматини сақлаш Фельмерига ёқиб тушди. Шу топда ўридан туриб қуюшқондан чиқаётган саёқларнинг олдига боргиси ва уларни тийиб қўйгиси келиб кетди; лекин бировларнинг эътибо-

¹ Таниқли венгр ёзувчиси Мора Йоканинг (1825—1904) саргузашт романилари назарда тутиляпти.

рини ҳечам ўзига тортиши мумкин эмаслиги бундай мардонавор ишдан тийилишга мажбур қилди. Шунинг учун кизпи бир рюмка коньяк ва бир шиша кока-кола келтириш учун чақирганда унинг кулоғига бирон ёрдам керак бўлиб қолгудек бўлса бир имо қилиб қўйсангиз бўлди, шу он хозир бўламан, деб шивирлади. Официантка бировнинг ёрдамига мухтож эмасман дегандай унга ажабланиб қараб қўйди.

Фельмери оқшомги газетани очиб, ахборотларни энди ўқий бошлаган эди, бирдан кимдир ёнидаги стулга ўтирди-ю, таниш овоз эшитилди:

— Халакит қилмайманми?

— Нималар деяпсиз! — деб юборди лейтенант хурсандчилигини яширолмай. Лекин бировга нега бунчалик хурсандсан деса барибир айтиб бера олиши гумон эди.

Илонка эгнига оч сариқ калта юбка ва калта англи хаворанг юпка батист блузка кийиб олган эди. Қизнинг қарашлари мунгли, қизиғи шундаки, бу нарса унинг гўзал чехрасини яна ҳам жозибалироқ қилиб кўрсатарди.

— Мен атиги бир печа дақиқа вақтингизни оламан, — безовталигини яширолмай деди киз ва эшик томон қараб қўйди.

— Сиз бировни кутяпсизми? — сўради Фельмери.

— Йўқ, ҳеч кимни. Фақат сиз билан икки оғиз гаплашмоқчи эдим.

Малла соч официантка муғомбирона жилмайиб, столга қаҳва қўйди. У энди кетишга чоғланаётган эди Илонка тўхтатди.

— Эва, шошма, бира-тўла ҳақини тўлаб қўя қолай.

Фельмери Илонканинг тирсагига қўлини қўйди.

— Агар майли десангиз ўзим тўлайман. Қанча беришим керак, кизча?

Фельмери пулни тўлади, официантка кетгандан кейин сўради:

— Нима бўлди, Илонка?

Киз ўйланқираб қошиқча билан қаҳвани аралаштирди, афтидан, лейтенантга ботиниб қараш учун журъат қилолмаётганга ўхшарди.

— Менинг гапларимга ишонишингизни жуда-жуда истардим, — ниҳоят тилга кирди киз.

— Ишонаман.

— Менгелни Казмер ўлдирмаган, ишонинг!

— Ким бўлмаса?

— Билмайман.

— Сиз Казмерни севасизми?

— Ха, — у ёш тўла кўзларини лейтенантга қиқарди, — бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Ҳатто Лиза хола ҳам. Фақат бувам билади. Энди эса сиз. Биз бир-биримизни севамиз, мен уникиман. Ахир мен сизга ишонсам бўладими?

— Албатта-да, — оддийгина қилиб деди Фельмери. — Анчадан буён учрашасизларми?

— Ўтган йилдан бери, — у кўзларидан ёшини силкиб ташлади. — Лекин мен сизга шуни айтишим керакки... Ўша оқшом... яъни Меннель ўлдирилишидан олдинги кун мен уни, ўша немисни кўргандим. Мутлақо тасодифан. Казмерни кутаётгандим. Казмер кечкурун овқатдан кейин машинада Веспремга кетамиз, деб таклиф қилганди. Уйда эса Будапештга бораман, деганди. Веспремда унинг бўйдоқ оғайниси бор. Шифокор. Одатда, биз унинг уйда учрашардик. Мен унга ҳозир ойингнинг олдига борамиз, сен мени севишипгани ва менга уйданишингни айтасан. Шундан кейингина мен сен билан бораман, деб туриб олдим. Казмер эътироз билдирди, бунда жиришни бузиб қўямиз, деди. Кетгунимга қадар ойимни ҳамма ишдан албатта хабардор қиламан, дея мени ишонтиришга тушди. Шундан кейин мен унгача Веспремгаям бормаи турамиз дедим. Шунда айтишиб қолдик. У менга куракда турмайдиган гапларни: бошимни айлангириб менга тегиб олмоқчи бўлгансан деди, мени товламачи, деб атади. У хурмачасидан ортикча ичиб юборганини, сафсата гапларни вайсаётганини билардим, лекин унинг гапларидан иззат-нафсим лат еди, мен ҳам ҳақимни қўймадим. Нима деганимни ҳозир эслолмайман, лекин шу гапларим эсимда: «Агар мен бузуқ бўладиган бўлсам, бойроқ биттаси билан юрган ва уни уйимга олиб кириб олган бўлардим. Етар энди. Мен сени севишимни исботлаб қўйдим, сен бўлсанг мана бир йилдан буён пуч ёнғоққа қўйнимни тўлдириб юрибсан», дедим. Казмер жавоб тариқасида менинг Польшага қилган сафаримни юзимга солаверди. Гуё у ерда менинг бир кимим бордай. «Ундай бўлса бўлти!» дедиму жаҳл билан ўрнимдан туриб жўнадим. Причалга югуриб бордим. Кетимдан келди. Орқамдан тўхта, деб қичқирди.

Лекин тўхтамадим. Ҳақиқатан ҳам бу ишларнинг бари жонимдан тўйдириб юборган эди. Шу он қайиқ пристанида бирдан Мениелни кўриб қолдим, у ўзининг «Мерседес»ига ўтираётган эди. Бу қурук савлат бир кўришдаёқ менга нимадир бўлганини тушунди ва ҳамдардлик билдириб: «Сизга нима бўлди?» дея сўради. Мен тентак ҳўнграб юборибман дег. Тушуниб турибман, Казмер бизни кўриб турибди, бунинг устига причал ҳам яхши ёритилган. Шунини билиб туриб, ҳатто таклифсиз Меннелнинг машинасига мишиб олишга ўзим тайёр эдим. Казмерга аччиқ қилиб! Меншель қаёққа деб сўради. Мен қаёққа бўлсаям менга барибир дедим. Биз Шифокка кетдик. Йўл бўйи деярли гаплашмадик десам ҳам бўлади. Немис машинани ўқдек учуриб кетарди. Менинг эса жудаям таъбим тирриқ эди. Назаримда, Казмер мени алдагандек, ифғатимга тегиб қўйиб, энди ташлаб кетмоқчидек туюлаётганди. Шундай бўлгандан кейин софлик, номус ҳақида ҳам чекиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Биз қайсидир тунги бар олдида тўхтадик. У ерда ичдик, рақсга тушдик. Ярим кечада ўтгандан кейин Эмёдга қайтдик. Мен қўн ичиб юборган ва маст бўлиб қолган эдим. Шундай бўлсаям деярли ҳаммасини яхши эслардим. Меннел энди машинани тез ҳайдамас, хотиржам, секин юргизиб келарди. Кимсасиз бир жойга келганда тўхтатиб, мени қучоқлаб ўпа бошлади. Мен қаршилиқ кўрсатмадим. Лекин ҳаддидан ошиб, бошқа мақсадга ўта бошлагандан кейин машинада бўладиган ишқибозликни ёмон кўраман, деб қатъий қаршилиқ кўрсатдим. У муродига эриша олмаслигига кўзи етгандан кейин шапшадан тушиди-да, машинани юргизиб жўнади. Йўлда, Фюрелда бўлса керак, биз яна тўхтадик. Меннел бир печа дақиқадан кейин қайтиб келишини, кўркмай ўтиришимни тайинлаб машинадан тушиди...

— Шу жой эсингизда борми? — дарров сўради Фельмери.

— Бу ер қаер экан, деб ўзим ҳам кейин роса бош қотирдим, — тан олди киз. — Назаримда кардиология санаториясига яқин бир жой эди. Лекин буниям аниқ деймайман. Қаттиқ чарчаган, уйқу босиб кўзларим юмilib кетаётганди. Меннел кетгандан кейин ухлаб қолмаслик учун радиони қўйиб мусика тинглаб ўтирдим. Барибир кўзим кетиб қолди.

— Меншель қай томонга қараб кетганини кўролдингизми?

— Қандайдир бир уй томон кетди. Умуман, атроф қон-қоронғи эди, кейин унинг қаёққа кетганини кузатганим ҳам йўқ. Ўша жойни бошимни қотириб хаёлимда тикламоқчи бўлдим. Аниқ эсимда, кўча ўша ерда сал баландликка кўтарилар ва йўлнинг каеридадир қизил чироқ ёниб турарди. Балки бу, олдиндаги машинанинг подфарниги эди. Балки қурувчилар биронта чуқурлик борлигини белгилаб чироқ қўйиб қўйишгандир. Бу шунинг учун ҳам эсимда қолдики, ўшанда энди мен ҳам уйимга қизил чироқ осиб қўйсам бўларкан, деган хаёлга боргандим.

Орадан қанча ўтганини аниқ билмайман, кейин Меншель қайтиб келди. У ишлар беш, кетдик, деди. Гўё бутунлай кайфи тарқаб кетгандай эди. Ўзини жуда сипо тутди. Эрталаб барвақт тураман, иш юзасидан муҳим учрашув бор, шунинг учун барвақт ётишим керак, деди.

— Бошқа ҳеч нарса демадимиз?

— Йўқ.

— Казмер ҳақида ўзи гап очди, — Илонка айтмоқчи бўлган гапларнинг энг оғир жойларини гапириб олгандан кейин буёнига хотиржам бўлиб олди. Энди бармоқлари қалтирамас, қошиқча стаканни тақиллатмасди. Қарангиям ўзгача маъно касб этганди. — Аниқроқ эслаб кўришга уриниб кўраман. У кундузи, пляжда Казмер билан ораларида бўлиб ўтган можарога афсусланаётганини, Казмер ҳақида яхши фикрда эканлигини, ҳатто у билан дўстлашишга тайёрлиги ва ўшанда ўзини тутолмай қолганига хафалигини гапириб берди. «Лекин, — деди у, — бунга фақат сиз ўзингиз айбдор. Сизда эркакларнинг юрагига бир зумда чўғ солиб юборадиган жозиба бор».

«Қизиқ, — ўйлади Фельмери Илонканинг гапларини эшитиб туриб. — Бу гапларда шунчалар қарама-қаршилик кўнки, хайрон қоласан. Меншель Казмерни ҳурмат қилади. У билан дўстлашмоқчи бўлади. Лекин имкони топилди дегунча унинг жиғига тегади, муштланишга ундайди. Кейин бўлиб ўтган ҳодисадан афсусланади ва Казмернинг кўз олдида Илонкани олиб кетади, маст қилиб, сал бўлмаса ўзининг шахвоний пиятига эришай дейди, лекин Фюретда бир жойга бориб машинасига

қайтиб келгандан кейин яна жептельмен бўлиб қолади, эндигина маъшуқасини не қўйларга солмоқчи бўлган Казмерни яна қўқларга қўтариб мақтайди. Илонкаям ўзи бало-да, қурмагур!»

— ..Менпель мендан уни Казмер билан ярангириб қўйишимни, бу ерларга эзгу ниятлар билан келгандим, энди бу ёғигаям ўз обрўйим билан кетмоқчилигимни тушунтиринг, деб илтимос қилди. Шунинг учун у эртасига тушда мехмонхона ресторанида учаламиз тушлик қилайлик, деб таклиф қилди. Мендан эса кечаси ўзини аҳмоқона тутгани учун уэр сўради ва «мана шундай нозик шароитда ҳам калламни йўқотиб» қўймаганим учун устустига менга миннатдорчилик билдирди. — Илонка қулимсираб қўйди, — «калламни йўқотиб» қўймаганимман, ўзимни энг бузуқ бир аёлдек тутдим-ку, ахир.

— Ҳозиргина ўзингиз айтдингиз-ку, орамизда ҳеч нима бўлгани йўқ, деб.

— Айтдим. Албатта айтдим. Бундан кейин ҳам шундай деявераман. Чунки ростдан ҳам ҳеч нима бўлмаганлигига ишонгим келади. Тўғрисиини айтадиган бўлсам, ўзим ҳам билмайман. Эсимда йўқ — ахир каттиқ маст эдим-ку. Ўша кунги бўлиб ўтган ходиса эсимга тушиб кетса, хали-хали хижолатдан ерга кириб кетай дейман... Менпель мени уйгача олиб бормади. Посёлкада бировнинг иккаламизни кўриб қолишини истамадим. Тонг ёриша бошлади. Топш йўл билан айланма автострадаси кесинган чорраҳада машинадан тушдим. Тушликда учрашамиз, деб ваъда бериб уйга келдим. Бобом уйда йўқ экан.

— Лекин сиз...

— Сўроқда алдагаидим. Гуё бобом уйдайдими-ю, юзларимга шапалоқлаб урди, дегандим. Агар терговга чақириб сўрайдиган бўлса шундай деб айтнинг, деб уни кўндирганман. Боғда эса, бобомни эмас Казмерни кўрдим. У шу ерда кечаси билан мени кутиб ўтирибди. Важохатдан кўрқиб кетдим. Олдимга келди-ю, башарамга тарсаки тортиб юборди. Мен, мен эса... хатто ўзимни химоя қилганим ҳам йўқ. Билардим, у ҳақ эди, мен ўша жазога лойиқ эдим. Кейин ваннага кирдим, устимдан беркитиб олдим. Худди ҳозир кир ўрага тушиб чиққан каби мочалка билан ҳамма ёғимни қопатворгудай қилиб ниқалай бошладим. Бир оз ўзимни босиб олиб, Казмер би-

лан учрашганимда у қаерда бўлдинг, деб сўради. Мен унга машинадаги воқеадан бўлак ҳаммасини бир бошдан гапириб бердим.

— У ишондимми?

— Билмайман. Ишонган бўлса керак, чунки кейин хатто узр ҳам сўради. Севишига қасам ичди ва яна бир оз сабр қил, деб ёлвора бошлади. У бизникидан соат еттиларга яқин орқа эшикдан чикиб кетди. Мен ундан қаерга кетяпсан, деб сўрадим. У машинасининг олдига боришни, машинаси гольф ўйнайдиган майдончада турарди, оёисига Будапештга кетаётганиман дегани учун уйга сал кечроқ қайтишини айтди. Буни у овзингдан гуллаб қўйма, деб қаттиқ тайинлади.

Фельмери қизга қаради. У Илонканинг кўзларидан бу гапларимга ишониш, нима гапирган бўлсам — бари ҳақиқат, Меннелни ўлдирган Казмер эмас, деган ёлбурвчан маънони уқиб олди.

— Сиз Казмерга Меннелнинг эрталаб ким биландир учрашини кераклиги хақидаги гапни айтганмидингиз? — сўради лейтенант.

— Ҳа. Унинг бизни тушлукка таклиф қилганиниям айтдим.

— Казмер кўндими?

— Йўқ. Унинг башарасини кўргиси келмаётганини айтди.

— Тушунарли. Нега энди булар барики келиб-келиб менга айтдингиз?

— Бу гапларни барибир бировга гапиришим керакми, ахир? Биз сиз билан деярли тепдошимиз. Сиз Шалго амакига, ёки шефингизга қараганда менинг юрагимни яхшироқ тушуниб етасиз. Қотилни тоинишларингизни шу қадар истаيمانки! Шунда полковнигингиздаги Казмерга бўлган ҳар қандай шубҳа ўз-ўзидан йўққа чикиб кетарди.

— Меннелни барибир Казмер ўлдирган бўлса-чи? Ўзингиз айтдингиз-ку, ахир, олдимдан соат еттида чикиб кетди деб? Унгача у қаерларда бўлган? Нега у бу ҳақда лом-мим деб оғиз очмайди?

Илонка узоқ-узоқларга назар ташлади.

— Билмайман, — деди у. — Будапештга бордим, деб шунинг учун алдадики, онаси...

— Ҳақиқатни билиб қолмасини деб.

— Эхтимол, — деди Илонка тураётиб. — Мен кетишим керак... Сизга ишонсам бўладими?

Фельмери бошини қимирлатди. Унинг кайфияти бузилган эди. Аслида ўзи тузоққа тушиб қолган эди. Ишга тааллуқли анча гаплардан бохабар бўлган бўлса-да, Илонкага сўз бериб эҳтиётсиз қадам ташлаб қўйган эди. Бу ҳақда бошлиғига гапирмасамикин? Бунга ҳаққи борми? Ҳаққи йўқ бўлса керак. Қизга ваъда бермаслиги лозим эди!

Бошини қўтариб қараб қаҳвахонага кириб келаётган Шалгога кўзи тушди. У ўз кўзларига ишонмай қолди. Яхшилаб дазмолланган тўқ кулранг костюмда истеъфодаги катта инспектор мутлако семиз кўринмасди. Унинг тоза қирилган юзида ажинлар сезилмас, юришиям ёшлардай илдам-жилдам. Ёши ўтинқираган одам учун тундан кейинги бир соатли ўйқунинг фойдасини қаранг-а!

Шалго кўзи ним коронғиликка ўргангунча бир зум тўхтаб турди, кейин официант билан дўстона сўрашди, оппоққина овқат ташувчи қизни эса оталарча пешанасидан ўйиб қўйди. У жавоб тариқасида табассум қилди-ю, хазиллашиб гапириб, башанг кийинган отахон Шалгонинг бир томонга кийшайиб қолган галстугини тўғрилаб қўйди. Қари изкувар Фельмерининг шу ердалигини кўриб унга калласини қимирлатиб қўйди, кейин столлар орасидан ҳайрон қоларли даражада ўктамлик билан ўтиб у томонга йўналди.

— Кара сизни қидириб ҳаммаёқни титиб юборди, — наст овоз билан деди у. — Қаерга гумдон бўлиб кетдингиз?

— Ҳеч қаёққа гумдон бўлганим йўқ. Ишладим, ҳозир ҳам ишлаб ўтирибман. Айтгандай, қаердалигимни биларди-ку.

Фельмери Шалгонинг олифтагарчилик билан стулдан осилтириб қўйган биқки семиз қўлига ва худди шундай дўмбоққина бармоқлари орасига қистириб олган йўғон сиграга қаради-ю, ҳозир Илонкадан эшитган гапларини қарияга айтиб берса, унинг лўппи чехраси қай даражада ўзгариб кетишини тасаввур қилиб кулиб қўйди.

— Шеф бирон нарса деб қўйинг дедими?

— Сизга соат ўнда ресторанда бўлиш буюрилган, — деди Шалго. — Сиз билан бирга овқатланмоқчи. Кечқу-

рун сизда «иш юзасидан» бошқа учрашувингиз бўлмаса керак деб умид қилсам бўладими?

— Мен жуда омадсиз одамман! Кейин, ким билан ҳам учрашардим?

Бакалоқ лейтенантга кўз қисиб қўйдию, сирли оҳангда деди:

— Дейлик, Илонка-чи? У билан суҳбатлашганларнинг баъзилари кўзимга қизнинг домига тушиб қолгандай кўриняпти. Ўзиям жуда зўр нарса. Тўғримасми?

— Тўғриликка тўғри-я. Лекин мен унинг дидидаги одам эмас эканман.

— Ўзи айтдимми?

— Ҳа. Мени «калла суюгининг овчиси» деб хисоблайди. Кейин менинг ишим ҳам унга ёқмас экан, — деди Фельмери соатига қараб қўйиб. — Кечки овқатга сиз ҳам таклиф қилинганмисиз?!

— Йўқ, йигитча. Мен бошқа даврада овқатланаман.

Бар томондан қаттиқ қулган эркак овози эшитилди. Шалго ўгирилиб кулаётганларга анча вақт қараб қолди. Бу бизга таниш чорпахилдан келган новча киши билан елкасига фотоаппарат осган паст бўйли унинг овайиниси эди. Улар яна малла соч Эвочка билан официанткага шўхлик қилиб гап ташлаётган эди. Шунда Эва патнисни қўлига олиб Фельмерининг олдига келди.

— Мана бу азаматлар ким бўлади? — сўради паст овозда ундан Шалго.

— Журналистлар, — жавоб берди официантка коньякни столга қўяркан.

— Отелда тўхташибдимми?

— Унақа бўлмаса керак. Янчи уларни Рустам амаки билан таништириб қўйди. У ё ижара уй топиб берди, ё энди топиб берадиган бўлдими-ей, билмадим. Менга эса сўроқ беравериб безор қилиб юборишди. Анув ўлган билан қизиқишяпти.

Қари изкуварнинг пешанаси тиришиб, юзлари хушёр тортиб қолишидан Фельмери унга малласоч официант Янчининг хатти-ҳаракатлари ёқмаганини сезиб олди.

— Раҳмат қизим, — ташаккур билдирди Шалго қизга ва коньякнинг пулини тўлаб деди: — Даданги сўраб қўй.

Киз кетиб улгурмаган ҳам эдики, столда ёнида қўлида икки стакан виски билан қизғинсоч Янчи пайдо бўлди.

— Йигитча, сиз буюрганмидингиз? — сўради Шалго лейтенантдан.

Фельмери йўқ дегандай калласини кимирлатди-ю, хайрат билан сурбетларча ишшайиб турган официантга қаради. Янчининг ранги бир ҳолатда, ковоқлари шишиб кетган, касал эди.

— Буни барда ўтирган иккита жаноб сизга бериб юборди, — тушунтирди у.

— «Сизга» деганинг кимлар? — Шалго тешиб юборгудай қилиб кўзларини Янчига қадади.

— Сизларга-да, кимга бўларди. Биз веналик журналистлар жаноб терговчиларни сийламоқчимиз, деб айтишди. Ажойиб йигитлар экан. Қўйсам майлими?

— Майли, лекин бу ергамас, — деди Шалго. — Қаердан олган бўлсанг ўша ерга.

— Нега бундай қиянсиз? — ажабланди официант, — улар яхши ниятда бериб юборишди-ку.

— Жўна, биродар, жўна! Илдамроқ. Кетингдан тенки эмасингдан.

Қизғин соч даллол газабдан кўкариб кетди, Шалгога нафратланиб қараб бир нима дейишга оғиз жуфтлади-ю, яна ўйланиб қолди. Кейин индамай пари кетди. Барда қора сочли барзангига жаҳл билан нималардир деб қичқирди, у бўлса ўзининг накана дўсти билан бир нималарни маслахатлашиб олди-да, мийиғида кулиб калласини сарак-сарак қилиб қўйди, кейин ўрнидан туриб Шалго билан Фельмерилар томон кела бошлади.

Шалгонинг официантга айтган гапларидан биронтасиниям кафедаги хўрандалардан ҳеч ким эшитгани йўқ, бунинг устига қахвахона шовқин-суронга шундай тўла эдики, бировнинг бирон гапи илғаб олишиям мумкин эмасди. Барзанги узоқданок одоб билан таъзим қилиб, яқинроқ келгандан кейин немис тилида деди:

— Узр. Рейтер агентлигининг Вена бўйича мухбириман, исмим Вальтер Герцег. Жаноб профессор Шалго, дўстим Руди Еллинекни таништиришга рухсат этасизми?

— Марҳамат, хизмат?

— Бир дақиқа столингизга ўтирсак бўладими? —

давом этди немисчалаб қора соч. Вена диалектида гапирётган Вальтер Герцегнинг гапларини яхшироқ эшитиб олиш учун Фельмери бутун вужудини қулоқ қилиб тинглади. Шалго калласини кимирлатди-да, чакирилмаган меҳмонга жой бериш учун ўз стулини четроққа суриб ўтирди. — Жуда қўнгилсиз англашилмовчилик содир бўлди-да, — билдирлаб кетди Герцег. — Биз официантдан сўраб боқинг-чи, биз билан бир стакан виски ичармикин деб илтимос қилгандик. У бўлса, тушунмай маана бу бемаза стаканларни кўтариб сизларнинг олдингизга келибди. Қанчалик газабланганингизни тушуниб турибман, профессор. Яна бир марта узр. Профессор, бизни кечира оласизми?

— Яхши, — калласини кимирлатди Шалго. — Яна бирон нима керакми?

— Бизга маълум бўлишича, терговга раҳбарлик қилаётган эмишсиз. Биз сизга шу билан алоқадор бўлган бир печта савол бермоқчи эдик.

— Адашибсиз. Терговга ўртоқ лейтенант раҳбар. Мен эса унга ёрдам бераман, холос.

— Лекин бизга сизни деб...

— Ишончсиз манбаларга таяниб юрибсизлар, жаноблар. Умуман, мен ҳар чоршанба пресс-конференция ўтказаман. Соат ўн иккида. Бугун якшанба. — Шалго столдан турди. — Кечирасиз, жаноблар. — Руди Еллинек фотоаппаратини тўғрилайганини кўриб кулиб қўйди-ю: — Сизнинг ўрнингизда мен бундай қилмаган бўлардим, — дея маслаҳат берди.

Еллинек унга ажабланиб қаради.

— Мен ҳарбий объектман, — тушунтирди Шалго. — Ҳукуматимиз билан ораларимизда нифоқ чиқиб қолиши мумкин. Хайр, жаноблар.

У ўгирилди-ю, аста-аста қадам ташлаб эшик томонга йўналди.

Шу кунни кечкурун Оскар Шалго ресторанда Тибор Сюч билан овқатланди. Ўтирган жойлари жуда зўр ер эди: бурчакда, пальманинг остида, кираверишга тескари томонда ва оркестр шовкин-суронидан анча нарида. Ассийси — зал худди кафтдай кўришиб турарди. Турган гап, ҳамма столлар банд эди, эшик олдида қайси бир столдан «официант, ҳисоб-китоб қилинг!» деган овоз эшитилишини илҳақ бўлиб кутганлар уймалашиб туришарди.

Эгниларига йилтироқ шақилдоқлар тақилган кўк шохидан нимча кийиб олишган Пал Мураининг мусиқачилари венгр халқ куйларини маҳорат-ла ижро этишаркан меҳмонларни қойил қолдиришга интилишарди.

— Айтинг-чи, Тибор, мен сизга ўртоқларча мурожаат қилсам хафа бўлмайсизми? — Ўз суҳбатдошининг юзларига тикилиб туриб сўради Шалго. «Ха, панжара ортида ўтириш сенга анча қимматга тушганлиги кўришиб турибди», — ўйлади у йигитнинг ёшгина, чуқур ажинлар билан тилиниб ётган юзларига, куюқ бароқ қошлари остида ичкарига ўпирилиб тушган кўзларига қараб туриб. — Ўз келажакингизни қандай тасаввур қилясиз? — давом этди Шалго. — Биласизми, нега сиздан бу тўғрида сўраяпман? Чунки бир вақтлар зўр истеъдодингиз бор эди! Менинг миямга ўрнашиб қолган бир фикрим бор. Мен, сизга айтсам, агар одам боласи ўз лаёқати, юрагининг амри билан бир иш қилса ва бу ишда ўз бахтини тонса, меҳнатининг натижасидан завқланса, у ҳеч қачон ўз орзусидан кечмайди, деган ақидага қаттиқ ишонаман. Ҳатто жаҳаннамга тушгандаям, орқага қайтиш йўлини етти бошли аждаҳо тўсиб тургандаям. Сиз, йигитча, врач эдингиз. Одамларни даволардингиз! Ўз орзуйингиздан абадий юз ўтирганнингизга ишонгим келмайди!..

Лекин Тибор Сюч бу найтда тамоман бошқа нарсаларни — Адам Рустам билан бўлган суҳбатини ўйлаб

Ўтирарди. «Хушёр бўл, Тибор, — огохлантирди уни Адам. — Оскар Шалго шайтонга дарс беради. У ўзини мусичадек беозор қилиб кўрсатиб юрувчи конхўр йиртқич. Унинг биронтаям сўзига ишонма. У нима демасин, бари ёлғон бўлади! У оддийгина изкувар эмас, мана шу худо қарғагап тузумнинг энг хавфли кули. Учига чикқан кизил жаллод. Бир вақтлар у биз тарафда бўлган, қавмимизда бўлган, байроғимиз остида хизмат қилган. Кейин ҳаммамизни сотди. Дўстларимизни, ўзи касамёд қилган байроғини сотди. Ўшандан буён шайтонга ичгап қасамига содиқлигини исботлашга ҳаракат қилиб келади».

«Адам Рустам — кўнгилчан, лекин миясини еб қўйган бадбахт бир одам. Мен «ушинг қавмида» деган гапни қаердан олди? Мен ҳеч кимнинг қавмида эмасман. Лекин мана шу «жаллод» мендан нима истайди ўзи?» Буни изкуварнинг қириб-киргиншлаган лўпшигина юзига, шишиб деярли кўзлариши юмиб қўяёзган қовоқларига, рангсиз териси остидан кўришиб турган кон томирларига қараб туриб укмокчи бўлди Тибор Сюч. — Нима сабабдан менга бунчалик меҳрибонлик қилиб қолди? Йўқ, биродарлар, Тибор Сючни бирортангиз ҳам алдолмайсиз. Тибор Сюч осойишта умр кечеришни хоҳлайди... Ие, мана бу бақалоқ нима деб лоф уряпти? Менинг келажаким ҳақидами?»

— Келажакингиз демокчимисиз? — қайта сўради Сюч. У мельхиор стаканчадан мисвок олиб беихтиёр гулдор дастурхонни кавлай бошлади. — Бир вақтлар мен келажакимни ўйлаб кўп орзу-хавасларга берилардим. «Ўқи, ўғлим, ўқи. Энди келажак ўз кўлимизда», дейишарди. Ҳамма шундай деб ваъз қиларди. Дадамлар ҳам. У киши аптекачи эди. Лекин уям ўз вақтида шифокор бўлишни орзу қилиб ўтган. Шифокорликкача кўтарилолмаган экан. Бу унинг айби эмас. Аптекачиликда қолиб кетди. Лекин «Зарари йўқ, ўғлим мендан ўзиб кетади», деб ўйлаган бўлса керак. Эҳ, отам бу орзусини рўёбга чиқариш учун не қўйларга тушганини айтсам, ёқангизни ушлайсиз! Ҳеч қачон сиёсат билан шуғулланмаган одам коммунистик партия сафига киришга қарор қилди! Қўрқиб ўтирмади. Гарчанд унинг бу қилмишини қариндош-уруғлар, ака-ука, опа-сингиллари лаънатласалар ҳам! Нима учун кирди? Ижтимоий чикишим нуқтан назаридан майда буржуазияга дахлдор эканлигим институтга киришимда юв

бўлмасини деб шундай қилди... Эллик олтинчи йилдаги кўзғолондан кейин отамнинг ҳам партия олдида юзи шувит бўлмади. Чунки дадам партия билан алоқасини узгани йўқ, партбилетини ёқиб ташламади. Айтгандек, мен, дадамнинг ўша арзандаси бу пайтда панжара ортида ўтирдим!..

— Тўғриси, нима учун сиз исён пайтида чет элга кочиб кетганингиз йўқ?

— Кочиб кетсам булардн. Осон эди бу. Лекин очингани айтсам — сиз ишонмайсиз.

— Нега энди, ишонишим мумкин.

— Отам туфайли шундай қилмадим. — Тибор мисвок билан дастурхон юзасида сезилар-сезилмас нарсаларни чизишда давом этди ва унинг ажин босган юзида аччиқ табассум қотиб қолди. — Исёнчилар турмадан ҳамма жиноятчиларни чиқариб юборишди. Шу жумладан, мениям. «Бизга раҳмат де, биродар, қани энди баррикадага туриб қайтадан қўлга киритилган озодликни химоя қил», дейишди. Мен эса кўнмадим. Уйга кетдим. Дадам менга шундай деб уқтирди: «Жиноятчи эканингни унутма, лекин биз аксилинкилобчилар эмасмиз. Мана бу ишқал ишларга бизнинг заррачам дахлимиз йўқ». Кўзғолон бостирилгандан кейин дадамдан «энди нима қилай? Яна тўрт ярим йил турмада ўтиришим керак. Қамоқ муддатини ўтаб чиққангдан кейин ҳам қамада уч йил шифокор бўлиб ишлай олмайман. Чегара ҳам ёпилгани йўқ...» деб сўрадим. Ўша кунларда кўпчилик чет элга қочиб кетганди. «Тўғри, — деди дадам. — Агар мени тириклай кўрмайин десаиш, қочиб кета қол». — Мен шундай қилиб қолиб кетганман. Дадам ўз оёғим билан ҳукуматга бош уриб боришимни маслаҳат берди. Балки буни эътиборга олар, афвномага илинарсан, деди. Бордим. Лекин менга ҳеч қандай афвнома беришмади. Қанчага кесилган бўлсам, соат-соатигача ўтириб чиқдим. Тўртинчи йил охирлаб қолганда келажаким ҳақида ўйламай ҳам қўйдим. Бу вақтларга келиб дадам ҳам оламдан ўтиб кетди. Фақатгина сўзини ташламай бу ерда қолган бўлсам ҳам тирик дийдорини кўролмадим. Ёмғир эзиб ёғиб турган бир кун, одамда ҳеч қанақа келажак бўлмас экан, деган қарорга келдим. Фақатгина, бугунги, кўз билан кўриб турган шу кунинггина мавжуд. Олтинчи

барбани бериб қасрларгадир кетадиган дақиқаларнигина сезиб, кўриб турасан. Тўғри, кимларнингдир эртанги куни ҳам бордир. Лекин албатта менинг ҳам эрта бўлиши мутлақо шарт эмас. Ҳатто эрта ё индинга менга нима бўлишиниям билолмайман. Мен бугунги кунни биламан — у меники. Эртаги кун эса — йўқ. Шунинг учун ҳам режалар қилолмайман, эртаги куним ҳақида тасаввурим ҳам йўқ. Сиз бўлсангиз орзу, истеъдод дейсиз! Булар бари мен учун куруқ сўзлар! Менинг ихтиёрим ўз қўлимда эмас.

— Сиз, Тибор, худди нахорга кучала еган одамга ўхшаб гапирярсиз, — деди Шалго. — Тўғри, ҳаётнинг оғир сўқмоқларида адашиб, кўп зарбаларга дучор бўлгансиз...

— Кўнгил берманг. Бунга эҳтиёж йўқ. Тўйиб кетганман. Бундан ташқари, шикоят қилаётганим йўқ. Истакларим, ширин ҳаёлларим ҳам йўқ. Ўз ишим бор, уйжойлиман, машинам, ўйнашим бор. Ишимдан хурсандман. Квартира ҳақини ўз вақтида тўлаб тураман. Солиқлариниям. Жуда зўр магнитофон ленталарим бор. Муסיқа менда кўп нарсаларнинг ўрнини босади. Шунинг учун келажакнинг ўрнига тугмалар ясайман. Янги-янги моделларни чиқараман. Ва ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман! Шу билан, менинг қалбимни «тушуниш»лариниям, бировнинг менга ачинишиниям истамайман. Қўлимда бор нарса — меники. Яна ресторанда бировларнинг мен учун тўлаб юборишлариниям истамайман.

«Оббо, — ўйлади Шалго. — Бу, Тибор қурғур мен ўйлаганимданам кўра чақилиши каттиқ ёнғок экан-ку. Унинг тушқун кайфияти, эҳтимол чиндир. Ёки фикрлари, ниятларини ниқоблаш йўлидаги бир найрангдир. Агар шундай бўлса, тузокни жуда усталик билан қурибди. Бунақа ўзини дунёдан этак силкиган қилиб кўрсатиш ҳозир одатга кирган. Агар ўйлаб кўрадиган бўлсак аламзада ва эҳтиёткор бўлиш учун ҳамма асослар бор. Ҳаёт қаддини ҳам қилиб қўйибди. Ҳозир бирон нимани тўғрилаш учун ким ва қачон фурсатни қўлдан бой берганини айтиш қийин. Эҳтимол, эллик олтинчи йили бошқалар ҳам мени тўғри тушунадн, виждон билан қилган ишимни ижобий баҳолашади, деган умид билан Фарбга қочмай ватанига содиқ қолганида эътибор бермай хато қилганмикинмиз...»

— Тушунаман, — Шалго энди гап бошлаган эди Тибор бепарволик билан қўл силкиди.

— Керакмас. Бировларнинг тушунишларини истамайман. Яхшиси, очик гаплашайлик — мендан нима истайсиз?

Шалго қандайдир ғалати қилиб кулиб қўйди.

— Мен сиздан ёрдам бering деб келгандим. Шунча гапларни эшитиб туриб бирон ёрдам сурашнинг ўзи кулгили бўлиб қолди.

— Нимани назарда тутяпсиз? — Тиборнинг ичга ботган кўзларида қизиқувчанлик аломатлари зоҳир бўлди. У бокалга вино қуйди. — Хўш, нимани?

— Турмада ётган кезларингизда кўп нараларни бошингиздан ўтказгансиз. Жиноятчи деган нарсанинг нима эканлигини яхши билсангиз керак. Виктор Меншель ҳам жиноятчи эди. Бу аниқ. Венгрияга фақатгина бойлик орттириш учунгина келган эмас. Унинг асосий мақсади агентура билан алоқани боғлаш бўлган.

— Агентура билан? — ҳайратланиб қайта суради Суюч. — Қанақа агентура билан?

— Виктор Меншель разведкачи, жосус бўлган.

— Ҳазилни бас қилинг. Қилаётган ишларингиз худди детектив романлардагига ўхшайди.

— Эҳтимол. Лекин мен айтган нарса — аниқланган факт. Табиий, давлат сири ҳам. Буцдан сизни огоҳлатиришнинг кераги йўқ, биламан. Лекин ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўйяйман. Турмада, наздимда жосуслик қилгани учун қамалганлар билан ҳам учрашишингизга тўғри келгай бўлса керак.

— Тўғри келган. Аянчли одамлар.

— Виктор Мениель аянчли одамлар сирасига кирмасди. Биз ҳозир Меншелнинг қотилинигина эмас, унинг агентларини қидираймиз. Мана шу хусусда бизга ёрдам беришингиз мумкин эди. Аммо ҳозир бу илтимоснинг ўзи ўринсиз бўлиб қолди.

— Тушунарли. Агар мен розилик билдирсам менга нима яхшилиқ қилган бўлардингиз?

— Сизнинг қарорингиз мапниққа тескари ва уни маънавий жихатда ҳам изоҳлаб бўлмайди. Нега энди бизга бирдан ёрдам бермоқчи бўлиб қолдингиз?

— Ҳа, мен сизларга қойил қолганимдангина бундай қарорга келганим йўқ, — узок сукутдан сўнг тилга кир

ди Сюч. — Қалбим ватанпарварлик туйғусига тўлиб жуни- бишга келганидан ҳам эмас. Бунга мантикий ва маънавий асослар бор. Агар Менпель хақидаги гапирган гап- ларингиз хақиқатан рост бўлса, унда ҳали гапирмаган гапларингиз ҳам рост бўлишига аминман.

— Тушунмадим, нимани назарда тутяпсиз?

— Агар Менпель жосус бўлган экан, демак, кимки у билан алоқа қилган бўлса, уларнинг бари бундан буён жосусликда шубҳа остига олинади. Беа, Геза, Салаи ва камина ҳам. Бу нарса, юмшоқроқ қилиб айтсак, қўнғил- сиз. Бир нусха турмада, — кимнинг жосуси бўлгани осимда йўқ, — бир қуни: «Энг ёмони одам турмадан чиққандан кейин ҳам бир умр кузатиб юринади. Бун- дай таъқибдан фориг бўлишнинг яккаю ягона чораси бу ншга алоқадор эмаслигининг исботлаб беришдир», — деб айтган эди. Шунинг учун кетимдан кузатиб юришларини истамайман. Бошқача қилиб айтганда, мени жосус деб шубҳаланиб юришларини хохламайман. Шундай бўлгач, нима қилишим керак бўлади? Хотиржам яшаш- ни истар эканман, сизнинг таклифингизни қабул қилиш- дан ўзга иложим қолмайди.

— Хуллас, сиз бизга ёрдам беришга розисиз?

Тибор Сюч бир кўтаришда бокалдаги виюни тугат- ди-ю, яна қўйди.

— Сиз, дейман, оксоқол, жуда хавфли экансиз, — очик-ойдин деди у. — Мени жуда усталик билан муш- кул аҳволга солиб қўйдингиз. Гап бундай, болаларни хўрозқанд бериб сийлаб юрадиган опоқдадалик қиёфан- гизни қўйинг. Катталар билан мулоқотда бўлгандай очик- часига гаплашинг. Мени қишлоки деб ўйламанг.

«Бу энди ҳақ гап, — дея ўйлади Шалго янги сигара- ни тутатаркан. — Сени уларга ҳечам аралаштириб бўлмай- ди».

Орадан икки кун ўтгандан кейин полковник Кара терговда заррачаям натижага эришилмаганини эътироф этишга мажбур бўлди. Диққатга сазовор нарсаларнинг бари синчиклаб ўрганилди, тахлил қилинди, лекин қўзга қўришарли натижага эришилмади, аксинча, бир-бирига тескари — янги ҳолатлар вужудга келди. Вилоят проку- ратураси Геза Салаини ҳибсда тутиш муддатини яна ет- миш икки соатга чўзди. Муҳандисни якшаиба қуниёқ

Веспремга жунатишган эди. Лекин у ерда саволларга бир хил, яъни ҳа, мен Виктор Меннель билан бултур Ливорнода танишганман, лекин унинг жосуслик фаолиятдан мутлақо беҳабарман, деган гапни такрорлайверди. Муҳандисни гапидан «илиштириш» борасидаги уришишлар зое кетди. Чунки баъзи бир чалкашликларни ҳисобга олмаганда Салаи асосан бир гапни тўтидай такрорлайверди. Бу эса унинг гапи олдиндан ўйлаб қўйилган уйдирма эмаслигини кўрсатарди. Беатанинг гувоҳликлари ҳам асосан, қаллиғиникига мос келарди. Салаи ҳар ҳолда Меннель билан учрашганини, уни ўлдиришга қасд қилганини, лекин ўн тўққизинчи кун кечкурун кирғоқни сайр қилиб келганларидан кейин кўпроқ «отиб» қўйиб кеч уйғонганини, эрталаб эса унга Меннель ўлдирилганини айтишганини тани олди. Беата қаллиғининг ҳибсга олинганини эшитиб аввал довдираб, руҳи чўккандай бўлди, кейин у энди қаллиғим эмас, унга тегмайман. Тўғри, ҳибсга олингани учунгина ундан воз кечаётганим йўқ, мен Тиборни севаман, деб эълои қилди. Шу билан Беата қўн нарсалар Салаини котилликда айблашга асос бўлиб турган бўлса-да, барибир Меннелни муҳандис ўлдирмаган, деб қўшиб қўйди. Агар у қотил бўлса, бошимни қўяман, деди. Беата Кюртининг ишонч билан айтган бу гапи Шалгода гарчанд Салаи Меннелни ўлдириш пияти бўлса-да, қиз унда ўзини оқлаши учун зарур бир дастак борлигини билади, деган фикр туғдирди. Лекин у нимани билади?

Беатага истаган томонига кетишлари учун рухсат берилди-ю, лекин Тибор иккаласи шунча воқеадан кейин ҳам Эмёдда қолишларини айтди. Умуман, майор Балинт полковник Каранинг бундай қарорига қўшилмади ва ўз йигитларига ҳар эҳтимолга қарши Беата билан Тиборни кузатиб туришларини буюрди. Зотан, бу тадбир бирон натижага олиб келмаган бўлса-да, Балинт Беата билан Тибор жиноятга бош қўнмаган деётган Шалғони, у адан-япти, деб ўз сўзида қаттиқ туриб олди.

Полковник Карага Казмернинг ўзини беадабларча, дағал тутиши ёкмади. Шу билан бирга у ёш муҳандиснинг баъзан қандайдир асабийлашиб қолаётганини сезиб қолди. Полковник қотиллик содир бўлган пайтда мен Будапешт билан Эмёд ўртасидаги йўлдайдим, деган Каз-

мернинг гапларига ишонмади. Кара Домбаи билан бо-
лангандан кейин ундан Кальмен Борши билан гаплашиб
қўришини илтимос қилди. Балки олим Казмер Табори-
нинг қанақа одамлигини билар ва унга бирон-бир му-
хим гапни айтар. Борши Казмерни жуда мақтаб гапир-
ди, бу ердагилар уни катта олим бўлади, дея умид қи-
лишяпти, деди, кейин полковник Каранинг шубҳалари
асоссиз, деб қўшиб қўйди. Бу билан бирга Борши Каз-
мер Табори енгилтак, салга ловуллаб кетади, жаҳл усти-
да бировга тарсаки тортиб юборишдан ҳам тоймайди,
деб тан олди. Кара буни эшитиб Домбаига, баҳсни мушт
билан ҳал қиладиган «олимпикка помзодлар» менга ёқмай-
ди, деди.

Фельмерига келсак, у ўзини ҳаммадан ёмон ҳис қила
бошлади: ахир, Илонкага гапларингни бировга айтмай-
ман деб сўз бериб қўйдим-ку. «Бундай муҳим иш бўлиб
турганда сир саклашга ҳақким борми, — деб ўйлади
у, — бундан жиноятчини яширяпти, деган хулоса чиқа-
ди-ку...» Лекин шу он унинг кўз олдига қизнинг маъюс
чехраси келарди-да, «Менинг самимиятимни сунистеъ-
мол қилмаслигингизга ишонаман», деган сўзлари қулок-
лари остида жаранглаб кетарди. Бундай холдан қуту-
лишнинг бирдан-бир чораси иложи борича қотилни тез-
роқ топиш, деган қарорга келди у. Ходисаларни хотира-
сида қайта-қайта элақлаб кўраркан, бирдан берилган гу-
воҳликларнинг ҳаммасида бир-бирига тўғри келмайдиган,
инкор этадиган нуқталар жуда кўп, деган хулосага
келди. Масалан, нахотки, ўн тўққизинчи куни кечқурун
ресторанда Илонка билан Казмерни ҳеч ким кўрмаган
бўлсин. Тағин бунинг устига қизнинг ўзи ўша ерда ов-
қатландик ва овқат устида айтишиб қолиб ресторандан
югуриб чиқиб кетдим, кейин тўлқинтўсарнинг ёнида та-
содифан Меннелга дуч келиб қолдим, деб айтиб турган
бўлса. Унда, Илонка билан Меннелни Салаи кўрган бўли-
ши керак эди. Асосийси, Казмер йигирманчи июль эрта-
лаб Худакларнинг боғидан чикқандан кейин қабққа кет-
ди?.. Лейтенант бу саволларга харчаңд уринса-да, жавоб
тонолмасди. Хубер-чи! Унинг ортидан муттасил кузатиш
олиб бориляпти-ю, лекин бирор шубҳали нарса кўзга
чалинмаяпти. У Брауннинг топшириғини бажармади ва
юртига қайтиб кетмади, битим ва шартномага қўл қўйиш

ҳар хил сабабларга кўра чўзилиб кетяпти. Хубер ҳар куни эрталаб азонда кирғокка чиқади, қайиқда бир неча юз метр сузиб боради-да, қайтиб келиб пляжда ётиб офтобда қораяди, кейин аста-аста қадам ташлаб мехмонхонага қайтади; соат ўнларга томон йўлма-йўл янги газеталардан олиб нонушта қилиш учун ресторанга келади; сўнг хонасига кириб кетиб эшикни қулфлаб олади. Душайба куни Балатонфюрעדга бориб келди, лекин у срда ҳеч ким билан учрашмади...

Уларнинг ичида фақатгина Оскар Шалго хотиржам эди. Лекин у ўз кўнглидагини бировга гапирмасди. Полковник Кара ҳам унинг табиатини тажрибадан яхши билганлиги учун сўрамасди, Шалго индамаяптими, демак, у бирон жумбоқни ечиш устида бош қотирияпти, дерди. Қария, баъзан қаерларгадир бир неча соатлаб ғойиб бўлиб кетарди.

Чоршанба куни эрталаб Шалго менинг номимга бирон нарса йўқмикан деб иочтага кирган эди, Гези унинг қўлига пухталаб ёпиштирилган сермаркали конверт тутқазди. Шалго миннатдорчилик билдириб бошига сомон шляпасини қўндирди-ю, ночтадан чиқди. Автобус бека-тига яқин хиёбонда соя-салқин жойда бир скамейка бўш турганини кўрди. У скамейкага яхшилаб ўтириб оларкан сизгара тутатиб чидамсизлик билан конвертни очди. Лекин машинкада босилган вараққа тез-тез кўз югуртириб чиққандан кейин юзларида хафсаласи пир бўлгандай бир ифода зоҳир бўлди.

Яширилиб юрган жиноятчилар ва фашистларни топиш поляк жамиятларидан бирининг аъзоси бўлмиш Лизанинг биродари Вальтер Герцег билан Руди Еллинеклар Рейтер телеграф агентлигининг Вена бўлими мухбирлари эканлигини маълум қиларди. Ҳозир улар иккаласиям Венгрияда экан. На униси, на буниси жамият карточкасида қайд қилинган экан. «Нимаям дердик, омад чоинмади», — Шалго ўзича шундай деб бўлдиради-ю, хатин буклаб чўнтагига солди. У шу хатга катта умид боғлаган эди. Шу-шу эрталабданоқ кайфияти қаттиқ бузилди. Лизаям уйда, айтарли ҳеч нарса зоҳир бўлмади, Табориларшики тинч, Бланка ўзини беҳузур сезяпти, менга тўқнаш келиндан ўзини олиб қочади. Таборини бўлса, кабинетида ўтириб олганча китобининг устида ишляанти, деган эди.

Шалго газеталарни кўздан кечирмоқчи бўлиб равондаги ўриндикка ўтирди-ю, орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас пинакка кетди.

Тушга яқин Веспремдан полковник Кара билан майор Балинтлар қайтиб келишди. Улар уйғонган Шалгонинг ёнига ўтиришди. Балинт ошхонага кириб вино олиб чиқди-да, стаканларни тўлдирди.

— Муздек экан, — деди Кара дастрўмоли билан юзидаги терни артиб. — Дўстимиз Хубер хақида нима гаплар бор? — сўради у Балинтдан.

— Кузатув ходимлари Хуберни тинимсиз назорат қилиб юришибди, — жавоб берди майор. — Соат саккиздан ўн дақиқа ўтганда у Фюредга борди, лекин у ерда ҳеч ким билан учрашгани йўқ.

— Чунки кузатиб юришганини билган-да, — бепарвогина деди Шалго.

— Уни жуда уқувли йигитлар назорат қилишяпти, — эътироз билдирди Балинт ва қолган винога содални сув аралаштирди.

— Мени кузатиб юрган йигитларга ўхшаш уқувли йигитларми? — сўради Шалго. — Ёки мени сал уқувсиз ҳамда тажрибасизроқ ходимларинг кузатянтими?

Балинт эсанкираб қолиб Шалгога қаради.

— Сени-я? — ҳайрон бўлиб қайта сўради Кара. — Балинтнинг одамлари қачон сенинг кетингдан юришди?

— Кеча, — деди қария ва болдирларини укалай бошлади.

— Менга маълум бўлишича, кеча сен Балатонфюреддайдинг-ку.

— Бу-ку сенга аниқ-а. Миклош эса, афтидан, нега чол ҳадеб Фюредга танда қўйиб қолди, деб қизиқсинса керак-да.

— Йўқ, отахон, улар сизни кузатишмаган, — деди Балинт. — Баъзан йўллариингиз бир бўлиб қолса керак. Масалан, биз Тибор Сючни кузатяпмиз. Лекин Тибор Сюч Оскар Шалго билан Фюред меҳмонхонасининг вестибюлида учрашишни назарда тутган бўлса, биз айбдор эмасмиз.

— Тўғри, бунда айбингиз йўқ. Лекин сенинг энг тажрибали одамларингни мен сезиб қолишимда айбинг бор. Эрне, ўттизга кириб қолган сўлоқмондай йигитнинг ўзини ёш мактаб болаларидай тутганини кўрганингда, балки

сен ҳам хайрон бўлардинг. Тибор унга қаради-ю, кула-
вериб чангак бўлиб қолди.

— Отахон, сиз яна жиғимга тегмоқчи бўляпсиз. Бу-
нинг ўрнига Тиборда нима ишингиз борлигини айтиб
берганингизда соз бўларди, — норози қиёфада деди Ба-
линт.

— Мен буни ўз хотираларимда батафсил ёзмоқчи-
ман, — кулиб жавоб берди Шалго. — Агар қизиқиб
қолган бўлсангиз обунага ёзилинг. Ҳар қандай китоб
дўконида қабул қилади.

— Тўғрисиям, Оскар, нима жин уриб сен Фюредга
бординг? Тагин кечга томон? — сўради Кара.

— Чунки Хубер ҳам ўша ёққа кетган эди, — жавоб
берди Шалго ва шу он оғзидан гуллаб қўйганини тушу-
ниб қолди.

— Хубер-а? Кечами? Кечкурун? — хайрон бўлиб
хитоб қилди майор Балинт. — Ахир у кун бўйи ўз
хонасида дам олиб ётди-ку.

— Лизанинг кузатуви бўйича кечкурун чиқиб бир
ёққа кетган, аниқроғи, Фюредга бўлса керак. Тўғриси
айтишим керак, мен ҳалиям Лизанинг зийраклиги-ю, тон-
кирлигига ишонаман. Ростдан ҳам Хуберни бориб Бала-
тонфюреддан тойдим... Тўғри, сизларни хотиржам қили-
шим мумкин, у ҳеч ким билан учрашгани йўқ. Кабрис-
тонга борди. Бир қабрининг бошида узоқ туриб қолди...

Эшиқда Лиза найдо бўлди.

— Дўстлар, овқат тайёр! — шодон деди у.

Кара Балинтга жаҳл билан қаради.

— Ўртоқ майор, — деди у расмий оҳангда. — Бун-
дай хол менга ёқмайди. Терговга мен раҳбарман. Биз
бирон нимани келишиб олган бўлсак, шуни бажаришга
интилинг. Агарда бирон сабаб бўлиб четга чиқсангиз
жилла курса бу ҳақда маълум қилиб қўйинг. Ахир сиз
хусусий изқувар эмассиз-ку. Гапларимни тушундингиз-
ми?

— Тушундим, ўртоқ полковник.

Балинт улар билан бирга овқатланди. Унинг кайфи-
яти бузилган эди. У Шалгонини ҳали яхши билмас экан-
ман, менга гап тегиздириш учун буни полковникнинг
олдида атайлаб қилди, мана, каттиқ танбех едим, деб
ўйларди. Кейин маврид келиб қолганда буни отахонга

очик гапириб бир аламдан чиқаман дея кўнглига тугиб кўйди. Овқат устида улар деярли гаплашишмади.

— Э, худойим-э! — хитоб қилди Лиза. — Сал бўлмаса ёдимдан кўтарилаёзибди. Миклош, Қалдирғоч телефон қилиб сенга зудлик билан айтиб кўйишимни илтимос қилган эди. Хубер Қўхна боғдаги вайроналар ичида пазис йўқолибди. Улар теварак-атрофни роса кидиришибди, лекин топишолмабди. Кузатувчилар бригадаси меҳмонхонага қайтиб келиб буйруқни кутаётганмиш... Эсим курсин, шу қадар париншонхотир бўладими одам деган!

— Шайтон ургурлар! — Балинт сўкиниб юборди-ю, ўридан турди... — Мен уларга «буйруқ»ни кўрсатиб кўяман! Кўрсатиб кўяман!

Унинг юзлари ғазабдан кўкариб кетди, чулки полковникнинг олдида уятдан боши ҳам бўлиб қолганди.

— Ўтир, Миклош, қизишма, — хотиржам, ҳатто эркалагаандай оҳангда деди Шалго, — овқатингни еб ол. Қўхна боғда улардан яшириниш учун ўзининг эски усулларидан бирини қўллаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Гарчанд улар қўлидан келган ҳамма чорани кўрган бўлсада... Умуман Эмёднинг жинкўчаларида ҳар қандай одамниям йўқотиб қўйиш мумкин. Хотиржам бўлишинг учун айтиб қўяй: кеча Хубер Фюредга боргани йўқ. Жингига тегиш учун гапиргандим.

— Асабингни бузма, илтимос, — деди Караям «сен»-ланга ўтиб, кейин лагандан бир бўлак гўштни кесиб олиб ликончасига солди.

— Бекорга жиғибийрон бўлясан. Сен қандай қилиб бўлсаям бирон натижага эришишга интиласану, катта жиноят устида иш олиб бораётганимизни унутиб қўяясан. Яна биз қотилни топишимизгина эмас, ҳаммадан бурун Меншелнинг агентура тармоғини аниқлашимиз, бундан ташқари, қимматбаҳо бойликниям топишга уринишимиз керак. Асосийси, биз шошма-шошарлик, билиб-билмай қадам ташлашдан ўзимизни тийишимиз лозим. Мана, Геза Салаини ҳибсга олишни таклиф қилдинг. Ҳибсга олдинг. Хўш, нимага эришдик? Салаи Меншелни ўлдириш ниятим бўлган эди, деб тап олди. Бор-йўғи шу. Меншмча, бу биз томонимиздаи қўйилган энг кўпол хато. Худди шу йўсинда Казмер Таборини ҳам қамоққа олишимиз мумкин — ахир ундаям ўзини оқлайдиган далил

йўқ. Йўқ, биз ундай қилмаймиз. Уни синчиклаб ўргана-
миз. Мана, иккинчи кунки, Домбаи муҳандис Табори-
нинг Буданештдаги алоқаларини ойдинлаштириш билан
банд. Йўл-йўлакай унинг ота-онаси ким эканлигини аниқ-
ламоқчи...

Шалго дўстига хайрон бўлиб қаради.

— Уни қара-я! Мен ҳали...

— Сен эса, ҳамма нарсани билаверишинг ҳам шарт
эмас, — ҳазиллашди Кара. — Мен ҳам баъзи нарсалар-
ни билмайман-ку. Масалан, сенинг жондан азиз Лизанг...

— Ҳов, нега энди мени ғийбат қилиб қолдингиз-
лар? — энди ошхонага чиққан Лиза ичкаридан туриб
қичқирди.

Кара уй бекаси қайтиб чиқишини кутиб турди-да,
айёрона табассум билан гапида давом этди:

— ... Сенинг жондан азиз Лизангга кеча Хубернинг
Балатонфюредга бориш нияти қасрдан маълум бўлган?

Лиза столга қаҳва дамланган чойнак билан бир нечта
стакан келтириб қўйди-да, Шалгога ўғрипча қараб олди.
Унинг кўзлари эҳтиёт бўл дегандай нирпираганини сез-
гандан кейин деди:

— Буни юрагим сезганди... — Олинглар, дўстлар,
қаҳвага қаранглар, кимга қанча қанд солай?

Балинт зўр-базўр хижолатпазликни босиб сўради:

— Лекин мен барибир билгим келяпти: Хубер Табо-
рининг вилласидаги хонасида бўлдимиз ёки Фюреддами?

— У Фюредда бўлган, — жавоб берди Кара. —
Фақатгина бизнинг Шалго кўнгилчан ва сени аяпти. Бу
яхшимас... Тўғри, қузатувчиларинг икки кўлини бурнига
тиқиб қолаверишган. Нима ҳам дердик... — Кара ўйлаш-
қираб қониқча билан қаҳвани аралаштирди. — Мен Каз-
мерниям назардан қочирмасликни истардим. Ахир биз
унинг Менселни ёмон кўришини биламиз-ку.

— Эрнё, айт-чи, етимхонада Казмернинг ота-онаси
хақида бирон-бир ҳужжат қолганмикин? — сўради Шал-
го.

— Ҳали буни аниқлаганимизча йўқ. Етимхонадаги
бутун архив уруш даврида йўқ бўлиб кетган. Ҳозир
оғайнилар ўша йилларда кимлар етимхонада ишлаган-
лигини қидириб топишмоқчи...

— Нега бу нарсани жудаям зарур бўлиб қолди? —
сўради Лиза.

— Чунки, Эрнѐмиз ҳамма ишни атрофлича, тўла-тўқис бажаришни яхши кўради. Ва шундай қилса, менимча, тўғри йўл тутган бўлади, — тушуитирди Шалго.

— Менинелнииг қотилларини у билан мулоқотда бўлганларнинг ичидан кидирмоқ керак. Мен эса бу одамлар ҳақидаги ҳамма гапларни билгим келади, — Кара Балинтга ўғирилди. — Мен сенинг янги тахминингни рад этмоқчи эмасман. У менга қизиқарли кўрингани учун эмас. Шундай ҳам бўлиши мумкин деб ўйлайман.

— Қотилнинг чет эллик бўлганлиги ва унинг ишни битириб жуфтакни ростлагани ҳақидаги тахминми? — қайта сўраб олди Балинт. — Лекин бу менинг тахминим эмас. Буни Геза Салаи айтганди. Тахмин менгаям эътиборни тортадиган бўлиб туюлганди. Худди шунинг учун ҳам Будапештдаги ўртоқлар ҳозир йигирманчи ва ундан кейинги кунларда Венгриядан чиқиб кетган чет элликларнинг рўйхатини тузишяпти, — давом этди Кара.

— Игна билан қудуқ қазини-ку бу! — деди Шалго.

— Шубҳасиз. Лекин охири бахайр бўлиши мумкин.

Шу найт кўча эшик аста гичирлади-ю, кимдир эшикни эҳтиётлик билан ёнмоқчи бўлди. Лиза эшикни ланг очиб юборди.

— Э, э, жаноб Хубер, сизмисиз, салом, — деди у. — Йўқлаганингиздан жуда миннатдормиз. — Шундай деб Лиза меҳмонга пенивоз чиқди ва қўл бериб сўрашиб, уйга таклиф қилди. Хубер ҳам одоб билан олдинга Лизани ўтказди-да, равонга чиқиб саломлашди:

— Салом бердик, жаноблар! Сизларга халакит қилмадим деб умид қилсам бўладими?

— Нималар деяпсиз, мухтарам жаноб Хубер! — Ҳамма учун жавоб берди Шалго. — Марҳамат, ўтиринг, бемалол.

Балинт ўз ўрнини Хуберга бўшатиб турди. У қаршилик кўрсатди, лекин майор уни хотиржам қилди:

— Марҳамат, ўтираверинг, жаноб Хубер! Ўзим ҳам энди кетмоқчи бўлиб тургандим. — Балинт ҳурмат юзасидан ҳаммага таъзим қилиб чиқиб кетди.

— Бирон нима билан меҳмон қилсак айбга букюрмай-сизми? — сўради Шалго ва шу он хотинига мурожаат қилди, — Лиза, жонгинам, меҳмонга нон-чой олиб кел, меҳмонни сийлаш азалдан қолган удум.

— Жаноб Хубер, балки ўриқдан қилинганидан бир рюмка кетар? Энг зўри, хошаки! Татиб кўринг! Марҳум жаноб Меншель ҳам буни жа ёқтирарди, учинчи рюмкадан кейин, одатда, «Эрика»ни айтишга тушарди.

— Виктор Меншель субутли одам эди, — табассум билан деди Хубер. — Агар у «Эрика»нинг ўрнига «Байналминал»ни айтиб юборганда жаноблар ажабланган бўларди, деб ўйлайман.

Лиза рюмкаларни тўлдирди-ю, меҳмонлардан уз сўраб ошхонага чиқиб кетди. Эркаклар ичинди. Шалғо Хубердан музокара қалай кетяпти, деб сўради.

— Бугун кечқурун битимга қўл қўямиз. Айтгандай, бу нарса сизга маълум бўлса керак, — жавоб берди Хубер. — Жаноб полковник, ўзингизда қалай, ишлар юришянтими? Айтишларича, бир нечта одамни хибсга олган эмишсизлар?

— Бўлмаган гап, — эътироз билдирди полковник Кара. — Биз ҳечам билиб-билмай қадам ташламоқчи эмасмиз. Бупинг устига хали кўп нарсалар бизга аниқ эмас... Масалан, Меншель ёки, дейлик «Ганза» фирмасининг ўзи профессор Табори томонидан тайёрланган институтни кенгайтириш режасини қасрдан билган? Мени эса, шунга имоним комилки, сизлар рақобатчи фирмалар таклифлари ҳақидаги маълумотлардан хабарингиз бўлганидек, мол етказиб бериш борасида битимда кўрсатиладиган маълумотлардан ҳам хабардор эдингизлар. Буларни қўлга киритиш учун «Ганза»га профессор Табори билан бевосита мулоқотга киришиш керак эди. Яна шунгаям ишончим комилки, Браун билан Шлайсигга битимнинг ўзи эмас, балки профессор кўпроқ керак эди. Нета энди?

— Жаноб полковник, сиз буни мендан сўраяпсизми?

— Йўқ, ўз-ўзимдан, — деди Кара. — Мана шу саволларга жавоб топишим билан жумбоқ счилди деявериш.

Хубер қўлини столнинг четига қўйиб ўриндиққа суянди-ю, полковник Карага тикилди.

— Бу саволларга, жаноб полковник, ўз кучларингизни ўз ўрнида сарфламагунингизча жавоб тополмайсиз.

— Буни қандай тушунсак бўлади?

— Жилла курса, мени оркамдап кузатишни уқинтириб вақтларингизни бекорга сарфлашларингизни тўхтат

магунигизча. Хизмат нуқтаи пазаридан сизларни тушунаман. Туғри, сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен ҳам худди шундай қилишим мумкин эди. Лекин бу орада «Ганза»нинг агентлари бор жиноят белгиларини йўқотиб, ўзлари яширишиб олмасайди деб хавфсираянман. Сиз, жаноб полковник, hozir мусобакада вақтдан ўзиб кетишингиз керак. Вақт эса, ҳаммага маълумки, кутиб турмайди, дақиқа сайин илгарилаб боради. Агар Менцелми ёки унинг ишончли одамими, қандайдир келишиб олганига бирон муддатда хабар қилмаса «Ганза»нинг агентлари берилган топшириққа мувофиқ ўзини (оши қилган хар қандай маълумотларни йўқ қилиб ташлайди... Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, мен бор гапни очик гапиряман.

— Фақат, — лукма ташлади Шалго. — Сиз ҳамма сирни очиб ташлаганингиз йўқ. Биз эса одоб юзасидан ичингиздан тортиб олишга журъат қилмаянмиз.

— Демак, сиз менга ҳамма сирни очиб ташлашимни таклиф қияпсиз, шундайми? — жилмайиб, қайта сўради Хубер. — Бошқача қилиб айтганда, сизлар ҳамма сирни ўзим очик-ойдин гапириб бермагунимча оркамдан кузатиб юравермокчисизлар-а?

— Биз бундай деганимиз йўқ.

— Бу сизларнинг сўзларингиз, хатти-ҳаракатларингиздан англашилиб турибди, — унинг гапини қайтарди Хубер. У рюмкадаги винони ичиб бўлиб, сигарета тутатди. — Гапнинг индаллосини айтсак, кузатиб юришларингиз мени тариқчаям ташвишга солмайди. Мен, хатто бунинг менинг эҳтиётимни қилиб асраб юрибсизлар, дешишга ҳам тайёрман. Бу эса мени хотиржам қилади.

— Суиқасд қилишларидан қўрқаяпсизми?

Хубернинг кўзларига мунг чўкди.

— Мен ҳамма нарсага ўзимни руҳан тайёрлаб қўйишим керак, — яна гапга тушди у. — Брауннинг одамлари шафқатлилар сирасига кирмайди... Мен олдингизда ўлмади тан олишим керакки, баъзан ҳақиқатан ҳам даҳшатли холга тушиб кетаман. Бу ерда чет элликлар сонинг, уларнинг ичида Брауннинг агентлари бор-йўқлигини ким билиб ўтирибди. Сотқинликни ҳеч қаерда кечиринмайди. Меи нимани таваккал қилганимни ўзим яқини тушунаман. Лекин жаноб полковник, мен шундай дарорга келишим керак эди. Бунинг устига шундай қадам

ташлашга бугун эмас кеча, орқамдан кузатиб юришганда қарор қилганман. Бу сафар назаримда улар Брауннинг одамларидек туюлди. Қўрқиб кетдим, иложи борича тезроқ Кўхна боғдаги чолдеворлар орасига яширинишга ҳаракат қилдим. Яширина олдим ҳам. Ўзим ҳам олдингизга мапа шунга айтгани келганман.

— Жаноб Хубер, биз сизнинг хавфсизлигингизни таъминлай оламиз деб ўйлайман, — деди Кара.

— Жаноб полковник, бугун кечкурун мен сизга «Ганза»нинг Венгриядаги агентура тармоқлари рўйхатини берман. Мен бу шифрланган рўйхатни Меннелнинг ҳужжатлари орасидан топиб олдим. Унда зарурат туғилганда ҳар бир агент билан боғланиш учун пароллар бор.

Уларни еча олсам керак, деб ўйлайман, лекин бу бирмунча вақтни талаб қилади... Бунинг эвазига мен ҳам сизлардан баъзи нарсаларни илтимос қилмоқчидим.

— Нимани? — сўради Кара.

— Рўйхатда номлари келтирилган агентларни хибсга олганингиздан кейин ўйлайманки, мен ваъдамни виждонап бажарганимга амин бўласиз, шунинг учун менинг хавфсизлигимни таъминлайдиган чет эл венгер дипломатик паспортини олишимни ва Гаванага учиб кетадиган биринчи самолётга жой тўғрилаб беришингизни илтимос қилардим. Ходимларингиздан биронтаси мени Прагага кузатиб боради ва самолёт ҳавога кўтарилгунга қадар хавфсизлигимни таъминлайди. Наздимда, мен одоб дорасидан чиқмайдиган ва бажарса бўладиган шартларни қўйдим, — дея гапини тугатди Хубер.

Кара унинг гапига қўшилди-ю, барибир шундай деб сўради.

— Сиз ростдан ҳам суиқасддан қўрқасизми?

Узоқ-узоқларга қадалган Хубернинг кўзларида қўрқув учқунлари кўришди.

— Браун тентак одам эмас, — ўйланкираб туриб деди у. — Сиз биласиз-ку, ахир у уйга қайтишимни буюрган. Мен унинг буйруғини бажарганим йўқ. Менинг хатти-ҳаракатларимдан ҳозиргача шубҳаланиб турган бўлса энди нималарга тайёрланаётганимни тушуниб етди. Браун, жаноблар, ҳазилни ёқтирмайди.

— Қачон кетишни истардингиз? — сўради Кара.

— Билмайман... Прагадан Гаванага биринчи самолёт қачон учади?

— Мен ҳам буни аниқ айтолмайман, — деди Кара.

«Ўз ваколатимдан ташқари чиқиб кетмадиммикин иш қилиб, — ташвишланиб деди у ўзига-ўзи. — Бунчалик аниқ ваъдалар бермасам бўлармиди?..»

— Келинг, шундай келишайлик, — деди у. — Сиз рўйхатни тузиб Шалгогами, Балиитгами берасиз. Мен эса зудлик билан Будапештга жўнайман-да, бу гапларни ўша ерда ҳал қиламиз. Биз фақат самолётга билету, сиз учун дипломатик паспорт ҳақидагина эмас, шу билан машинангизнинг рақам белгиси, транзит талон ва хайдовчилик гувоҳномасиниям ўйлашимиз керак...

— Кечирасиз, — унинг гапини бўлди Хубер. — Агар одамнингиз мени Прагагача кузатиб қўядиган бўлса, фақат машинанинг рақамини ўзгартирсак бас. Чегарада нима лозим бўлса, унинг ўзи расмийлаштиради. Машинани эса у ҳолдаям, бу ҳолдаям Прагада колдириб кетаман, қайтишда унинг ўзи хайдаб келаверади. Хар ҳолда нафи тегиб қолар, — ҳазиллашди у. — Менга асосан чет эл паспорти ва самолётга билет керак.

— Сиз ҳақсиз, — қўшилди Кара. — Жилла бўлмаганда битта суратингизни олиб кетсам жуда яхши бўларди.

— Бахтга қарши, паспортга ярайдигани ёнимда биттаям йўқ. Лекин сиз уни виза бериш ҳақида ёзган аризмадан олишингиз мумкин.

— Тўғри. Шундай қиламиз.

— Йўқлигингизда ўрнингизга ким билан алоқа қилиб туришим мумкин?

— Дўстим Шалго билан.

— Яхши, — Хубер қарияга қараб кулиб қўйди, кейин яна полковник Карага мурожаат қилди: — Мен унга сизнинг телефонингиздан қўнғироқ қилсам бўлади-ми?

— Албатта.

Равонга Лиза қайтиб келди. У столга иккита калит қўйди.

— Бланка бериб юборди, — деди у Хуберга. — Зарур иш чиқиб Балатонфюредга бориши керак бўлиб қолибди. — Кечга томон қайтиб келармиш. У сизни

мустанго тарикасида бугун кечкурун ресторанда овкат-ланишингизни илтимос қилди.

Хубер калитни олиб шошилмай чўнтагига солди.

— Жаноб профессор уйга қайтмабдими? — сўради у.

— Бланкага кўнғирок қилиб, эртага эрталаб келишини айтибди... Агар айбга буюрмасангиз, бугунги кечки таомимизга ташриф буюрсангиз бизни беҳад шод этган бўлардингиз, — кўшиб қўйди Лиза.

— Жоним билан, хоним, — деди Хубер ўрнидан тураркан, — лекин қандай бўларкин...

— Бунинг нимаси бор экан? Сидкидилдан таклиф қиляпман.

Хубер таъзим қилди.

— Биз саккизда кечки таомга ўтирамыз, — деди Шалго.

— Бу вақтгача ишни тугатсам керак деб ўйлайман. Хайр. — Хубер полковник Каранинг қўлини сиқиб чиқиб кетди.

Фельмери жуда чарчаган эди, лекин шундай бўлса ҳам ҳозир Геза Салаи билан олиб бораётган савол-жавобимни тўхтатсам катта хатога йўл қўйган бўламан деб ўйларди. Уларнинг суҳбати, мана бир неча соатга чўзилди. Лекин суҳбат давомида лейтенантга Салаи борган сари ўзини хотиржам сезиб бораётгандек кўринди. Улар уёқдан-буёқдан, ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашишди. Маълум бўлишича, ҳатто уларнинг умумий танишлиги ҳам бор экан. Мухандис ўзининг ёшлиги, ҳозир қайси-дир корхонада бош бухгалтер бўлиб ишлаётган онаси ҳақида батафсил гапириб берди. Салаининг онаси ҳаётда кўп қийинчиликларга учраган экан. Эллик олтинчи йил баҳорида у сўнгги йилларда кўп бузуқликлар қилган ва қандайдир ифлос ишларга араланиб юрган адвокат эри билан ажрашибди. Ўша йилларда энди бўй чўзиб йигит бўлиб келаётган Гезага бу нарсалар каттиқ таъсир қилибди, чунки у отасини жуда яхши кўраркан.

Вақти-вақти билан Салаи лейтенантга айтиб берадиган арзигули гапларимдан биронтаси эсан чиқиб қолмади дегандай бирмунча вақт гандан тўхтаб қоларди. Кейин Беата ҳақида гапириб кетди. Уни ёшлигидан биларкан. Афсуски, Беата енгилтак ва ахлоқсиз онасига

тортибди. Лекин унинг эри, жаноб Кюртиниинг ҳам тууроғини хотини билан бир жойдан олган экан.

— Унинг ҳам ўйнаши бормиди? — сўради Фельмери.

— Ҳа, бор. Бир печа йилдан буён. — Муҳандиснинг овозидан алам билан гапираётгани сезилди. У чуқур хўрсиниб бошини эгди. — Биз сассик кўлмақда умр кечиряпмиз, — секингина деди Салаи. У яна хўрсинди ва тиззасида турган кўллари ўз-ўзидан муштланди. — Биласизми, Кюртиниинг ўйнаши ким? Менинг онам. Беатанинг эса, ўзини менга бахшида қилганида печа ёнида эканлигини айтайми? Ун тўртдан сал ошган эди. Ким уни менинг тўшагимга мажбур қилиб ётқизди? Унинг онаси. Ҳа-ха, ўз тукқан онаси. Ер юзида энг бориб турган аблаҳ ким? Мен. Менга диққат қилиб тикилиб олишг. Чунки мендай ифлос хайвоонни сиз венгр қишлоқ хўжалик кўргазмасидаям тополмайсиз. Бу кунларда ўз ҳаётини обдан ўйлаб олиш учун вақтим кўп эди. Ва шундай хулосага келдимки, менинг қаллим кўчадаги фоҳишалардан фарқ қилмас экан. Ахир мен у деб бир одамни ўлдирмоқчи бўлдим-а...

— Ўлдирмоқчи бўлингизми?

Салаи бошини кўтарди. Кўёш нури унинг юзига тушиб турарди. У кўзларини қисди.

— Тўғриси айтайми, лейтенант, бу ўйинларингиз жонимдан тўйдириб юборди. Сиз Меншелнинг қотилини тошмоқчисиз. Бу менга тушунарли. Менга бир нарса тушунарсиз: нега мен сизнинг олдингизда бор гаини ўғил болачасига айтиб ўтирибман-а? Ахир сиз барибир биронгаям сўзимга ишонмайсиз-ку. Майли, сиз истаганча-ям бўла қолсин. Ёзинг: мен Геза Салаи Меншелни — ўна муртадни ўлдирганмаи. Ёзинг, ёзинг!.. Фақат буни қачон ва қандай вазиятда қилганимни уктириб қўйишни унутманг. Кейин бир кун муҳлат беришг. Мен бу сўзларни ёдлаб олай. — Салаи захархандалик билан илжайди. — Лекин шунини билиб қўйингки, Меншелни мен ўлдирганман ва унинг жосуслиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасман.

— Беата билармиди?

— Беатами?.. — Салаи кўлини силқиди. — Беатага унинг фақатгина тўшаги керак эди. Яна унинг ёрдамида ўз ўйнашини ишга жойлаштирмоқчи эди... Анув аблаҳини.

— Шундай бўлса-да, барибир тушуна олмаяпман, — ўйлашқираб туриб деди Фельмери. — Сизнинг гапларингизда бир-бирини инкор қиладиган ўринлар шу қадар кўпки. Мана сиз, Беатани фохишаларга тенглаштиряпсиз. Сизни қўйиб Меннелни ўйнаш қилганини айтяпсиз. Бундан ташқари, икки йилдан буён Тибор Сюч билан ҳам доп олишиб юрган экан. Шундай бўла туриб... нима десам экан... ундан айрилгингиз келмайди, хатто унга ўйланишгаям тайёрсиз. Сизни тушунолмай қолдим-ку!

— Буни тушунолмайсиз ҳам. Чунки сиз у билан яқин муносабатда бўлмагансиз. — Ўз сўзларидан хижолат тортаётгани биллиниб турган ҳолда аста жавоб берди Салаи. — Мен унғачаям кўп хотинларни кўрганман. Йўқ демайман... Лекин Беа — бошқа бир олам. У одам боласини ақлдан оздириб қўйиши мумкин... Сиз наша чекканмисиз? Мен чекиб кўрганман. Беа одамнинг бошини нашадан ҳам кучлироқ айлангириб қўяди, шунақа... Бундай дўзахдан ҳам оғирроқ нарсани Худо ишкилиб ҳеч қачон бошингизга солмасин... — У ҳамдардлик билдиришни кутгандай жимиб қолди.

Лекин Фельмери ҳамдардлик билдиришни хаёлигаям келтирмади. Ҳатто Салаининг очик-ойдин гаплари уни жиркангириб юборди.

— Салаи, айтнинг-чи, Меннель сизни қирғоқда қолдириб кетганда соат нечалар эди?

— Ўн.

— Бунга ишончингиз комилми?

— Балки ҳали ўн бўлмаганмиди.

— Меннель қасққа қараб кетди?

Салаи оёғини чалмаштириб олди-да, лейтенантдан сигарета сўраб олиб чекди. У бирмунча муддат тутаб турган сигаретнинг учига тикилиб турди.

— Қасққа дейсизми? Машинасига-да, — ниҳоят деди у.

— Агар хотирам панд бермаса қасрдадир пристанингни яқинида турганди. Тўлқинқайтаргичга яқин жойда.

— Сиз унинг кетидан бордингизми?

— Тошйўлгача, бу ёнига бориндан наф йўқ деб ўша ерда қолдим, чунки пристанда одам кўп эди.

— Кейин нима бўлди?

Салаи савол назари билан лейтенантга тикилди.

— Тушунолмаянман, нимани сўрамоқчисиз, ўзи?

— Бундан чиқди, Меннель кетди-ю, тун қўйнига кириб ғойиб бўлибди-да? Кейин нимани кўрдингиз?

— Нимани кўрдимми? — қайта сўради Салаи.

Салаининг саволни яна такрорлай бошлаши, вақтни қўзиш учун ортиқча саволлар бера бошлаши Фельмери-га ёқмади. Қизик, қотиллик билан алоқадор бўлмаган ишлар ҳақида гап кетганда унинг тили счилиб кетарди, гап ишнинг моҳиятига бориб тақалганда сўзлаш оҳанги қандайдир сусайиб ўйланкираб қоладиган, хотираси ҳам «заифлашиб», саволларни ҳадеб такрорлайверадиган бўлиб қоларди.

— Кечирасиз, лейтенант, хотирам заиф, воқеаларни ҳамма вақт эслаб қолавермайман. Лекин ҳозир, сўраганингиздан кейин эсимга тушди. Меннель ўшанда биров билан учрашгандай бўлган эди.

— Бу гапларни мен сиздан бекорчиликдан сўраяпти деб ўйламайсизми ишкилиб? Ўша «бирова» эркакмиди, аёлмиди?

— Аёл эди.

Фельмери сигарета қутигасини очди, очди-ю, оғзида аччиқ никотин таъмини туйди, ахир у эрталабдан буён туз тотмаган, қорни очлигини босиш учун тишимсиз чекар эди-да. Лекин ҳозир ўз хаяжонини босиш мақсади-да чекишга мажбур бўлди.

— Шу вақтгача бу тўғрида лом-мим деб оғиз очмадингиз-ку, — деди. — Нима учун? — Фельмери ҳозир қандайдир муҳим ва қутилмаган жавоб бўлишини сезди. Лекин Салаи жавоб беришга шошилмади. Аввал кафти билан энгагини силади, кейин кимнидир жим деб оғохлантирмоқчи бўлгандай кўрсаткич бармоғини лабларига босди. Ва ниҳоят, узок жимликдан сўнг истамагандай шу сўзларни оғзидан сиқиб чиқарди.

— Нима десам экан... Бу тўғрида илгарни мендан сўраганингиз, эсимда йўқ... Менимча сўрамаган бўлсангиз керак...

— Бундан чиқди баъзи нарсаларни бизга маълум бўлганига, бу ёнига яширин ёки инкор этишининг маънисиз эканлигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина айтаркансиз-да. Салаи, ўзингизни бундай тутишингиз менга ёқмайди. Бу албатта, сизнинг ихтиёрингиз, лекин охир

пировардида бу кимга фойда бўлади? Ахир сизлар менда қандай фактлар, сирлар борлигини билмайсиз-ку!

— Тўғрисини айтсам, буни унутган эканман. Ҳозир эсимга тушди. У бир қиз эди.

— Хўш... — гаши давом эттирмакчи бўлди Фельмери. — Ким эди ўша қиз?

Салаи чуқур хўрсинди, столга чўзилди-да, кулдонга сигарета қолдирганини босди. Кейини қўлини кўкрагига чалмаштириб стулга суянди. Булар бари вақтни чўзиш учун қилинган хатти-харакатлар эди.

— Мен уни танимайман. У Балатонмёдда яшайди шекилли.

— Буни қаердан биласиз?

Салаи ботинкасининг тумшуғи билан гиламда нималарнидир чиза бошлади. Лейтенантнинг назарига тушишдан ўзини олиб қочаётганлиги аниқ сезилиб турарди.

— Мен Меншель билан меҳмонхонанинг қаҳвахонасида учрашганимда у қиз деразанинг олдидаги столда ўтирар, афтидан, бировни кутаётганди. Меншель у билан сўрашди-ю, мендан бу қизни танийсанми, деб сўради. Мен унга илгари ҳечам кўрмаганман, дедим. Кейин уни яхшилаб таниб ол, орамизда кўн саргузаштлар бўлиб ўтган, деди. «Мана, — деди у. — Беата билан орамизда ҳеч нарса йўқлигига яна бир далил». Мен унга гапларингизга ишонмайман, чунки буни ҳозир атайлаб тўқиб чиқардингиз, дедим. Сўнг у шундай нарсаларни вайсаб ташладики, назаримда бу гапларда заррача ҳам ҳақиқат йўқ эди. Гўё у шу қиз билан иляжда офтобда ётиб қорайганмиш, бир вақт қизнинг қандайдир бир таниши келиб қолибди-ю, рашк ўтида ёниб, жанжал кўтарганмиш. Лекин Меншель бу гўдакнинг таъзирини бериб қўйибди. «Рашкчиларни кўрсам жиним қуришади», — деди у. У бу билан менга шама қилаётганини аниқ тушундим... — Салаи бошини кўтариб, қўли билан сочларини силаб қўйдди. Чехрасида холдан тойгани сезилиб турарди. — Кечкурун Меншелнинг машинасига ўтирган худди ўша қиз эди. Мен уни фаранинг нури юзига тушганда танидим.

— Демак, Меншелнинг маъшуқаси билан бу учрашувни олдиндан келишиб қўйилган экан-да?

— Ким биледи дейсиз. Мен унинг олди-қочди гапларига ишонмайман. Лекин менимча улар мутлақо тасодифан учрашиб қолишган бўлса керак. Чунки Меншель

мендан қочаётган эди. Агар учрашув келишиб қўйилганда, у албатта буни менга айтган бўларди. Лекин мен қиз бошқа биров билан келган бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки биров унинг орқасидан қичқиргандек туюлди, орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ресторан тарафдан қандайдир бир новча йигит келди-ю, дарҳақиқат, кетидан югуриб бориб, бир нима дея қичқирди.

— Ҳозир сиз уни таний олган бўлармидингиз?

— Билмадим. Тонг йўл ёритилмаган, мен у турган жойга келганимда йигит аллақачон кетиб қолган эди. Назаримда ресторанига қайтдиёв. Кейин мен ҳам барга кириб кетдим.

Фельмери деразани ёпди.

— Ҳозир тунлик қилиб олинг-да, кейин айтган гапларингизни батафсил ёзиб берасиз.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас лейтенант ўзи ҳам иштаха билан овқатлана бошлади, иштахасига яраша бугун омадиям чошган эди, чунки Салаининг гаплари жудаям муҳим эди.

Салаининг гувоҳлиги бошқа бир чигалшиям ечарди. Энди Илонка бундан буёғига ўша тунда нимадир содир бўлганини яшириш ва бу тўғрида нидамаслик маънисиз эканлигини тушуниб етади. Ҳозир ўша тонг соат етти билан ўн ўртасида Казмер Табори қаерда бўлганлигини аниқласами, жуда омади иш бўларди-да.

Лекин Геза Салаининг ўзини тутиши ҳамон лейтенантга ёқмасди. Хаёлидан муҳандис қотиллик ҳақида ҳозиргача айтиб берган гапларидан кўпроқ нарса билди, деган фикр нари кетмасди. Кейин Фельмери нахотки Казмер Таборини ўн тўққизинчи кун кечқурун ресторанда ҳеч ким кўрмаган, тагин ўзи Илонка билан ўша ерда овқатландик деб турган бўлса, деган фикр устида ўйланиб қолди.

Лейтенант Фельмери Салаининг гувоҳликларини, маълумотлар ва оператив ходимларнинг рапортларини яна бир марта хаёлан кезиб чиқди-да, енгилгина кулиб қўйди. «Шу қадар ҳам галварс эканманки! — дея ўйлади у. — Тергов олиб боряпмиз, гувоҳларни чакириб сўраямиз. Казмер Таборини расман чакириб сўроқ қилиш ҳеч кимнинг калласига келмабди... Ресторандаям, қаҳвахонадаям официантлардан битта нарсаши — Меншель бу ерда қачон ва ким билан бўлди, деб сўрадик. Лекин улар

Казмер Таборини ўн тўққизинчи кун кўришдимиз, деган гапни нима учундир унутиб қўйдик...»

Вальтер Герцег Майорошлар вилласининг иккинчи қаватидаги равондан бир неча дақиқа давомида Таборилар уйини кузатиб турди. Уйдан чиққан аёлнинг Бланка эканлигини дарров таниган бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши адашмадимми деб ёнида турган Рустам Адамдан сўради. Қария дурбинга эҳтиёж сезмади — унинг кўзи ҳалиям жуда ўткир эди:

— Йўқ, адашмадингиз, — деб жавоб берди Рустам.

Якшанба кундан буён Вальтер Герцег билан Еллинеклар иккинчи қаватдаги учала хонани ижарага олиниб туришарди. Албатта катта пулининг дарагини эшитгандан кейин вилланиннг сохиби — оддийгина қишлоқ муаллими ёнинг деёлмай қолди. Умуман, эр-хотин Майорошлар ёз охирида фарбий Европага, жумладан, Австрияга ҳам туристик йўлланма билан боришмоқчи эди. Герцегнинг бу борада ёрдам қилишга қатъий ваъда берганида чол-кампирининг қувончлари олдида бир ҳафта учун олдиндан тўлаб қўйилган ва ўзиям мўмайгина ижара ҳақининг қувончи урвоқ бўлмай қолди. Герцег муаллимга ўз визит карточкасини берди. Майорош ўзича хотин билан Венага келганингдан кейин бу мамлакатда эътиборли шахслардан мадад олсанг унчалик ёмон бўлмаса керак, деган хулосага келди.

Шуни айтиш керакки, ижарачилар Майорошларни сиқиб қўйишмади. Улар мулойим, жуда илтифотли чиқиб қолишди. Виллада бегона одамларининг борлиги мутлақо сезилмасди. Турган гап, Майорошлар бундай ҳолда ўз меҳмонлари хусусида тарикчайм ёмон фикрга боришолмасди. Герцег Меннелнинг иши ҳақида суратларга бой репортаж тайёрламоқчиман, деб дангал айтди-қўйди. «Афсуски, — деди у. — Бундай материални тайёрлаш ниҳоятда машаққатли». Бу ўринда репортёрнинг баъзан изкуварга ўхшаб айёрлик қилиши, баъзан эса, саботли, қатъий бўлиши талаб этилади. Герцег ва унинг дўсти машҳур, баъзан жапжалли воқеалар мундсабати билан шуҳрат қозонган журналистлар ҳақидаги қизик-қизик ҳангомалардан гапириб беришарди, сермулозамат, бунинг устига билимдон бу йигитлар муаллимнинг ақлини оғдириб қўйишган эди.

— Буни қара, азизим Баули, — деди муаллим шабқур хотинига. — Мана бу иккала йигитнинг мархум ака-ука Кешнедилар билан шахсан таниш эканлиги, уларнинг қотилларини ўз кўзлари билан кўрганлиги, машхур давлат арбобларининг матбуот конференцияларида иштирок этганликлари, ахир, одамни ҳайратга солмайдими? Ҳатто улар ҳалигадвор ўз хотираларини эълои қилмаганлари галати...

— Еллинек, ҳатто Брижи Бардо билан инглиз қиролчасининг ўзини ҳам суратга олган экан! — унинг гапига жавобан дейди Баула.

— Тасаввур қилгин, унда жаҳон киноқудузларининг бутун бошли фотоколлекцияси бормиш!

Эртасига Герцег уларга Эрон шоҳи ёки Индонезия президенти саройида бошидан кечирган ажойиб ишқий саргузантларидан гапириб берди. Маҳаллий зиёлиларнинг севимли жойи фёред клубида қўн вақт тилга олиниб юриши мумкин бўлган мана бу фаройиб ҳодисалар ўз навбатида улардан бошқа нарсаларни талаб ҳам қиларди. Лекин Эмёддан бир қарич нарига чиқмаган ва шу ернинг аҳолисидан бошқа бироқ кимсани танимайдиган эр-хотин Майорони уларга ниманиям гапириб бера оларди. Ҳар ҳолда улар ҳамқишлоқларининг сир-асрорларини беш қўлдек билишарди. Тез орада Герцег билан Еллинекка ён-атрофидаги қўни-қўшниларнинг кимлиги маълум бўлиб қолди. Ҳаммадан бурун уларни нима учундир Таборилар хонадони қизиқтирарди, буям тушунарди, чунки мархум жаноб Меннель уларникига қўнган эди-да. Мухбирлар Табори вилласининг қандай жойлашганини ўрганиб чиқишди, йўл-йўлакай унинг орқа боғини ҳеч қачон ёнилмаслигини ҳам билиб олишди. Ҳар қўни эрталаб соат еттида профессор мана шу эшикдан чиқиб, ё балиқ тутишга, ё яхтада сайр қилишга йўл оларди. Муаллим билан унинг рафиқаси Шалголар хонадони ҳақида ҳам лаблари бичилиб мухбирларга гапириб беришди. Уларнинг гапига қараганда қария Шалго — нотайин, эзма-чурик, ҳамма нарсани ҳазилга олиб гаширадиган, судхўрларга ўхшаб ифлос ва чиркин юрадиган бир одам экан. Бир вақтлар у французларнингми, инглизларнингми — номи тилларида ёзибдиқ — жоҳуси бўлган экан... Лиза... унинг рафиқаси польшалик қочоқ экан. Герцег мана бу эр-хотин ҳақида бари эшит-

ганини эътиборга олиб қўйди. Икки кун давомида Герцег билан Еллинек иккаласи Табори ва Шалголар оиласини диққат қилиб кузатишди, кимлар кириб кимлар чиққанига алоҳида аҳамият беришди. Пауланнинг ёрдамида уларнинг қаёққа бориб келинаётганини билиб туришди. Адам Рустам ҳам мухбирларга кўпдан-кўп кизиқ-кизиқ маълумотларни бериб турди. Масалан, қария муаллимдан олинган Шалго ҳақидаги маълумотга бирмунча тузатишлар киритди. Шалго, дарҳақиқат, француз агенти бўлган экан, лекин кейинчалик венгр разведкасига ўтибди... «Ха, ҳа, — тасдиқлади Рустам, — венгр агенти бўлган... Бунга ўхшаган каззоблар билан иш олиб борганинда ҳеч қачон бироқ нимани очиқ-ойдин қилиб гапирмагин. Чунки жаноблар, агар урушга қадар шу Шалго кизилларни овлаганини, кейин фашизмга қарши курашда иштирок этганини, сўнг эса Ғарбга қочганини эътиборга оладиган бўлсак, шу кунларда америкаликлар учун хизмат қилаётгани аниқланиб қолса, бунинг сираям ажабланидиган жойи йўқ...»

Герцег қари кутубхоначининг бемаъни сафсаталирини диққат қилиб тинглади. У одамлар билан тил топишга жуда уста эди. Шунинг учун қариянинг гапларини маъқуллаб турса-да, моҳирлик билан гап мавзуи калтис сийсий мавзуга ёки илоҳиёт ҳақидаги узлуксиз баҳсларга бурилиб кетмаслигига ҳаракат қиларди. Адам Рустам бу соҳаларда билимдон эди ва бир гапга тушса ўзини қўйворарди. Қария гапни шу томонга буриши билан Герцег савол бергандай қўлини юкори кўтарарди-да:

— Адам амаки, сиз бу соҳаларда даҳосиз... — деди. — Мен эсам, гарчанд художўй бўлсам-да, илоҳиёт соҳасидаги ҳикматларга мутлақо тишим ўтмайди. Бунинг устига, ҳали венгрлар ишларидан ҳам унчалик маълумотга эга бўлолмадим...

Бу гаплар кутубхоначига мойдек ёқиб тушарди. Герцег бўлса, ўз суҳбатдошининг руҳи чандон кўтарилиб кетганидан фойдаланиб, гапни Шалгога бурарди.

— Бу вазати одамнинг полковник Кара билан дўстлигига нима дейсиз?

Адам Рустам ҳамма нарсадан бохабар одамдек насихатгўйлик билан жавоб берарди.

— Бу, йигитча, ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Манавий тубанликка кетган собиқ муаллим полковник Кара

дегани ким бўпти ўзи. Мен уни инсонпарвар деб эшитдим. Бу борада унга етадиган йўқмиш. Менинг учун шунинг ўзи етарли, чунки одам ё инсонпарвар, ё большевик бўлиши керак. Булар бир-бирини инкор этади. Агар Кара инсонпарвар бўлса, унда унинг маҳкамада ишлаши-ю, қаердан маош олиши қизиқтирмайди. Менинг учун энг муҳими — у коммунист бўлмаса бўлди.

Умуман олганда, менинг навқирон дўстим, мана шу гапларимни қулоғингизга қўрғошиндек қуйиб олинг. Бу мамлакатда гарчанд кўпчилик қизил худога хизмат қилса-да, шайтонга фириб беради.

«Мана бу қариб мияси суюлиб кетган чолнинг вайсишларини яна қанча вақт эшитиб ўтираркинман?» — деб қўйди ўзича Герцег. Лекин шундай дегани билан унинг суҳбатларини берилиб тинглашга интиларди, чунки чол гап орасида унга баъзан зарур маълумотларни ташириб юборарди. Мана ҳозир чол Герцегнинг ҳузурига «Бланка Табори ҳақидаги янги маълумотларни» ўртоқлашини учун кириб келган эди. Герцег чол орқали ундан интервью олиш истагини билдирган мухбирларни қачон қабул қила олиши мумкинлигини суриштирган эди.

Бланка чолга жануб австриялик журналистларни қабул қилмаслигини, умуман, ҳеч қанақа интервью бермаслигини айтиб, деди. Бунинг устига сираям вақти йўқ экан: бугун тушдан кейин Балантонфюредга кетаркан ва у ердан жуда кеч қайтаркан.

— Унинг муҳандис ўғлиям биз билан гаплашишни истамас эканми?

— Бунисини билмайман. Лекин уям қабул қилолмаса керак, чунки у ўз онасини машинада Фюредга олиб кетиши мумкин.

— Буни қаердан биласиз? — сўради Герцег Шалгонинг уйига кириб кетган Илонкага қараб туриб.

— Бланканинг ўзи айтди.

— Профессорнинг ўзини суҳбатга тортишга уриниб кўрсак бўлмасмикин?

— Фақат бугун эмас, эртага, ошна. Шундаям тушдан кейин. Чунки профессор ҳозир Буданештда юрибди.

Герцег равондан хонага кириб, Еллинекни уйғотди.

— Руди, биласанми, омад бизга кулиб боқаётганга ўхшайди, — у бирдан овозини пасайтириб қариядан би-

либ олган нарсаларни шеригига тушунтирди-да, режамани амалга оширадиган пайт келди, деб қўшиб қўйди.

Еллинек уйқули кўзларини ишқалаб керинди.

— Албатта ҳадеб кутаверишдан ҳам маъни йўқ. Бошлаш керак. — У ўрнидан туриб ювишиш учун ваннахонага кирди. Қайтиб чиқиб, қисқача шундай деди:

— Режанг зўр.

— Менам шундай деб ўйлаяинман, гарчанд...

— Сен бутун икир-чикирларгача қараб чиқиш, вақтни хар бир дақиқасигача ҳисобга олиш керак демоқчи-сан-да. — Еллинек кулиб қўйди-ю, сочиқни каравотга ташлади. — Менга қара, оғайни, ахир биз хар бир нуқтасигача режиссёр томонидан ишлаб чиқилган сценарий бўйича фильм олаётганимиз йўқ-ку...

Герцег равонга чиқадиган эниқни сал очди-да, Рустамга шеригим билан бир муҳим гапни маслаҳатлашиб олганимизча ҳеч қасқа кетиб қолманг деб тайинлади.

— Бўпти, — деди у кейин Еллинекка, — боравер, мен хозирча кузатиб тураман. Имконият бўлди дегунча мен ҳам етиб бораман.

Еллинек фотоаннотат тасмасини елкасига осди, стулда осиб турган пиджагидан зарур ҳужжатларини олиб, шимининг чўнтагига тикди-да, хонадан чиқди.

Герцег бирданига бутун вужудини чулғаб олган ҳаяжонини босолмай қолди. Томовига бир нима келиб тикила бошлади — «зарари йўқ, тез орада бари ортда қолади», — ўзини овутишга тушди у. Кўнгилсиз туйғуни йўқ қилиб юбориш учун ярим стакан коньяк қўйди ва уни бир кўтаришда ичиб юборди. Бир оздан кейин руҳида сал енгиллик сезиб кўринишдан Рустам билан гаплашгангадек бўлса-да, аслида уй атрофларини кузата бошлади. Герцег Хубернинг Шалголарникидан қандай чиқиб, боғ орқали Табориларнинг вилласига қараб кетганини кўриб турди. Шундан кейин у дурбинни соҳилга, юзаси ялтираб кўзни қамаштираётган ва жуда кўп қайиқлар танда қуриб олган кўлга қаратди. Тўғри, бу қайиқларнинг кўпчилиги меҳмонхона пляжига яқин жойда уймалашинарди. Фақат баъзиларигина кўлнинг ичкарасигача кириб кетган эди. Герцег қамишзор қирғоққа кўз ташлади. Агар қамишлар ортида ўз қайиқчаларида ўтирган балиқчиларни ҳисобга олмаганда қирғоқда сукунат ҳукмондек эди. У яна дурбинни Табориларнинг вилла-

сига бурди-да, равонда Хуберни кўрди. У сояда тургани учун юзини аниқ ажрата олмади.

Рустам бўлса ҳалиям тишимсиз маҳаллий аббатларнинг найдо бўлиш тарихи ҳақида вайсар, Герцег эса, «ха», ё «йўк» деяр, баъзан гани ҳадеб бир хил бўлавермаслиги учун «зўр!» «Мен эсам бундан беҳабар эдим!» ёки «қизик, бу борада бизнинг Европада ҳеч ким тариқчаям тасаввурга эга эмас...» қабилида ўйламай қисқа-қисқа сўзларни орага қўшиб турарди.

— Агар Европанинг виждони яна жунбишга келса, лиён қилмаган бўларди, — жопланди Рустам, — инсоният минг йиллар мобайнида христиан тарби дея христианлар Венгриясининг қанчадан-қанча одамлари қурбон бўлганлиги хусусида бош қотириб қоларди, — қария баъзи бир нарсаларни солиштириш, таққослаш, исбот қилиш учун рақамларни қалаштириб ташлади.

Энди Герцег Шалгонинг уйини кузатишга тушди. Мана, полковник Кара қўлтигида портфели билан чиқиб келди-ю, машинасининг олдида тўхтади ва машина эшигини очиб ўтирди. Қасргадир кетмоқчи. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, қиз билан Оскар Шалго қизнинг суҳбатлашиб чиқиб келишди. «Қиз деганам шу қадар офатижон бўладими? — ўйлади Герцег. — Лекин нима учун ювлари бунчалик қайғули? Тўғрироғи, қайғули эмас, таҳқирлангандай...» Қария унга полдойик гапларни гапирган бўлса керак. Шундай бўлсаям қариянинг панд-насихатларини кулоққа олмайдиган кўрилади. У елкасини бир учирди-ю, машинада ўтирган полковник Карага қўлини силкиб тез-тез одимлар билан кўчанинг нариги томонига ўтди. Шалго аттанг, дегандай қизнинг орқасидан калласини сарак-сарак қилиб қолди, кейин полковникнинг ёнига машинага ўтирди. Герцег узоклашиб бораётган машинанинг ортидан ўйланқираб узок қараб турди.

Адам Рустам бўлса, булар баридан беҳабар, ҳали ҳамон Габсбургларнинг венгрларга қарши қилган жинюитлари, Австрия ҳукмдорларининг сотқинлиги ҳақида обиз қўширтирарди...

— Қадрдоним Адам амаки, — иложи борича меҳрибонлик билан унинг сўзини бўлди Герцег. — Мен сиздан бир нарса ҳақида қимматли маслаҳатингизни аямасангиз демокчийдим.

Кутубхоначи унга хорғин назар ташлади.

— Менга қаранг. Ҳаммасини бир ёққа йиғиштириб қўйиб полковник Кара билан ўзим гаплансам тўғрироқ бўлармикин. У бизга қўп нарсаларни гапириб бериши мумкин. Лекин томдан тараша тушгандек олдига кириб борсак қандай бўларкин деган истиҳолага бориб қолдим. Шу тонда у уйида. Шунинг учун бир илтифот қилиб олдига борсангиз-да, мени қачон қабул қила олиши мумкинлигини билиб берсангиз. Ундан ташқари, суҳбат давомида бизнинг олдимизда тилмоч бўлиб турсангиз. Албатта, яхшигина пул эвазига.

Рустам сапчиб туриб кетди.

— Пул учун эмас, ўғлим, — жавоб берди у, — савоб учун, савоб.

Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас у хориган ва руҳи чўккан қўйи қайтиб келди.

— Иним, афсус, полковник Будапештга кетибди ва у эртага қайтиб келаркан.

— Оббо, омадим чонмади-я! Ёлғондан хафа бўлгандай қиёфада хайқириб юборди Герцег. — Мен уюштирган репортажларнинг биронтасиям бунчалик қийинчилик туғдирмаган хали. жилла қурса, анув Шалго уйдадир.

— Уям йўқ, Веспремга кетибди.

Хубер меҳмонхонада столга кичкина бир варақ қоғозни қўйганча унга тикилиб ўтирарди. Хонада сукунат ҳукмрон. Қиёмга келган қуёш ярим очик эшикдан аямай нур тўқарди. Унинг нурида чекилган сигарета тутуни ҳар хил шаклларда буралиб ўйнарди. Хубер варақда қайд килинган фамилияларни қайта-қайта назардан ўтказаркан, ўйларди: «Мана бу одамларнинг бугун кечаси ёки эртага эрталабдан бошлаб қўп йиллар озодликдан маҳрум этилишлари ҳозир тушларигаям кириб чиқаётгани йўқ. Қароримни ўйлаб қўришга халиям вақт бор. Мана шу қоғозни ёқиб юборсам бўлди, олам гулистон...»

Равондан меҳмонхонага Герцег кириб келди. Хубер фичирлаган эшикка қўз ташлади. Кутилмаган меҳмон яқин келгач:

— Мени танидингизми? — деб сўради.

— Герцег, Вальтер Герцег, — деди Хубер.

— Ўзим ҳам дарров танисангиз керак, деб ўйлагандим. — Герцег Хубер ўтирган столга яқин келганида тўхтаб деди. — Еллинек бўлса ҳадеб сиз мени таниш

олмайсиз, дейди. Демак, у хато қилди, бахсда мен ютиб чиқдим, — у жўрттага шилқимлик қиларкан, столнинг устидаги нарсаларга алангларди.

— Еллинек ҳам шу ердами? — сўради Хубер юзларида дўстона табассум пайдо қилишга уриниб, лекин бу кўлидан келмаганини ўзи ҳам сезди.

— Фоторепортерсиз мен бир қадам ҳам юрмаймак, — жавоб берди Герцег ва кўёш нури тўкилиб турган мехмонхона сахнига кўз кириши ташлади. Шу он қаердадир узоқларда момакалдирок гулдираб юборди. Герцег равонга ўгирилиб осмонга қаради — хавода қопқора булутлар тўдалана бошлаган эди.

Шу пайт Хубер стол устида турган варақни тезда тўрт буклаб ён чўнтагига солиб олди. «Аттанг, боя ёкворсам бўларкан-да», деб ўйлади ўзича ва кейин хотиржам оҳангда сўради:

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз, Герцег?

— Машинада, — деди у хали ҳамон унга орқа ўгириб тураркан, — ўша маршрут: Вена — Хедешхалом — Кестхей — Балатонэмёд. Уч кундан буён шу ердман. — Герцег Хуберга ўгирилди. — Ажойиб жойлар экан...

— Уч кундан буён? — қайта сўради Хубер. — Бу ерда нималар қилиясиз?

— Бу нима деганингиз? Репортаж қиламиз-да, мос мавзу ахтаряман. Атроф-мухит билан яхшилаб танишман, имкониятлар ахтараман. Иш режасини тузиб қўйдим. Ахир бу ишларни қандай бажаришни ўзингиз биласизку. — У яқинроқ келиб бепарволик билан оёзига сигарета тикди. — Қўнорувчилик мактабида ўқиганимда бир муаллимимиз бўларди. У бирон операцияни амалга оширишдан бурун атроф-мухитни яхшилаб ўрганиб чиқиш керак деярди. Мен ўз вақтида унинг жудаям уқувсиз шогирди бўлмаганим, шунинг учун устозининг ҳамма ўғитларини амалда синая кўришга интиланман.

— Сизларни Браун жўнатдимми? — қатъиятсизлик билан сўради Хубер юраги увишиб. «Жуда бемаъни савол бердим-да», деб қўйди шу он.

Герцег калласини кимирлатди.

— Ҳа, сизнинг хатти-харакатларингиздан қаттиқ танишишга тушиб қолган экан, шунинг учун ахволни қалай, бир бориб кўриб қўй, дея илтимос қилди. Баъзи бир

аломатлар сизни ақлдан озибди, деган хулосага олиб келибди.

Хубер бошида қора булутлар айланаётганини сизди. Энди ҳаммаси ўзини қай даражада қўлга ола билишига боғлиқ. Ҳа, беғамлик қилиб катта хатога йўл қўйди. У Браун одам қўйишини биларди, лекин бу қадар тез ва юзсизларча бўлади, деб ўйламасди. Хозир ҳаёти қил устида турган бўлса ҳам ажабмас...

— Браун мен юборган маълумотларни хали олмадимми? — сўради у ўзини ҳайрон бўлгандек киёфага солиб.

— Майнавозчилик қилманг, Хубер! — Герцег столнинг четига ўтирди. — Сиз юборган маълумотлар икки пул — ҳаммаси сохта.

— Яхшилаб ўйлаб гапиринг, Герцег. Эсимда, мактабда мантик билан фикр юритишда сизга стадиған кам эди. Меншелни ўлдиришгани Браунга маълум. Мен ўз шифровкамда Браунга машина портлаб йўқ бўлиб кетди, деган эканман, бунинг тагида маъно бор.

— О, ҳа-да! — мазах қилиб сўзни илиб кетди Герцег. — Албатта, албатта. Қандайдир маънони англатиши керак. Шунинг учун ҳам биз шу ердამиз-да, — Герцег Хубернинг юзига тутун нуфлади ва таҳқирона назокат билан узр сўради. — Лекин сиз ўша «портлаб йўқ бўлиб кетган» машинани нега сотиб юбордингиз?

— Бунда ўзига яраша сабаблар бор эди, — аста деди Хубер.

— Шундай ҳам дейлик. Унда нима учун машина ҳалигадвор Таборининг гаражида турибди?

— Бунинг сизга дахли йўқ, — яна паст овозда деди Хубер.

— Шундай ҳам дейлик. Лекин аппаратларни йўқ қилиб юборган бўлсангиз керак?

— Рацияни назарда тутяпсизми?

— Ўзингизни гўлликка солманг!

Хубер Герцегга бутун вужуди билан тарсаки тортиб юборгиси келди-ю, лекин... бу билан бирон натижага эриша олмайди. Бу ерда мушт ёрдам бермайди. Бунинг устига Герцег ундан ёнроқ ва кучлироқ. Демак, бундан ўзини тийиш, Герцег юрагига қўрқув тушганини билмаслиги учун иложи борича ўзни хотиржам тутиш керак.

— Бундай безбетликни бас қилинг, — Герцегдан устун келмоқчи бўлиб деди у жиддий. — Бўлмаса...

— Зўр! Ҳар қанча жаҳлингиз чикмасин, ғазабланманг, барибир менинг саволларимга жавоб беришга мажбурсиз.

— Аппаратларни йўқотганим йўқ.

— Азизим Хубер, мени шилқимлик қиялпти деб ўйламанг, шунинг учун, нега йўқотмадингиз деб сўрамоқчиман. Бу саволим нафсониятингизга тегмаса керак деб умид қиламан.

— Бу саволга ўзим кейин Браунга жавоб бераман.

— Энди у билан учрашишингиз даргумон. — Совуқкина қилиб деди Герцег ва пиджагининг ички чўнтагидан тўппочка чиқарди. Худди қурол билан ўйнашаётгандек унинг пулат тумшугига пуфлаб, енги билан артди. Кейин бошқа чўнтагидан ўқ овозини ютадиган мослама чиқариб, ўзига хос хотиржамлик билан тўппончанинг учига ўрнатди.

Хубер бекорга қўриқиб кетмаган эди. Бу вақтда ташқарига қоронғилик чўккан, эсаётган қаттиқ шамол момақалдиروқдан дарак бермоқда эди. Хубер бировларнинг оёқ товуши эшитилармикин деган умидда бутун вужудини кулоқ қилди. Эҳтимол, Кара халиям кузатиб тургандир... Лекин ташқарида кучли шамолдан дарахтларнинг силқиниши, кўл сувининг шалонлаб қирғоққа урилишигина кулоққа чалинарди. «Нахотки ҳаммаси тамом бўлган бўлса?» дея ўйлади Хубер. У пешанасидан совуқ тер чиқиб кетганини сизди, лекин Герцег ҳаракатимни нотўғри тушунади деб ўйлаб чўнтагидан даструмолчасини олишга журъат қилмади.

— Ўйлаб иш қилинг, Вальтер, — деди у аста. — Биз бу ерда ёлғиз эмасмиз.

— Йўқ, ёлғизмиз. Ҳеч ким йўқ, Хубер.

— Қўшнилари-чи?

— Улар ҳеч нарсани эшитишмайди. Туринг ўрингиздан. Бу ёққа келиб чўнтагингиздаги бор нарсаларни чиқариб ташланг. Чаққонрок. Пиджагингизниям столга ташланг.

Хубернинг бўйсунитидан бўлак иложи қолмади ва у чўнтақларида нима бўлса, барини столга олиб қўйди.

— Чўнтақларингизни ағдариб қўйинг-да, ўзингиз ўриндиққа ўтиринг. Мана шундай! Қўлларингизни кўкрагингизга чалмаштиринг.

Хубер ени билан пешавасидаги терии артиб олишга улгурди. У Герцегнинг ииджаги чўнтагини, кейин стол устидаги хужжатларнинг барини диққат билан текширганини кўриб турди, мапа, у рўйхатни қўлига олди. У Хубернинг устидаи ҳукмронлик қилаётган дақиқаларини роҳатланиш учун атайлаб чўзаётгани аниқ сезиларди. «Тамом, энди бари тугади...»

Ташқарида кўзни қамаштириб юборар даражада чақмоқ чақди-ю, ортидан кучли момақалдироқ гулдиради.

— Мен сизга айтдим-ку, ахир, — тилга кирди ниҳоят Герцег, — биз сизни мактабдаям ёқтирмасдик. Димоғишгиздан жа қурт ёғиларди. Тўғри, Браун сизни ҳурмат қиларди. Лекин буям бизга ёқмасди. Хотинишгизни эса, севардик. Гашининг ўғил боласини айтиш керак-да. Бир мен севмасдим. Еллишек ҳам... У ҳақда ёмон фикрларга бориб ўтирмаиш тағин. Фақатгина чол билан умр кечириниш Гретангизни тўйдириб юборганди. Ҳар холда эрхотин орасидаги ёш ўн беш йил фарқ қилса — бу ҳазилакам гапми...

— Хотинимга тил теккизмаиш, — вазабдан хансираб деди Хубер. — Барибир биронтаям гапшишгизга ишонмайман.

— Далил керакми? Унда чап кўкрагиниш остида битта холи бор эди деб қўйсам кифоя қилар?

Хубер ўз-ўзини бошқаролмай қолди, у ўрнидан ирғиб турган эди, туйқусдан тушган кучли зарбдан яна жойига ўтириб қолди. Кўнгли озаётганини сеза бошлади: кўз олди қоронғилашиб ҳаво етмай қолди.

— Ҳар холда шўрлик Грета йўлиққан автомобиль халокатини шайтонга фириб берар даражада усталик билан амалга оширдингиз, — Герцегнинг сўзлари қулоғига қаердандир узоқ-узоқлардан келаётгандек бўлиб кирди.

Хубер инграб юборди.

— Ёлғон бу! — хириллади у.

— Бу исботланди. Қўлимда Гретани сиз ўлдирганишгизни юз фоиз исботлайдиган далиллар бор. Тағин бу жиноятни жуда усталик билан босди-босди қилиб юборгансиз... — Герцег рўйхатга кўз таплади. — Кўзингизга қаранг, бошқа ўрнингиздан туришга интилмаиш, шундай мушт ейсизки, кейин ўзингизга келолмайсиз. Қизик, Грета сизга мен ҳақимда ҳеч нарса демаганмиди?

Хубер индамади. У Гретани эслар ва юраги алам ўтида ковриларди. Ёшгина хотини ўйнаш тутгани қалбини яралар, ўйнаш тутгандаям Герцег ва Еллинекдай энг насткаш махлуқларни ўйнаш қилгани баттар эзарди.

— Бу тагин нимаси? — сўради Герцег чап қўли билан рўйхатини кўтариб. — Адашмасам бу «К — олтинчи» кодимизнинг ечимини бўлса керак-а? — у фамилияларни ўқий бошлади. — Ҳа, ўн иккита фамилия. Ўн иккита пароль ва уларга жавоб. Шундай қилиб, акахон, сиз шифрларни очиб ташладингизми?

— Ганимга қулоқ солинг. Мен сизга барини тушунтириб бераман.

— Менга бирон нимани тушунтириб беришингиз даргумон. Буни Виктор Меншелга тушунтирасиз. Ҳозир у билан нариги дунёда учрашасиз, лекин бундан олдин иккита саволимга жавоб бериш-чи? — Биринчидан, «К — олтинчи»нинг ечимини кимдан олгандингиз? Меншелнинг сўнгги маълумоти ёзилган магнитофон лентаси қаерда?

— Билмадим. Агар бу нарсани мендан тонмоқчи бўлаётган бўлгансиз қаттиқ хатога йўл қўясиз. Кодга келсак, бу менга аллақачондан бўён маълум. — Герцег бир нима деди, лекин унинг гаши янгидан бошланган момақалдирок овозига сингиб кетиб, нима деганини англолмай қолди.

«Мен уни ишонтиришим керак, — бўлмаса иш чатоқ...»

— Герцег, қулоқ солинг. Сиз ақлдан озибсиз. Ҳозир қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишингиз мумкин. Мен Браун сизга бунақа топшириқ берган деб ўйламайман. Сиз мени ёмон кўрасиз ва шу сабабли бундай ишларни ўз ихтиёрингиз билан қилмоқчисиз...

— Сизни ёмон кўришимга келсак, бу аниқ. Лекин нима қилаётган бўлсам ўз ихтиёрим билан қилаётганим йўқ. Бунинг устига ҳозир олдимизда икки йўл бор: ё мен сизни йўқотишим керак, ё сиз мени. Иккишчи йўл, ҳечам мени қониқтирмайди.

Момақалдирок зўрайгандан зўрайиб борарди. Ёмғир қуйиб кетди, осмонни тилимлаб чақмоқ чақди. Лекин Герцег бунга заррачаям эътибор қилмади.

— Сиз соткин бўлиб чиқдингиз, — шафқатсизлик билан деди у. — Мана далиллар... Мана бу қанақа режа

бўлди тагин? — сўради Герцег столнинг устида босма қоғоздаги чизмаларга ишора қилиб.

— Ўзимга вилла қурмоқчиман.

— Шу ердами?

— Баварияда. Бир неча йил ўтгандан кейин пансионат очмоқчиман.

— Режани ўзингиз чиздингизми?

— Ўзим шундай ўйнаб ўтириб чизгандим...

— Хў-ўш. Шифрниям эрмакка очиб ташлаганмидингиз?

— Шундай қилишим керак эди.

— Бунинг учун қанча кистиришди?

— Герцег, сизнинг умуман эсингиз оғиб қолибди.

Герцег Хуберга яқин келди-ю, башарасига тарсақни тортворди. — Бу бай пулисига, — деб қўйди у.

Зарба қаттиқ бўлган эди, Хубер чиқиб келаётган ишрокни куч билан зўрға босди.

— Хали булар учун афсусланасиз, — тишларининг орасидан овоз чиқариб деди у ва сўнгги сирини очиб, сўнгги режасини амалга оширишдаи бошқа иложи қолмаётганини тушунди... — Ха, Герцег, хали қаттиқ пушмон ейсиз!

— Одамнинг қилиб қўйган ишига афсусланиши ҳам, аслида олижаноб иш, — деди истехзо билан Хуберга яна мушт туширди. — Келинг, афсуслансак, киройи афсуслангандек бўлайлик.

Хубернинг калласи орқасига бориб урилди, кўз олди қоронғилашиб ҳамма нарса муаллақ суза бошлади. У ўзини худди бирон ёққа қулаётгандай ҳис қилди. Бир неча дақиқа давомида ҳеч нарса кўрмадиям, эшитмадиям. Хатто Герцег столнинг устидаги ҳамма қоғозларни сидириб елим халтага солганиниям кўргани йўқ. Ўзинга келгандан кейин илк хаёли шу бўлди: «Янги хаёт бошлашим арафасида бекордан-бекорга ўлиб кетаверишимни фирт бемаънилик бўлди-да». У ўзича санай бошлади. Йигирмагача санагандан кейин хуши тамомила ўзига келганини сизди.

— Иситиш батареясининг олдига бориб, — буйруқ оҳангида деди у, — кейин орқасига қаранг.

У хозир ташаббусни қўлга олиш ниҳоятда қийинлигини биларди, лекин ҳар қандай ишга қодир Герцегга

ўхшаган одамлар билан вазият тақозо қилганда худди шундай гаплашиш мумкин ва бу шарт эди. У ҳозир тўсатдан ўзини яна бош штаб офицери, хатто урушнинг сўнгги умидсиз кунларидаям калласини йўқотмай, ҳеч нарсадан кўркмай ўлимнинг юзига тик қараганча дадил-дадил буйруқ берадиган офицер ўрнида тасаввур қила бошлади...

Хубернинг қутилмаган оҳангда гапириши Герцегни ростдан ҳам довдиратиб қўйди. У мана бу такаббур пруссиялик чол шундай вазиятда раҳм-шафқат тилаб ялпира бошлайди, деб ўйлаган эди. Герцег Хубердан кўзини ўзмай иситиш батареясига яқинлашди. Қалбинишг қаеридандир унинг амрига бўйсун деган нидо келиб турарди. Батареяга қаради-ю, у ерда радиопередатчик билан микрофон яшириб қўйилганини кўрди. Герцег ҳайрон қолганидан, хатто хуштак чалиб юборди. Чап қўлини чўзиб кафтига жо бўладиган митти передатчикни суғуриб олди.

— Адашмасам, «А» типидан. Биз бунақасидан фойдаланмаймиз.

— Мен фойдаланаман ва уни бошқаларига қараганда сезгирроқ ҳамда ишончлироқ деб биламан. Унда тўлқин узунлигини истаганча ўзгартириш мумкин, рақияни беш километр масофадан жуда типик қабул қилади.

— Бу техника сизга нима учун зарур бўлиб қолди?

— Қандайдир йўл билан мендан ўч олишга ҳаракат қилишларингизни билардим, — деди Хубер. — Умуман олганда-ку, менга бунинг фарқи йўғ-а, ёш эмасман. Ёшимни яшаб ошимни ошаб бўлдим — энди чарчадим. — У аста-аста ишонч билан ганирар, унинг сўзларида самимийлик, хаяжон уч бериб турарди. — Ҳа, ҳа, мен яшашдан чарчадим. Лекин ўғлим ўз отасини сотқин бўлган экан деб юришини истамайман. Мен сизга шафқат қилиш деб ёлворганим йўқ. Мени, хатто ҳозир ҳам бамайлихотир туриб ўлдиришингиз мумкин. Лекин сизни огоҳлантириб қўйишим керак, ўйлаган режангиз барбод бўлди. Менинг ўлимимни маҳаллий ҳокимият олдида «номаълум қотилларнинг қўли билан содир бўлган», деб кўрсатолмайсиз. Магнитофон лентаси Вальтер Герцегнинг овозини ёзиб олди ва уни тезда фон қилиб ташлайди. Менинг ўлимимдан кейин бу лента ишончли қўлларга тушади ва тегишли органлар ҳақиқий қотиллар ва сотқин-

лар ким эканлигини, бу сотқинларнинг разил режаларини кимлар барбод этмоқчи бўлганлигини осонгина билиб олишади. Ҳозир мени нима қилмоқчи эканлигингизу қандай яширинмоқчи бўлаётганигиз, ҳатто қизиқтирмайдиям.

Герцег ўйланиб қолди. Унинг ўзига бўлган ишончидан асар ҳам қолмади. У ўзининг тузоққа, тузоқ бўлган даям чиқиб кета олиш амримаҳол бўлган тузоққа тушганини тушуниб етди. Ахир Шлайсиг: «Герцег, ниҳоят даражада хушёр бўлинг. Хубер ишига пишик одам. У билан учрашганингизда фақатгина мушт билан тўппончанигина эмас, ақлини, фаросатиниям ишга солиш керак», деб огоҳлантирган эди-ку, баттар бўл энди. Мана, ҳозир Герцег Хубернинг қаршисида микропердатчикни чақгаллаганча нима қилишини билмай гаранг бўлиб турарди. Ишнинг бунчалик тескари тус олиб кетишини у албатта, илгари хаёлига келтирмаганди. Энг ёмони шуки, Браун билан унинг маслаҳатчилари адашишди. Барча далиллар Хубер сотқин эмаслигидан дарак бериб турарди. «Шу қадар ҳам галварс бўламанми, ахир, — деб ўйлади у. — Браунга ишониб юрибман-а. Браун билан Шлайсигларнинг Хубер ўлдирилишидан ўз манфаатдор жихатлари бор эди. Ўзларига зиғирттак ҳам шубҳа тушмаслиги учун иложи бўлса бу иш «темир панжара ортида» амалга оширилиши керак эди. Энди бўлса, Браун ҳам, Шлайсиг ҳам бари гапларидан тонишади, ҳатто уини, Герцегни айблашлари ҳам мумкин. Шу дақиқаларда эҳтимол, ўзгача йўллар билан ўзи ва Еллинекни сотиб венгер давлат хавфсизлиги органларига маълум қилишган бўлсалар ҳам керак. Бу билан улар фақат Хубердангина эмас, ўзларидан — энг хавфли гувоҳлардан ҳам қутулиб олишади...

— Приёмник билан магнитофон қаерда? — бақирди Герцег.

— Мен сизга бор гапни айтдим. Энди эса, мени ўлдириш-да, қочиб қолинг. Жонингизни сақлаб қолинг, кўлингиздан келса.

Хубернинг кескин жавоби унинг юрагига баттар гулгула солди. Чоли тушмагур, ростдан ҳам ўлимдан кўркмайди чоғи.

— Қани, тур ўрнингдан! — бўқириб юборди Герцег. — Тез!

Шу он хонага отилиб Лиза кириб келди. У эшикдан кирибок:

— Жаноб Хубер!.. Иш чаток. Жаноб Хубер!.. — дея кичқириб юборди.

Шундан кейингина қўлида тўппонча ушлаб турган кишини кўрди. Лиза нима киларини билмай турган ерида қотиб қолди. Кейин тўппонча оғзи унга қаратилганини кўриб ўзини пана қилгандай бир қўлини юқори кўтарди.

— Хубернинг ёнига туринг! — совуқ охаигда деди Герцег.

Лиза бўйсунди.

— Хўш, нима бўлди? — сўради Герцег.

— Бу фақат жаноб Хуберга тегишли гап, — жавоб берди аёл.

— Шундай бўлса-да, азизим, бу гапни менга ҳам айтасиз. — Герцег кутқу солиб Лиза томонга бир қадам ташлади.

— Яна тентаклик қилишингизни маслаҳат бермасдим, Герцег, — хотиржам деди Хубер. — Сиз эса, менга шимани маълум қилмоқчи эдингиз, гапираверинг. Унинг олдида айтаверсангиз бўлади.

Лиза бир бўлак телетайн лентасини узатди.

— Сиз венгерча ўқишни биласизми? — сўради у Герцегдан.

— Йўқ.

— Унда мен буни немисчага таржима қилиб бераман. «Полковник Карага. Отто Хубер билан Рейтер агентлигининг Вена мухбири Вальтер Герцегларни қамокқа олиб, зудлик билан Будапештга келтиришингизни буюраман. Шчки ишлар вазири тоншириғига биноан генерал-майор Хамоши...» Марҳамат, ўзингиз ўқиб кўринг.

Герцег унинг қўлидан қоғозни олди-да, тез-тез кўз югуртириб чиқди. Мана унинг исми: Вальтер Герцег, мана Хубернинг номи. «Ха, кўнглим сезгани бу сафар ҳам тўғри чиқди, — деб ўйлади у. — Кўриниб турибди, Браун кутиб ўтирмабди...»

— Бу қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди? — сўради у Лизадан.

Лиза унга хафа бўлгандек қиёфада назар ташлади.

— Сиз билан умуман гаплашини истамайман.

— Бундан чиқди, Герцег, — деди Хубер захархапдалик билан. — Сиз бу ердаги шарт-шароитни яхшилаб ўрганиб чиқолмансиз. Бўлмаса, Лиза хоним полковник Каранинг ишончли одамилигини, шу билан бир вақтда унинг менга ҳам ишлашини билган бўлардингиз. Энди эса ҳамма нарсани барбод қилаёзганингизни кўриб тургандирсиз. Умуман олганда, агар рўйхатга синчиклаб назар ташлаган бўлсангиз, у ерда ўн учинчи агент кўрсатилмаганини сезгандирсиз. Бундан шуни англаб етишингиз мумкинки, бу рўйхат фақат Лизанинг ўзи учунгина тайёрланган, ахир бу маълумотлар кимдадир сақланиши керак-ку...

— Мен бунга фақат олдиндан минг доллар бериб қўйиш шarti билан розилик билдирганман, — деди Лиза. — Меннелъ ваъда берганиди, лекин тўламади...

— Хоним, мендан ҳаммасини оласиз.

Герцег бу гапларни аслида нима ходисалар рўй бераётганини унчалик тушуниб етмай эшитарди. Унинг эсига Адам Рустамнинг Шалго хақида айтган гаплари келди. «Дунёда нималар бўлмайди дейсиз... Агар Рим папасини яхшилаб текширса, унинг ҳам большевикларнинг аенти бўлиб чиқиши ҳеч гапмас». Ҳа, Хубернинг таъналари замирида бошқа гап бор экан-да. Оқсоқол ростдан ҳам полковник Каранинг муҳитига ўз агентини киргизишга муваффақ бўлибди. Бу аёлни ёллагандан кейин унинг учун агентура тармови рўйхатини тайёрлабди. Ҳақиқий ҳол мана шундай бўлса эхтимол. Бу мантқиққа тўғри келади, унда мени нима жин уриб юрибди! — фикр қилди Герцег. — Хубернинг Браунга маълум қилган гаплари ҳам мантқиқан тўғри. Браун билан Шлайсиг Меннелни ўлдиришганларини жуда яхши билишса керак. Хубер ўз шифровкасида машинанинг шикастланганлигини маълум қилганда Браун билан Шлайсиг операция қўтилмаган вазият вужудга келгандан кейингина барбод бўлган, деган хулоса чиқара олишлари керак эди... — Шундан кейин Герцег ўз хўжайинларидан нафратланиб кетди. Корчалонлар ўзларининг гаройиб виллалари ёки шинам квартираларида хавф-хатарсиз таралла-бедод қилиб ўтиришибди, қандайдир лайчалар улар учун жопларини фидо қилганлари билан неча пуллик ишлари бор. Ахир улар учун бизлар бор-йўғи ижрочилармиз, холос!

Герцегнинг борган сари жаҳли чиқавсрди. — Бекорларни айтибди! Осонликча жон бериб бўпман! Жонимиз бизга ҳам Браун билан Шлайсигдан кўпроқ ширин... Демак, бунинг йўли битта: Хубер билан келишиш керак. Ҳозир қўрқадиган жойим йўқ, Хубер мени қулатолмайди. Унда ўзи ҳам мен билан бирга қулайди. Мана бу аёл олиб келган буйруққа қараганда ўлим иккимизнинг ҳам бошимизга ўз қўланкасини солмоқда...»

— Аёл сизнинг агентингизми? — аниқлаб олмоқчи бўлди Герцег.

— Ҳа, худди мана шу Браунга ёқмаган эди, — жавоб берди Хубер.

— Гапимга қулоқ солишг. Грета хусусидаги гина-кудуратимизни бир ёққа қўя турайлик. Мен разиллик қилганмап. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Агар мана шу аёл айтган гап рост бўлса, унда, иккаламиз бу ердан иложи борича тезроқ қочишимиз керак. Биргалашиб қочишни таклиф қиламан, бўлмаса иккаламиз бир-биримизни ҳалок қилишимиз мумкин. Ҳал қилишг!

Хубер жавоб беришга улгурмасданок суҳбатга Лиза қўшилди.

— Сизни, жаноб Хубер, яшира оламан, мана бу жанобни эса, ҳечам иложим йўқ.

— Униям яширин зарур, Лиза, — қатъий деди Хубер. — Ўзингиз учун. Агар уни тутиб олишса, сизни сотиб қўяди.

— Бу ёғини ўйламабман, — ўйланқираб деди Лиза. — Афсус. Уни шундай ёмон кўриб кетяпманки.

— Сизни тушунаман, — қўшилди Хубер. — Барибир ҳам унга ёрдам бериш керак.

— Валақлашиб бекорга вақтни чўзаямиз, — уларнинг гапини бўлди Герцег. — Тезроқ бўлинг, қаерга ишчиринамиз?

— Сизни вино сақланадиган ертўлага яшираман. У ерни ҳеч ким қидирмайди. Бир-икки кун ўтира турасиз. Овқатни ўзим етказиб тураман. Ҳужжатларниям ўзим тўғрилайман. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин бу ердан эсон-омон чиқиб кетсангиз керак. Бўладими?

— Бўлади.

— Бунинг учун яна минг доллар тўлайсиз, — деди Лиза. — Текинга мушук офтобга чиқмайди.

— Пулни оласиз, — ваъда берди Хубер. — Лекин Еллинекнинг ҳоли не кечади? Униям бирга олиш керак эди.

— Қасрда ўша Еллинек деганингиз? — сўради Лиза.

— У бизни бу ердан олти километр нарида мотоцикл билан кутиб турибди. Тош йўлининг қирғоқ томон ажралиш жойида. Эҳтимол ҳозир ёмғирда сувга пишган товукқа ўхшаб қолган бўлса керак.

— Менимча энг тўғри йўл шу, — Хубер Герцегга мурожаат қилди. — Лиза хоним нима деса кулоқ қоқмай бажар деб икки оғиз хат ёзиб берсангиз. Сиз эса, хоним, борасиз-да унга хатни тонширасиз.

— Майли, — розилик билдирди Лиза. — Лекин шуниси борки, уям минг доллар қўйиши керак. Марка бўлсаям майли. Энди эса, юринглар, мен сизларни яширишим керак. Тўппончани ташланг, — Лиза Герцегга ўтирилиб талаб қила бошлади. — Яхшиси, менга бера қолинг. Ёнингизда тақиқланган нарса бўлмаслиги керак. Ертўладан чиққанингизда қайтиб бераман.

— Асло! Қуролни бермайман!

— Унда шу ерда ўтираверинг, — кескин қилиб деди Лиза. — Бу сизнинг ишингиз. — Шундай деб у равонга чиқди. Ёмғир борган сари зўрайиб борарди. Лизанинг қулоғига Хубер билан Герцегнинг бўғиқ овозда қаттиқ тортишаётгани кирди.

— Мана тўппонча, хоним, — деди шанғиллаб Герцег равонга Лизанинг олдига чиқаркан.

Лиза динамик билан кучайтирилган махфий аппаратдан Герцегнинг товушини эшитди-ю, қотиб қолди. Мана бир неча кундирки, улар Шалго иккиси ўз аппаратлари орқали бирон бир муҳим гап эшитармикимиз, деган умид билан яшашар, лекин уларнинг бу умидлари пучга чиқиб ётар эди. Шалго ички шуур билан Хуберда бир гап бор, ишонмасанг онт ичаман, деб юрарди. Бу фикр мутлақо хаёлидан чиқмасди. У Меннелни ўлдириш билан боғлиқ бўлган бутун машмашаларда Хубер асосий роль ўйнаган деб ҳисобларди. Шунинг учун Карага ўхшаб унинг кўрсатмалари чинлигига мойиллик у ёқда турсин ларрачаям ишонмасди.

— Назаримда, ҳар парсадан шубҳа қилавериб, бадгумон бўлиб қолганга ўхшайсан, жонгинам, — дерди Лиза. — Умуман машинанинг ичида рация борлигиниям, Меннелнинг жосуслигиниям Хубер билмаган бўлиши мумкин. Ахир «Ганза» фирмаси жосуслик билан бирга чинакам савдо-сотик ишлариниям олиб борган-ку. Нима учун энди Хуберни бу ерга фақатгина битимга қўл қўйишу, Меннелнинг жасадини ватанига олиб кетиш учун келган деб тасаввур қилиши мумкин эмас? Агар у Меннелнинг сирини фош этган экан, нега энди у буни ўз хўжайинлари билан алоқани узиш учун сидқидилдан қилди деб ишонмаймиз?

Шалго ўйланкираб эътироз билдирди.

— Биз рацияни топганимиз Хуберга маълум бўлиб қолди. Бинобарин, у Венгриядалигида биз уни мунтазам кузатиб юришимизни жуда тўғри тасаввур қилган. Тўғрироқи, ўзининг «сидқидилдан» берган кўрсатмаси оқибатида биз уни кузатишимизни бас қилишга эришмоқчи бўлган.

— Эҳтимол, — қўшилди Лиза. — Лекин нега шундай қилмоқчи бўлган? Агарда унинг мақсади Меннелнинг ўрнига битимга имзо чекишдан иборат бўлса, кузатишларимиз билан неча пуллик иши бор? Агар у бундан

хам бошқа бирон иш қилиши керак бўлса, ўз-ўзидан нима қилмоқчи эди, деган савол туғилади.

— Балки бу, Меннель амалга оширолмаган топширикни бажариш бўлсамикан? — тахмин қилди Шалго.

— Оскар, азизим, гапимга ишон, бу тахмин жуда кулгили, — эътироз билдирди Лиза. — Унда Хубер Меннель олган топшириқ нимадан иборатлигини айтиб бермаган бўларди.

Лекин Шалго ҳам бўш келмади.

— Меннель Хубер айтган нарсадаи бошқа топшириқ олмаганлигини қаердан биласиз? Бунинг устига, ниманиям айтиб берди у? Венгрияда агентлар бор эди. Ким ўша агентлар? Бойлик яширилган? Лекин у қаерда яширилган? Уни гитлерчи офицер — майор яширган. Бироқ унинг номи нима эди? Бу ишга венгер қиз, унинг эри ва онаси аралашган. Гап бу ерда эҳтимол, Беата Кюрти ва унинг онаси ҳақида кетаётгадир. Эҳтимол, улар мутлақо бошқа одамлардир.

Улар узок баҳслашишди, бир-бирига чигалдан-чигал саволлар беришди, кейин уларга жавоблар излашди. Шалго бир маҳал шундай деб қолди:

— Лиза, бизда мана шуидай ажойиб япон аппарати бор экан, кел, уни бир синаб кўрайлик. Биздан нима кетди.

Ана шундан кейин Лиза бориб меҳмонхонадаги радиаторнинг орқасига гапларни тасмага ёзиб олиб эшиттириб турадиган динамикли мосламани ўрнатиб келди. Шундан кейин улар нима бўлишини сабр билан кута бошлашди. Аввалига аппарат тасмага Хубер билан Каранинг гапларини ёзиб олди. Бу суҳбатни эшитишгандан кейин Лиза Оскарга:

— Мана, кўрдингми, азизим, сен адашяпсан, — деди.

Шалго қовоғини солганча жим ўтирди. «Эҳтимол, мен адашаётгадирман, — деб ўйлади у тасмани икки марта қайта кўйиб эшитгандан сўнг. — Барибир Хубернинг ўтмиши билан яхшилаб танишиб чиқиш керак. Қизиқ, нима учун Кара шу давргача ўз давлати хавфсизлик органилари билан алоқа ўрнатгани йўқ? Кейин Шалго ҳисоблашга тушиб кетди. Хубер бир минг тўққиз юз ўн учинчи йилда туғилган эди. Ўттиз учинчи йилда йигирмага кирган ва у офицерлар мактабида ўқиган. Ўттиз бешинчи йилда офицер бўлиб чиқиши лозим. Ўттиз

тўққизинчи йиллар атрофида бош штаб мактабини битириши мумкин. Кейин уни Будапештга командировка қилинган, Шалго ўша йиллардаги герман элчихонаси ходимларини хотирлади. Лекин барибир Хубер деган номи эслолмади.

Эртасига Шалго ўзининг адашганини яна алам билан тан олишга мажбур бўлди. Кечқурун Кара унга Домбадан олган маълумотларни кўрсатди. «Биз Берлиндан қуйидаги маълумотларни олдик: инфантерия генерали Отто фон Хубер асли шарқий пруссиялик, генерал фон Хубер бош штабнинг Шарқий фронтида оператив гуруҳини бошқарган. Офицерларнинг антифашистлар ҳаракатига қўшилган. Гитлерга суиқасд қилишда иштирок этган. 1944 йил ёзида қамокқа олинган ва қатл қилинган. Хотини Анна Мария Хубер ўз-ўзини ўлдирган. Аёлининг акалари Рудольф билан Хорст Крюгерлар иккаласиям офицер бўлишган ва Дазауда йўқ қилиб юборилган. «Бранденбург» танк дивизиясининг штаб бошлиғи СС майори Отто фон Хубер намоёнкорона ўз отасидан воз кечган. Жаловланмаган. Берлилик дўстларнинг маълумотига қараганда, ҳозирги найтда Фарбий Германияда истикомат қилди. «Гаиза» савдо фирмасининг Гамбург бўлими мудури. Урушдан кейин Гелен разведкасида ишлаган деган маълумотлар бор. Унинг хотини Грета Хубер 1967 йили Кёльн яқинида автомобиль ҳалокатида ўлган. Хубернинг ўғли Эрнст Хубер — университет талабаси. Отто Хубернинг узок қариндошлари бор. Улар Хубер билан борди-қолди қилишмайди».

«Нима ҳам дердик, одам хомсут эмган, адашиши табиий», — деб ўйлади Шалго. Улар Лиза иккаласи Хубернинг гапларини эшитишни қўйишмади, лекин барибир бирор натижа чиқмади. Тўғрироғи, бунинг натижаси, Хубернинг фойдасига бўлди. Ўз шубҳаларидан воз кечолмаган Шалго бир куни Лизага шундай деб қолди.

— Менга кара, балки у микрофони тониб олиб роса устимиздан кулиб ётган бўлса-чи?

— Оскар, жуда бемаза одамсан-да, ўзингам.

— Бўлган-турганим шу. Мен унга жилла қурса битта агентини фох қилгандан кейингина ишонаман, нега энди Хубернинг ҳамма сўзларига ишонишим керак экан?

Худди шу куни Хубер чет эл паспортини олиши ва боши оққан томонга чиқиб кетиши эвазига агентура тармоғини айтиб беришга қарор қилганини айтгандан кейин Лиза Шалгога тапташвор қараб қўйди.

Энди Оскар Шалго эътироз қиладиган ҳеч нима қолмаган эди. Кара ва унинг ўртоқлари суюниб юришган иайтда Шалго барибир юрагининг қаеридадир бу ишлардан қониқмаслик ҳиссини туяверди. «Менга нима бўлди ўзи! Қани энди менинг шубҳаларим остида бирон гап борлигини ўз-ўзимга исбот қилиб берсам, кошқийди! Мағлуб бўлганимни жимгина бўйшимга олишимга нима халақит берапти ўзи? Умуман, жаноб Хуберга менинг нима давошим бор?» деб юарди.

Шалго Кара билан машинада кетаркан, унга кўнглидаги шубҳаларини айтиб берди. Масалан, Хубер ўттиз саккизишчи ё ўттиз тўққизинчи йили венгер тилини ўрганганлигини айтган эди. Шу ростмикин? Албатта, тил ўрганнишга бўлган қобилияти, яхши хотираси бордир, дейлик. Венгер тилини жуда севар, чунки ҳалигача венгер тилидаги кўн нарсаларини ўқиб, венгер муҳожирлари билан гаплашиш иложи топилди дегунча имкониятини қўлдан чиқармагандир. Яна бир гап: нима учун Хубер Балатонфюрעדга бориб қабристонни кезиб юрди? Қизик, бунга Хубер нима деб жавоб бераркан? Шундай дейиши мумкин: «Тўғри, жаноблар, бу одамга жуда ғалати кўринадди, тап оламан. Лекин ҳар кимнинг ўзига хос дарвешлиги бўлади. Бировлар гугурт этикеткасини териб юради, баъзилар қариганда карта ўйнайди, бошқа бировлар, масалан, менга ўхшаганлар эса, қабристонни зиёрат қилиб юришни хуш кўришади. Одатда, мен бирон шаҳар билан танишмоқчи бўлсам ишни шундан бошлайман». Унда биз шундай деб сўраган бўлардик: «Нега бўлмасам, шу давргача энг чиройли Балатонэмёд қабристонини бориб кўрганингиз йўқ?» — Тўғриси, нега шу вақтгача бормадим ўзи? Кун бўйи бекорчиликдан зерикиб ётсам...

— Хуллас, унга ҳечам ишонгинг келмаяптими? — кулиб деди Кара.

— Ҳечам, — тан олди Шалго. — Менга нима бўлаётганини ўзим ҳам тушунолмаяпман. Эҳтимол, қариётган бўлсам керак, Эрнё. Энг кулгилиси шундаки, доим факт

ларга ишониб юрган одам бу сафар нима учундир фактлар бир ёкда қолиб, қалбимга, шууримга ишонишман. Билиб туришман, бу фирт бемаънилик, лекин шундай бўлса, нима қилай? Нега у Гаваиа самолётига билет олиб беришни талаб қилди?

— Браун ва унинг одамларидан кўрқяпти.

— Бу тушунарли. Унинг ўрнида мен ҳам кўрққан бўлардим. Лекин у Кубада нима қилмоқчи?

— Менам билмайман. Ўзидан сўра. Тўғри, менга маълум бўлишича, Прагадан учган бу самолёт Канадага қўниб ўтаркан. Хубер ўша ерда қолиб кетиши ҳам мумкин.

— Бу демак, Браундан у қадар ҳам кўрқмаслигини билдиради.

— Қулок сол, Шалго, — деди Кара кулиб. — Нега бунчалик ҳамма нарсани мураккаблаштираверасан? Биз ундаи агентларнинг рўйхатини оламиз, уни яхшилаб ўрганиб чиқамиз, у ёғи бир гап бўлар кейин. Меншелни у ўлдирмаган. Венгрия олдида унинг айби йўқ. Кўявер, тўрт томони қибла, кетаверсин. Уёғини олсак, Браундан қандай қилиб яширишини унинг иши... Дарвоқе, сен Салаининг хонасидан топган табрик телеграмманинг маъносини чақдим. — Кара ички чўнтагидан Шалго бир вақтлар телеграмма матнини ёзиб олган қовозини чиқарди. — Мана, кара. Мен кодни осонгина топдим. Иккинчи қаторнинг бош ҳарфидан бошлаб ҳар еттинчи ҳарфни олиб кўшиб бораверасан. Шунда «Эмёдда» деган сўз келиб чиқади. Бу Эмёдда кутамаи дегани. Айтмоқчи, мен табрикномани нима учун ўн бешинчида ёзиб ўн еттинчида жўнатганларининг ҳам маъносини билиб олдим. Ўн етти билан ўн бешнинг орасидаги фарк — икки, яъни бу иккинчи қаторга қара дегани, кейин ўн еттига иккини қўшасан — ўн тўққиз бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табрикнома эгаси бизнинг Салаини Эмёдда ўн тўққизинчи кунни кутган. Тўғриси, Меншель фақатгина Салаи билан эмас, бошқа учинчи одам билан ҳам учрашмоқчи бўлган. Эҳтимол, Сильвия биландир. Лекин Сильвия дегани Меншелнинг ўз лақаби бўлиши ҳам мумкин...

— Ҳа-ха, — деди Шалго чўзиб. — Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Қизиқ, бунга Салаининг ўзи нима деркин? Илтимос, Балинтга қўнғироқ қил, Фельмери иккаласи уни Сильвия борасида сўроқ қилишсин.

Шалго Фельмерига телефон қилиб полковникнинг топиширини айтди. У Балинтни маҳаллий кенгашлар биносидан топди. Майор ўз ходимларига жавоб бериб юборди-ю, қувончимга шерик бўл, муҳим маълумотларни қўлга киритдик, деб Шалгонни ўтиришга таклиф қилди. Унинг ходимлари меҳмонхона ва мотель қайд дафтгарини қайта тафтиш қилиб, қандайдир Эрих Фокс деган мюнхенлик антиквар¹ меҳмонхонага ўн бешинчи июль куни келганини аниқлашди. У ўзига ўттизинчи июлгача хона банд қилиб қўйган экан, лекин йигирманчи куни қасргадир изсиз ғойиб бўлибди.

— Бу ажабтовур янгилек, — деди Шалго. — Сенинг одамларинг ўн саккизинчидан кейин меҳмонхонадан ҳеч ким кетмаган деб полковник Карага маълум қилишганди-ку.

— Хато қилишган, — жавоб берди Балинт. — Гап шундаки, Фокс ўттизинчигача меҳмонхона ҳақини олдиндан тўлаб қўйган экан. Йигирманчи кун кечқурун кетаётиб хонага ҳеч кимни киритманглар, уч кундан кейин қайтиб келмаган, дея тайинлабди. Лекин қайтиб келмаган. Бундан бир неча дақиқа муқаддам Хедеш-халомдаги чегарачиларимиз билан гаплашдим. Улар берган маълумотларга қараганда Эрих Фокс чегарани йигирманчи июль куни ярим кечага яқин кесиб ўтибди. Энди Фокс Меннель билан таниш бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш қолди. Охир-пировардида иш Салаи ростини айтган бўлиб ниҳоясига етадиган ўхшайди.

Шалго Балинт билан баҳслашини лозим топмади, бунинг устига, бу тахмин анча асосли қўринарди. Чунки Меннель бойликни топган, Фокс эса, пайт пойлаб уни ўлдирган ва бойликни олиб шоша-пиша Венгриядан чиқиб кетган бўлиши мумкин. Айтгандай, пулни бир неча кун олдиндан тўлаб қўйиш — гарблик савдогарнинг ашворига хос бўлмаган бу хусусият, мана шу ҳол тахминларимизни тасдиқлайди.

— Балки, бу тўғридир, — деди Шалго Балинт кеттирган далиллар уни заррача ишонтирмаган бўлса-да. — Ҳозир гап ундан ҳам муҳимроқ нарса устида кетяпти.

У шундай деб майор Балинтга полковник Каранинни топиширини айтди.

¹ Нобел китоблар ва ангина буюмлар билан савдо қилувчи киши (*тарж.*)

— Хархолда, Салаини Сильвия хақида сўроқ қилаётганингизда ундан Фоксни сўрашнинг унутманг, — деди Шалго.

— Мен билан Весиремга саёхат қилишни хоҳлайсизми? — деб сўради Балинт. — Келинингиз жуда қувонган бўларди-да...

— Иложим йўқ.

— Қаерлардан сўрасак? Ахир бу ерга полковник Каранинг тошшириғини билдиргани келмагандирсиз?

— Тўғриси айтсам, Фюредга бормоқи эдим, бу ерга эса сениям бирга олиб кетишга кўндирмоқчи бўлиб тушгандим.

— Фюредда нима бор экан?

— Мен Хубер Фюредда асли нимани қидирганини аниқламоқчи эдим. Энди эса биз учун муҳимроғи Салаи. Балинт кулди.

— Зап ғалати одамсиз-да, — самимийлик билан деди у. — Хар кимда ўзгача хаёл, ўзгача шуур. Мени, масалан, Тибор Сюч, Беата Кюртилар ҳаммадан кўпроқ қизиқтиради. Сизни эса — Хубер. Келинг, эртага бора қолайлик, хўпми?

Шалго лабини қимтиб елка қисиб қўйди.

— Балки бунга эҳтиёж ҳам қолмас. Агар Хубер бизга агентларнинг рўйхатини берса, муаммолар ўз-ўзидан еншлади-қолади.

Шалго билан майор Балинт иккаласи суҳбатлашаётган пайтда Лиза мехмонхонадаги дераза раҳига ўтириб олганча Табори вилласидан ёзиб олинган магнитофон тасмасини эшитарди. «Энди нима қилдим, аксига олиб бир ўзим-а!» — Хубер билан Герцег орасида бўлаётган суҳбат охангидан Хуберга ўлим чанг солаётганини сездию, ташвишга тушиб қолди. Афтидан, Герцег Таборининг уйига Хуберни ўлдириш учунгина келган эди.

Табори вилласидаги суҳбат эса, борган сари кескин тус ола бошлади.

«...Эсингизни йиғинг, Вальтер. Биз бу ерда ёлғиз омасмиз».

«Йўқ, ёлғизмиз. Тамоман ёлғизмиз, Хубер».

— «Қўшнилар-чи?»

«Улар ҳеч нимани эшитишмайди. Туринг ўрнингиздан. Бу ёкка келиб чўнтагингиздаги бор нарсаларни чи-

қариб ташланг. Чаққонрок. Пиджагингизни столга ташланг».

Лизадан совуқ тер чикиб кетди. «Нимадир қилиш керак. Зудлик билан. Факат саросимага тушмаслик лозим. Бундан ҳам баттар ҳолларга тушганман-ку, ахир, — ўзи-ўзига далда бера бошлади у. — Хубер, эҳтимол рўйхатни тузиб ҳам қўйгандир, агар у Герцегнинг қўлига тушса, биринчи бўлиб рўйхатни йўқотади. Бунинг олдини олиш керак! Лекин қандай қилиб? Қани энди қўлимда куролим бўлгандами! Аста бориб маза шу Герцег деганини шартта отиб ташлаш мумкин эди...»

Лиза митти магнитофоининг аста айланаётган ғалта-гига қаради. «Домбаи!» — бирдан шу сўз унинг эсига келиб қолди. Лиза зудлик билан зарур рақамларни терди.

— Ўртоқ Домбаи кабинетида йўқ, — котибанинг овози эшитилди. — Ҳозир қидириб топаман. Илтимос, гўшакни қўймай туринг.

Лизага соатлардай туюлган бир неча дақиқа ўтди. У дикқат қилиб Герцег билан Хубер орасида бўлаётган баҳсга кулоқ тутди. Ниҳоят гўшакдан Шандор Домбанининг таниш овози эшитилди.

— Салом, Лиза! Нима гап?

Лиза худди Таборининг вилласидагилар эшитиб қоладигандай у ерда содир бўлаётган ҳодисани Домбаи га пичирлаб гапириб берди.

— Ҳозир овозини сал кўтараман-да, гўшакни динамикка яқинлаштираман. Шандор, уларнинг овозини эшитиб япсанми?

— Жуда яхши эшитяпман.

— Нима қилай?

— Шошма, сал ўйлаб олай.

Овоз келаётган динамикда тўнолон бўлиб кетди. Афтидан, Таборининг вилласида стулми, ўриндиқми улоқтирилди.

— Нима бўлди у ерда, Лиза?

— Билмадим, муштлашишган бўлса керак.

— Менимча, Герцег Хуберни урди чоғи, — тахмин қилди Домбаи.

— Эҳтимол, хўш, мен нима қилай?

— Ўзингни бос, Лиза. Майли, улар маза қилиб гўшакни лашаверсин. Балки, бизга керак бўлган бирон гап чиқарсин.

қиб қолар. Бу гапларнинг барини тасмага ёзиб бориасанми?

— Ҳа.

«... Мен сизга барини тушунтириб бераман...»

«...Сиз сотқин бўлиб чиқдингиз...»

«Ана, — ўйлади Лиза, — демак, мен ҳақ эканман, Хубер «Ганза» билан алоқасини узишга қарор қилган экан. Нахотки у ростдан ҳам ўз хотинини ўлдирган бўлса?»

«... Шифрниям эрмакка очиб ташлаганмидингиз?»

«Шундай қилишим керак эди».

«Бунинг учун қанча қистиришди?»

Яна бўғиқ зарба овозлари эшитилди.

— Эшитаянман, Хубернинг роса таъзирини беряпти, — деди Домбаи. — Лиза, қуролингиз борми?

— Ҳеч нима йўқ.

«... Иститиш батареясининг олдига боринг, кейин орқасига қара!» — Хубернинг овози эшитилди.

— Хонасида эшитадиган аппарат борлигини Хубер билганмиди? — сўради Домбаи.

— Билган экан-да, — жавоб берди Лиза.

— Унда Эрнёга айтиб қўйинг, қош қўяман деб қўз чиқарган экансизлар.

— Буни Эрнё билмайди хали. Эшитиш аппаратини у ерга ўзим ўрнатгандим.

— Барибир мўлжалга уролмабсизлар... Алло... Лиза, нима... бўлди?

— Герцег микрофонни тониб, передатчикни ўчириб қўйди.

— Расво бўлди... жин урсин!.. Лиза, шонманг, жойингиздан қимирламай туринг.

Шу он телетайп ишлаб кетди. Домбаи нима қилмоқчи бўлганига тушунолмади Лиза тасмадаги матнга кўз югуртирди.

Ёмғир дераза ойнасини ноғора қилиб чаларди. Шамол дарахтларни шу қадар катта куч билан эгиб юборардики, улар илдизи билан қўпорилиб кетишига бир баҳя қоларди.

— Лиза, — гапларимни диққат қилиб тингланг, — телефон гўшагида яна Домбаининг овози жаранглади. — Бугун продангиз, кудратингизни тўплаб мен айтганимни бажаринг. Ҳозирок Таборининг вилласига йўл олинг-да,

Герцегнинг кўзига Хубернинг агенти бўлиб кўрининг. Тушунарлими?

— Тушунарли.

— Герцег ишониши муқаррар.

— Агар ишонмаса-чи?

— Ишонади. Хубер хатти-ҳаракатингиздан дарров илғаб оладию, ўзи ёрдамга келади. Бу орада мен Вес-прем билан боғланиб зудлик билан сизга ёрдам учун оператив гуруҳи юборишларини топираман. Бўладими, Лиза?

— Бўлади. Барибир бошқа иложимиз ҳам йўқ.

— Қўрқянсизми?

— Қўрқяпман.

Албатта, бу холдан у даҳшатга тушганди, лекин Дом-баи нима деб уқтирган бўлса ҳаммасини худди шундай ўринлатиб амалга оширдик, оқибатда тузилган режа кўнгилдагидек қилиб бажарилди.

Казмер қўлида чамадон, келиб Лизанинг эшигини тақиллатди. Ёмғир энди тўхтаган, ҳаво мусаффо эди.

— Ана момақалдироғу, мана момақалдирик! — деди у дўл узиб кетган повдаларга қараб. — Жаноб Хубер қаёққа кетганини билмайсизми?

— Менимча, меҳмонхонага кетган бўлса керак.

— Калит-чи? Сизга ташлаб кетмадимми?

— Ташлаб кетди. Ўзингни калитинг қани?

— Ойимда, — Казмер скамейкага ўтирди, чўнтагидан сигарета чиқариб чекди. Лиза ошхона столи галадонидан калит олиб Казмерга узатди-ю, яна хамир қоринига тушиб кетди.

— Меҳмон келмоқчими, Лиза хола?

— Кечқурун овқатга жаноб Хубер ташриф буюрмоқ чийди. — Лиза йигитнинг олдига келди-да, қўлини неси-бандига артди. — Сенга шуни айтиб қўяйки, ўғлим, бугун сенинг онанг, врачга кетдим деб мени алдади. Бир иш юзасидан гапланмоқчи бўлиб шу ердаги ҳамма врачларга телефон қилиб чиқдим, бироқ биронтасидан ҳам тополмадим.

Казмер соатига қаради.

— Лиза хола, у врачга кетмаган, — қовоғини уйиб деди Казмер, — черковга кетган.

— Черковга! — Лизанинг кўзлари шокосасидан чиқиб кетай деди. — Мени майна қилма, Казмер! Бутун

Балатонэмедни қидириб онанга ўхшаган дахрийни тополмайсан.

— Нима десангиз денг, лекин мен ҳақ гапни айтдим, — деди йиғит ва чуқур хўрсинди. — У динга ишонадиган бўлиб қолган ва яширинча черковга бориб туради.

— Анча бўлдимиз?

— Бир неча hafta. Унга нима бўлганини ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

— Нима, қариганда эси кирибдимиз? — хайқириб юборди Лиза ва табуреткага чўқди.

Казмер калласини ҳам қилганча дастурхоннинг попугини титиб ўтирар, гўё Лизанинг кўзига қарамаслик учун машғулот топиб олганига хурсанддек кўринарди.

— Кейинги пайтларда қандайдир асабий бўлиб қолди. Баъзи кунлари туни билан ухламайди. Хонада юриб чиқади. Оёқ товушларини эшитиб ётаман. Эрталаб тонг отарда олдимга кириб келади. «Казмер бошингни кўтар. Жуда ёмон туш кўрдим», дейди. Бу ердан зудлик билан кетишимни уқтиришга тушиб кетади.

Лиза қошини кўтарди.

— Кетишингни? Қасерга?

— Қасерга бўлсаям барибир, фақат бу ердан кетсанг бас, дейди... Мен сиздан сўрамоқчийдим... — Казмер ёлборувчи назар билан унга қаради. Лиза унинг бу боқинидан юрагида қандайдир ғулғула борлигини сизди.

— Айтавер.

— Илтимос, онамдан бохабар бўлиб турсангиз. Мен яқин кунларда командировкага кетаман. Москвага. Мен сиз бир ўзи жуда эзилиб қолади. Лиза хола, ойим сизни жуда яхши кўради.

— Менам уни яхши кўраман. Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Унга ўзим қараб тураман... Лекин сен кечки ошқатга турмай кетмоқчимисан? — сўради Лиза Казмер кетинишга хозирланаётганини кўриб.

— Ойимга бориб олиб келаман деб ваъда бергандим. — Казмер яна соатига қаради. — Мен кетай... Лиза хола, эшитгандирсиз, Еллинекни ҳибсга олишибди.

— Еллинекни? Ким ўзи у?

— Наҳотки билмасангиз? Рейтер агентлигининг фотомухбири, Венадан.

— Мен қаердан билай? Мени расмга туширмаган ва интервью олмаган бўлса. Нима учун уни ҳибсга олишибди?

— Йўлда чегарадан Будапештгача бўлган казарма ва ҳарбий объектларни суратга олганмиш, дейишди. Мехмонхонадагилар шундай дейишяпти.

— Уни қачон ҳибсга олишди? Ким олди?

— Бир соат муқаддам. Майор Балинт.

Шалго боғ йўли билан аста борарди. Унинг чехраси тунд, ниманидир қаттиқ ўйлаб кетаётгани билиниб турарди. Казмернинг саломига алик олиш ўрнига қўлини силкиб қўя колди. Равонга кўтарилди-ю, хотинини ўпиб қўйиб ўзини ўриндикқа ташлади.

— Лиза, муносивим, ичишга бирон нима бер, — деди.

Лиза унга бир стакан содали вино қўйиб берди.

— Сен эса, болам, ҳақ бўлиб чиқдинг, — деди Шалго Казмерга.

— Нимада?

— Полковник Карага Менселнинг ўлими ҳақида биринчи бор айтиб берувдинг-ку, у худди ўшандай қилиб ўлдирилган экан. Уни қирғоқда бўғиб ўлдиришган, кейин жасадни қайиққа солиб, қўлнинг ичкарироғига олиб боришгану ташлаб юборишган экан. — Шалго кўзини ярим юмиб ўтирарди, — қандай хатога йўл қўйганингни биласанми?..

— Ҳалиям ҳазиллашяпсизми?!

— Сен нима деб ўйловдинг. Ҳамма бир қарияга ҳазил қилаверади-ю, мен илдамая қолаверишим керакмиди? — у кўзини очиб Лизага қаради. — Илонка ўша воқеадан бир кун олдин Меннель билан машинада сайр қилганини сен билармидинг?

— Бўлмаган ган! — деди Лиза. — Ким айтди сенга буни?

— Ўн тўққизинчи кун соҳилда унинг Менселнинг машинасига миңганини ўз кўзи билан кўрган одам айтди. Геза Салаи. Айтгандай, у қирғоқда яна бошқа бирониям кўрган экан. Қандайдир йигит экан, у Илонканинг орқасидан жаҳл билан нимадир деб қичқирибди. Қва эса Менселнинг машинасига миниб кетворибди.

— Шунақа денг-а! — деди Казмер.

Уй олдида қаттиқ ғийқиллаб машина тўхтади, майор Балинт қайтиб келди. Казмер кетиш учун шопа-пинна

хайрлана бошлаган эди майор тирсагидан ушлаб тўхтатди.

— Йигитча, — деди у, — сизга иккита саволим бор эди. Ўн тўққизинчи кун кечаси Будапештда бўлганингизни ва Эмёдга соат ўндан кейин қайтиб келганингизни нима билан исботлай оласиз? Иккинчиси: йўлда машинангиз бузилиб қолиб сиз уни тузатганингизни бирон кимса кўрдими?

— Сиз ўн тўққизинчи куни Будапештда тунамаганим, йўлда машинам бузилиб қолмагани ва Эмёдга соат ўндан вақтли кириб келганимни нима билан исботлайсиз?

— Бугун эрталаб менинг иккита ходимим сизнинг шаҳар уйингизнинг олдида у ерга профессор Табори келишини кутиб туришди-да, у келгандан кейин биргалашиб уйга киришди. Шуни айтишим керакки, улар эшикни очгач, нарсаларнинг устидан босиб ўтгунча анча халак бўлишибди. Буларнинг ичида ўн саккизинчи числодан олдинги газеталар, олдинги кунлар муҳри босилган хатлар ётган экан. Ўн тўққизинчи кун кечаси уйга келиб, сизнинг уларни дахлиздаги гиламнинг устидан олиб қўймаганингиз одамнинг тасаввурига сифмаяпти.

— Мен адвокат эмасман, — бир оз ўйлаб олгач деди Казмер. — Агар мен судда гапирганимда, мана шу газета ва хатларни эшикнинг ёрикчасидан кеча эрталаб ташлаб кетишган бўлиши мумкин-ку дея қораловчига эътироз билдирган бўлардим.

— Манави почта хабарномасини хамми? — сўради Балинт чўнтагидан бир қоғозни чиқариб. — Марҳамат. Бу сизнинг номингизга юборилган.

Казмер посилка келганини хабар қилиб юборилган почта қоғозини қўлига олди. Унга почтанинг ўн саккизинчи число муҳри босилган эди. — Хўш, бунга нима дейсиз?

Казмер почта бланкасига яна бир бор қаради-ю, уни майорга узатди.

— Бу сизга, олаверишингиз мумкин, — калласини қимирлатди майор.

Казмер хабарномани шонмасдан чўнтагига солди.

— Кетаверсам бўладими? — сўради у.

— Ҳа, бўлади, — жавоб берди майор Балинт.

Казмер чамадонини олиб, ҳеч ким билан хайрлашмай чиқиб кетди.

— Уни хафа қилиб қўйдик-ку, — деди Шалго.

— Миклош, сиз ҳам Казмердан шубҳаланяпсизми? — деб сўради Лиза.

— Геза Салаидан қанча шубҳаланаётган бўлсам, ундан ҳам шунча. Иккисиям алдаяпти... Хубер қани? Кечикадимми деймай?

Шалго соатига қаради.

— Ҳозир келади. У бугун ухладими? — галати қилиб сўради у Лизадан.

— Озгина. Шунча кун сурункасига миқ этиб овоз чиқармаганига энди тушундим, — жавоб берди Лиза ва хонага кириб кетди.

Балинт таъвишланган қиёфада пешанасини тириштирганча уларнинг биров тушуниб етолмайдиган суҳбатига кулоқ тутди.

— Нима ҳақда гаплашяпсизлар? — сўради у Шалгога қараб.

— Шундай... арзимас иарсалар... Биз Лиза иккала миз битта тажриба ўтказяпмиз.

Шу он қўлида миттигина япон магнитофонини унлаганча Лиза кириб келди. У магнитофони авайлаб столга қўйди-да, мурватини буради.

«...Шифрнияям эрмакка очиб ташлаганмисиз?»

— Бу кимнинг овози? — ҳайрон бўлиб сўради Балинт.

— Жаиоб Вальтер Герцегники, — жавоб берди Лиза.
«Шундай қилишим керак эди...»

«Бунинг учун сизга қанча қистиришди?»

Бўғиқ зарба овози эшитилди-ю, сукунат чўкди. Ордан бир оз вақт ўтгандан кейин микрофонда, яъни Хубернинг хириллаган овози эшитилди: «Иситиш батареясининг олдига боринг, кейин орқасига қараинг».

Шалго секин хуштак чалиб юборди.

Бир неча бор босилган қадам товуши келди, узокдан келган момақалдиरोқнинг гулдираши ва чиқ этган овоз эшитилди.

— Передатчикни ўчириб қўйди, — тушунтирди Лиза. Балинт ҳайрон бўлиб Шалгога қаради.

— «Техника»ни у ерга сиз ўрнатдингизми? — сўради у.

— Орт ичаман, мен эмас. Қўлим шунақанги йўғонки, батареянинг орқасига сиғиб бўпти.

— Шалго, менга қаранг, тентакликни бас қилинг! — Балинтнинг қовоғи солинди, энди ундан яхшилик кутиб бўлмасди.

— Айтяпман-ку ахир, мен эмас деб, Лиза қилди буни.

— Лиза, шу гап тўғрими?

— Биласизми, бу ҳол қандай содир бўлди, — гап бошлади Лиза. — Мен уйни йиғиштираётиб ўша нарсани топиб олувдим. Кейин Оскарга кўрсатдим. У бўлса ашшарат ишлайди деди, мен эсам ишламайди, деб туриб олдим. Шундай қилиб баҳс бойлашдик...

— Баҳсда мен ютиб чиқдим, — жумлани тугатди Шалго. — Омадим чоңди.

— Нега бу ҳақда полковник Карагами ё менгами мик ютиб овиз очадингизлар?

— Худо шохид, унутибмиз. Орт ичаман, Миклош, тамоман эсдан чиқиб кетибди. Аввал ёдимдайди, кейин унутиб қўйибман. Хўн, жуда ғалатимасми? — У Лизага ўғирилди. — Демак, ашшаратчамизни Герцег олганди дегин?

— Вой! Намунча одамни ерга уравермасанг, жонгинам, — аччиқланганнамо жавоб берди Лиза. — Ўйинчонимизни ундан тортиб олганман. Мана буниям, — Лиза пешбандининг остига қўлини тикди-да, қўйлагининг чўнтагидан Герцегнинг тўппончасини чиқарди. — Эҳтиёт бўлинг, ўқланган, — Лиза тўппончани Балинтга узатаркан сохта жиддийлик билан сўради: — Миклош, сиз харҳолда уни қандай тутишни билсангиз керак, деб ўйлайман. Ё ўргатиб қўяйми?

— Кўриб турибман Лиза, сиз ҳам баъзан ўз эрингизга ўхшаб одамни қонига ташна қилиб юборасиз-да. Хубер қани?

— Вино ертўласида.

— Менинг ёруғ юлдузим! — деди хотинига эркалаб Шалго ва уни ўзига тортиб ёноғидан ўниб қўйди.

— Герцег қочиб кетдимми? — сўради Балинт.

— Миклош, сиз ҳам мен ҳақимда ёмон фикрдасиз! Мен улар иккаласини вино ертўласига қамаб қўйганман.

— Бундай қилишга қандай кўнглинг борди, жонгинам?! — Ўзини жаҳли чиқиб кетгандай тутиб хитоб қилди Шалго ва хотинига қаттиқ тикилди. — Чет эл мухби-

рини уйга кулфлаб кўйишнинг оқибати нима бўлади?
Буйруқсиз, жилла курса ёзма кўрсатмасиз!

Лиза чўнтагидан бир варақ чиқариб майорга узатди.

— Мана буйруқ, телетайп билан берилди. У Каранинг номига.

— Генерал-майор Ходоши? Бунақасини эшитмаганман. Ички ишлар вазирлигида бунақа генерал йўқ.

— Лекин Шандор Домбаини билсангиз керак, албатта? — сўради Лиза.

Балинт кулиб юборди.

— Тупшунарли. Энди тушунарли. Қандай бўлди, айтиб берсангиз-чи ахир.

Лиза узоқ ялинтириб ўтирмади.

— Мени эмас, Домбаини табриклаб унга мишнатдорчилик билдиришлар... Мен бўлсам булар бари сизларга маълум деб ўтирибман. Елликни ҳибсга олиш учун топширишни Домбаидан олганингиз йўқми?

— Ундан олдик. Лекин у менга бундан бўлак ҳеч нима дегани йўқ... Лекин Хуберни нега қамаб кўйдингиз?

— Шундай қил, деб Домбаи маслаҳат берди. Эхтимол Герцег Хуберга муҳим бир нарсани айтиб қолар? Ахир Герцег ҳали куни битганига шубҳа қилмайди. Қамокдан қутулишини, ҳатто қочишига ёрдам беришимни кутиб ўтирибди.

Майор Балинт Вальтер Герцегни қамади-ю, Хубер енгил нафас олди. Лекин бўлиб ўтган ходисалар уни шу қадар довдиратиб қўйган эдики, хатто томоғидан ҳеч нима ўтмади.

— Агар сиз бўлмаганингизда, хоним, купим битган эди, — деб ҳар икки гапнинг бирида Лизага миннатдорчилик билдирарди.

— Энди бари ортда қолди, жаноб Хубер, — деди Шалго, оғриётган оёғини укаларкан, — полковник ҳаммамизнинг ҳамимизни еганига энди ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилгандирсиз. Биз сизни ҳар дақиқада эҳтиётлаб турамыз. Эшитадиган аппаратниям сизнинг хатарсиз яшашигизни кўзлаб қўйгандик.

— Бу ёғи менга қоронғи, — ўйланқираб туриб деди Хубер. — Лекин мазкур ўринда жуда иш берди. Мана рўйхат, — у шундай деб чўнтагидан буклоғлик қоғоз олиб узатди. — Унда ўн иккита ном бор. Ўн иккита пароль ҳам. Таги қизил билан чизилганлар — гуруҳнинг раҳбарлари.

«Бу қанақа одамлар бўлди экан? — ўйлади Шалго қоғозга қараб туриб. — Ватани сотишга уларни нима мажбур қилди? Бойиш иштиқими? Мажбур этишганми? Бир соатдан кейин Фельмери Будапештга жўнайди. Герцег билан Еллинекни ва мана бу рўйхатниям олиб кетади. Кечаси Кара ва унинг одамлари «Хирмон кўтаришади». Хуберга эса эртага хужжат берилади ва у хотиржам Прагага йўл олади».

— Жаноб Хубер, сизга битта саволим бор. Мана шу агентларнинг ичида Сильвия лақаблиси қай бири эканлиги сизга маълум эмасми?

— Сильвия — бу агент эмас. Бу Меннель операциясининг шартли номи. Бу тўғрида полковникка айтаман деб ёдимдан кўтирилибди.

— Тушунарли, — калласини қимирлатди Шалго. — Сал бўлмаса Сильвия бор одам деб тушунаёзибман.

— Мен ҳам бир нимани сиздан сўраб олмоқчийдим, — ҳаяжонлангани барала сезилиб деди Хубер. — Мен бу ерга келганимдан буён сиз ҳақингизда кўп гапларни эшитдим. Баъзи бировлар сизни ғалати, дарвешнамо бир одам деб таърифлашади. Бунинг, албатта, менга алоқаси йўқ. Шу билан бошқа бир гапниям эшитдим: сиз жаноб полковник билан дўсти қадим эмишсиз. Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман. Биласизми нима учун?

Шалго айёр прусс гапнинг даромадини қаёққа олиб қочаётганини билиб кулиб қўйди.

— Буни ҳеч бўлмаганда полковник кетаётиб агар бирон гап бўладиган бўлса сизга мурожаат қилишимни тайинлаганидан ҳам билиш мумкин. Демак, полковник дўстидан бошқа одамга бундай ишни ишониб топширмайди.

Ташқарида ҳаво ўзгарди. Шамол туриб булутларни ҳайдаб кета бошлади. Осмон ёришиб уфққа бош қўйган қуёшнинг қизғини шуъласи кўзга ташланди.

— Ҳа, — тасдиқлади Шалго. — Адашмадингиз. Бил ростдан ҳам у билан қалишмиз. Лекин нима учун бу нарса сизни бу қадар қизиқтириб қолди?

Хубер назарини шифтга қаратди.

— Кўнглимдаги гапни очиқ айтишим керак, — наст овоз билан деди у. — Ҳаёт сизни ҳеч кимга ишонмайдиган қилиб қўйган, жаноб Шалго. Мен сизни тушунаман. Меннелнинг кимлигини билганингиздан буён менгаям ишонмай қўйгансиз. Бу нарса мен учун фожиа билан ниҳоясига етиши мумкин. Сиз агар истасангиз дўстингизга шундай таъсир кўрсата оласизки, бу мен учун ўлим билан баравар бўлиши мумкин. Шунинг учун, жаноб Шалго, сиздан Меннелни мен фош қилганлигимни унутмаслигингизни ўтиниб сўрайман, «К — олтинчи» гуруҳидаги агентларни сизларга мен фош қилдим. Сизнинг ишончингизни қозониш учун яна нималар қилишим керак? Мен ўз ўтмишимдан воз кечиб, рostaкамига янги ҳаёт бошламоқчиман — буни тушунишингиз керак. Рухиятимда содир бўлаётган ўзгаришларни бошқаларга нисбатан фақат сиз тўғри тушуна олишингиз мумкин. Менга маълум бўлишича, сизнинг бошингиздан кечган воқеалар ҳам меникига ўхшаш бўлган экан. Ёки бўлмасам, «нариги томондан» келган одамларнинг худди шу йўлни тутган бошқа кимсаларга умрининг охиригача

ишонаслиги, шубҳа билан қараши бир қонуниятми? Тарихча шафқат қилмай деворга тираб қўйинчи тўғрими? Сўрашга рухсат эдинг, қайси қонунга биноан?

Хубернинг кутилмаганда гапирган гаплари Шалгонинг бағрини тилиб кетди-ю, бутун хотираларини эсига солиб юборди. Бир вақтлардаги Эриё Каранинг сўзлари кулоқлари остида жаранглаб кетди: «Оқсоқол, эсингда бўлсин, ҳақиқатни излаб топган битта сен эмас. Бошқалар ҳам шу йўлни тутган бўлишлари мумкин. Сен бизга қоронғи, тор кўчаларда адашиб юра-юра келиб қўшилдинг. Биз сени ўз сафимизга қабул қилиб олдик. Бизнинг ҳақиқатимизнинг қудрати шундан иборатки, сен бизга келгушингча босиб ўтган йўлдан ҳам анча олис йўлни босиб ўта олади».

— Сиз ҳақсиз, жаноб Хубер, — жиндай тантана аралаш деди Шалго. — Ўз туйғуларимга асосланиб полковник Карага таъсир ўтказмасликка ваъда бераман. Кўришиб турибдики, бир оёғим тўрда, бир оёғим гўрда бўлиб қолган. Лекин шуни билиб қўйингки, мана шу чигалнида битта парса мешга тишчлик бермай келди. Сиз Менцелининг машинасини текширганингиздан кейин биз у ердаги махфий передатчикдан хабардор бўлганимизни дарров билдингиз. Буни билмаганингизда нима бўларди? Булар бари хусусида бизга ўзингиз айтиб берган бўлардингиз, ё йўқми?

— Мен жавоб беришга тайёр турган ва ҳеч нима билан исбот қилолмайдиган саволлардан биттаси мана шу, — жавоб берди Хубер ва қўшиб қўйди: — Албатта айтган бўлардим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг: «Ганза» билан алоқани узиш фикри менда шу пайтдагина пайдо бўлган эмас. Сал ўйлаб кўрсангиз, дарров тушуниб olasiz. Агентурани фош қилишга мени ҳеч нима мажбур қилгани йўқ. Мана, кўриб турганингиздек, мен шу ишни қилдим.

— Сиз ҳақсиз.

Кўчадан машина тормозининг вийқиллаган овози эшитилди. Машина эшиги очилиб тарақлаб ёпилди. Орадан бир неча дақиқа ўтди-ю, хонага Фельмери кириб келди ва Хубер кетини учун Шалго билан хайрлаша бошлади.

— Дам олинг, — деди у хайр-хўшланиб, — ҳар ҳолда мен бир-биримизни тушуниб олган бўлсак керак деб ўйлайман.

Хубер хотиржам бўлиб чиқиб кетди. Фельмери гарчанд ўзини тетик тутишга ҳаракат қилсаям қаттиқ ҳолдан тойганлиги сезилиб турарди.

— Шалго амаки, бу ерда ғаройиб ҳодисалар содир бўлибди деб эшитдим, ростми?

— Ҳа, бизнинг сокингина тепалигимизда жиндай тўполон бўлиб ўтди, — тасдиқлади қари изкувар. — Шамол туриб қолди-ю, тўхтатишининг иложи бўлмади. Каттиқ чарчадингми?

— Йўр-а. Очиққанман.

— Айтмоқчи, марказга бориб келишингга тўғри келади. Зудлик билан. Бир рўйхат билан иккита «чапани» йигитни элтасан.

— Тан олишдими?

— Билмадим. Улар билан Балинт шуғулланапти...

Шалго ошхонага қараб, Лизага меҳмоннинг қорнини тўйдир, дея қичқирди.

Фельмери жон-жаҳди билан овқатга ўзини урди-ю, олдига қўйилган таомни бирпасда паққос туширди.

— Салаидан бирон нимани аниқлай олдингми?

— Ҳамма нарсани инкор қиляпти. У Сильвия ҳақидаям, шифровка ҳақидаям ҳеч нима билмас экан.

— Алдабди, аблах. Тонаётгани энди аниқ бўлди. Сильвия дегани нима эканлигини билдинг келяптими? Операциянинг шартли номи. Буни амалга ошириш Меншелнинг вазифаси бўлган экан. Бунга сен нима дейсан? — сўради у лейтенантдан.

— Менимчаям Салаи алдаётганга ўхшайди. Бу Салаи деганингиз дақс. Петер Кюртипинг ҳам қизи билан, ҳам хотини билан ўйнаш. Тахминимча, уни Меншель Италиядаёқ ёллаган. Ўтган йили.

— Ҳа, шундай бўлса керак. Лекин кейин нима бўлган?

— Кейинми? — ўйланқираб деди Фельмери ва давом этди. — Нималар бўлмаган бўлиши мумкин. Уларнинг хат ёзиб туришгани аниқ. Салаи Меншелнинг топшириқларини бажариб юрган, у эса қўлга киритган маълумотларни олиш учун вакил юбориб турган.

— Сенга Меншель Салаини яна бошқа биров билан боғламоқчи бўлгандай туюлмаяптими? Хубердан олинган рўйхатда бир нечта гуруҳнинг раҳбарлари бор. Эҳтимол Салаини ҳам мана шулардан биттасига топшироқчи бўлишгандир?

— Нега равонга чиқиб ўтирмайсизлар, — деди Лиза хонага кириб келиб, — ташқарида шундай ҳаво яхшики!

— Ха, дарвоқе! Чиқамизми? — деди Шалго, лекин Фельмери уни бир ишора билан тўхтатди.

— Жўнашимдан олдинроқ Илоқкаларникига бирров кирмокчи эдим. Сиз, Оскар амаки, иш бўлмаса ўртоқ Балиитга кўнғироқ қилиб, мени олиб кетиш учун Худакларникига келишини айтсангиз жуда миннатдор бўлардим.

Фельмери ширин таом учун уй бекасига миннатдорчилик билдириб сакраб зинага тушди-ю, Худакларнинг виласига югуриб кетди.

— Боланинг калласи ишлайди! — орқасидан бош ирғаб қўйди Шалго. — Фариштам, айт-чи, Герцегни хибсга олишаётганда унинг ёнидаги ҳамма қоғозларни олишдими?

— Битгасидан бўлак ҳаммасини олишди.

— Қайсинисидан бўлак?

— Сен Балиитга кўнғироқ қилиб тургунинггача мен магнитофон лентасида суҳбатнинг ўша жойини топай...

Лиза кўшини хонага кириб кетди. Шалго майор билан гаплашаётганда у магнитофонни кўтариб чиқиб келди. Шалго Герцегнинг овозини дарров таниди: «Бу яна қанақа чизма бўлди?»

— Суҳбатнинг бу қисми яхши эсимда, — деди Шалго магнитофонни ўчираркан. — Худди мана шу чизма ҳақида сендан сўрагандим.

— Герцег столнинг устида ётган қоғозларнинг ҳаммасини олмокчи бўлаётган эди, — деди Лиза. — Фақат унга мен халақит қилиб қолдим. Ундан портфелни тортиб олдим-да, ичидан чизмани аста суғуриб олиб қўйдим. Назаримда бу чизмани илгариям худди Меншелнинг столи устида кўргандай эдим.

— Меншелнинг-а?

— Нима, унутдингми? Унинг хонасини «назардан» ўтказиб қўй деб ўзинг юборгандинг-ку. Ўшанда машинани текшириш учун гаражга кетгандинг, мени эса Меншелнинг хонасига жўнатгандинг.

— Бу ўша чизмами?

— Билмайман. Лекин ҳар эҳтимолга қарши олиб қўйганман. Нимайди?

Шалго Лизага Хубер билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни гапириб берди.

— Менинг назаримда ҳамма гапини дилдан айтгандай бўлди. Бари ҳақиқатга тўғри келади. Шундай бўлса-да... уни кўрганимда, гаплагганимда ҳар сафар вужудимни ғалати туйғулар қамраб олаверади.

— Чарчабсан, Оскар, — деди Лиза эрига меҳрибонлик билан. — Биласан-ку, мен ҳам улардан жирканаман. Хубер борасида ҳам шундай. Лекин унинг Герцег билан суҳбатини эшитдим, шу он «Гапза» уни йўқотишга қарор қилганини тушуниб етдим. Шундан кейин унга раҳмим келиб кетди...

— Хаммаси тўғри, — тасдиқлади Шалго. — Агар сен бўлмаганимда бу каллакесарлар Хуберни аллақачон саранжом қилишган бўлишарди. Шундай бўлса-да, у назаримда Менцелнинг қандай ўлдирилганлиги борасида бизлардан кўра кўпроқ нарсани биладигандай. Ҳатто уни ким ўлдирилганини билсаям керак. Масалан, Фюред қабристонидан нимани излаб юрган? Тўғри, бу саволга юзта жавоб топиши мумкин. Лекин мен юз биринчисини излаяман. Мана бу тасмани икки бор қўйиб эшитдим. Унда ҳали жумбоқ бўлган ва шу жумбоқлиги билан мени ташвишга солаётган нарсалар бор.

— Эсингни еб қўйибсан, Шалго! — вайсади Лиза.

— Эҳтимол. Бўлиши мумкин.

— Гапларимга кулоқ сол. Хубер ўз хонасига микрофон ўриатганимизни билиб олган. Тўғри, Герцег Хуберни мушкул ахволга солиб қўйганди. Лекин барибир у бир дақиқа бўлса-да, микрофонни эсдан чиқармаган. Ва ниҳоят сўнгги чорасини ишга солган. Шунисиям борки, у нима гапирган бўлса, ҳар бир каломини ўйлаб микрофон учун, сену мен учун гапирган. Сени ташвишга солаётган парса шуми ахир? Ўн учинчи агент борлигини айтди. Буни ўша онда хаёлига келган дейлик. Агар Хубер Брауннинг назари бўйича хоин бўлмаса, уни ўлдиришларига нима ҳожат бор эди?

— Билмайман. Ҳозирча билмайман. Мана шу билмаганим чаток. Бировни ўлдириб юборишди, қотил изсином-нишонсиз йўқолди. Бу ҳол учта мажнунтол остидаги бурунда содир бўлганлиги энди аниқ. Из йўқотилган. Геза Салаи эса, оқибатини ўйламай оғзига келганини вайсаяпти. Алдагандаям жуда усталик билан алдаяпти,

чунки қилган жиноятларининг яккаю ягона гувоҳи ўлдирилганлигини билади...

Шалгонинг фикриини ташқаридан келган овоз бўлиб юборди. Уни олиб кетиш учун келган машина сигнал чалиб қолди. Орадан ўн дақиқа ўтгач, у посёлка кенгашида ўтирар ва Вальтер Герцег билан Еллинекка хўмра-ийиб қараб қўярди.

— Қани, жаноб Герцег, Венгрияга қандай топширик билан келганингизни генерал Шалгога баён қилиб беринг, — деди майор Балинт Шалго кириб келганда.

— Генерал? — дея ўйлади Герцег. — Мана шу бакалоқ генерал бўлганлигини нима учун Адам Рустам айтмади? Нахотки, буни унинг ўзиям билмаган бўлса? Та-нин биз Еллинек иккалаамиз уни қаҳвахонада виски билан меҳмон қилмоқчи бўлиб юрибмиз-а! Ха, ўшанда қария мени суратга олиш мумкин эмас, деб бекорга огоҳлан-тирмаган экан. Э, жип урсин! Энди бўлари бўлди, бўёғи синди!»

— Биз, жаноб генерал, Отто Хуберни ўлдириш ҳақида буйруқ олгандик.

— Биз дема, сен! Бир ўзинг! — унинг габини тўғри-лашга шошилди Еллинек. — Бунақа буйруқни мен олганим йўқ. Менга сенинг топшириқларингни бажариш юк-ланган эди.

Капитан Варади жавобини таржима қилмоқчи бўлган эди, Шалго бир ишора билан уни тўхтатди-ю, ўзи немисчалаб Еллинекка деди:

— Бу ҳақда сиз судга ахборот берасиз. Умуман, сиздан гап сўраган найтдагина гапиринг. Миклош, — у майор Балинтга мурожаат қилди. — Бор, йўлга ҳозир-лик қўр. Мен эсам ҳозирча булар билан суҳбатлашиб турай. Буданештга ўзингга бирга борсанг ёмон бўлмас-ди. Булар ахир ёлланган қотиллар, ашаддий каллакесарлар. Фельмери яхши йигит. Лекин унинг тажрибаси йўқ. Сен эса бошлиқсан: вазият тақозо қилганда қандай қилса тўғрироқ бўлишини биласан. Менда эса бошқа — Хубер билан алоқа қилиб туришдек топширик бор.

Шалгонинг кейинги гаплари Балинтнинг кўнглини кўтариб юборди, шундай бўлса-да, унинг маънос қиёфаси юрагига вашлик солди. Чикиб кетаркан ҳар эҳтимолга қарини ўз ходимларидан биттасини каллакесарларга қўриқ-чи қилиб қўйиб кетди. Қари изқуварки уларни «калла-

кесарлар» деб атаган экан, демак, уларга кулоқни динг килиб туриш керак.

Шалго савол беришда давом этди:

— Нима учун Хуберни ўлдириш зарур бўлиб қолди?

— Менга Шлайсиг фақат шуни айтдики, Хубер соғкин экан. Далил-исботлар Браунда. Жаноб генерал...

— Мен генерал эмасман. Давом этинг.

— Яхши, жаноб десам бўлар, ҳақиқатни гапирсам айбим снгиллашадими?

— Мен судья эмасман, — деди Шалго. — Лекин судья эътиборга олса керак, деб ўйлайман. Бу умумий қоида.

Герцег ёқасини очиб ташлади.

— Бўпти, бўлгани бўлар. Билиб қўйинг: Хубер — «Ганза»нинг ахборот тармоғи офицери. Ўтмишда Гелсеннинг хизматқори бўлган. Мен у билан беш йил муқаддам танишганман. У бизга қўпоровчилик ишлари асосидан дарс берарди. Бу соҳанинг энг устаси фаранги хисобланарди.

— Унинг хотини ҳақида гапирган гапларингиз ҳам ҳақиқатми?

— Ҳа, у менинг ўйнашим бўлган. Унинг ўлими ҳақидаги гапларимга келсак — бу менинг тахминим. Грета Хубернинг ўлими битта менгагина шубҳали туюлгани йўқ. Айтмоқчи, Браун Хубердан шубҳалана бошлаганига анча бўлди. Буни, ҳатто менга Гретанинг ўзиям тириклигида айтган эди?

— Браун унинг нимасидан шубҳаланади?

— Бу тўғрида мен билан гаплашмаган.

— Грета-чи?

— Грета айтган эди. Хубернинг қариндош-уруғлари Шаркий Пруссиянинг аллақасерида яшашаркан. Унинг ўғли сўл талабалар билан ош-қатик бўлиб қолиб, Кубага қочиб кетибди. Тўғри, буларга жиддий тус бериш ярамайди. Бундай ҳоллар ён-веримизда тўлиб-тошиб ётибди. Лекин жиддийроқ ўйлаб кўрадиган нарсалар ҳам йўқ эмас. Масала, Хубер бор бойлигини сотиб, пулини аллақандай чет эл банкларидан биттасига қўйибди.

— Нима, қочмоқчи бўлибдимиз? — аниқлаштириди Шалго.

— Ҳа.

— Ундай бўлса, нима учун Браун унинг ниятини кўра-била туриб бу ёкка юборади?

— Бу — факат Брауннинг ўзигагина аён, — кулди Герцег.

— Икки оғиз гапирсам майлими? — худди мактаб боласидек қўл кутариб сўради Еллинек. — Менимча, улар бизни роса чув туширди. Браун дегани — бу ўтакетган айёр тулки, бунақанги айёрга умримда рўпара бўлмаганман. Браун Хуберни буёкка жўнатган экан, бунинг ўзига хос сабаблари бўлиши керак. У ҳеч қачон таваккал билан иш қиладиган одам эмас. У ютуғи кўришиб тургандагина ишга қўл уради. Шундай бўлмаганда Хуберни буёкка юбормаган бўларди.

— Сафсата! — унинг гапини бўлди Герцег. — У Хуберни шу ердагина ўлдиришимиз учун жўнатди. Хубер Браунга халакит қилиб қолган эди. Ходимнинг кўздан йироқ жойда йўқолиши қулай-да.

— Эхтимол. Лекин бунақа ўйинни жиним суймайди, — тан олди Еллинек.

Бундай ўйин Оскар Шалгогаям ёкмай турган эди. Агарда «Ганза» фирмасининг аппаратидаги одамлар Хубернинг ниятини билишган ёки жилла курса унга шубҳа билан қарашган бўлса, унда нега бу ёкка жўнатишди?

— Хуберни қандай қилиб ўлдирмоқчи бўлган эдингиз? — сўради у.

— О, бу жуда пухта ўйланган эди! Мен Менпелнинг машинасини милиция хали олиб кетмаганини билардим. Машинага Хуберни ўтқазардим-да, Еллинек мотоциклда кутиб турган жойгача ҳайдаб борардим. Ўша ерда Хуберни жой ростон қилардим. Ўзим Рудининг олдига етиб олишим билан машина ёниб кетишини ҳисоблаб мосламани ишга солиб юборардим. Бу ёғи энди техникага боғлиқ. Хубер қўйиб бир сиқим кул бўлиб қоларди. Ундан на из, на ном-нишон қоларди.

Шалго ҳузур қилганидан нафаси қисилиб қолаётган Герцегнинг гапларини эти жимирлашиб тингларди. Унинг имони комил эдики, ҳеч иккиланмай Герцег Брауннинг бундай вахшиёна режасини амалга оширган бўларди.

— Афсуски, шум кампир бутун режаларни барбод қилди. Унинг чўпчакларига лақиллаб ўтирибман. Лекин шуни билиб қўйингки, ҳар қандай одам ҳам у қўйган қопқонга тушарди. Унинг гаплари мендаги маълумотлар-

га ниҳоят даражада мос келган эди. Кампиришоларингиз ўтакетган артист экан!

— Сиз ҳозир ўзингизни бир мушт тарсаки едим деб хисобланг, — пешанасини тириштирди Шалго. — Ўша кампиришо — менинг рафиқам бўлади.

— Кечирасиз, жаноб...

— Ундан кўра, Сильвия ким экаилогини айтиб беришг.

— Билмайман, — калласини қимирлатди Герцег.

Қари изқувар малла соч Рудига назар ташлади.

— Эсимда, — деди у. — Меннел операциясини шундай деб аташга бўлса керак. Шлайсиг назаримда шундай дегаидай эди.

— Меннелни ким ўлдирди?

Каллакесарлар бир-бирларига қараб олишди.

— Билмайман — елкасини қисди Герцег. — Шунча гапдан кейин, бу иш Брауннинг қўли билан амалга оширилган дейишса ажабланмайман.

Улар Балинг билан бирга Фельмерини олиб келиш учун машинада жўнашгандан кейин Шалго майордан Будапештдан тезроқ қайтишини сўради. Қўлларига кишан солинган Герцег билан Еллинск орқа ўриндикда соқчининг қаттиқ назорати остида ўтиришарди.

— Мен экспертдан бармоқ излари хақидаги хулосани олдим, — Балинг янгиликни Шалго билан ўртоқланди. — Бизнинг тахминимиз тасдиқланди: йигирманчида назорат нуқтидан Австрияга ўтиб кетган муҳожир Меннелни бўғиб ўлдирган бўлса керак...

Герцег билан унинг биродари суҳбатни эшитаётгани учун қотилнинг номини айтмади.

— Бармоқ изларининг бунга қандай алоқаси бор? — хайрон бўлди Шалго.

— Меннел машинасининг нафақат кузовидан, хатто кўрсаткич асбобларидан ҳам, чарм ўриндиқлардан ҳам, багажникнинг ичларидан ҳам қандайдир номаълум кимсанинг жуда кўп бармоқ изларини топдик.

— Балки бу бирон-бир слесарнинг бармоқ изларидир. Таъмир қилгандаги.

— Тўғри. Лекин ўша слесарь қандай қилиб Меннелнинг хонасига кирган бўлиши мумкин? Чунки худди шундай излар у ерда ҳам топилди. Демак, у мархумнинг машинасинигина эмас, хонасиниям текшириб чиққан.

— Бу қизик ҳол, — қўшилди Шалго. — Табори хонадони аъзоларининг бармоқ изларини олганмидингиз?

— Ҳа-да. Лекин уларнинг бармоқ излари билан бу мос келмайди. Салаининг бармоқ изларини ҳеч қаерда учратмадик. Демак, қотил у эмас.

— Унда ким бўлади?

— Йигирманчи июлда чегарадан ўтиб кетган ўша нусха бўлиши керак. Калламни қўяман — ўша!

— Ҳали буни исботлаш керак! — деди Шалго. — Бармоқ изларини «Интерпол»га жўнатиб. Эҳтимол, сен ҳақдирсан.

Фельмери уй олдида ҳаяжонланган кўйи кутиб турарди. У ҳозиргина телефонда полковник Кара билан гаплашганини қувониб маълум қилди. Полковник ҳибсга олинганларни Будапештга майор Балинт кузатиб келишини, ўзи эса Шалго билан шу ерда қолишини, зарурат туғилиб қолса, унга ёрдам беришини тонширибди.

Фельмери Балинтга муҳрланган конвертни тонширибди-ю, хайрлаша бошлади.

Улар чирокни ёкмай равонда қоронғи тушгандан кейин ҳам алламаҳалгача ўтиришди. Қўл томондан эсиб турган шамол аҳён-аҳёнда ресторан отелидан узук-юлук мусиқа овозларини олиб келарди. Хонадон соҳибаси уф тортиб уларнинг олдига чиқиб келди-ю, сўради:

— Нима, бугун умуман ётмоқчи эмасмисизлар?

— Ҳали вақт эрта, менинг қувончим, — деди Шалго. У боядан бери Илонкадан бирон нима билолдингми деб Фельмерини роса сўроққа тутарди.

Фельмери қизнинг шаънига доғ туширадиган ҳолатдан бошқа Меннелнинг ўлими арафасида содир бўлган ҳамма гапни (энди у бу ҳақда Илонкадан руҳсат олган эди) айтиб берди.

— Ҳа, бу энди бошқа гап! — гап тугагандан кейин хитоб қилди Шалго. — Бундан чиқди, Меннель барибир эрталаб муҳим учрашувим бор деб қизга айтган эканда?

— Учрашув қаерда бўлади, ким билан — бу ҳақда дом-мим демаган. Демак, Казмер билан учрашмаган.

— Салаи олган табрикнома откриткаси билан Меннель учрашадиган номаълум кимса орасида боғланиш йўқмикин? — тахмин қилди Шалго.

— Салаи алдаяпти, — қатъий эътироз билдирди Фельмери. — Лекин у сал эсиши йиғиштириб олади-ю, тўғри-сиши айта бошлайди деб ўйлайман. Меннелнинг Фюредга тунги сайри ҳақида фикригиз қалай?

— Бу жуда галати! — деди Лиза. — Фюредга аввал Меннель бора бошлаган эди. Энди эса Хубер югургилаб қолди. Икки марта борди. Менимча, бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на килур.

Шамол йўналишини ўзгартирди. Пастекисликдан гармсел кела бошлади. Муסיқанинг ҳам овози ўчди. Борлик сукунат қўйнига чўмди. Шалго чироғи ўчмаган Табори вилласининг деразасига каради. «Фюредми? — такрорлади у ўзича. — Эмёдда содир бўлган қотилликка бу сокингина шаҳарчанинг нима алоқаси бўлиши мумкин? Агар Салаи Меннель билан аллақачонлардан буён жиний алоқада бўлган деб тахмин қилсак-чи? Унда мана-ви ашаддий жосус Фюредга муҳандис билан учрашши учунгина борадими? Учрашолмаганда кейин Салаига откритка жўнатганмикин? Меннелнинг тошшириғига биноан уни ким ёзган бўлади. Откритка Будапештдан ўн бешинчи июлда қутига ташланган. Меннель шу кун «Ройял» отелига етиб келган. Афсуски, откриткадан мухрдан унинг қайси соатда ташланганлигини билиш мумкин эмас-да. Шуниси борки, уни қутига Меннелнинг ўзи ташлаган бўлишиям мумкин. Лекин Меннель ўн тўққизинчида Салаи билан учрашган ва унинг Эмёдда етиб қолганини биларди. Демак, Фюредда унинг бошқа нилариям бўлган...»

— Меннель Фюредда машинани қаерда тўхтатганини Илонка эслай оладими? — сўради у лейтенантдан.

— У фақатгина йўл сал-пал балаидликка кўтарилиб борганини, узоқда қандайдир қизил чироқ ёниб турганини хотирлайди. У бу кардиология санаториясининг яқинида деб тахмин қиляпти.

— Меннель узоқ вақт ғойиб бўлиб кетибдими?

— Илонка буни билолмаяпти.

— Ўзинг ҳисоблаб кўрмадингми? — яна «сен» сирашга ўтиб таънаомуз деди Шалго. — Ҳисоблай олмадингми?

— Бу хозир ҳам кеч эмас. Улар Фюредда кечаси соат ўн икки билан учнинг ўртасида бўлишган.

— Казмер Худаковларнинг уйида шунча қолиб кетибдими?

— Ҳа, у Будапештда бўлган эмас.

— Лиза, мана, ўзинг айт-чи, — Шалго хотинига мурожаат қилди. — Мен сенга Меннелни Казмер Табори ўлдирган деб туриб олсам, ишонган бўлармидинг?

— Жоним, ўзинг биласан-ку, — ўйланқираб жавоб берди Лиза. — Мен шу ёнга келиб шунақалги нарсаларни кўрдимки, бирон нимага ажабланмайман.

— Йўк, Казмернинг бу ерда алоқаси йўк, — ишонч билан деди Фельмери. — Агар, мабодо Меннелни у ўлдирган бўлса, бу ишни рашик орқасида қилмаган бўлади.

Тош йўлда машина фарасининг ўткир нури яркираб кўринди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, машина Таборилар виллеси дарвозаси олдида тўхтади.

— Профессор! Мен эсам у эртага келади деб юрибман. Лиза, жонгинам, бориб Матэдан илгимос қилгин, машинасини бир соатга бериб турмасмикан.

— Эсингни еб қўйибсан! Ярим кечасида яна қасққа бормоқчисан?

— Фюредга, — жавоб берди Шалго. — Бирга борасанми? — Фельмерига қараб деди у. — Ё чарчаганмисан?

— Зарари йўк, рулда дам оламан.

Профессор Табори ҳам уйига ҳорғин ва очикқан бир алфозда қайтиб келди. Шунинг учун Бланканинг ҳали ухламаганини, иссиқ овқат тайёрлаб кутиб ўтирганини кўриб қувониб кетди. Тезда ювишиб чиқди-ю, столга ўтириб зўр иштаҳа билан овқатга ўзини урди, фақатгина овқатланаётганда Казмер қасрда, деб сўрай олди, холос.

— Ўз хонасида ҳалиям китоб ўқиб ётган бўлса керак, — деб жавоб берди Бланка. — Бунча ошиқмасанг, секинроқ еявер. Кейин тагин ошқозоним оғрияпти, деб юрасан.

— Оғринини бошлади. Эрталабдан буён. Асабийлашдим, ўзимни уриштириб қўйдим, бирданига тутди-қолди, — Табори катта бир қултум винони ютиб, бир бурда юмшоқ нонга ёғ суртди. — Нима учун Казмер ўзини бунақа тутаетганига ҳечам тушунолмаяман. Балки, сен биларсан, ёлгон гапиришга уи нима мажбур қилди? Ўн

тўққизинчи куни Будапештда бўлмаганига энди ўзим ҳам ишонч ҳосил қилдим.

— Қаерда бўлганини мен ҳам билмайман, — пешанасини ҳорғин силаб қўяркан шивирлади Бланка. — У бунини менга ҳам айтмади. Еявер овқатни. Қайласига негадир қўлингизга теккизмадинг, — деди Бланка маъюс акасига бокиб бўлиб ўтган ҳодисалардан қаттиқ ташвишланаётганини сезгач. Унинг юзлари сўлжайиб, қандайдир қорамтир тусга кириб кетган эди. — Қўп чекасан, — деди у, — нега муштуксиз чекасан?

Табори чўнтагини пайпаслаб қўйди.

— Биласанми, мен уни қаердадир тушириб қўйибман.

— Будапештда қолдиргандирсан эҳтимол.

— Йўқ-е, Будапештда бўлмаса керак, — эсанкираб қолиб тўнғиллади профессор. — Чунки бунини мендан Шалго кеча, шаҳарга тушишимдан илгари сўраганди.

— Бу қўланса сендан нималарни сўради, — ўзига ҳоҳ бўлмаган асабийлик билан хайқириб юборди Бланка.

— Нега сен чиройли муштугингни ишлатмай қўйдинг, деди. Шалгонини нега бунчалик ёмон кўриб қолдинг? У бирон нима деб сени хафа қилдими?

Бланка жавоб бермади. Табори синглисига тикилиб қаради: унинг гўзал чехраси кўзига ҳорғин ва қаримси бўлиб кўринди.

— Нималар бўлганини эшитдингми? — деб сўради Бланка тўсатдан овозида ҳаяжон оҳанги сезилиб.

— Қаерда, кимга? — сўради Матэ овқатни еб бўлиб ўриндикка суянаркан.

— Бизнинг меҳмонимизни оз бўлмаса ўлдириб қўйибди.

— Нималар деясан! Хуберни-я?

— Ҳа-да. Агар Лиза Шалго бўлмаганда у аллақачон у дунёга равона бўлган экан.

Кутилмаган бу янгиликдан лол қолган профессор осросималаниб синглисининг гапини тингларди.

— Қизик, жаноб Хубернинг ҳаёти хавф остида қолгани унга қаердан маълум бўлибди?

— Унинг савил эри — маҳаллий Шерлок Холмс меҳмонхонамизга қандайдир махфий магнитофон яшириб қўйган экан, шундан билибди. Ҳазабдан тарс ёрилиб кетган деяртаганининг боисини энди тушунгандирсан?

— Ҳа, куйгапингча бор экан! Бунга нима ҳаққи бор экан? Шунча ишларни қилиб қўйиб яна машина сўраб келибдими? — Табори ғазабдан қўқариб кетди. Чўнтагидан битта таблетка чиқариб сув билан ютиб юборди. — Йўқ, мен буни шундоқ қолдиролмайман! — профессор Табори ирғиб туриб хонада тез-тез уёқдан-буёққа юра бошлади. — Анчадан буён гапларимизни эшитиб юрарканми?

— Буни айтиб бўпти! Сўровдим, қариб қуюлмаган чол одатдагидек масхарабозлик қилди. Ҳатто биз унга бунинг учун раҳмат дейишимиз керак эмиш. Микрофон бўлмаганда, дейди, Хубер аллақачон у дунёда бўларди. Шундай деб тургандан кейин мен унга нимаям деёлардим.

— Мен ҳозироқ полковник билан гаплашман-да, уэр сўраттираман. Мен ҳали прокурорга шикоят қиламан. — Профессор Таборининг овози шанғиллаб чиқди. — Бу ишон шахсини топташ! Қонунни қўпол равишда бузиш!

Бланка акаси жаҳлдан тушиб гапдан тўхташини кутиб турди-да, кейин деди:

— Полковник Кара Будапештга қайтиб кетди. Улар бу ерда Хубер билан қандайдир бир битимга келинишди.

— Хубернинг ўзи қаерда?

— Ўз хонасида. Бу суиқасддан қаттиқ мутаассир.

Бланка уйнинг у бурчагидан бу бурчагига ғазаб билан бориб келаётган девдек бақувват акасига хавотирлашиб қаради.

— Матэ, сенга шуни айтиб қўяй, мана шу Шалғолар менга ҳеч қачон ёққан эмас. Шунга ишончим комилки, улар бизни кузатиб юриш учун атайлаб қўйилган. Разил таламислар! Сен бўлсанг доим уларнинг ёнини олганинг олган. — Унинг овози қалтирар ва зўр-базўр эшитиларди. Бланка ўзини тўсатдан ожиз ва нотавон сеза бошлади. — Эҳ, Матэ, акажоним, қийналиб кетдим. Юрагимни ховучлаб юраман! Баъзан ўзимни худди ўлимга маҳкум қилингандай сезиб кетаман... Бугун Фюредга бордим. Казмер манинада олиб бориб, кечқурун олиб келди. Қўп йиллардан буён яна черковга қадам қўйдим. Кириб, охирги скамейкага ўтирдиму ибодат қила бошладим. Шу он тўсатдан ўлгим келиб кетди. Шу ернинг ўзида, бирданига...

Синглисининг гапларидан хайратга тушган Матэ Табори унинг олдига келди-да, елкаларидан кучиб, далда берди:

— Синглим, нега бу кадар ғамгинсан? Сен ёлғиз эмассан. Ёнингда ҳар қачон мен борлигимни яхши биласан-ку.

Бланка унсиз йиғлади.

— Бунақа ҳаётнинг нима кераги бор? Турган-битгани ғам-алам, қўрқув, — унинг лаблари пичирлади.

— Бўлди. Бланка... — Матэ зўр-базўр шундай деёлди. Бир вақтлар синглиси танлаган фашист Моноштори сабабли дарғазаб бўлиб куйидагича хатни ёзмаганда Бланканинг ҳаёти мутлақо бошқача кечини мумкинлиги бирдан ҳаёлига келди: «Ўз туйғуларингни жиловлаб олишингни кутаман ва буни сендан талаб қиламан... Биз муҳаббатдан ҳам қўра миш марта муҳимроқ бўлган ишлар мавжуд даврда яшаймиз... Сен ё уни, ё мени дейсан, деган икки йўлдан бирини танлашни шарт қилиб қўйишимга мажбур қилисан. Сен бирини танлаб олишинг керак. Унинг қанақа одам эканлигини дўстларимдан эшитдим. Мен ўз дўстларимнинг гапига ишонаман. Шунинг учун айтиб қўяйки: у билан қўл бериб қўришини у ёқда турсин, танишинишям истамайман...»

Қаердадир узоқ-узоқларда тунги автобуснинг сигнали ёқимли эшитилди. Яна ҳамма ёқни сукунат қоплади.

— Синглим, куйинма, қўй энди. — Матэ Табори Бланкага кўнгил бериш учун бисотидан яна сўз топди. — Ўзингни қўлга ол! Биламан, сенинг олдингда гуноҳкорман. Барибир ўтинаман, кўп куйинаверма...

Албатта, булар бари чорак аср муқаддам эмас бугун рўй берганда, эҳтимол у ўзини ақллироқ, устомонроқ тутган бўлармиди. Лекин у бугун ҳам барибир ўз қўлини бир жаллод ҳамда қотилга чўзмасди. Ўтмишдан фол очишининг нима ҳожати бор? Агарда бари...

— Синглим, яхшиси, менга қаҳва қайнатиб кел! — сўради у.

Матэнинг ҳозир мутлақо қаҳва ичгиси келаётгани йўқ. Аксинча, уйқу босаётганди. Лекин синглисининг феъллини яхши биларди. Биров унинг жиндай ёрдамига муҳтож бўлиб қолса, Бланка ўз дардини унутиб, бирдан ишга киришиб кетарди.

Балатонфюред шаҳар кенгашининг йўл бўлими бошлиғи Иштван Чордаш кутилмаган меҳмонлар — Шалго билан Фельмерининг тунги ташрифидан унчалик суюнгани йўқ. «Энди ухлашинг билан кўнғироқ қилишадия!» Чордашнинг хотиниям уйғониб кетди, хатто: «Ким у?» деди, лекин шу заҳоти бошқа ёнбошига ағдарилиб яна пинакка кетди. Чордаш чироқни ёқмай тезда кийинди. У шунака: қайси кийими қаердалигини кўз юмиб топиб олади.

— Сенам одамдинг? Омборчисан! — хотини тез-тез унга вайсаб туради, баъзан эса эрининг жиғига тегишг учун нарсаларини Чордаш белгилаган жойидан атайлаб бошқа ерга олиб қўяди.

Йўл бўлимининг бошлиғи эллик ёшлардаги бўйи пакпакана, лекин кўриниши жиддий ва салобатли бир одам экан.

Фельмери унга хизмат гувоҳномасини кўрсатди, лекин у шундан кейин ҳам юмшоқ тортмади. Ичкарига таклиф қиларкан, талабчан оҳангда полга янги линолеум соялганман, гард ҳам кўзга ташланади, шунинг учун оёқларингизни яхшилаб артиб киринглар, деди. Тунги меҳмонлар эшик тагига солиб қўйилган шолчага оёқларининг тагини узоқ ишқаб артишгандан кейин улар тозаллиги билан жарроҳлик налатасини эслатувчи ошхонага бошлаб кирилди. У ердаги ҳамма мебель, идиш-товоқлар, эшикнинг мис тутқичи шундай ялтираб турардики, кўзни қамаштириб юборар даражада эди.

— Ўтиринглар, — бўғиқ овозда деди хонадон соҳибни. — Бироқ чекишдан ўзингизни тутиб туришингизни олтимос қиламан. Бизда ҳеч ким чекмайди. Никотин одамгаям, мебелгаям ёмон таъсир қилади.

— Ҳ-ҳа, албатта, — шоша-ниша сигаретини чўнтагига яширди Фельмери ва Шалгога кўз қирини ташлади. У бўлса, «Қалай, биродар, тегишингни олдингми?» дегандай кулимсираб қўйди.

— Ўртоқ Чордаш, — Фельмерининг тили гапга келди бир оз ноқулайликдан кейин мақсадга ўтиб, — мен, тўғрироғи, биз сизга бир илтимос билан келдик. Давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим бўлган бир ишга ёрдам беринг.

Ҳали жаҳлдан тушмаган Чордаш калтабақай, сенкил босган кўллари билан стол устига ёзилган юмшоқ дастурхоннинг вижимларини силаб тўғриларкан ўша-ўша бўғиқ овозда хириллаб деди:

— Марҳамат, нима қилишим керак? — Бирдан у қип-қизариб кетди: дастурхоннинг вижими тўғриланган жойида кўзга аранг ташланувчи кесилган ерини кўриб қолди-ю, «Элкага минг марта айтдим-а понни дастурхонда эмас, унинг устига тахтача қўйиб қирққин деб!» аччиқланди у. — Энди Фельмерининг гаплари у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаётганди.

Фельмери эса шундай деди:

— Ўн тўққизинчи июль куни ишчилар қайси кўча ёки канализация люкани таъмир қилганини эслолмай-сизми?

— Кечаси бизда умуман иш бўлмайди.

— Кечирасиз, — аниқлик киритишга шошилди лейтенант. — Мен саволни бошқачароқ ифодаладим шекилли. Иш кундузи ниҳоясига стказилмаган бўлса, қизил сигнал чироғи қаерда ёниши мумкин?

— Биз хавфсизлик қоидаларига қаттиқ риоя қиламиз. Буни шахсан ўзим назорат қиламан, — жавоб берди Чордаш ва ўзича ўйлади: «Нима жин уриб дастурхон йиртилиб қолибди. Энди уни ҳеч нима билан тикиб бўлмайди, кўпайиб кетаверади», — қоидага қаттиқ риоя қиламиз, — қайтарди овозини чиқариб.

— Ганингиз тўғри, ўртоқ Чордаш, — унга қўшилди Фельмери, — бир эслаб кўринг-а, ўн тўққизинчи июль куни кечаси қизил сигнал чироқлари қаерларга қўйилган эди?

— Бунинг ҳеч қанақа эслайдиган жойи йўқ, — деди Чордаш қўли ҳалиям дастурхондаги кесилган жойни худди ярани силаётгандек силаб туриб. Кейин димочини кўтариб, ҳатто бир оз мақтанганимо: — Агар эрталаб эрталаб бўлимимга хизмат вақтида келсангизлар сиз тилга олган кечаси қизил чироқ қаерда ёниб турганини аниқ кўрсатиб бераман, — деди.

— Хурматли ўртоқ бош муҳандис, буни биз ҳозир, худлик билан билишимиз зарур, — деди Шалго табасум билан. — Сиз, ўртоқ Чордаш давлат хизматчисисиз, тўғрироғи, давлат хавфсизлиги нима эканлигини яхши биладиган ишончли шахссиз. Шунинг учун ҳам худди сизга мурожаат қилдик.

Чордаш ичдан хуруж қилиб келган ғурурдан ирғиб туриб кетганини ўзиям сезмай қолди. Афсус, бу сўзларни Элка эшитмай қолди-да! Шу топда эрининг қанақа одам эканлигини билиб қўйганда-ку, соясига кўрпача соларди! Ҳатто дастурхоннинг кесилган ериям унинг кўзига кўринмай кетди.

— Бир зум сабр қилинглар, ўртоқлар, ҳозир. Кийиниб олай.

Орадан ярим соат ўтмай улар ўртоқ Чордашнинг идорасида ҳозир бўлишди-ю, «йўл ишлари кундалиги»ни бетма-бет синчиклаб текшира бошлашди. Шалго журналдаги ҳамма ёзувлар жуда пухта расмийлаштирилганини кўриб ҳайратдан калласини қимирлатиб қўйди. Бирпасда сариқ шкафдан папка олинди, ундан бир неча сонияда 068/19 рақамли акт тошилди.

— Мана, марҳамат. Мана шу чизмадан, сизга айтсам, сизга керакли маълумотларни бир зумда топиб оламиз-да, — ғурур билан деди ўртоқ Чордаш ва кўрсаткич бармоғини узатди-ю, миттигина бўйини чўзиб, худди саркардалардай ғоз турди. Унинг нимасидир Наполеонни эслатиб юборарди. У ҳам бирон-бир жанг олдидан ўл маршаллари даврасида турганда шундай қиларкан. — Мана бу қизил доирачалар билан, — тушунтирарди митти улуғ одам. — Қизил чироклар қўйилган жой белгиланган. Мана, кўриб турганингиздек, ўша куни менинг ишчиларим томонида беш объектда йўл ишлари олиб борилган. Юқоридаги белги иш бошланган, пастдаги белги иш тугаган вақтни билдиради.

— Жуда зўр, — мактади Фельмери. — Иш юритишда мана бундай аниқликни анчадан буёп кўрмагандим. Ўртоқ Чордаш ҳеч кимга сездирмай бирон ҳарбий академияни битирганмикин деб ўйлаб қолдим.

— Академияни битирмаганман. Ҳатто ҳарбий хизматдаям бўлганмасман. Лекин ўйлашга кўникканман. Ҳар бир соҳада тартиб-интизом бўлишини яхши кўраман.

— Назаримда, урток бошлик, Фюредни беш қўлдек билсангиз керак, — деди Шалго.

— Билганда қандок! — хитоб қилди Чордаш. — Мен шу ерда турилиб катта бўлганман. Мактабда шу ерда ўқиганман. Қирқ бешинчи йилдан буён эса муттасил давлат хизматидаман. Бу борада менга тенг келадигани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, шаҳар билан барабар ўсдим... Бу ернинг кўчасинигина эмас, ҳар бир одамани кўрибок танийман!

— Унда, мана бу иккита объект қайси кўчада экап-лигини осонгина айтиб бера олар экапсиз-да, — сўради Шалго кардиология санаториясига яқин жойдаги икки қизил доирачани кўрсатиб.

— Жудаям осон-да. Мана буниси Майва кўчасида, буниси — Балванёш кўчасида. Биринчида водопровод магистрал қувури алмаштирилипти, иккинчисида ер чўккан. Эҳтимол, асфальтнинг остини сизот сувлар ювиб кетган бўлса керак. Яқин уч кун ичида иккала объект даям иш битади.

— Ўша ерда қизил чироқлар ҳалиям ёниб турибдими? — аниқлаштиради Шалго.

— Албатта.

— Мана шу икки кўчадан қайси бири тоққа кўтарилиб балаңдлаб боради.

— Иккаласиям. Майва кўчасида йўл бир томонлама. Балванёш кўчасида эса икки томонлама.

Шалго ўйланқираб чизмага қараб қолди, Фельмери унинг кўнглидан кечган фикрни билгандай сўради:

— Агар Шизофак томондан қайрилиб Балванёшга бурилса, йўл тоққа кўтарилиб борадими, ёки тоғдан пастга тушадими?

— Тоққа.

Ҳар эҳтимолга қарши улар ўн тўққизинчи июлда огоҳлантириш чироғи ёқилган бошқа кўчаларнинг ҳам номини ёзиб олишди.

— Тағин битта савол, — деди Шалго Чордаш ҳужжатлар солинган паиканинг ишени боғлаб уни жавонга қўйгунча. — Профессор Матэ Табори деган одамни билмайсизми? Унинг Эмёдда дала ховлиси бор.

— Яхтачими? Нега билмас экапман, биламан. Ҳар холда эшитганман. У шахримизнинг фахри-ку!

— Синглисиниям биласизми?

— Бир пукоти кам рассомними? — Чордаш галати кулиб кўйди. — Бидаман. Э, уни бу ерда ҳамма билади.

— Шахсан танийсизми?

— Йўқ, шахсан танишиш шарафига муяссар бўлмаганмиз. Лекин нари-наридан ишларини дам-бадам кузатиб туришга тўғри келган. Қўл бўйида, рассом курсиси ёнида. Айтишларича, урушга қадар бир неча бор маҳаллий гўзаллик танловида «соҳил қироличаси» деб тан олинган экан. Фақат мен ўша вақтларда бундай танловларга чақирилишдан нарироқ бўлганман. Сизга айтсам...

— Ха, ёшлигида бир қошиқ сув билан ютгудек бўлган, — тасдиқлади Шалго. — Бундан чиқди, сиз урушдан кейин Бланка Табори етимхонадан бола боқиб оламлигини эшитган бўлишингиз ҳам мумкин.

— Эшитганда қандок! Мен, сизга айтсам, ўша Месарошнинг боласини бидаман.

Шалго лол қолиб Чордашга тикилди.

— Месарошнинг? Демак, боланинг отаси бўлган эканда.

— Сизга айтсам, ҳар бир боланинг отаси бўлади. Месарошнинг боласи деб, у отаси бўлгани учун эмас, Месарошнинг эшигига ташлаб кетишгани учун аташган. Агар ёдимдан кутарилмаган бўлса, бу қирқ биринчи йилда бўлган эди. Бир куни кечаси кимдир Месарошнинг эшигини тақиллатибди. Жаноб Месарош — маҳаллий адвокат чиқиб қараса, ҳеч ким йўқмиш. Фақат эшикнинг олдиди, сизга айтсам, яхшилаб ўралиб саватга солинган уч-тўрт кунлик гўдак ётганмиш. Жаноб Месарош саватни қўлга олибди-ю, полиция участкасига югурибди. Ўша кечаси Винце навбатчилик қилаётган экан. Қоидасини келтириб акт тузади. Шу билан иш тугайди. Сизга айтсам, бу хангомани унинг ўзидан эшитгандим...

— Ўша Винце ҳозир қаерда яшайди?

— У ҳозир, сизга айтсам, ҳеч қаерда яшмайди. Ўлган. Ўтган йили. Яхши одам эди. Озодликдан кейин ҳамма текширувлардан тоза чиқди. Унга ҳеч қанақа эътирозлар бўлмади. Кейин кўн йиллар бизнинг йўл қурилиши бўлимимизда ишлади.

— Винце ўша болани кейин нима қилган? — сўроқда давом этди Шалго.

— Нима қиларди? Эртасига эрталаб жаноб адвокатпи чақиради, у билан тил бириктириб бир қарорга келишади, кейин сизга айтсам, жаноб Месарош полиция протоколи билан болани Веспрем етимхонасига олиб боради. Буни энди аниқ биламан.

— Қизик, — деди Шалго. — Рассом Табори боқиб олган бола жаноб Месарош топиб олган ташландиқ бола эканлигини сиз қаердан биласиз? Буни сизга адвокатнинг ўзи айтганми?

— Йўқ, ўрток. Адвокат Месарошга кейин етимхонадан сиз олиб келган бола ўлиб кетди, деб хабар келишган. Мен буни Винценнинг ўзидан эшитганман. Казмер Таборини «Месарошнинг болакайи» деб атаган ҳам ўша. Шунинг учун ҳам эсда сақлаб қолганки, сизга айтсам, гўдакнинг чап елкасида туғма холи бўлган экан. Каттагина олхўридай. Буни у протоколда кўрсатган. Гап бундай, бир куни нимадир бўлиб Винце Казмер Таборини тасодифан пляжда кўриб қолгану, ўша тун содир бўлган ходисани эслаган.

Тўппа-тўғри, Шалгонинг калласидан ҳам ярқ этиб ўтди шу фикр. Казмернинг чап елкасида каттагина холи бор эди-я?

— Жуда қизик, — деб юборди у. — Ўша адвокат Месарош хозир қаерда яшайди? Агар тирик бўлса?

— Петефи кўчасида. Урушгадвор яшаган ўша вилласида. Эллик йил бўлди. Тўғри, эллик биринчи йилда, ёлғиз бўлгани сабаб вилласи тортиб олинган эди. Ўшанда адвокат, сизга айтсам, Будапештга қандайдир бир кариндошиникига кўчиб кетган. Айтишларича, хатто ёрдамчи ишчи бўлиб ишлабди. Эллик саккизинчими, эллик тўққизинчими йилда яна бизнинг Фюретда пайдо бўлди. Руҳоний Месарош — унинг акаси, сизга айтсам, укасининг вилласини ҳукумат билан гаплашиб ўзига қайтариб олиб берди. Тўғри, бу вақтгача виллани қойиллатиб қайта қуришган эди. Бу йиллар уни маҳаллий вино тайёрлаш идораси эгаллаб турганди.

— Адвокат Месарошнинг исми нима?

— Балинт. Балинт Месарош.

— Унинг акаси, ўша руҳоний ҳам адвокат билан бирга турадими?

— Йўқ, руҳоний Веспремда яшайди. Епископга хизмат қилади. Эшитинимча, яқинда нафақага чиқармиш.

Шалго оғир кўзгалди.

Фельмери Чордашга уйишгизга машинада элиб кўяйлик деб таклиф килди. Лекин у миннатдорчилик билдириб унамади.

— Пиёда бора қоламан. Тоза ҳаводан нафас олиб. Озондан, сизга айтсам...

Илонка Худак иш битгунча уларни машинада кутиб ўтирди.

— Оскар амаки, ўзимам энди хавотирланаётган эдим, — деди у. — Кечаси, тагин ёлғиз бир ўзим бировни мана шундай кутиб ўтириш кўнгилли деб ўйлайсизми?

— Омадинг чопмаянти, қизим! — деди қари изкувар машинага қулайроқ ўтириб оларкан, — мана кўряпсанми, сени тагин ҳеч ким олиб қочиб кетгани йўқ. Хўш, аввал Балванёш кўчасини бориб кўрайлик. Йигит, хайда машинани, мен эса, кўрсатма бериб бораман.

Фельмери уйкудаги шаҳар бўйлаб аста машинани хайдаб борар, Шалго эса вақти-вақти билан секин «чапга... ўнга», деб турарди. Лекин бир нарса унинг хаёлидан чиқмасди: нега адвокат Месаронн ҳадеб ташландиқ бола болалар уйида ўлган дейди? Бу унга қаердан маълум бўлиши мумкин? Афсуски, хортистларнинг ўша «яхши» полициячиси ўлиб кетган экан-да...

— Секинроқ! — буйрук берди у лейтенантга. — Икки каватли уйнинг олдидан ўнга бур.

Фельмери машинани иккинчи тезликка солди-да икки чеккасида каштанлар ўсиб ётган кенг кўчага чиқиб олди. Йўл тоққа ўрлаб кета бошлаган эди. Шалго лейтенантга машинани тўхтатишни буюрди. Узоқдан кизил сигнал чирокчаси аниқ-таниқ кўриниб турарди.

— Ҳозир биз тушамиз, — деди Илонкага Шалго. — Сен эса менинг ўрнимга ўтиб ўтиргин-да, Меннель машинадан тушиб қай томонга қараб кетганини эшлагга ҳаракат кил. Олдгамиди, орқагамиди?

Шалго билан Фельмери машинадан тушишиб олдинга қараб кетишди.

— Агар тахминимиз тўғри бўлса, ҳозир ўнгда тор кўча келади, — деди лейтенант.

Орадан бир дақиқа ўтиб, улар тор кўчанинг бошига келишди. Шалго тўхтади.

— Шу ерга ўхшайди, — деди у. Тор кўчанинг икки тарафида чинорлар ўсарди. — Қизик, у бу ерда нимани кидирган бўлса экан?

— Бу фақат унинг ўзигагина маълум, — деди лейтенант. — Агар у ростдан ҳам шу ерда бўлган бўлса.

— Бўлган дейлик. Лекин нега? — деди Шалго дам олиш учун ҳарсиллаб панжарали тўсиқнинг пойдеворига ўтираркан. — Агар бу ерда биров билан учрашмоқчи бўлса, бу демак, шахарни яхши билгани ва бу ерларга илгариям келгани, ёки у бу ерда машинасини тўхтатиб, кайфини таркатиш учун тоза ҳаводан нафас олмақчи бўлганмикин? Бундай бўлиши даргумон. Меннелъ хотинбоз эди, шундай гўзал қиз бўлса-ю, уни машинада қолдирса, тагин ниятига етиш учун шундай қулай пайдан ҳам воз кечган бўлса, бунга бошқа бир сабаб бўлиши аниқ. Бу жипкўчанинг номи нима?

— Генерал Бем кўчаси.

— Кўчанинг охиригача борсак яхши бўларди. Лекин кеч бўлиб қолди.

Шалго аста одимлаб машина томон кетди.

— Худди шу ерда тўхтагандик. Бу аниқ, — улар машинага ўтиришганда қатъий қилиб деди Илонка.

— Бўпти, — деди Шалго. — Эртага эрталаб синчиклаб текширамиз. Шу атрофларда кимлар яшагини аниқлаймиз! Энди кетдик!

Лиза халигача ухламаган, радио эшитиб ётарди. Келиши билан Шалгога бобиллаб берди.

— Мен энди бугун умуман уйга қорангни кўрсатмасанг керак деб ўйловдим. Ўзинга бир қара, кимларга ўхшаб қолибсан! Итдай чарчаганингдан тик оёқда зўрва турибсан-а. Худди бу ишларни эртага қилиш мумкин эмасдек...

— Йўк, муписим, эртага бошқа гап, — қатъиятсизлик билан деди Шалго ўриндиққа ўтириб, чўзиларкан. Тунги операциялари натижасини энди гапира бошлаган эди, Лиза бирдан Фельмери қани деб сўраб қолди.

— Мен боддан келсам, лейтенант Фельмери қани деб сен тоғдан келасан. Таборининг машинасини гаражига кўяянти. Ўша суюкли болаи келиб қолар.

Фельмери ростдан ҳам кўп куттириб ўтирмади. Келиши билан Шалго уни илтимос билан қарши олди.

— Йигитча, Будапештга телефон қилиб бўлган гап-ларнинг барини Карага билдир. Балки улар рухоний Месарош ҳақида кўпроқ маълумот йиғишар.

— Энди кеч бўлиб қолди, — бош тортди Фельмери, — эртага ҳам кун бор, улгураамиз.

— Уйга эса меҳмон келди, — деди Лиза тўсатдан, — жапон Хубер.

— Нима хохлаб қопти?

— Менселнинг хужжатларини тартибга солдим, қарасам баъзи бир қоғозлар етишмаётибди, деди. Герцег хибсага олинганда тинтув қилиндими, йўқми эслолмайсизми, деб сўради. Мен майор Герцегнинг чўнтагидан қандайдир бир варақ қоғозни тортиб олди дегандим, меҳмоннинг афти буришиб кетди. Қизик, у Менселнинг қандай қоғозини қидираётганикин?

— Эҳтимол, магнитофон лентасидаги Герцег Хубердан сўраган вилланинг ўша чизмасинидир? — тахмин қилди Фельмери.

— Агар вилланинг чизмаси Менселга қарашли бўлса, — уйланкираб туриб деди Шалго. — Биз бу билан Хубернинг Фюредга бориши борасида қандайдир боғланиш бор деб шубҳа қилишга ҳақлимиз. Дейлик, чизмада қайсидир гитлерчи офицер бир вақтлар Венгриядан талон-торож қилинган бойлик яширилган вилланинг тасвири бўлиши мумкин. Тўғрими? Хубер бундан огоҳ топган ва шунинг учун чизмани Герцегга беришни хоҳлаган.

— Демак, Хубер, биз билан самимий, очикчасига гаплашмаган бўлиб чиқади-да?

— Эҳтимол. Бу саволларга биз эртага жавоб оламиз, — ваъда берди Шалго. — Эрталабданок ишга киришамиз. Сен эса, Веспремга телефон қилиб, буюққа бармоқ излари бўйича мутахассис юборишларини сўрайсан.

Эртаси куни Таборилар вилласига Тибор Сюччи бошлаб Беата кириб келди. Профессор эшикни очиб уларни меҳмонхонага таклиф қилди.

— Биз жаҳоб Хуберни кўрмоқчи эдик, — деди Тибор.

— Ўтиринглар, марҳамат... Ҳозир уни чақираман. — Шу он хонага кириб келган Бланка Беатага тикилиб туриб деди:

— Нимагадир кўзимга иссиқроқ кўриняпсиз. Адашмасам, бизникига келгандингиз чоғи?

— Ҳа, бир неча кун муқаддам, — тасдиқлади меҳмон. — Жаҳоб Меннелнинг олдига келгандим.

— Тўппа-тўғри. Энди эсимга тушди. Сиз албатта жаҳоб қандай бахтсизликка учраганини билсангиз керак...

— Биламиз, — унинг гапини бўлди Тибор.

— Ўша машғум ходиса рўй беришидан бир кун олдин эрталаб бирга нонушта қилгандик. У жуда хушчақчақ одам эди... — гапини тугатди хонадон соҳибаси.

— Ажали етиб турганини ўзиям билмаган бўлса керак, — деди Тибор Сюч.

Профессор ҳамроҳлигида меҳмонхонага Хубер кириб келди. Табори Хуберга меҳмонларни таништириб, Бланка билан чиқиб кетди.

Хубер рўнарасида турган ёшларга очиқ-ойдин шубҳаланиб қараб қўйди.

— Ўтиринглар, — деди у. — Хизмат?

— Безовта қилганимиз учун узр, лекин биз бир неча кун муқаддам Виктор Меннелдан мана бу хатни олгандик... — гап бошлади Тибор Сюч. — Тўғрироғи, «Ганза» фирмаси юборган расмий хатни. Мана у.

Хубер хатни унинг қўлидан олиб, почта мухрига қаради, кейин диққат қилиб имзони текширди ва деди:

— Ҳа, бу Меннелнинг қўли.

Хатга тез-тез кўз югуртириб чиқди-ю, йигитга қаради.

— Хатда кўрсатилган битим ҳақида менга ҳеч нима аён эмас. Агар тўғри тушунган бўлсам, сиз косиб ёки шунга ўхшаш бирор ҳупар эгасисиз ва бизнинг фирма-миздан буюртма олгансиз, шундайми?

— Худди шундай, жаноб Хубер, — тасдиқлади Тибор Сюч. — Жаноб Меннел «Ганза» фирмаси учун нафис ишланган тугмачалардан намуналар тўплашимни сўраган эди.

— Тугмача тўплашни? — қайта сўради у ва ҳайрон бўлганча Тиборга тикилди.

— Нега ажабланингансиз? Санъаткорона нафис ишланган тугмачалар — булар ҳозир жуда харидоргир мол! Айниқса, ҳали кўплаб ишлаб чиқарилмаган бўлса.

Сюч сумкасидан тугмачалар қадалган картон қоғоз чиқарди.

— Марҳамат. Бу ердаги хар бир тугмача тузилиши бўйича ягона — ҳеч қаерда нусхаси йўқ. Унинг қиммати ҳам шу ерда. Мана «Артекс» фирмамизнинг бу намуналарни «Ганза» фирмасининг вакилига ўтказиш ҳақидаги рухсатномаси.

Хубер тугмачаларга кизиқиб тикилди.

— Га-ро-йиб, — деди у чўзиб. — Бизнинг фирмамиз нафис тугмалар билан шуғулланади деб тасаввур ҳам қилмагандим... Шубҳасиз, чиройли, дид билан ясалган улар... Шунга айтиб қўйишим керакки, мен бундай масалаларни ҳал қилишга ҳуқуқим йўқ. Тўғрисини олганда, нимани илтимос қилмоқчисиз?

— Биз жаноб Меннел билан келишиб олганимиздек унинг ўрнига бу тугмаларни олишингиз ва ҳақини тўлашингизни истардик...

— Жоним билан. Лекин битимда келишилган беш юз долларни мен фақат «Артекс»нинг банк ҳисобига ўтказишим мумкин.

— Тўппа-тўғри, жаноб Хубер. Сиз «Артекс»га Тибор Сючдан намуна тугмаларни қабул қилиб олдим, деб маълум қиласиз ва фирмадан номига ўтказилган пулни менга олиб беришларини илтимос қиласиз. Ўзим эса сиздан нақд беш минг доллар оламан.

Хубер эсанкираб қолди. Ҳеч нарсага тушунмай ўзига хотиржам тикилиб турган йигитга ажабланиб қаради.

— Беш минг доллар? Беш юздан ташқари-я?

— Худди шундай, жаноб Хубер.

— Мана шу тугмаларгами? Йигитча, жуда ҳазилкаш экансиз!

— Бу тугмалар, жаноб Хубер «Ганза» фирмасига юз минг доллар даромад келтириши мумкин, — маъноли қилиб деди Тибор Сюч.

— Сиз, назаримда, мени эси йўқ тентакка ўхшатайсиз, — сабр косаси тўлиб деди Хубер. — Ахборотингизга биноан мен Хортобод чўли ёки Тихан ярим оролини сотиб оладиган апоёи сайёҳлардан эмасман. Ҳарҳолда қандайдир тугмачаларга беш минг долларни индамай бервораверадиган...

— Жаноб Хубер, — ўз суҳбатдошига ишонқирамай саросималаниб деди Тибор Сюч, — сиз ростдан ҳам гап нима ҳақда кетаётганини билмаётибсизми?

— Айтдим-ку ахир бор гапни!

— Унда узр, — хотиржам жавоб берди Тибор Сюч. — Ҳозир сизга тушунтириб бераман. — У столдан «А-1» белгиси қўйилган картоони олди. Чўнтагидан қаламтарош чиқариб картондаги тугмалардан биттасини қирқиб олди ва ничоқнинг учи билан унинг устидаги чиройли шиша безагини пластмассасидан аста ажратди. Кейин сумкасидан микроскопни эслатувчи қандайдир аппарат олди, тугмачанинг юзасида ҳосил бўлган чуқурликка магнит игна билан кўзга аранг ташланувчи митти пластинка чиқарди ва уни ўз чўнтак микроскопига ўрнаштирди-ю, окулярга қаради, кейин тўғрилаш мурватини бураб деди:

— Марҳамат, жаноб Хубер.

Хубер микроскопга қаради.

— Агар адашмасам бу, ракеталарни ишга солиш қурилмасими? — ҳайрон бўлиб сўради у.

— Худди шундай, жаноб Хубер. Энди гап нима ҳақда кетаётганини тушунгандирсиз?

— Тушуяпман, — деди аста Хубер, у йигитга бир қаради-ю, назарини яна картопга бурди. — Нима, ҳар бир тугмада мана шунақа митти плёнка борми?

— Картонадаги «А-1», «А-2» тугмаларида шундай, — сал димоғини кўтариб жавоб берди Тибор Сюч. — Узок радиусдан оладиган локатор станциялари, позицияларда турган ракеталар, аэродромлар... Хуллас, Мендель нимани сўраган бўлса, бари шу ерда мухайё... Ҳўш, буларни мен сўраган пулга арзимаёди, деб ўйлайсизми?

— Йўк, жаноб Сюч. Буларнинг нархи жуда баланд, — жавоб берди Хубер ва яна Меннелнинг хатига кўз югуртирди.

— Нимадандир истихола қиянсизми? — сўради Сюч. Хубер калласини қимирлатди.

— Э, йўк. Фақат ёнимда бунча пул йўк. Чек дафтарчам шеригимда қолган. Пулни сизга қачон беришим керак?

— Ҳозир, зудлик билан, — жавоб берди Сюч, — мен таваккал қилолмайман.

— Ҳм... кўнғироқ қилиб кўрай-чи. Балки бахтимизга уйидадир. Узр. — Хубер ўрнидан туриб телефон апаратининг олдига борди-да рақам терди ва бир печа дақиқадан кейин немисчалаб гашира бошлади: — Алло! Бу мен, Хуберман... Ганимга кулоқ сол, гап бундай: Мен ҳозир бировга катта пул беришим керак. Ҳа, ҳозирнинг ўзида. Илтимос — Таборининг вилласига чек дафтарчамни олиб кел, шу ердаман... Тушунмаяпман?.. Чек дафтарчам керак деяшман, олиб кел... Ҳа-ҳа, раҳмат. Кутаман... Хайр. — Хубер гўшакни қўйиб столга қайтиб келди. — Эҳтиёт бўлиш керак. Чор атрофда исковучлар изғиб юришибди. — У қутидан сигара чиқариб чекди.

— Исковучларга келсак, — деди Тибор Сюч. — Уч кун муқаддам биз ҳам улар билан танишини шарафига муяссар бўлдик. Ҳа, манави сизнинг қўшнингиз, Шалго очик-ойдин милицияга хизмат қиларкан. Доим ёдингизда бўлсин.

— Буни биламан, — деди Хубер.

— У ниманидир исини олибди, — гапга аралашди қиз. — Тибор усталик қилди. Лекин мен хато қилиб қўйдим. Охир-пировардида биз мапа бу шубҳали чолнинг қўлидан чиқиб кетишга муваффақ бўлдик. Митти суратларни қандай қилиб сизга топширини устида роса бош қотирдик. Бизга сиз назорат остида юргандек кўриндингиз, бу ёқда биз...

— Менинг олдимга келишга журъат қилган экансизлар, энди сизни кузатишмаётган бўлса керак деб ўйласам бўладими? — жиддий қилиб сўради Хубер.

— Биз бу ерга Шалгонинг топшириғи бўйича келдик. — Тушунтирди Тибор Сюч. — Бу қариб қуюлмаган масхарабоз бизни «ёллади...» Йўк-йўк, қўрқманг!

Мен ғаламис эмасман. Икки кун унинг таклифини рад қилдим, ниҳоят кеча кўндим. Мен сизнинг одамингиз эканлигим қариянинг етти ухлаб тушигаям қирмаган бўлса керак... Мана, унинг ёрдами билангина бу суратларни сизга топширишга муваффақ бўлдим.

— Шалгодан нима топшириқ олгандингиз? — қизиқди Хубер.

— Сизга мен Меншелнинг агентимаан дейишим керак эди.

— Оскар Шалгога нима деб айтасиз?

— Мен унинг топшириқларини виждонаи бажарган бўламан, сиз эса, мени хонадан хайдаб чиқарган бўласиз. Бунда сиз ҳам менинг келганлигимни унга маълум қилишингиз лозим. Биз бир ёқадан бонн чиқаришимиз керак.

— Нимаям дердим, жуда усталик қилибсиз, — маъкуллади Хубер.

Беата ўзида йўқ шод кулиб қўйди.

— Бизнинг изимиздан юрганлар ўзларини жуда дошманд деб ўйлашади. Бонқаларнинг ҳам калласи уларникидан камроқ ишламаслиги хаёлларига келмайди. Масалан, манави «тугмадан намуналар коллекцияси»ни биз Меншель билан ўтган йили Италиядаёқ ўйлаб топган эдик. У билан боғланиш йўлларини ўшандаёқ келишгандик.

— У билан кўндан буён алоқадамисиз?

— Уч йил бўлди. Очиги, биз Виктор билан Парижда алоқа боғлаган эдик. Венгрияга қайтиб келганимдан кейин бу ишга қаллиғимни — Геза Салаини жалб қилдим, кейин эса — Тиборни. У келиб Виктор билан учрашиши керак эди, мана кўриб турганингиздек бу иш амалга ошмади. Ўтган йили биз у билан Ливорнеда учрашганимизда Геза Салаиниям ўз ишига жалб қилиб олди. Менга, ҳатто Салаи қандай топшириқ олганлигиям номаълум. Эҳтимол ким биландир алоқа боғлаши керак бўлгандир...

Хубер қизнинг валдирашларини наришонхотирлик билан тинглаб ўтирди. Афтидан, у Хуберни Меншелнинг шефи деб ўйлаётган бўлса керак, шунинг учун бор гапни очиқ-ойдин тўкиб ташляпти. Лекин шу он унинг кўнглига нима учун Меншель бу гапларнинг барини Браун билан Шлайсигдан яширган экан, деган шубҳа келди.

«Меншель етказган ахборотларнинг бари менга аён, — деб ўйлади ўзича Хубер. — Лекин бу агентура гуруҳи ҳақида умуман эслатилмаган. Қизик... «Тугмача» операциясини тан олиш керак, жуда усталик билан ўйлаб топишган...» У яна Беатанинг валдирашларига кулок солди. У гапдан тўхтагандан кейин деди:

— Тугмачага келсак, бу энди ҳақиқатан ҳам ўзига хос гоё. Лекин сиз, менимча, Оскар Шалгони жудаям анойи деб ўйлаётганга ўхшайсизлар. Ўзини мана шундай гўлликка солиб талмовсираб юрадиган одамлар жуда хавфли бўлишади. Менинг Оскар Шалго Виктор Меншелнинг ким ўлдирганлигини аллақачондан буён билади, деган шубҳам бор.

— Агар у буни ростдан ҳам билган бўлса, қотил аллақачон хибсга олинган бўларди, — бу гапга қўшилмади Беата.

— Эҳтимол, шундай бўлса-да, Шалго биз ўйлаганчалик овсар эмас. Айтмоқчи, сизнинг қаллигингиз хибсга олиingan.

— Геза қутулиб кетади.

Равондаги эшик тақиллаб меҳмонхонага Оскар Шалго билан лейтенант Фельмери кириб келинди. Шалгонинг бошида гарданига ташлаб қўйилган нанам, эгнида оқ матодан тикилиб, яхши дазмолланган костюм бор эди. Тибор ўзича сўкиниб: «Худди шу пайтда Хубернинг иериги чек кўтариб кириб келмасайди хали. Ғалати бўлди-ку. Мен эсам бу шум чол Фюберга кетган деб юрибман...» деб ўйлади.

Шалгонинг кўзи столнинг устига ёйиб ташланган тугмачаларга тушди. Микроскопни Тибор Сюч сумкасига яшириб улгурган эди.

Шалго Хубердан:

— Тугмачаларни сотиб олдингизми? — деб сўради.

— Шундай бўлди, — деди у. — Битимни фирманинг тоншириғига биноан Меншель тузиб кетган экан.

— Қизик, буни қанчага сотдингиз? — Шалго Тиборга савол билан мурожаат қилди.

— Шартномада қанча кўрсатилган бўлса, шунчага, — гапни чалғитиб жавоб берди Сюч. — Сирасини айтганда бу битим мендан кўра давлатга фойда, ҳукумат бунинг учун доллар олади, мен эса форинт.

— Менга қара, Фельмери, мана шу тугмачаларга бировлар доллар тўлашига ишонасанми? — Шалго шундай дея ҳазил билан лейтенантнинг бикинига туртиб қўйди.

— Ишонгим келмаяпти, — лейтенант картонлардан бирини қўлига олди. — Гарчаид тугмачалар нафис бўлса-да! Ўзи қанча туради? — сўради у Тиборга қараб.

— Қиммат... — яна жавоб беришдан ўзини олиб қочди Сюч.

— Беш минг доллар, — унинг ўрнига жавоб берди Хубер.

Шалго қўзини пириратиб Хуберга қаради.

— Шунга шунча тўладиңгизми? — сўради у.

— Ёнимда унча пулим йўқ эди.

— Менимча, жаноб Сюч чек олишга розилик билдирсаям керак? — сўради Шалго. — Кейин банкка бериб пулини олади.

— Лекин чек дафтарчам ҳам йўқ-да ёнимда, — деди Хубер.

— Э, эсим курсии-а! — хитоб қилди Шалго. — Тамоман унутибман, ўзимам чек дафтарчангизни бераман деб келгандим-ку! — У чўнтагидан конверт чиқариб Хуберга узатди. — Марҳамат!

— Раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Хубер.

Тибор Сюч тамоман гарангсиб, Хуберга тикилиб қолди.

— Сизнинг дўстингиз шумиди хали?! — бошини ирради у Шалгони кўрсатиб.

— Нега ажабланасиз? Ахир ўзингиз айтдиңгиз-ку хали «бир ёқадан бош» чиқаришимиз керак деб.

— Разил, сотқин! — ғазабдан вишиллади Тибор Сюч.

— Булар иккисиям — Меннелнинг агентлари, — хотиржам деди Хубер Тибор билан Беатани кўрсатиб. — Буниси ўтган йилдан буён, хоним эса уч йилдан бери. Айтмоқчи, қизнинг қаллиғиям. Мана бу тугмачаларда эса митти плёнкага олинган кадрлар бор.

— Жаноб Сюч, роса мени лақиллатдиңгиз-да, — ўзини соддаликка солиб деди Шалго. — Мен сизга ишонгандим-а. Нимаям дердик, унда болаларим, лейтенантнинг олдига тушинглар. Сен эса, биродар, — у Фельмерига мурожаат қилди, — мана бу ўйинчоқларни олвол.

Хонада Шалго Хубер билан ёлвиз қолгадан кейин Хубер хафаланиб деди:

— Сиз ҳалиям менга ишонмайсизми?

— Микрофони назарда тутяпсизми? Қалламиз ишлаб буни хонангизга ўрнатганимиз учун биздан бир умр миннатдор бўлишингиз керак. Хайр!

— Хайр! — дея Хубер Оскар Шалғони равоига кўзатиб чиқди. — Жаноб Шалго, яна андак сабр қилинг. Виктор Меннелни ким ўлдирганлигини биласиз-ку, шундайми?

— «Илло воқеа содир бўлибдирки, бир кун юзага чиққай. Сир борки, сирлигича қолмағай...» Инжилнинг саккизинчи боби, ўн еттинчи оятида шундай дейилган, — деди у равои зинасидан тушар экан.

Хубер Шалғонинг кетидан ажабланиб узоқ қараб қолди, хатто орқасидан ўтиб мехмонхонага Бланка кириб келганиниям сезмай қолди. Уни кўрди-ю, аста олдига келиб қўлини каттиқ сиқди.

— Вой! — деди секин Бланка. — Қўйвор. — Хубер қўйворди. — Бу ердан кет! — шивирлади аёл. — Сенга яхши маслаҳатим шу: кет, эсинг борида этагингни ёп.

Хубер бир қадам тисарилди.

— Бу дағдағами? Ё фақат маслаҳатми?

— Маслаҳат. — Бланка ўгирилиб эшикка келди-ю, боққа қаради.

— Виктор Меннелгайм шу маслаҳатни берганмидинг?

— Ҳа, — жавоб берди Бланка ҳамон ўгирилмай. У Хубер билан кўзи кўзига тушишни хоҳламасди. — Унгайм шуни маслаҳат қилгандим. Лекин у гапимга кирмади.

Хубер сигара тутатди.

— Хўш, агар гапингга кирмасам мениям ўлдириб юборишадими? — сўради у совуққина қилиб.

— Менинг гапларимни бошқа ёққа бурма, — деди хорғинлик билан Бланка.

— Бурмайман, — Хубер унинг олдига жуда яқин борди-ю, кейин кўнглига бошқа гап келди шекилли, ниятидан қайтиб, узун юмшоқ курсига ўтирди-да: — Викторни ким ўлдирди? Нима учун? — деди.

Бланка бармоғидаги йирик қимматбаҳо кўзли узугини асабий айлантира бошлади. Унинг ранги бир ҳолатда бўлиб қолганди.

— Агар билганимдаям буни сенга айтмаган бўлардим.

— Фақат менга айтишинг мумкин.

— Ҳеч кимга айтмайман, шу жумладан, сенгаям.

— Шалго қотил деб сендан гумонсираяпти, полковник Кара эса, ўвлингдан.

— Шалго аблаҳ. Карани эса билмайман. — У бошини кўтариб Хубернинг хотиржам чехрасига қаради. — Нимага асосланиб Шалго мендан шубҳаланади? Шунисини тушунолмаяпман.

— Сен мени кўрганингда ҳушингдан кетишингга бир баҳя қолди. Бу унчалик жўяли бўлмади. Ундан ташқари, мендан ўзингни олиб қочиб юришингни сезмаган бўлиши мумкин эмас...

— Ахир ўзинг айтувдинг-ку эҳтиёт бўлишимиз керак деб, уйимизда энитадиган аппарат бор, дея огоҳлантиргандинг.

— Мен уйда деганим йўқ эди. Аниқроқ қилиб гапиргин. Сенга шу ерда, меҳмонхонада махфий микрофон бор дегандим... Лекин мен соатлаб қирғокда сайр қилиб юрардим. Агар истасанг боришинг мумкин эди-ку. Балатонфюредга уч марта бориб келдим. Билардинг у ерда қабристондалигимни...

Бланка жавоб бермади. Асабийлашиб, узугини бармоғидан чиқариб яна жойига солиб қўйди.

— Бу ерда ҳозир микрофон йўқлигига ишончинг комилми?

— Қўркмасанг ҳам бўлаверади, — деди Хубер. — Лекин қайтараман, Шалго сендан гумонсираяпти. — Кейин Бланкага маъноли қараб, қўшиб қўйди: — Ҳар ҳолда бирон асос бўлса керак...

— Викторни мен ўлдирганим йўқ, — аста эътироз билдирди Бланка. — Кимдир мендан олдинроқ отиш қамчилаб қолди. Меншель нима қилмоқчи эканлигини менга маълум қилгандан кейин, уни ўлдириш пайига тушдим. Ўша куни кечаси Матэнинг кабинетига кирдим, дори сақланадиган шкафидан циан калий ампуласини ўғирлаб чиқиб кетдим. Эрталаб тонг ёришар-ёришмас Фюредга кетдим-да қари руҳонийга ниятимни айтиб тавба-газарру қилдим. Бечоранинг жон-пони чиқиб кетай деди. Тўғри, унга кимни ва нима учун ўлдирмоқчи бўлганлигимни айтмадим. Мен ундан бу ишни амалга оширға-

нимга қадар гуноҳимдан ўтишини илтимос қилдим. Албатта, у гуноҳимни ўтишдан воз кечди. Мана бор гап шу.

Хубернинг унга раҳми келиб кетди. Унинг нима сабабдан бу гапларни айтиб берганини биларди. Юрагидаги дардини ёрилиш учунгина бундай қилгани йўқ. Аёл бу билан агар у Менселга ўхшаб иш тутушга уринадиган бўлса, ҳеч нарсадан, ҳатто қотилликдан ҳам қайтмаслигини шипшитиб қўймоқчи эди. Хубер сигарасининг кулини қоқди.

— Кетиш олдидан бу борада яна сен билан гаплашман, — деди Хубер хотиржам.

— Қачон кетмоқчисан?

— Бугун кечкурун ёки эртага эрталаб кетсам керак дейман.

— Шу билан кейин ҳеч қачон учрашмаймизми?

— Ҳеч қачон. Ўзинг шуни истовдинг-ку, ахир.

— Ҳа. Кейин мени ўз ҳолимга қўясанми?

— Менга ишонмайсанми?

— Мен ҳозир ўзимгаям ишонмай қолганман, — тан олди Бланка.

Хубер қовоғини солди. «Агар у менга ишонмай қўйган бўлса, бор тоат-ибодатим зое кетади...»

— Қизиқ одамсан-да, Бланка, — ўйланқираб туриб деди Хубер. — Мен Герцег билан Еллинекдан ташқари венгер хавфсизлик органларига ўн икки агентнинг номи-ни айтдим. Бир печа дақиқа муқаддам уларга бир талай махфий ҳужжатлар билан бирга Тибор Сјуч ва Беаталарниям топширдим. Наҳотки, сен ҳалига доғур ортимдаги ҳамма из — қўприкларга ўт қўйиб юборганимни тушуниб етмаган бўлсанг? Наҳотки булар сенга далил бўлмаса? Мендан яна нима истайсан?

— Сенга ишонаман, — деди Бланка. Лекин мен чеккан азиятлар ҳам эсимдан чиққани йўқ. Қанчалар ғамаламга гирифторм бўлганимни ҳали билмайсан, — унинг кўзларида ёш ҳалқаланди. — Билмайсан, — шивирлади у. — Буни тушуниб етолмайсан ҳам.

Хубер столнинг нарбғида туриб Бланканинг қўлини сиқиб қўйиш учун чўзилган эди, лекин у қўлини тортиб олди.

— Барига нушаймонман, Бланка. Ишон, мен сени мутлақо азобламоқчи эмасдим. Сендан ҳеч қачон ёрдан

хам сўраганим йўқ. Сенга фақат бошимга тушган мусибатларни айтиб турардим, холос. Ўз ихтиёринг билан мадад бергандинг-ку, менга ахир. Қилган ёрдамингдан бошим кўкка етганди, лекин ахир-пировардида шундай бўлишини туш билибманми... Балки, ўшанда ёрдам бериб бекор қилган экансанми?

— Гап бунда эмас, — унинг сўзини бўлди Бланка. — Сенга ёрдам беришга ўзим розилик билдиргандим... — Унинг чехрасида аччиқ табассум пайдо бўлди. — Ҳозир нима дединг? «Сендан ҳеч қачон ёрдам сўраганим йўқ» миш. Сенга жонимни қурбон қилишим учун бошингга тушган кўргиликларни эшитиш, билишининг ўзигина кифоя эканлигини худди тушунмагандай гапирасан-а... Бутун борлигимни, юрагимни сенга бахшида қилганлигимни жуда яхши билардинг. Ҳа, сен ростдан ёрдам сўрамагандинг. Лекин менинг ёрдамларимни индамай қабул қилардинг... Бунинг учун ҳозир мен кимни айблашим керак? Бу йўлни ўзим танлаганман, ўзим пиширган ош. Нималар қилаётганимни, бир кун келиб бунинг жазоси борлигини ва уни бир ўзим тортишимни тасаввур қилиб, билиб шу йўлни ихтиёр этганман.

Хубер оғзидаги сигарасини кулдонга босиб ўчирди. Қуёш нури мул тўкилиб турган равонга ковоғини солганча қараб деди:

— Гретанинг ўлиmidан кейин келгин деб ёлворгандим.

— Ёлворгандим? Лекин сен акам билан ўғлимни ёлғиз ташлаб кетолмаслигимни билардинг-ку. Ундан ташқари, мендаям жиндай бўлса-да ғурур бор.

— О, бу лаънати ғурур! — минғирлади Хубер. У яна бир нималар демоқчи бўлган эди, ўзини тутиб жимиб қолди.

— Энди менга барибир. Бўлар иш бўлди, — давом этди Бланка. — Кечқурун кетасан, бир неча кундан кейин ўғлинг билан дийдор кўришасану ўзингнинг янги ҳаётингни бошлайсан. Мен ҳам шундай қилишга уриниб кўраман. Гарчад, бунга кўзим етмаса-да...

— Сен-ку, Бланка, буни эплаб кетарсан-а, — ишонч билан гапирди Хубер, — мен уддасидан чиқа оларми-канмай. Бунисини билмадим... Ҳали олдимда кўп машаққатлар бор... Бунинг учун яна баъзи бир нарсаларни

қилишим керак... Жумладан, Меннелъ бошлаган ишни ниҳоясига етказиш...

— Бу ҳақда гапирма менга, — қўлини силкиди Бланка, унинг чехрасида қапдайдир совуқлик зоҳир бўлди.

— Йўқ, биз бу ҳақда гаплашиб олишимиз керак, азизим.

— Мени мажбур қилишади деб ўйлаяпсанми?

— Меиням мажбур қилишади, Бланка. Биз ҳаммамиз бир кемага тушганмиз.

— Сен мени мажбур қилолмайсан. Бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Бу ёғига — бас. Тамом. Ўзимни ўлимга маҳкум қилолмадим. Бунга менинг ҳаққим бор. Аммо бошқаларнинг ўлимига сабабчи бўлишним истамайман. Ҳаққим йўқ. Сенинг ҳам ҳаққинг йўқ. Лекин сен барибир бу тентакликни амалга ошириш учун ури-наркансан, билиб қўй, иккимиз ҳам ҳалок бўламиз.

Хубер унинг гапларида жон борлигини жуда яхши билиб турарди. Шундай бўлса-да, давом этди:

— Биз ҳалок бўлмаймиз, Бланка. Энди бари ўтиб кетди. Агар каллангни бир жойга қўйиб мундоқ ўйлаб кўрсанг, бу ишлар сенинг манфаатингни кўзлаб қилинаётганини тушуниб етасан...

Бланка эътироз билдириб қўлини кўтарди.

— Ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Меннелъ мени ўзининг ўша ёвуз режаларига жалб қилгандаёқ ўйлаганман.

— Бу режа эмас, «Гапза» раҳбарларининг қарори.

— Режами, қарорми — менга барибир.

— Бланка, ўтипаман, биласан-ку мени...

— Мени кўрқитясанми? Энди мен сенинг дафдағаларингдан тарикчаям кўркмайман.

— Гап бизнинг иккаламизда эмас, — кўндирмоқчи бўлди Хубер. — Ҳамманинг, шу ҳисобдан Матэ ва Казмернинг тақдири сенинг жавобингагина боғлиқ.

— Бу билан нима демоқчисан? — ҳушёр тортиб сўради Бланка.

— Ўн тўққизинчи кун эрталаб мен Виктор билан гаплашгандим, — аста гап бошлади Хубер. — У мен билан оператив машинадаги рация орқали гапланди. Сухбатимизни тасмага ёзиб олганман. Орадан бир соат ўтгандан кейин эса, у ўлдирилди. Лекин у бундан олдин сен билан бирга ўтириб понушта қилганини гапиришга ул-

гурди. Сизлар яна ўша «бемаъни режа» ҳақида гаплашибсизлар ва айтишиб қолибсизлар. Кейин сен Меннелга кимдир эрталаб саккиз яримда у билан учрашмоқчи бўлганлигини маълум қилгансан. Сизлар равонга чиққансизлар ва ўша кимса қирғоқнинг қасрида уни кутиб турмоқчи бўлганлигини кўрсатгансан. Тагин сен у одамнинг назорат остида эканлигини, агар Меннель кўлда қайик билан келса саз бўлишини уқтиргансан... Кўлдан соҳил кафтдек кўришиб туришини айтгансан...

Бланканинг ранги докада оқариб кетди.

— Меннель ўша одамнинг исмини айтганмиди?

— Айтганди.

— Демак, сен Викторнинг қотили ким эканлигини биларкансан-да?

— Буни мен Гамбургдалигимдаёқ билганман, — жавоб берди Хубер. — Лекин фақат мен билганман. Браун билан Шлайсиг эса ҳеч нима билишмайди. Энди, буни ким амалга оширганини Шалгогина тахминан билади. Мен ундан кўркаман... Демак, халиям ўша режа ҳақида гап очишни истамайсанми?

Бланка чуқур хўрсинди-ю, худди оғир юкни елкасидан ағдариб ташлаган одамдай секин кулиб қўйди.

— Айтдим-ку ахир, гап тамом, — деди у катъий оҳангда. — Бир оғиз ҳам гаплашмаймиз.

Кўчага эшик олдида машина тўхтади.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, кўлида тўқ кулранг чамадон билан равонга Казмер кириб келди. У опасини ўпиб қўйиб Хубер билан саломлашди-ю, дарров гапга тушиб кетди.

— Балатонфюретда Шалгои Меннелнинг машинасида кўрдим. Айтмоқчи, у билан бирга қандайдир кўхлик кина малласоч қиз ва ёши мендан сал каттароқ йигит ҳам бор эди, уларни лейтенант Фельмери кўриқлаб ўтирарди. Қиз билан йигитнинг кўлига кишиан солинган. Қизиксиниб оқсоқолдан, нима бу бераҳмлик, шундай несиқда ёшларнинг кўлига «билагузук» тақиб қўйибсиз, деб сўрадим. Шалго, булар жаноб Хубернинг жонига суиқасд қилишди, деб жавоб берди, тагин айтдики, сиз жаноб Хубер, уларни роса доғда қолдирибсиз.

— Гап умуман уларнинг мени ўлдирмоқчи бўлишида эмас, — деди Хубер. — Кўришиб турибдики, жаноб Шалго ҳазиллашибди. Бу йигит билан қиз бориб

турган ғаламис экан. Ҳа, улар менинг олдимга ўша Шалгонинг топшириғи билан гўё Мспнелнинг агенти бўлиб келишди.

— Демак, улар Шалгонинг агентлари экан-да! Тушунарли... Умуман, ҳеч нарсага тушунолмай қолдим! Шалгога ўз одамларининг қўлига кишан солиш нима учун зарур бўлиб қолибди?

— Жаноб муҳандис, ҳозир дунёда тартиб шунақа, — кулиб жавоб берди Хубер. — Тўғрироқ қилиб айтсак, ҳеч қанақа тартиб йўқ, фақат бошбошдоқлик бор. Самолётларни олиб қочишади, элчиларни ўғирлашади...

— Ҳа, бош-кетини тушуниб бўлмай қолди ўзи... Бахтга, бунинг менга алоқаси йўқ... Онажон, — Казмер Бланкага мурожаат қилди. — Бугун менга Ички ишлар вазирлигидан қўнғироқ қилишмадимми?

— Йўқ.

— Жаноб муҳандис, қачон кетмоқчисиз? — сўради Хубер Казмердан.

— Икки ҳафталардан кейин. Сиз Москвада бўлганмисиз?

— Йўқ, — жавоб берди Хубер. — Тўғри, ён-атрофида бўлганман, узокдан суқланиб қараганман. Қирк биринчи йил кишида... Ҳўп, рухсатингиз билан мен энди турсам. Йўлга ҳозирлик қўриш керак. Тушликда учрашармиз. — Хубер калласини кимирлатиб қўйди-ю, шахдам қадам ташлаб хонадан чиқиб кетди.

Машинада шофернинг ёнида ўтирган Шалго орқага ярим ўгирилганча Фельмери, Тибор Сюч ва Беаталарга қараб-қараб борарди. Тибор билан Беатанинг қўлига битта кишан солиб қўйилганди.

— Ўртоқ, Фюретда Кенгаш биносининг олдида тўхтадинг, — деди Шалго шофёрга. Ёшгина старшина калласини кимирлатиб қўйди.

— Беата, — энди қизга мурожаат қилди Шалго, — сиз Сильвия деганини билмайсизми?

— Йўқ, билмайман.

— Тибор, сиз-чи?

Тибор жирканиб қарияга қаради.

— Менга қаранг, отахон, — деди у тишларини вижирлатиб. — Сиз билан гаплашишни истамайман. Тўғрироғи, сизни кўргани кўзим йўқ. Қани энди қутулиб кетиб бошлаб таъзирингизни бериб қўйсам. Зўр омади иш

бўларди-да. Мени жосусми, хоинми кўнглингизга нима келса, агайверинг.

— Жудаям тушунарли, азизим, — деди Шалго.

— Ўртоқ Шалго, мана шу юзсизнинг биқинидаш дарча очиб қўйсам девдим, — қутку билан деди старшина. — Ифлос, сотқин!

— Ўзингизни босинг, оқсоқол, — уни шаштидан қайтарди Фельмери. — Бу жанобни тезда мулла минган эшакдай қилиб қўйишади.

— Мени ҳали яхши билмас экансиз, лейтенант, қўрқитолмайсиз. Мени бировларнинг оёғига тиз чўкиб ёлворадиган одамлар тоифасидан деб ўйламанг.

— Сиз билан баҳслашмоқчи эмасман, — ганга нуқта қўйди Фельмери.

Шалго яна бир марта Беатани суҳбатга тортмоқчи бўлди. Лекин у бир нуктага тикилганча миқ этмай ўтираверди. Қиз энди ҳаммаси ниҳоясига етди деб ўйларди. Ёшлик, мухаббат — хуллас, бари-бари бархам еди. Камидан ўн йилга қаттиқ режим билан камалади, унга нима ёрдам бера олиши мумкин? Ҳаммасидан тонсамикин? Меншель энди йўқ, ундан бошқа ҳеч ким ўзига қарши гувоҳлик беролмайди. Тўғри, Геца қаллигим икки йил олдин ёлланганди дейиши мумкин. Лекин Беата ҳаммасидан, ҳатто Меншель билан Лаворнодаги учрашувидан ҳам тона олади. Меншелни ким ўлдирган бўлса, ўшанга минг раҳмат. Агар ўзини бир оз ақл билан тутса ўн йил ҳам беришмаслиги мумкин.

«Ҳеч қўрқма, — Меншелнинг ганларини эслади у. — Сени шахсан ўзим эҳтиёт қиламан. Мендан қандай топшириклар олганингни ҳеч ким, ҳатто қаллигинг ҳам билмайди. Дарвоқе, унга нима топшириклар берганим билан сен ҳам қизикмаслигинг керак. Эртага сен билан Ливорнодаги Цюрихнинг банк бўлимига борамиз-да номингга махфий чек очамиз ва унга пулларингни қўямиз. Бир йиллик гонорарингни. Чек дафтарчасини қўлингга оласан, лекин уни Венгрияга олиб кетмаса ҳам бўлаверади. Банкнинг пулат сандиғига сол-да, қалитни ол. Пул керак бўлиб келганда чек тўлдириб ўша шартли номингни қўясан-да — олаверасан. Мен эса ҳар ой ҳисобингга минг маркадан жўнатиб тураман...»

Энди буларнинг бари бир пул. «Виктория» номи билан банкда унинг ўттиз мингдан ошиқ маркаси бўлгани

дан нима фойда. Бари бир олиб бўлмайди. Балки кейин, турмадан чиққандан кейин олар. Қасрда хатога йўл қўйишди асти? Ахир ҳаммаси хамирдан қил суғургандек кетаётганди-ку. Анув аблах Хубер бир пайти келиб ҳаммасини сотади, деган гап бировининг хаёлига келибдими?

Шалго тамоман хотиржам эди. У Сюч билан унинг ўйнаши гувоҳлик беришдан бош тортишини биларди. Уларнинг лом-мим деб оғиз очмасларидан тўрға майда балиқ тушмаганини билиш мумкин эди. Асли жосусликда айбни бўйнига қўйиш жуда мураккаб жараён. Агентлар буни жуда яхши билишади, шунинг учун сўроқда фақат ошкор бўлган нарсалар хақидагина гапиришади. «Баъзи бир далиллар бор қўлимизда, — ўйлади у. — Митти тасма дегандек. Лекин онт ичиб айтишим мумкинки, Тибор Сюч бирон оғиз ҳам ортиқча гапирмайди. Расмларни олганман деб тан олади, лекин умримда бу ишга бирипчи бор қўл уришим, деб лоф уради. Буям яхши чиқмади, дейди».

Шалго сизгара тутатиб сурранг бетон йўлга назар ташлади. «Умуман олганда, натижа ёмон эмас, — фикр қилишда давом этди у. — Хубернинг ёрдами билан Меннелининг агентура тармоғини билиб олдик ва икки террорчи ҳамда Тибор, Беаталарни ҳисба олдик, агар меннинг тахминларим тўғри чиқадигап бўлса, тезда қотилниям топамиз. Вилла чизмасида Виктор Меннель билан Бланка Табориларнинг бармоқ излари борлиги аниқланди. Бу — чизмани Меннель олиб келгани белгисидир. Энди ҳаммаси Балатонфюред меъморчилик бўлимидаги кидирув ишларига боғлиқ. Хубер биздан муҳим бир нарсани яшираётгани аниқ».

Машина Фюред Кенгаш биносининг олдига келиб тўхтади.

— Икки оператив ходимни чақириб чик, — деди Шалго лейтенант Фельмерига. — Мана бу ошиқ-маъшукларни Веспремга, ички ишлар бошқармасига олиб боришсин. Улар билан суҳбатлашишга ҳали вақт топилади.

Орадан чорак соат ўтиб, Шалго билан Фельмери шкафлар, жавонлар билан лик тўла шаҳар меъморчилик бўлимида ҳозир бўлишди. Бу ерда олти кишидан иборат бригада бир вақтлар қурилишларга берилган рўхсатномалар, қурилиш лойиҳалари, кўп қаватли шахсий

уйлар, виллаларнинг чизмаларини ўрганиш билан банд эди. Деворда номаълум вилланинг катталаштирилган чизмаси осифлиқ турарди.

Архив ходимларидан ташқари тафтиш ишларида маҳаллий милициянинг уч оператив ходими ҳам иштирок этаётганди.

— Ҳали натижа йўқ, — деди катта лейтенант Фексте.

— Қидиришда давом этамиз, — деди Шалго. — Албатта топиш керак, ўртоқлар!

Архив ходимларидан биттаси Шалгонинг олдига келди.

— Доктор Ямбор, — таништирди у ўзини қўлини узатиб. — Менда битта зўр таклиф чикиб қолди. Бу ҳақда катта лейтенантга гаширгандим у сир сақлаш лозимлиги ва махфий тошшириқларни рўқач қилиб овзимни очиргани қўймапти...

— Нима гап? — сўради Шалго доктор Ямборга кизиксиниб қараб.

— Бу ахволда биз бир хафта кидириб ҳам тополмаймиз. Сиз мана шу чизмадаги бино, яъни вилла Балатонфюредда деб ўйлаяпсизми?

— Худди шундай, — тасдиқлади Фельмери. — Сиз муҳандис қурувчимисиз?

— Йўқ, умумий ихтисосдаги муҳандисман, лекин қурилиш меъмор ишларига анча-мунча тишим ўтади, сизни ишонтириб айтишим мумкинки, чизмасига караганда вилла ўттизинчи йилларда қурилган. Ўша йиллар қурилган уйларни равонидан ичкарига кириладиган, чордоққа чиқиладиган ва подвалга тушиладиган қилиб қуриш одат бўлган эди. Таклифим шундай: ўртоқ Болдижарга мурожат қилиш керак. У ҳозир нафақада, лекин мана шу ерда узлуксиз қирқ йил ишлаган. У вилоятдаги ҳар бир бинони беш қўлдек билади, ҳатто қайси бинони ким ва кимнинг рухсати билан қайта қурганигача аниқ айтиб бера олади. Бунинг устига, қариянинг хотираси жуда зўр. Гапимга ишонинг, у чизмага шундай қарайди-ю, бу кимнинг вилласи эканлигини шу заҳоти айтиб беради.

— Нима ҳам дердик, бу гапда жон бор, — қўшилди Шалго. — Ўртоқ катта лейтенант, доктор Ямбор билан бирга Болдижаршикига бир сайр қилиб келинг. Уни бу ёққа таклиф қилинглар.

Орадан ярим соат ўтибоқ шоп мўйлов, озғин чол — Бени Болдижар трубкасини сўрганча архив хонасида ўтирар ва Хубердан олинган уй чизмасини диққат билан кўздан кечирарди.

— Жаноблар, бу чизмани меъмор чизмаган, — хулоса қилди у ниҳоят. — Менга қара, ўғлим, — деди у Ямборга. — М—1176—04 1927 делони бу ёққа олиб берчи. У иккинчи шкафда, деразанинг олдида.

Доктор Ямбо жавоннинг орқасига ўтиб кетди, Болдижар эса, яна чизмага тикилди.

— Болохонасини тополмаянман. Чизмасини қилган одам, кўришиб турибдики, бинонинг қайта қурилганини билмас экан.

— Э, бу Месарошнинг вилласи-ку, — деди жавон орқасидан чиқиб келган Ямбор.

Болдижар унга таъна аралаш қаради.

— Шуни билмасмидинг? — деб сўради у. — Албатта, бу Месарошнинг уйи. — Болдижар доктор Ямборнинг кўлидан папкани олди, уни столнинг устига қўйдида, аста ичини очди. — Мана, марҳамат, — деди у папкадан сарғайиб кетган бир варақни оларкан. — Ўзингиздаги чизма билан буни солиштиришингиз мумкин.

Шалго катта лейтенант билан кўз уриштириб олди. «Иш жуда қизиқ тус оляпти, — ўйлади у. — Уруш йиллари мана шу вилла эшигидан адвокатнинг ташландик Казмерни топиб олиши, орадан чорак аср ўтиб эса қандайдир Меннель деган одамнинг қурилиш чизмасини кўтариб, бу ерга келиши тасодифий бўлмаса керак.

— Петефи кўчаси Балванёш кўчасидан узоқми? — сўради Шалго Болдижардан.

— Пиёда ўн дақиқалик йўл, — деб жавоб берди у.

— Раҳмат кўрсатган ёрдамнингиз учун, — миннатдорчилик билдирди Шалго. — Шу билан ишга яқун яасак ҳам бўлади.

...Кейинроқ, улар қахвахонада ўтиришганда Фельмери Шалгодан сўради:

— Ишларимиз кун сайин мураккаблашиб кетяптими?

— Умуман айтганда, шундай, — деди Шалго. — Шуни назарда тутиш керакки, уй чизмасидан Бланка билан Меннелнинг бармоқ излари топилди.

— Демак, биз энди ўн тўққизинчи кун кечаси Меннель Шиофокдан кела туриб Месарошнинг вилласини

кўргани борган, деб тахмин қилсак бўлади. Бу ерда у илгариям бўлган бўлса керак.

— Шунга ўхшайди, — қўшилди Шалго. — Лекин биз адвокат Месаропи билан учрашамизми, йўқми, шунини ҳал қилиб олишимиз керак.

— Унга нима деймиз?

— Шунисини билмай турибман-да, — Шалго имлаб официантни чақирди-ю, ҳисоб-китоб қилди.

Эрталаб соат ўн бирда майор Балинт Будапештдан чиқди-ю, ҳеч қаерда тўхтамай Веспремга стиб келди.

Бошқармада унга Хубер Тибор Сюч билан Беатани фош қилди, ҳозир иккисиям қамоқда деб маълум қилишди. Бу нарса майорни қувонтириб юборди: ахир у биринчи кундан бошлаб Тибор Сюч билан Беата Кюрти Менселнинг агентлари деб жавраб келарди. Лекин ота-хон Шалгога бирон нимани уқтириб бўлармиди? Шалго бўлса, тагин Балинт хато қиланти, деб полковник Карани ишонтира олди. Энди отахонни бир тузлайдиган пайти келибди. Қоровулбоши майор Балинтни Тибор Сюч сақланаётган камерага бошлаб борди. У катта бир нуқтага маъносиз тикилганча ўтирарди. Ҳатто Балинтга бошини кўтариб қарамадиям.

— Фуқаро Сюч, бизга бирон нима ганириб беришни истайсизми? — сўради майор.

— Йўқ, — деб жавоб берди Тибор Сюч, эришчоқлик билан ўрнидан тураркан.

— Мен эсам, гувоҳлик берарсиз деб ўйловдим.

Сюч жавоб бермади ва майорга саросималаниб қараб кўйди.

— Нимаям дердик, бирор қарорга келсангиз, эшикни тақиллатарсиз. Биз сизга қалам билан қоғоз берамиз. Юрагингизни бўшатарсиз.

— Хўн, ўшанда эшикни тақиллатарман.

Улар Беатанинг камерасига киришганда қиз катдан ирғиб турди. У қамоқда ўтирган мана шу бир неча соатда анча ўзгариб кетибди: сочлари тўзғинган, юзлари гижимланган, қовоқлари салқиган.

— Чин сўзим, — деди у деярли шивирлагандай қилиб. — Мен ҳеч нимани билмайман. Ҳатто Тиборнинг шундай ишлар билан шуғулланишиниям... — Беата тўсат-

дан жимиб қолди-ю, унинг кўзларида ёш халқаланди, хўшграб юбориб танаси силкина бошлади. У ўзини катта отиб ғужанак бўлиб олди ва юзларини кафтлари орасига иширди; хиқиллаб йиғлаганидан силкинаётган елкаси-ю, гарам бўлиб кетган сочлари кўзга ташланиб турарди, холос.

— Уни яхшилаб кузатинглар! — деди майор Балинт камера эшигини ёпиб йўлакка чиқишгандан кейин. — Бу хоним тагин бирон найраг ишлатиб қўймасин.

Улар Геза Салаининг олдига боришди.

Муҳандис камера деворига суянганча тошдай қотиб ўтирарди. У майор Балинтга ҳадиксираб қаради.

— Беатани қачон қамадингизлар? — овози қалтираб сўради у.

— Нега энди уни биз ҳибсга олдик деб ўйлаяпсиз?

— Мени аҳмок деб ўйламаг. Овозини эшитдим.

...Ўтган йили ёзда, Ливорнода Меннель Саланга шундай деганди:

— Билиб қўй, йигит, мен сенга ростини айтиб қўйишим керак. Сенинг ишинг жуда хатарли.

— Нимага кадам қўяётганимни биламан, — такаб-бурлик билан деганди ўшанда муҳандис. — Бутун хавф-хатарни бўйнимга оламан. Ишим барбод бўлишини истамаслигимни билсангиз керак деб ўйлайман.

— Худди шундай, — деганди Меннель. — Лекин бу фақатгина ўзингга боғлиқ эмас. Ўз томонимдан, тўғри, мен ҳам хатарсиз бўлишинг учун қўлимдан келган ҳамма чорани кўраман. Худди шунинг учун ҳам сени Беатадан айириб қўйишга қарор қилдим. Бундан буён на сен, па у биринг олиб бораётган ишни биринг билмасликларинг керак. Энди сен ўзингни ўтакетган ранкчи қилиб кўрсат. Ахир ранк орқасида ҳар қанақа, энг бемаъни хатти-ҳаракатлариниям оқлаш мумкин.

— Тушунарли, ким билан алоқа қилишим керак?

— Вақти-вақти билан сенга телефон қилиб туришадди. Берилган савол ва жавобларни эсингда яхши сақлаб қол. Булардан алоқачимиз билан қачон ва қаерда учрашишинг лозимлигини билиб оласан. — Меннель стакаларга кальвадос қўйди. Улар ичишадди. — Менинг одамим сендан «жаноб Вагнерни гўшакка чақириб берол-

майсизми?» деб сўрайди. Сен: «Бу Вагнернинг квартираси эмас», деб жавоб берасан, кейин: «Қайси рақамни тергандингиз?» деб сўрайсан. Алоқачи бир рақамни айтади. Ҳар сафар рақам ўзгариб туради. Лекин биринчи сон билан охириги сонни қўшганингда тўққиз рақами чиқаверади. Тушундингми? Ўртадаги икки рақамнинг йиғиндиси учрашув вақтини билдиради. Учрашув Маргит оролидаги меҳмонхона олдида бўлади. Агар у сенинг саволингга жавоб бериб 249—807 рақамини тердим деса...

— Яъни бу, — унинг гапини бўлди Салаи, — икки билан етти тўққиз бўлади, пешиндан кейин соат бешда учрашамиз дегани, чунки тўққизга саккизни қўшсак, ўн етти, яъни соат ўн еттида... Лекин одамингизни қандай қилиб танийман?

— Отель олдида турадиган машинасидан. У ҳар қандай марка бўлиши мумкин. Лекин орқа ойпасида «Ганза» фирмасининг белгиси ёпиштирилган бўлади. Мана бу. — Меннель киссасидан кафт энлигида қоғоз чиқарди, унга ўрта аср Ганза шаҳарларининг тасвири туширилган ва йирик-йирик ҳарфлар билан «Ганза — Гамбург» деб ёзиб қўйилган эди. — Машинанинг ўнг эшиги ярим очик бўлади, — давом этганди Меннель. — Агар алоқачи жойида бўлмаса, машинага ўтириб унинг келишини кутасан, унинг бўйнида тўк кўк хол-хол галстук бўлади. Агар алоқачи аёл бўлса унинг ҳам бўйнида тўк кўк хол-хол шарфи бўлади.

— Тушунарли, — деганди Салаи, — энди баъзи нарсаларни сўраб аниқлаштириб олмоқчиман. Факат ўғил бола гапини гапирасан.

— Марҳамат, сўра.

— Беата билан ораларингизда ҳеч нима бўлмаганига онт ич.

— Онт ичаман.

«Демак, Беата шу ерда. Лекин Меннель ўлган. Нима қилиш кераклигини ҳал қилиб олишим лозим. Улар хонамдан Сильвия откриткасини топиб олибди, агар мен ҳеч нимани тап олмасам, ундан бирор иш чиқаришларига кўзим етмайди. Сильвияни фoш қилмаслик керак. Энг қийин дақиқаларда менга ёрдам бериши мумкин бўлган яккаю ягона одам ҳам шу, — ўйлади Салаи. —

Фақат каллани ишлатиш лозим. Ҳамма нарсани хотир-
жам тарозига солиб ўйлаш керак. Агар Беата қўрқоқлик
қилиб айтиб қўйган тақдирдаям, — мен барини рад қили-
шимга тўғри келади, шунда улар бўйнимга ҳеч нарсани
қўйишолмайди... Демак, мен жосуслик билан шугуллан-
маганман. Охиригача нима бўлган бўлса, барини рашк
орқасида қилганман деб оёқ тираб туравераман». Шу он
унинг калласига ажойиб бир фикр келиб қолдию югу-
риб камеранинг эшигига борди-да уни жон-жаҳди билан
тақиллатаверди. Тезда дарчадан қоровул мўралади.

— Сизга нима керак? — сўради у ёқинқирамай.

— Майор билан гаплашмоқчиман. Унга маълум
килинг. Жуда муҳим иш.

Орадан ўн дақиқа ўтиб, уни ҳали бошқармага кетиш-
га улгурмаган Балинтнинг хонасига олиб киришди. Ма-
йор ишонқирамай Салаига қаради.

— Нима демоқчийдингиз?

— Гувоҳлик бермоқчиман.

Браун кондиционерни қўйиб, ўғринча Хельгага қараб қўйди. Киз ўриндикда бенарво чекиб ўтирарди. «Қайлигининг ўлгани унчалик таъсир қилмабди, — ўйлади Браун. У ёзув столига қайтиб келди-да, ўриндикқа чўкди. Браун кайфи бузуғлигини бир амаллаб яширди. Бир неча соат муқаддам Шлайсигдан похуш хабар олинди. Герцег билан Еллинек белгиланган вақтда алоқа боғламабди. Хубер йўқотилмаганга ўхшайди. Бунинг устига Браун Герцег билан Еллинек йўлга тушишган бўлса керак деб тахмин қилди. Тағин Меннелнинг ўзиям шубҳалироқ одам бўлганлигини кўрсатадиган мана бу хат. Браун кутидан сигара чиқариб чекди.

— Яхши бориб келдингизми? — сўради у.

— Ҳа, бориб бир оз дам олдим. Бўлмаса асабларим жудаям бўшаниб кетганди.

— Манъум хабар сизга қачон маълум бўлди?

— Кеча, аэродромда. Дадам айтди.

— Сизга чуқур таъзия изҳор қиламан, — деди Браун.

— Раҳмат. Ўзингиз биласиз-ку, таъзиялар ғамни енгиллаштиролмайди. Дафн қачон бўлади?

— Кейинги ҳафтада.

Хельга кулдонни олдиға тортиб, устига сигаретасини қўйди, кейин сумкачасидан дастрўмолча олиб, кўзларига босди.

— Нима ҳодиса рўй бергани ҳақида батафсилроқ бироқ хабар биласизми? — деб сўради у.

— Қўп нарсалар маълум, қолганларини тахмин қилиб билиямиз. Очиғини айтганда бу иш анча чалқаш ҳамда мубҳам.

— Викторни ким ўлдиргани сизга маълумми?

— Йўқ, маълум эмас.

Хельга дастрўмолини сумкасига солди ва яна бир нуқтага тикилиб қолди.

— Мен сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи эдим, — паст овозда деди у. — Шефимиз сифатида эмас, оиламизнинг бир дўсти сифатида. Эгон, илтимос, саволимга виждонан, тўғри жавоб беринг.

— Бу турган гап, Хельга. Биз ахир яқин дўстлармиз-ку.

— Викторнинг Венгрияга кетишига қачон қарор қилинган эди?

— «Сильвия» бўйича қарор қабул қилинган пайтда... Шошмай туринг, ҳозир аниқни айтиб бераман. — Браун бир неча соғия ўйланиб қолди. — Май ойининг охирларида.

— Бу ҳақда унга маълум қилинганмиди?

— Албатта.

— Аблах! — деб юборди киз нафратланиб, — разил чувринди. Батгар бўлсин, жаззаси шу. Ахир у менга Венгрияга бормамай деб онт ичган эди-я. Уч ҳафта муқаддам. Бермуд оролларига бор, дея икки оёғини бир этикка тикиб олганининг боисини энди тушундим, — киз асабийланиб сигаретасини кулдонга босди. — Менимча, у икковимизни роса лақиллатибди.

Браун кўлидаги хатни кизга кўрсатиш учун кулай фурсат келганлигини тушунди. Чунки Хельга шу топда Меннелдан нафратланиб гапираётганди. Хафагарчилик, бунинг устига алам унинг кўзини очиши мумкин... У столидаги хатни олиб узатди.

— Мана, Меннелнинг квартирасидан топдик. Ўқиб кўринг.

Хельга хатни кўлига олди. Аввал нотаниш қўл билан ёзилган чўзинчоқ ҳарфларга бир назар ташлади-ю, кейин бошидан ўқишга тушди.

«Азизим Виктор!

Сўнги хатингни олиб бошим кўкка етди. Дўстимиз жуда илтифотли экан, Бухарестдан қайтишида менинг жавоб хатимни олиб кетишга ваъда берди. Хатни пуниг учун ҳам хотиржам ёзяманки, уни фақат сен бир ўзинггина ўқишингни биламан. Мана, ниҳоят узоқ ҳижрондан кейин биз яна учранадиган бўлдик. Худди илк бор севиб қолган мактаб боласидай ҳажрингда ёниб учрашув кунларимни санаб ўтказяман. Ҳамма топшириқларингни бажардим. Миллий банкдан ижобий жавоб ҳам олдим. Энди чет эл паспорти беришларини сўраб бема-

лол ариза ёзаверишим мумкин. Сен Будапештга келганингда паспорт ҳам қўлимда бўлса керак, деб ўйлайман. Виза масаласи билан боғлиқ бўлган гапларни кейин ўзинг хал қиларсан. Қаерга жойлашсак сенга яхши бўлади деб ёзибсан. Сен ёнимда бўлсанг қаер бўлсаям менга барибир. Ўзингни қаерда хавфсизроқ деб ҳис қилсанг, ўша ерга кетаверамиз. Мен учун энг муҳими сенинг хавфсизлигинг. Тибор улкан ишин амалга оширди: кучиниям аямай, хавф-хатардан ҳам қўрқмай шундай материаллар йиғдики, буни сен ҳали ҳаёлиниггаям келтирмагансан. Жонгинам! Сенга шуни айтиб қўйишим керак: Тиборнинг назарида мен уни севиб қолгандай туюлман. Агар у билан учрашиб қолсанг кўнглини чўктирма, хомхаёлларидан маҳрум қилма, чунки шўрлик йигит мана шу «улкан ва бегараз севги» туфайли шу қадар жопини жабборга бериб ишляпти. Умуман олганда, бечорага раҳмим келади. У қисмати яхшироқ бўлиши мумкин бўлган бебахт бир йигит. Энди қайлигим ҳақида: ораларимиздаги муносабат унга маълум бўлиб қолибди — мени қаттиқ раҳм қиляпти. Ўзингга эҳтиёт бўл, агар Геза бирон нимага шайланса, қўлидан ҳамма иш келади. Мен унинг сотиб қўйишидан қўрқмайман — унинг ақли жойида, қўлидан бу иш келмайди. Барибир у билан учрашмаслигингни хоҳлардим. Афсуски, фройлейн Хельга ўзини беодобларча тутди ва сиримизни очиб қўйди. Шўрлик, қизғанади-да. Уни тушунаман. Аёлниг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб берилмаса, бу унга жуда оғир ботади. Гарчанд Геза мени бир шапати урган бўлсада, Хельгадан хафа эмасман. Бечора Хельга, эҳтимол тийқсиз қаллигимнинг бир шапатиси менинг сенга бўлган муҳаббатимни сўндирар, деб ўйлар. Э, худойим-ей, севиб қолган аёлларни муҳаббат не қўйларга солмайди. Ҳозир мен ўтган йили биз танишганимиздан кейин Геза билан алоқамни узмай катта хатога йўл қўймаганмикинман деб тез-тез ўйлаб қўяман. У менинг жопимга текканини, кўзимга нақадар ёмон кўриниб қолганини билсанг эди. Начора, сени деб бу ўйинни давом эттирамиз, холос. Энди висол онларига озгина қолди деб умид қиламан. Демак, сени кутаман. Сенинг Беанг».

Хельга хатни тиззасига қўйди. «Ҳа, мен Викторнинг қайлиғи эдим, — ўйлади у. — Бу гаплардан кейин унинг

дафн маросимгаям бормайман. Лекин Виктор бу хатни нима учун йўқ қилиб юбормади экан? Қизиқ! Нахотки у шунчалик ишонган бўлса?!»

— Беа кимлигини биласизми? — сўради Браун.

Қиз бош ирғади. Унинг оғзи қуриб қолди, чўзилиб стаканга кока-кола қуйди-да, бир неча қултум ютди.

— Ҳа, мен уни билардим, — деди у аста. — Уни сизнинг билмаганингиз мени ҳайрон қолдирыпти.

— Биз уни билишимиз керакмиди?

— Шубҳасиз. Беата Викторнинг агенти эди.

— Бизнинг картотекамизда у қайд қилинмаган.

Хельга Браунга ажабланиб қаради.

— У ҳақда доктор Хубер ҳам гапирмаганмиди?

— Хуберми? — Браун ҳам бекорга ажаблангани йўқ. — Бу киз Хубергаям маълуммиди?

— Ҳа. Доктор Хубер ўтган йил августида Ливорнода бўлган эди.

— Қизиқ! Бундан мен беҳабар эдим, — Браун мени қафтида ўйнатишган экан-да, деб ўйлади. — Хельга, азизим, сиз менга мана шу ғалати саргузаштлар ҳақида дўстона гапириб берарсиз. Фақат менга, мутлако махфий қилиб.

Қиз ўйланиб қолди, кейин қутидан сигарета чиқариб чекди-да, Браунга назар ташлаб сўради:

— Викторни ким ўлдирганини биласизми?

— Йўқ, билмайман.

— Геза Салаи. — У хатни Брауннинг олдига, столга қўйди. — Беатанинг тийиқсиз ўша қайлиғи. Лекин сизга хаммаси аниқ бўлиши учун шунни қўшиб қўяйки, ўтган йили августнинг бошларида Виктор менга уч кунга Ливорнога бориб келамаи деб айтганди.

— Бу ҳақиқатга тўғри келяпти. Виктор у ерда бир нечта венгер агентлари билан учрашган, шу жумладан, бизнинг картотекамизда бор бўлган Геза Салаи билан ҳам.

— Тўғри, — қўшилди қиз. — Лекин сиз Салаининг шахсий ишени синчиклаб ўрганиб чиқсангиз унда ёлғон нарсалар усталик билан ниқобланиб кетилганини кўрасиз. Масалан, ҳужжатларда Меннель Салаини Парижда олтамиш еттинчи йили ёллаган деган гап бор. Бу нотўғри, Салаи олтамиш еттинчи йили Парижда бўлмаган. У ерда Беата Кюрти ўз онаси билан бўлган. Виктор Беатани

ёллаган. Сизга, Эгон, буни бошқача қилиб тушунтирган. Венгрияга қайтиб боргандан кейин бу ишга қайлиғини Беатанинг ўзи ёллаган. Бу гапларни мен шу йилнинг мартада Салаанинг ўзидап билиб олдим. Демак, ўтган йили Салаи қайлиғи иккаласи Ливорнога сайёх сифатида борганда Виктор у билан биринчи марта учрашган. Улар билан қизнинг ойиси ҳам бўлган. Улар «Куёш нури» меҳмонхонасида яшашган. Викторни бир бопламайманми деган ўй билан йигирманчи августда мен ҳам Ливорнога жўнадим. Хонасининг калити дарбонда йўқ экан. Бунга катта маъно ҳам бермадим. «Виктор эҳтиёткорлик юзасидан калитни тошширмаган бўлиши мумкин», — деб ўйладиму, хаёлимга бошқа бир ахлоқона фикр келди. Меҳмонхона фаррошига икки юз лира берган эдим, у менга Виктор яшаётган хонанинг иккинчи калитини келтириб берди. — Хельга стакандан яна бир қултум кока-кола ичди. — Хуллас, эшикни очиб кирдим, Викторни қиз билан бир тўшақда ётгани устидан чиқдим. Мен ўша он жанжал кўтармадим, индамай ўз рақамимга чиқиб кетдим. Орадан ўн дақиқалар ўтгач, Викторнинг ўзи орқамдан югуриб чиқди. Ўшаанда чеккан азобимни сизга гапириб бермасам ҳам бўлади. Виктор тушунтиришга тушиб кетди. Гап бу ерда хизмат юзасидан муҳим бир иш ҳақида бораётганини, бу ишни бажариш учун қизнинг хоҳишини амалга ошириш лозимлигини гапириб, мени бунга ишонтирмоқчи бўлди... Мен у билан ади-бади айтишиб ўтирмадим-да, хонамдан чиқиб кетишини буюрдим. Бармоғимдаги никоҳ узугини олиб, башарасига улоқтирдим. «Эсингдан чиқмасин, — дедим унга, — энди юзтубан кетдинг. Бу ёғига турмадан қутқариб қолиш учун бир қадам ҳам босмайман».

— Турмадан? — ажабланди Браун.

— Ха, турмадан, — тасдиқлади Хельга. — Мен Ливорнога фақат Меннелни бошлаш учунгина борганим йўқ эди. Буни дадам буюрган эди. Дадамнинг Америка ФБР¹ида баланд мартабада ишловчи бир дўсти бор. Мен йўлга чиқишимдан икки кун муқаддам у киши дадамни кўргани бизникига келди-да, ФБР анча вақтлардан буён контрабанда йўли билан паша сотиб бойлик орттираётган катта бир гуруҳнинг изига тушганини ишончли да-

¹ ФБР — Америка федерал текшириш бюроси.

диллар билан гапириб берди. Бу гуруҳ наша, кўкнори ва бошка ҳар хил наркотик моддаларни Европага катта-катта партиялар билан жўнатаркан. Текширувда ишнинг бир учи бизда хизмат қилаётган баъзи бир Америка офицерларига бориб тақалибди. Федерал бюро иккита америка офицери — бир майор, бир капитанни ҳибсга олибди ҳам. Операция жуда устомонлик билан амалга оширилибди. Уларни гўё Шаркка командировка қилишган бўлишибди, аслида улар жўнатишган ерларига етиб боришмаган. Биринчи савол-жавобдаёқ улар ҳамма айбларига иқроор бўлиб қўя қолишибди. Офицерлар бу ишларда «Ганза» фирмасининг ходими Виктор Меннель ҳам иштирок этган дейишибди. Буни эшитиб дадамнинг кай даражада лол бўлиб қолганини тасаввур қилишингиз мумкин. Дадамнинг америкалик дўсти Жон Колен анча яхши одам. Виктор менинг қайлигимлигини билиб, дадамнинг олдига атайлаб келди-да, бу қалтис ишни гапириб берди. Агар Виктор билан боғлиқ гаплар юзага чиқиб қоладиган бўлса, «Шпигель» жуда айқоҳаннос солиб юборишини қўшиб қўйди. Шунинг учун Колен ФБРнинг вакили сифатида дадамдан Виктор билан гаплашишини, агар у ҳамма гапларни яширмай очик-ойдин айтиб берадиган бўлса, бизнинг оилага ҳурмат нуқтаи назаридан Меннелнинг номини ҳеч қасрда тилга олмасликка қафолат беришини айтди.

Браун Хельганинг гапларини диққат билан эшитди.

— Ҳўш, сиз Меннелга гап нима ҳақидалигини айтдингизми, йўқми? — сўради у.

— Айтдим, кечқурун, — жавоб берди Хельга. — Мен у вақтда Меннелни кўргани кўзим йўқ эди. Отто Хубер эшикни тақиллатиб келганда кечки таомни еб ўтиргандим. У жуда хотиржам, мулоийм ва тилғўламалик билан гапга тушиб кетди. Безовта қилгани учун узр сўради, гапини эшитишимни қаттиқ илтимос қилди. Бир оз ўзимни босиб олдим, ҳатто улар Меннель иккаласи нимани ўйлаб топишганига қизиқиб ҳам қолдим. Хубер менинг дарғазаб бўлиб кетишимни жуда табиий бир ҳол, юзаки қараганда Меннель ҳар қанча жазогаям лойиқ, деди. Лекин Венгрияда муҳим бир операцияга тайёргарлик кўриляётгани ва венгер қиз эса ана шу операциянинг асосий иштирокчиларидан бири эканлиги хусусида гапириб берди. Қиз эса гўё Виктор Меннель ушга ўйнаш

бўлган такдирдагина бу вазифани бажаришга розилик билдирганмиш.

— Мана шу венгр операциясининг мохияти ҳақида Хубер сизга гапириб берганмиди? — сўради Браун ва ўзича: «Баъзи бир нарсалар ойдинлашяпти шекилли», деб ўйлади.

— У менга Венгриянинг қаериладир уруш йиллари бир немис офицери яшириб кетган бойликлар ҳақидаги мужмал гапларни айтиб берди. Мана шу бойликларни у Бсатанинг кўмагида тонмоқчи бўлган экан.

— Хубер бирон-бир номни тилга олдим?

— Йўқ, у фақат буларнинг баридан сизни хабардор деб айтди. — Хельга жавоб кутиб Браунга қаради. — Шу ростми?

— Ҳа, билардим, — фақат қизнинг бу бойликларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Отто Хубер ҳам, Меннель ҳам сизни лақиллатибди. Бўпти, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Хўш, ахир-пировардида Меншель билан ярашиб олдингизми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Хельга. — Виктор номеримга чиқиб Хубер нима деган бўлса шунини тўтидай такрорлади. Мен унинг гапларига ишондим, лекин эртагаёқ кизни Ливорнодан жўнатиб юборасан, деб шарт қўйдим. Виктор бунга ваъда берди. Ана шундан кейин унга нашавацлар ҳақидаги ганни айтиб бердим. Унинг жонпони чиқиб кетди. Эртасигаёқ дадам билан гаплашиш учун қайтиб кетди. Мен эса, Ливорнода колдим, чунки у менга бир нечта топширик берган эди.

— Кейин Хубер билан кўришдингизми?

— Йўқ, кўришмадим. У билан ҳам, киз билан ҳам. Улар кетиб қолишди. Викторнинг ўзи икки кундан кейин қайтиб келди. У мутлақо бошқа одам бўлиб қолганди. Аввалига менга ҳеч нима дегиси келмади, фақат ичкиликдан бош кўтармади. Кейин дадамни сўка бошлади. Ниҳоят нима бўлганини билиб олдим. Дадам, қизимдан воз кеч, деб туриб олибди. Колен билан дадам иккаласи бир бўлиб, роса унинг бурнини ишқабди ва Виктор дадамнинг талабига кўнишга ноилож рози бўлибди. Кейинроқ дадам кечасан деб меням қистовга ола бошлади. Уларнинг нима фикрга боришганини тушуниб етдим. Агар Мен Виктордан кечсам ФБР учун йўл очилади, Викторни навбатдаги чет элга чиқаришларидан бирида илдамай

хибсга олишлари мумкин. Бизнинг оила эса ишга аралашмай бир четда қолиб кетаверади. Биз Виктор иккаламиз махфий учрашавердик. Мен дадамга, агар Викторга бирон қор-қол бўладиган бўлса, ёмон жанжал чиқараман, дедим. Унга ҳеч нима бўлмади. Эсингизда бўлса, ҳар хил ваз-қорсонлар топиб ҳеч қасққа чиққанни йўқ. ФБР агентлари уни кузатиб юришганини билардик. Турган гап, ундан йўлигагина кечганим дадамдан сир бўлиб қолгани йўқ... Тўрт хафта муқаддам Виктор олдимга келди. У менга «Сильвия» операциясини амалга ошириш учун уни Венгрияга юбормоқчи бўлаётганлигини гапириб берди. Бу гап менга ёкмади. Уни рашк қилдим. Бунинг устига шу йил март ойида Будапештга борганимда Геза Салаи билан учрашган ва ундан Викторнинг Беата билан хат ёзишиб юрганини билган эдим. Ўшанда мен, умримда энг катта хатоликка йўл қўйган бўлсам керак, деб ўйлайман... Тағин ким билади дейсиз? — Худди ўз-ўзидан сўрагандай қилиб деди у. — Мен ўшанда Геза Салаига қаллиғини Меннелнинг ўйнаши, у сени лақиллатиб юрибди, дедим. Албатта ўшанда мен бу билан унинг ўлимини тезлаштирган бўламан деган гап хаёлимга келмаган эди. Мени тушуняписизми, Эгон? Ахир мен буни тасаввур ҳам қилмагандим, чунки Виктор менга Беата билан учрашмайман деб ойт ичган эди. Кейинроқ Венгрияга ҳечам бормаслигини маълум қилди. Боришдан воз кечдим, ўримга бошқа биров борадиган бўлди, деди. Ўша кечаси бирга бўлдик. Сахар туриб Виктор мендан ишонасанми, деб сўради. Мен ишоншимни айтдим. Ҳар ҳолда уни жуда севардим, усиз менга дунё қоронғидай туюларди... Гарчад ўша кечаси анча-мунча ичиб қўйган бўлсак-да, Виктор кайф бўлмади. У ҳар бир қадамимни кузатиб юришибди, доим кўрқиб яшаб бўлмайди-ку, деди. Бирон-бир қарорга келишимиз лозимлигини айтди. Виктор мамлакатдан чиқиб кетишимизни, Жанубий Американинг бирон жойига ғойиб бўлиб яшашимизни таклиф қилди. «Бу ёни қандай бўлади, — дедим, — ғойиб бўлиб кетипнинг ўзи бўлмайди-ку», у кеккаймачоқлик билан кулиб қўйди-ю, ҳаммасининг тадоригини кўриб қўйганман, деди. Швейцария банкларидан биттасида махфий счёти бор бўлиб, ҳужжатлар ҳам янги номига расмийлаштирилган эди ва у янги хаёт бошлашни кўнглига тугиб қўйганди. Венгрия-

даги яширилган хазинани тошгандан кейин ғойиб бўлишимизни ўйлаб қилганди.

— Бундан чиқди, сиз унинг Венгрияга бормоқчилигини билган экансиз-да?

— Билардим. Лекин у менга ўша қиз билан бошқа учрашмайман, деб ваъда берганди. Балатонда бойлик яширилган вилланинг чизмасини ҳам топишга муяссар бўлган экан. Менга уни кўрсатувди.

Браун Хельгага яна коньяк қуйган эди, у бир кўтаришда рюмкани бўшатди.

— Биз Виктор билан, — давом этди у. — Ғойиб бўлиш режасини батафсил тузиб чиққандик. Мен ўн тўртинчи июлда Бермуд оролларига, у эса Венгрияга кетишга келишиб олгандик. Мўлжалланган операцияни бажариш учун беш кун етадиган ва у йигирманчи куни кечкурун Венага келадиган эди. Кейин эртасига янги помда самолётга ўтириб Монреалга келиши ва мен ундан ўзимнинг янги ҳужжатларимни олишим лозим эди. Йигирманчи куни эрталаб Монреалга етиб келдим. Лекин у навбатдаги Вена — Монреаль рейси билан ҳам келмади. Эртаси куни эрталаб яна аэропортга бордим. Натижа бўлмади. Кейин хавотирлана бошладим. Тўрт кун кутдим. Бари бир Виктор келгани йўқ. Шундан кейин маҳаллий авиакомпания идораси билан боғландим. Виктор йигирманчида Венадан Монреалга учадиган самолётдан жой банд қилишини билардим. Албатта, ўзининг аввалги фамилиясига эмас, балки янги, Фред О'Коннер номига. Орадан бир неча соат ўтгандан кейин Венанинг биринчиси агентлигидан юқоридаги помга жой банд қилинмаганини билдиришди. Шундан кейин бирон кор-хол бўлибди дедиму, қайтиб келдим. Кеча эса, дадамдан нима ходиса рўй берганини эшитдим. Бор гап шу. — Хельга стол устида ётган хатни кўрсатди. — Энди менга ҳаммаси равшан. Ишончим комилки, Викторни Геца Салаи ўлдирган.

— Эҳтимол шундайдир, — жавоб берди Браун, — Меннел амалга ошириш керак бўлган топнирикларга мувофиқ у Салаи билан учрашиши лозим эди. — Браун ўрнидан туриб хонада уёқ-буёққа юра бошлади. У ўғринча қизга назар ташлаб қўйди. — Жуда зўр нарса экан, — деб ўйлади у. Қўлдан чиқармаслик керак. Харҳолда хозир эмас, кейинроқ. Лекин аввал нима ходисалар рўй

берганининг тагига етиш керак. У деразанинг олдида тўхтади. Шаффоф хавода узоқ-узоқлардаги кемасозлик заводи ва портдаги кўтарма кранлар кўришиб турарди. — Хельга, — деди у ҳатто ўгирилмай. — Бундан кейин ҳам сизнинг ёрдамингизга умид боғласам бўладими? Буни шунинг учун сўраяпманки, ўз вақтида сиз Виктор туфайли алоқачилик вазифасини бажаришга розилик билдиргандингиз. Энди у орамизда йўқ, бошқачароқ қилиб айтганда, сизни энди биз билан боғлаб турадиган ҳеч нима қолмади.

— Мен ҳақиқий немис аёлиман, — деб жавоб берди Хельга. — Шунинг ўзи старли эмасми?

Браун ўгирилди.

— Бу гапларингизни сиз бундан кейин ҳам бизга ёрдам бермоқчисиз деб тушунсам бўладими?

— Албатта. Қадимгидай. Сўзсиз, — жавоб берди Хельга. — Эгон, менга айтолмайсизми, Виктор нима учун Геза Салаи билан учрашиши керак эди?

Браун қизга яқинроқ келди.

— Кўряпсизми, Виктор Венгрияга бир эмас иккита топширикни бажариш учун кетган эди: биринчидан, у яширинган бойликларни олиб келиши керак эди, иккинчидан, «Сильвия» операциясини бажариши лозим эди. Мана шу иккинчи топшириғига Салаи билан учрашув ҳам кирарди. Салаи резидентларимиздан биттасининг бир нечта агентини у билан боғлаши керак эди. Сизга шуни ишонтириб айтаманки, Беата билан Салаиларнинг яширилган дафинага тарикчайм алоқадорлиги йўқ эди.

— Демак, мени доктор Хубер алдаган экан-да.

— Секинроқ айтасизми! Нима мақсадда алдагани энди менгаям равшан бўлди. У Викторга ёрдам бермоқчи бўлган. Севганингиз қайлиғим мени қувиб юборди, деб шикоят қилган бўлса керак. Хубер эса, сизни ишонтириш учун бойликларни Беатанинг ёрдами билангина топиш мумкин, деган уйдирмани тезда ўйлаб топган.

— Менга шуниси қоронғи бўлиб турибди, нима учун сиз бу қиз ҳақида ҳеч нима эпитмагансиз?

— Виктор фақат «Ганза»гагина ишлаган бўлмаса керак деб ўйлайман, — жавоб берди Браун. — Булар бари тез кунда ойдин бўлади. Виктор Меншелнинг бари агентурасини билмаслигимиз кўришиб турибди. Афсус-

ки, Хельга, ўзингиздан қолар гап йўқ, шу ерда нима гап бўлиб ўтган бўлса, бари орамизда қолиши керак.

— Балки, Венгрияга ўзим бориб келсам яхши бўлармиди?

— Ҳозирча мумкин эмас. Шуниси равшанки, у ердаги ишлар барбод бўлди. Хубер сотқин бўлиб чикди. Уни йўқота олмадик. Бу ишни амалга ошириш учун юборган одамларимиз ҳам муваффақиятсизликка учраган бўлса керак. Венгриядаги, дейиш мумкин, яхши ташкил қилинган агентура тармоғимиз катта талафот кўрди, деб ўйлайман. Ҳозир уйга боринг, Хельга, дам олинг. Агар эътироз билдирмасангиз бирон кун окшом учрашамиз-да, яна суҳбатимизни давом эттирамиз.

Браун танҳо қолгандан кейин ўриндикқа яхшилаб ўтириб олиб, ўйга толди. Унинг калласидан Хубер чикмасди. Бу қари фирибгарнинг унга ёқмагани бежизмасди. Шуниси тап олиш керакки, Браун гаплашганда ўзини қатъиятсиз сезадиган одам битта мана шу Хубер эди. Эгон унинг юрагига қўл солиб, кўнглидагини, хаёлида нималар рўзғон ўйнаётганини ҳеч қачон билолмаган. Йўқ, улар бирон марта бўлсин, бахслашишмаган. Брауннинг саволларига Хубер доим мулойим ва атрофлича жавоб берарди. Агар бирон гапда унга қўшилмаса, кўнглидагини жуда назокат билан баён қилар ва сўзининг охирида «сиз менинг шефимсиз, нима қилсангиз ҳам ўзингиз биласиз», — деб кўярди.

Браун селекторни босиб, Шлайсиг олдимга кирсин, деди.

Биринчи август жумага тўғри келди. Шу кунни Оскар Шалго ўзининг туғилган кунини нишонлади. Туғилган кун унчалик яхши ўтмади десаям бўлаверади: шу кунни эрталаб Шалго билан Фельмери Балатонфюреддан итдай чарчаб келишди-ю, ўзларини тушакка тапшлашди. Шу ётганча тушдан кейингина уйғонишди. Шалго овқат егиси келмай боғни айланиб кетди. Фельмери бўлса, очиқиб ўзини овқатга урди. Шалгога кўн нарсалар энди маълум эди, лекин афсуски, тахминлари тўғри чиқиши учун барибир далил-исботлари хали старли эмасди. «Шундай вазиятни вужудга келтириш керакки, — деб ўйлади у. — Токи қотил келиб ўзини ўзи тутиб берсин». Шалго ўз боғини Таборилар боғидан ажратиб турувчи симтўр

бўйлаб сайр қилиб юрди. Казмернинг профессор Табори билан кирғоққа тушиб кетгани унинг назаридан четда қолмади. Кейин Бланка билан Хуберни сезиб қолди. Улар ёнғоқнинг тагида — Бланка тебратма стулда, Хубер эса сават ўриндиқда ўтиришарди. Эҳ, қанийди, шу топда уларнинг нима деб гаплашаётганини эшитса. Шалго қараса, гаражнинг эшиги очик. Истеъфодаги изқувар аста Табори бофининг эшигини очди-да, бориб бемалол гаражни кўздан кечирди. Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин Шалго ўз соя-салқин равонида ўтирганча ишгаҳа билан овқатни туширарди. Майор Балинт кириб келганда у қаҳва ичиб бўлган эди. Лиза дарров уни столга ўтказди. Майор Балинт ҳам кўп таранг қилиб ўтирмади-да, ўзини овқатга урди.

— Миклош, — деди Лиза. — Бугун Оскарнинг тузилган куни. Шу муносабат билан совға ўрнига уни қийнаб юрган бир нечта саволларига жавоб берсанг.

Майор Балинт ўриндиққа бемалол ўтириб олиб чекди ва ҳамма воқеадан яхши хабардор одамдек Шалгога озгина димоғ билан қараб қўйди.

— Бизнинг гўдагимизни қандай муаммолар бетипч қилаётган экан? — деб сўради у. — Бугун жуда кайфим чоғ, ҳар қандай саволга жавоб бериш учун тайёрман.

— Лизенька, дарров доска билан бўр топ, ғойибдан келган кароматли қоҳин Миклошнинг ҳар бир жавобини ёзиб ол. Фельмерниям таклиф қилсак ёмон бўлмасди. Болакай қаёққа ғойиб бўла қолдйкин-а?

— Бир чўмилиб келаман деб кетди.

— Бўпти, Оскар, гапни чалғитмайлик! Саволларингизни бering.

— Буям ёмонмас, — деди Шалго. — Демак, биринчи савол: қотил ким?

— Мюнхенлик коллекциячи Эрих Фокс.

— Исбот?

— Бармоғи ва оёқларининг излари, — ишонч билан жавоб берди майор Балинт. — Мен хозиргина Веспремдаги криминалистлар лабораториясидан жавоб олдим. Гаражда из қолдирган одам қирқ иккинчи размерли ва резинка тагчармли оёқ кийими кияркан. Ҳамда оёғининг таги яссилигидан бир оз оқсаркан.

— Миклош, менга айт-чи, — унинг гапини бўлди Шалго. — Балки бу ўзининг изингдир, а?

— Вактни бекорга ўтказаяпмиз, — тўнғиллади майор Балинт. — Сиз билан бундай жиддийроқ гаплашиб ҳам бўлмайди.

— Майли, кизишма. Гарчанд шахсан менга унчалик ёқмасаям, тахминларинг жуда қизиқ. Шуниси қизиқки, ишни ёпиш учун имкопоят яратиб беради. Жаноб Фокс — қотил. У Фарбга қочиб кетган. Тўғри, топилган бармоқ изларини биз ҳали солиштиришга улгурганимиз йўқ, лекин бу уники бўлиши турган гап. Зотан, ўн иккита агент, иккита ёлланган қотил, бир тугма ясовчи мутахассису чала врач — гинеколог ва битта сермухаббат қиз қўлимизга тушди. Ишлаб чиқариш режаси нуқтаи назаридан бу ёмон натижа эмас, — Шалгонинг овозида тахқиромуз ифода аниқ сезилиб турарди. — Бошқа бир нуқтаи назардан бу ёмон: виждоним азобланыпти, — Шалго сигара ёндирдию буруксатиб тутун чиқарди. — Веспремда Мениелнинг машинасини кўздан кечирганимиз эсингдами, Миклош? Мен ўшанда сигнал диски рацияинг жапговар ҳолда эканлигини кўрсатиб туришидан ташқари аппаратурага бегона қўл теккапини ҳам англаб етгандим. Кейин, Меннель, сенинг гапингга қараганда, бойликни топган. Лекин бу бойликлар қаерга яширилган эди — мапа шу мени қизиқтиряпти. Сен менга буни тўғри айтиб бермагунингча қотилни ахтаравераман.

Майор Балинт соатига қараб қўйди.

— Ронпа-роса бир соатдан кейин ҳақиқий қотил Фокс эканлигини сизга иботлаб бераман, — деди у қатъий оҳангда.

— Ана шу дақиқани сабрсизлик билан кутаман, — деди Шалго.

Телефон жириглаб қолди. Лиза хонага кириб кетдию, унинг ким биландир қизгин гаплашган овози эшитилиб турди. Кейин Шалгони чақирди:

— Оскар, сени Эрнэ сўраяпти!

Шалго келиб гўшакни қўлига олди.

— Алло, салом, Эрнэ!

— Балинт шу ердами? — деган Каранинг товуши эшитилди.

— Афсуски, шу ерда. У менинг байрам дастурхонимдаги бор майизли кексни еб тугатди.

— Гўшакни унга бер..

Майор Балинт икки-уч дақиқа шефининг гапини «ха», «тушунарли» деган сўзлар билан маъкуллаб туриб, унинг топшириқларини яхшилаб тинглади. Кейин телефонга Шалгои чақирди.

— Хўш, устаси фаранг баликчи, — полковник Каранинг кувноқ овози эшитилди. — Энди сепинг галинг. Балинтга ҳаммасини айтдим. «Ҳосил йўғим-терими» яхши кетяпти.

— Хўш, қанақа? Доннинг нави аъломи?

— Жудаям! Ҳатто жуда салмоқли нусхалариям бор. Хубер тақдирлашга лойиқ иш қилди.

— Нимаям дердик. Орден тақиб қўйинглар, — зарда билан деди Шалго.

— Бўпти, қизишма, оғайни. Ҳали бу «Гапза» агентурасининг ҳаммаси эмасга ўхшайди. Мениям сенга айтиб қўядиган бир янгилигим бор. Бу ердан Веспрем болалар уйининг собиқ назоратчиси Анна Талаберини қидириб топдик. Ҳозир у қариб қолган, нафақада, лекин бахтга қувван ҳофизаси яхши экан. У Казмер Таборини эслади ва у ҳақда мана нималар деганига кулоқ сол. Қирқ тўртинчи йил кузида етимхонага башанг кийинган бир киши кириб келибди-да, кимдир эшигининг олдига саватга солинган чақалоқ ташлаб кетганини маълум қилибди. Ўша киши Балатонфюреддаги Казмер қўчасида яшаркан. Шунинг учун ташландиқ болани етимхонада Казмер Фюредий деб атаёй бошлашибди. Врачнинг хулосасига кўра чақалоқ бир ярим — икки ойлик бўлган экан.

— Қувван ҳофизаси зўр ўша кампир асранди бола ҳақида нималар деди? — полковникнинг гапини бўлди Шалго.

— У айтдики, уруш кетяпти, қирқ бешинчи йилнинг апрелида қандайдир Бланка Табори деган аёл келди-да, бироқта ўғил болани боқиб олмоқчи эканлигини маълум қилди. Ўшанда етимхонада ўн-ўн икки чоғли бола бор экан. Шуларни Бланка Таборига кўрсатишибди. У боқиб Казмер Фюредийни танлабди.

— Бор гап шуми? — сўради Шалго.

— Нима, бу сенга камми? Менимча бу ёғига тугун жуда тез ечилади-ку.

— Қандай тез ечилишини ҳали сен тасаввур ҳам қилолмайсан, — тасдиқлади Шалго. — Биз ҳозир ўша

Анна Талаберинг айтган гапдан ҳам кўпроқ нарсаларни биламиз.

— Сен хокими мутлақларга ўхшаб ўзингни сизлаб гапиратибсанми дейман!

— Мутлақо. Биз деганим — бу мен ва Фельмери... Башанг кийипган эркакка келсак, сенга айтиб қўяй, унинг исми Месарош. У Фюреддаги Казмер кўчасида эмас, балки Петсфи кўчасида истиқомат қилади. Бугун эрта-лаб биз у билан анча суҳбатлашдик. Суҳбат бошида бир оз қизишиб ҳам олдик. Сенинг рухсатинг билан — сўнги буйруғинггача — адвокат Месарошнинг вилласига муҳр босиб қўйдик. Буни амалга ошириш учун Фюред милицияси мададига таянишга мажбур бўлдик... Эриё, иложи борича тезроқ келсанг девдим.

— Бунинг иложи йўқ, Оскар. Мен бу ерда «ҳосил йиғим-терими»нинг охиригача бўлишим керак.

— Бўлмаса мен жонимни гаровга қўйиб таваккал қиламан. Албатта, майор Балинт билан биргаликда. Фельмерини бўлса — мана у ҳозиргина пляждан дам олиб кайфи чоғ қайтиб келди — қўлига магнитофон тасмасини тутқазиб зудлик билан хузуришга жўнатаман. Ҳар ҳолда, уни эшитиб кўрганингдан кейин бу ерда ўзинг бўлишинг не човли шартлилигини тушуниб етарсан, деб ўйлайман.

— Жиддий гапирясанми? — Каранинг овозидан иккиланиб қолгани сезилади. — Агар Фельмери ҳозир йўлга чикса икки соатдан кейин шу ерда бўлади... Биласанми нима? Мен у билан Хубернинг паспорти ва визасини бериб юбораман. Балинт айтиб қўйсин, Хубер кечи билан ярим кечада Прагага жўнаши мумкин... Тушунарлими?

— Ҳа.

— Лизани ўниб қўй. Хайр.

— Яхши, — деди Шалго ва гўшакни қўйиб ўтирди.

— Хўш, мендан нимани сир тутянсизлар? — сўради Балинт.

— Ҳеч нимани сир тутаётганимиз йўқ. Вужудга келган вазият муносабати билан биз ҳали бемалол ўтириб гаплаша олмадик, холос. Лекин ҳаммасининг ўз гали бор. Фельмери Будапештга қайси машинада боради?

— Ўша алмисокдан қолган «Фиат»иигизда бора қолса қандай бўлади? — сўради майор Балинт.

— Соз бўлади. — Шалго Будапештга жўнаши унчалик ёқмай турган лейтенантга ўғирилди. Фельмерининг ҳозир қари изкуварнинг навбатдаги қадамини ўз кўзи билан кўриш учун Шалгонинг олдида қолгиси келастганди. — Агар тез қайтиб келадиган бўлсанг, сени кутиб тураман, — ваъда берди Шалго. — Ҳозир эса машина келгунга қадар Месарош билан бўлган суҳбатимизни яна бир тасмага тушир.

Лейтенант магнитофонга ушлаб кетди. Бундан фойдаланиб, Шалго кеча кечаси Фельмери иккаласи нималарни аниқлаганини майор Балинтга гапириб берди.

— Акл бовар қилмайдиган мўъжиза бу! Вой-бўй! — хитоб қилди майор Балинт хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келаркан. — Бу менинг Эрих Фоксга нисбатан қилган тахминимдан кам бўлмаган хол.

Улар равопга чиқишиб сояга ўтиришди.

— Қара Хуберга нима деб қўйишни айтди? — сўради Шалго.

— Уни Венгриядан чиқиб кетиш қоидалари билан таништириш керак экан. Умуман, шеф менга шунча кўп тоншириқ бердики, уларнинг барини бажара олармиканман, деб ўйланиб қолдим.

— Хуберни Прагагача кузатиб борасанми?

— Фақат чегарагача, — жавоб берди майор Балинт.

— Яна қанақа тоншириқлар берди?

— Қазмерни сўроқ қилишни. Агар у қотиллик содир бўлган пайтда қаерда бўлганини тушунтириб беролмаса, камокқа ол, деди.

— Бу ёғи энди бемаънилик! — деди Шалго.

Уларнинг суҳбати бўлиди. Шалгонинг вилласи томон боғ оралаб Отто Хубер келарди.

У келиб Лизанинг қўлини ўпди, эркаклар билан қўл бериб кўришди-да, бориб Шалгонинг ёнига ўтирди.

— Бир дақиқагина вақтингизни оламан, жаноб Шалго.

— Марҳамат, икки дақиқа бўлсаям майли, жаноб Хубер. Йўлга ҳозирландингизми?

— Ҳа. Худди шу ҳақда сиз билан гаплашмоқчи эдим. Мен Менселнинг ҳужжатларини қараб чиқдим, назаримда, унинг баъзи бир қоғозлари йўққа ўхшайди. — У Лизага қаради. — Балки сиз эсларсиз, хоним, биз ўшан-

да Герцег билан хонадан чиқиб кетганда столнинг устида жуда кўп хужжатлар, ёзилган қоғозлар ётарди.

— Ҳа, эсимда... Лекин Герцег уларнинг барини олволган эди. Сизга бу тўғрида айтувдим, шекилли.

— Миклош, Герцегни хибсга олаётганингизда ундан қанақа хужжатларни тортиб олгандиңиз?

— Шахсий хужжатлар, ҳисоб-китоблар, каталоглар дегандек...

— Унинг ичида қандайдир уйнинг чизмасиям бор эди, — деди Лиза. — Яхши эсимда.

— Герцегдан тортиб олиган хужжатларни бир кўздан кечирсам майлими? — сўради Хубер.

— Герцегни ҳамма хужжатлар билан бирга бугун Будапештга жўнатвордик, — жавоб берди Балинт. — Жаноб Хубер, нега олдинроқ айтмадиңиз, ахир? Бирон-бир муҳимроқ нарса бормиди?

— Масалан, мен шартноманинг бир нечта нусхасини тополмаяпман.

— Қандай қилиб бундай хол рўй берганига тушунолмаяпман, Жаноб Хубер, — гапни илиб кетди Шалго. — Хотиним мехмонхонага кириб борганда хужжатлар қаерда турганди?

— Герцегнинг қўлида бўлса керак. У ҳамма хужжатларни елим халтага солди. Унинг қўлидан ўша халтани олмаганим — менинг хатойим. Лекин содир бўлган ҳодисадан шу қадар довлдираб қолдимки, ҳатто эсимни йўқотиб қўйибман. Ўзимнинг жоним омон қолганига суюниб кетдим. Кейинроқ эса, нима учундир муҳтарама рафиқангиз елим халтани олиб қўйган бўлса керак, деб ўйландим.

— Йўқ, мен унинг қўлидан тўпнончаси билан агентларнинг рўйхатини олгандим, — деди Лиза. — У ерда бирон бир муҳим хужжат бўлиши мумкинлиги хаёлимгаям кириб чиққани йўқ.

— Вино ертўласида у билан бирга бўлгандиңиз, — деди Шалго. — Герцег елим халтада олиб келган хужжатларни нима қилганини кўрмадиңизми, ахир?

— Йўқ, кўрмадим, — жавоб берди Хубер. — Чунки Лиза хоним уни мендан бошқа хонага қулфлаб қўйганди.

— Тўғри. Лекин шубҳа туғдирмаслик учун халтани унга қайтиб беришга мажбур бўлгандим. Бундан ташқари, қамоққа олишаётганда ёнида буннинг учун ашёвий

далиллар ҳам бўлиши керак эди-да, — Лиза хавотирланиб Шалгога қаради ва сўради: — Нахотки мен хато қилган бўлсам?

— Йўқ, мунисим, — уни хотиржам қилди Шалго. — Сен тўғри қилгансан. Сиз бир ёқадан бош чиқаргансизлар. — Шалго Хуберга қаради. У бўлса ўзини бу ҳолга унчалик аҳамият бермаётгандек қиёфага солди.

— Умуман олганда, — деди у — мен сизларга фақат ёрдам бермоқчи бўлгандим.

— Энди эсимга тушяпти, — деди Лиза. — Герцег сиздан бу қанақа чизма деб сўраганда сиз унга Баварияда вилла қурмоқчиман, бу унинг хомаки чизмаси, дегандингиз.

— Ҳа, шундай девдим.

— Сиз уни алдадингиз деб ўйлаб, бу сўзларга унчалик аҳамият бермагандим.

— Бу чизма Герцегнинг қўлига тушмаслигини хоҳлагандим, — жавоб берди Хубер. — Чизма Меншелники эди. Афсуски, уни яхшилаб қараб олмагандим, мен уни немис офицери қочини олдидан бойликларни яшириб кетган вилланинг чизмаси бўлса керак, деб гумон қилганман.

Хубернинг гапини диққат билан эшитиб турган майор Балинт бирдан пешанасига шарт этиб урди:

— Аттанг-аттанг-а! Нега буни олдинроқ айтмадингиз, ахир? — хитоб қилди у. Ҳамма унга ҳайратланиб қаради. — Ахир, уни Герцег йўқ қилиб ташлади-ку.

— Буни қаердан билдингиз? — сўради Шалго.

— Герцег билан Еллинекни Буданештга олиб кетаётганимда, улар мени билмайди деб, роса немисчалаб гаплашиб кетишди. Еллинек Герцегдан Баварияда вилла қурилдими, деб сўради. Герцег йўқ, қурилмади, деб жавоб берди. Чизма ёниб кетганмиш. Қалламини қўяман, Герцег уни ё ёқиб ташлаган, ё бошқа бирон йўл билан йўқотган.

— Бўлиши мумкин, — тасдиқлади Шалго. — Лекин мен полковник билан гаплашиб қўраман, жўнатилган ҳужжатларнинг барини зудлик билан қайтариб юборсин.

— Кечирасизлар, — деди майор Балинт ўрнидан тураркан. — Ишларим кўп эди... Жаноб Хубер, кетишингиз учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатлар бугун кечқурун қўлингизга тегаркан, полковник Кара шуни

айтиб қўйишимни буюрди. Ҳозир лейтенант Фельмери Будапештга жўнайдн. Хужжатларни олиб кечқурун қайтиб келади, уни сизга ўзим топшираман. Уйда бўласизми?

— Уйда бўлсам керак. Ғоят миннатдорман, — таъзим қилди Хубер, майор Балинтнинг сўнгги сўзлари уни хотиржам қилгани кўриниб турарди.

— Чегарагача сизни мен кузатиб бораман. — Ўша ерда қўшни давлат хавфсизлиги хизматчиларига топширамыз. Улар сизни аэродромгача кузатиб қўйиб, ҳамма ишда сизга ёрдам беришади.

— Яна бир марта раҳмат, жаноб майор, — деди Хубер. — Жуда илтифотли экансиз. — У ўрнидан турди. — Жаноблар, сизларга халақит қилмай. Рухсатингиз билан кета қолсам.

Хубер кетгандан кейин Балинт Шалгодан сўради:

— Хўш, фикрингиз қалай?

— Ким ҳақида?..

— Хубер ҳақида-да! Бизга сидкидилдан хизмат қилди шекилли.

— Жўжани кузда санайдилар.

Хонадан портфель кўтариб Фельмери чиқиб келди.

— Хубер қўлидан келган ҳамма ишларни қилди, — эътироз билдирди Балинт. — Полковник Кара сизга нима деганини билмайману, гапларига қараганда биз Хубердан миннатдор бўлишимиз керак. Сизга гап уқтириб менга нима! Герцегни ўзингиз сўроқ қилдингиз-ку. Хубер Браун ва унинг одамлари томонидан ўлимга ҳукм қилинган. Биласизки, «Ганза»нинг қўли жуда узун. Мен ҳозир Хуберга унчалик ҳавас қилаётганим йўқ. Агар улар истапса Хуберни чегарадан ташқаридаям топиб билганини қилишади. Айтмоқчи, Каранинг аппаратидаги ўртоқлар Хубернинг ўғли ростдан ҳам Гаванада истикомат қилишини аниқлашибди. У ўз вақтида Куба ҳукуматидан сиёсий бошпана сўраган экан. Хубернинг ўша ерга бормоқчи бўлаётгани ҳам тушунарли энди. Тибор Сјуч билан Беата Кјурти-чи! Уларни сиз эмас, ўша Хубер фон қилди. Бундай қилмаслигим мумкин эди-ку. Тап олинг, Тиборга ишонгандингиз-а? Унинг ёш болаларни лақилатадиган «Артекс» фирмаси ҳақидаги чўнчакларига ишонувдингизми?

— Ишонувдим, — жавоб берди Шалго. — Чунки буни улар жуда усталик билан тонишганди. Шундай бўлса-да, сен ҳам Миклош, баъзи бир нарсаларни унутдинг.

— Нимани, масалаи?

— Шароитни. Хубернинг рухий ҳолатини. Мен унга ишонмаслигимни у бошиданок биларди. Уни кузатиб юрганимизни сезиб қолди, микрофонни билиб қолганидан кейин эса, ҳамма гапларини эшитиб юрганлигимизни тушунди. Бу вақт ичида жуда эҳтиёткор бўлиб яшади. У шундай бир вазиятга тушган эдики, Тибор ва Беатани ифвогар деб билса-да, улар билан тил бириктирганман, дейишдан бошқа иложи қолмаганди.

— Ҳозир Шалгонинг Тибор ҳақида нима деб ўйлагани эмас, — гапга қўшилди Фельмери, — балки, унинг бу вазиятни қандай қилиб вужудга келтиргани муҳим. У ахир, биричи кунларидаёқ Сюзни Хубернинг олдига жўнатиши мумкин эди-ку, бундай қилганда ҳамма ишни барбод қилган бўларди.

— Қўриб турибман, сиз ҳам, Фельмери, Хуберни икки юзлама деб ҳисобласангиз керак?

— Билмадим, — деди аста лейтенант, — ҳар ҳолда, Хубернинг хатти-ҳаракатларини бошқача баҳолаш ҳам мумкин деганида Шалго ҳақ.

— Сафсата! Ҳар қандай фактсиям истаган нуқтаи назар бўйича талқин қилавериш мумкин. Лекин бунинг нима ҳожати бор? Ахир полковник Каранинг ўзиям Хубер бизга жуда катта ёрдам қилди, деб турибди-ку...

Кейинроқ майор Балинт билан Фельмери Веспремга кетишаётганда лейтенант ўша гапни яна давом эттирди.

— ...Шалго Хубернинг нимасидандир шубҳаланаяпти, лекин нимаданлигини ҳеч кимга айтмайди. Бир печакун муқаддам иккаламиз Меншель помаълум кимса билан учрашиши керак бўлган жойга қайиқда бордик. Биз қирғоққа етиб келганимизда қария бирдан қайиқнинг ичинини титкилаб кетди ва кичкина бир нарса топиб олди. Нима тонгаплигини менга кўрсатгани йўқ. Нимани бунча яширасиз, деб сўрадим ҳам. У бўлса, ҳеч нимани яшираётганим йўқ, ўзим шундай, сен қилаётган фикрларга, чиқараётган хулосаларингга халақит қилмай деяпман, деди. Лекин унинг Хуберга ишонмаётгани, бу — аниқ. Нима қилса ҳам бу ўзининг иши, шу билан ҳеч нима

ўзгариб қолмайди. Ахир Хубер тезда ҳужжатларни қўлга олади-ю, мамлакатдан чиқиб кетади... шу билан қараб-сизки, алвидо! Бизнинг олдимизда эса қотилни топши-дек муаммо турибди.

— Ҳаммаси бўлиши мумкин, — деди қискагина қилиб майор Балинт Шалгонинг зийраклигига ортикча ишониб қўйган лейтенантнинг гаплари ёқинқирамай.

Полковник Каранинг топшириғига мувофиқ Балинт Тибор билан Беатани Будапештга жўнатди.

Жўнатишдан олдин Балинт уларни яна сўроқ қилди. Тибор ҳали ҳам ўша-ўша, кам гапирди. У жосуслик ишларига Беата ёллаганини тасдиқлади, гап митти тасмаларни ким тайёрлагани, қачон ва кимдан олгани ҳақида кетганда буни, ҳатто оссанлар ҳам айтмайман, деб жавоб берди. Жопимдан тўйганман, бу ёғига мен учун ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмаган, деб қўшиб қўйди. У Беатани севишини инкор этмади, аммо бирга яшаш уларга nasib этмас экан — энди ўн-ўн беш йил айрилиққа дучор бўлиш эҳтимоли бор, шундай бўлса, ундан кўра ўлгани яхшимин...

Тиборнинг қўлига кишан солиб машинага олиб кетишди. Майор Балинт Беатани олиб келишларини буюрди. У келибоқ сигарета сўради ва ютоқиб чекишга тушиб кетди. Қарашлари бежо, ҳаракатлари қатъиятсиз эди.

— Мени бир ёққа олиб кетишмоқчими? — сўради у.

— Будапештга. Кюрти, бутун гуруҳингиз барбод бўлди, — деди майор. — Энди тақдирингиз ўзингизни қандай тутишингизга боғлиқ.

— Менга қанча беришаркин?

— Буни суд ҳал қилади. Ҳукм чиқараётганда суд ҳамма нарсани ўлчаб кўради, эътиборга олади. Агар айбланувчи ўз кўрсатмалари билан терговга ёрдам берса, бу ҳол ҳукм чиқаришда ҳисобга олинади. Бунда бир неча йил билан кифояланиб қолиш мумкин. Аёллар учун эса бу ҳол катта аҳамиятга эга. Айтинг-чи, сизингча, Меншелни ким ўлдирган?

Беата лабини тинлаганча индолмай қолди. Сигарета кичрайиб, унинг чўғи бармоғига яқинлашиб қолди, лекин қиз уни кетма-кет тортарди. Бу ёғида умидвор бўладиган ҳеч нима қолмаган эди. Виктор йўқ: у орзу қилган гўзал келажак сароб бўлиб чиқди. Тибордан ай-

рилди, Гезани эса севмайди. Севгандаям кўлидан нима келарди, ахир, Салаи ҳам қамоққа олинган-ку...

Беата ҳаётида энг оғир, энг фожиали дамлар келаётганини хис қилди. Бунгача у енгил, ўйинқароклик билан ҳаёт кечирди, Мешнелии алдади, Гезага хиёнат қилди, ўз ота-оналарини, ҳатто ўз-ўзини алдаб юрди.

У Балинтга ўгирилди.

— Агар бор гапни тўғри айтиб берсам гуноҳим енгиллашадими?

— Албатта.

— Яхши. Нимани билсам барини гапириб бераман. Сўранг.

— Виктор Меннелни ким ўлдирган?

— Қўлимда далилим йўғу, лекин уни менинг қайлигим, Геза Салаи ўлдирган деб биламан.

— Шу гапингизни унинг олдидаям такрорлй оласизми?

— Марҳамат, мени юзлаштиринг, айтаман. Қўлимдан Меннелнинг хатини тортиб олиб мени савалади-ю, агар у билан алоқангни узмасанг Меннелни ўлдираман, деди. Геза хирсдай буқувват, ўлгудай рашкчи.

Майор Балинт Геза Салаини олиб келишни буқурди.

Уч кеча-кундуз тинимсиз Фюреддаги виллани қидириб ўлардай ҳолдан тойиб кечқурун соат саккизларда уйга келган Шалго ухлаш учун энди тўшакка чўзилувдиямки, полковник Каранинг «тўғри» телефони жириглаб қолди.

— Эмёд, ўн олти, — гўшакни кўтариб жавоб берди Шалго.

Симнинг нариги томонидан эркак кишининг французчалаб сўраган бўғиқ овози эшитилди.

— Полковник Карами?

— Йўқ, полковник Будапештга кетган, фақат эртага, ҳатто индинга келини ҳам мумкин.

— Унда нима қилдик? Мен тезда у билан гаплашишим керак эди.

Шалго Лизани имлаб чакириб бошқа аппаратни кўрсатди. Лиза дарров гўшакни олиб маҳаллий телефон станция телефонисткаси билан ниманидир шивирлаб гаплашди. Бунинг орасида Шалгонинг ўзи йўғон овозли номаълум кимса билан гаплашиб турди ва унга шахар-

лараро телефон оркали Будапештдаги ички ишлар вазирлиги билан боғланиши маслахат берди.

— Агар ҳозир полковник уйига кетиб қолмаган бўлса, албатта, — кўшиб қўйди ва сўради.

— Қаердан кўнғирок қиялпсиз?

— Кестхейдан.

— Унда кулоқ солинг: милиция бўлимига мурожаат қилинг, у ерда вазирлик билан тўғри телефон алоқаси бор.

— Фурсатни қўлдап бой бериб қўямиз, деб қўрқяпман, — гумонсиради йўгон овоз эгаси. — Зудлик билан чора кўриш керак! Лйтинг-чи, полковник кетаётганда ўринбосар тайинлаб кетмадими?

— Тайинлаб кетган. Мен ўринбосарман. Исми шарифим Оскар Шалго.

— Унда биз зудлик билан учрашишимиз керак. Менинг исмим Пьер Монтъе. Франция фуқаросиман, сайёҳ бўлиб келдим. Ун бешигчи июлдан буён Эмёдда «Сув париси» отелида яшайман. Бир неча кунга Кестхейга боргандим.

— Тушунарли, — деди Шалго. — Хизмат?

— Сиз билан учраша оламанми?

— Қачон ва қаерда?

— Шиофокда, «Европа» отелининг барида. Менинг соатим ҳозир саккиздан беш дақиқа ўтди. Агар ҳозир йўлга чиқсам соат унда Шиофокда бўламан. Соат ун сизни қапоатлантирадими?

— Яхши. Сизни қандай қилиб топаман?

— Жуда осон. Официантка мени қидириб келганингизни айтасиз.

— Илтимос, исмингизни яна қайтаринг.

— Пьер Монтъе.

— Тушундим. Яхши. Гап нима ҳақда бориши мумкин?

— Мен сизга Виктор Меннелнинг қотилини кўрсатаман. Қандайдир жаноб Эрих Фокс деган одамми.

— Эрих Фоксими? Сиз ҳазиллашяпсиз, Фокс Венериядан йигирманчи июлдаёқ чиқиб кетган.

— Йигирманчида кетганди, кеча яна қайтиб келди. Агар бугун кечасиёқ ҳибсга олмасангизлар эрталаб яна кетиб қолади.

Пьер Монтъе гўшакни қўйди.

Демак, Шиофокда соат унда.

Шалго марказдаги қандайдир абонент билан боғла-
ниш учун жон-жаҳди ила ҳаракат қилаётган Лизага
ўғирилди. Лекин керакли рақам банд бўлаверди.

— Қўя кол, мупистинам, — хотинини тўхтатди Шал-
го. — Яхшилаб ўша қиздан илтимос қил, мени отел
билан боғласин.

«Сув париси» отелидан Оскар Шалгога яхши таниш
бўлган навбатчи маъмур Аги Добраи деган киз жавоб
берди.

— Аги, айтинг-чи, сизларда Пьер Монтъе деган одам
яшайдими?

— Ҳа. Икки ҳафтадаи буён. Лекин у кеча бир неча
кунга Кестхейга кетган эди. Журналист, калласи ишла-
ди. Ўзиям келишгангина.

— Менга ўхшаган экан-да, — тегишди Шалго.

— Мен, ростдан ҳам ҳозир Жан Габен ҳақида ўйлаб
ўтирувдим, — жавоб қайтарди Аги. — Нима, ҳозир чет
элликларга илакишиш расм бўлганми? Масалан, майор
Балинт ҳам нима учундир яқинда қандайдир Эрих Фокс
деганини сўраб-суриштириб юрувди.

— Майор Балинт?

— Ҳа-да.

— Ўша Фокс ҳақида сизга бирон нима маълумми?

— Маълум бўлганда қаңдок! Кеча у Мюхендан қай-
тиб келди, мехмонхона пулини тўлади-ю, яна қасқкадир
ғойиб бўлди. Шиофокка кетган бўлса керак. Мен бўлсам
тушдан буён майор Балинтни кидириб тополмаяпман.
Агар кўриб қолсангиз, Фокс қайтиб келибди, деб қўйинг.

— Албатта айтаман. Раҳмат. Яхши ухлаб туринг.

— Ишлар борган сари ғалати тус олиб кетяпти! —
ғўшакни қўя туриб деди Шалго хотинига. — Агар Кара
қўнғироқ қилмайдиган бўлса, Шиофокка ўзим боришим-
га тўғри келади.

Лиза хонадан чиқди, бир оздан кейин қайтиб кирса,
Шалго телефонда ким биландир гаплашарди.

— Раҳмат, Пети. Тезроқ полковникка хабар қил.
Албатта кутиб тураман. Ҳа, Шиофокнинг ресторанида.

У ғўшакни қўйиб шодон хотинига қаради.

— Мана, жонгинам, Оскар Шалго нозик ерга кетяп-
ти. Оёққа яхши пайпоқлардан бер-чи.

Хубер эшикни чертиб мулойим овоз билан:

— Мумкинми жаноб муҳандис, сизга халақит қилмайманми? — деганда Казмер камин олдида журналнинг янги сонини ўқиб ўтирарди.

— Йўқ, нега энди? Келаверинг, ўтиринг.

Хубер ўриндикга ўтирди, кейин хўжайиннинг қўлидаги журналга имо қилиб сўради:

— Бадиий адабиёт билан кизиқасизми?

— Ҳа, бўш вақтим бўлди дегунча, ўзимни адабиётга ураман. Мени техника инқилоби жараёнида бадиий адабиётнинг тили ва мазмуни қай даражада ўзгариб кетаётгани кўпроқ қизиқтиради.

— Хўш? Ўзгарарканми?

— Маълум маънода — ўзгаради. Хозирча, э-ҳе, бу таъсир бир томошлага. Ёзувчилар бир бўлишиб техника одамзотни бир-биридан бегоналаштиради, у ҳаётга олижаноб муносабатларни сўндиради, дея исботлашга уришишмоқда. Бирон нима олиб келайми?

— Йўқ, жаноб муҳандис, раҳмат. Қорним тўқ. Тез орада йўлга чиқаман, шунинг учун ичмайман ҳам.

— Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлдими? — сўради Казмер сигарета тутатаркан.

— Ҳа-да! Шуни айтиб қўяйки, полковник Кара мард экан. Ҳамма ваъда қилган нарсаларини виждонан бажарди.

— Бир кўзим тушгандай бўлувди, ё менга шундай кўринди, унинг анув лейтенанти, исми Фельмерими-ди, машинангизга дипломатия рақамини қўяётганди.

— Йўқ, жаноб муҳандис, сизга кўринмаган, — тасдиқлади Хубер. — Мен дипломатия хизматига кирганим. Сизга ўхшаб.

— Мен кирмаганман. Чет элгаям дипломатик паспорт билан кетмайман, — Казмер ўзича: «Илоҳанинг шунча гапларидан кейин мени бирон жойга мабодо юборишадиган бўлса», дея ўйлаб қўйди. — Кечирасиз, жа-

ноб Хубер, мен Оскар Шалго билан гаплашишим керак эди. Қайтиб келгунимча шу ерда бўласиз деб ўйлайман.

— Товангиз хозиргина жаноб Шалго лейтенант Фельмери билан қаёққадир кетди, деб айтди, — деди меҳмон. — Шиофокка кетишган бўлса керак.

— Ҳар эҳтимолга қарши бориб кўрай-чи. Балки қайтиб келгандир. Кечирасиз. Унда ростдан ҳам муҳим ишим бор эди.

Шалголарнинг вилласида Казмер фақат Лиза билан Илонканинг гаплашиб ўтиргани устидан чиқди. Қизинг кўзлари ёшланганини сезиб олиш қийин эмасди.

— Нима бўлди? — сўради Казмер, лекин қиз жавоб бериш ўрнига яна йиғлаб юборди. Казмер бутун диққат-этиборини тўқиётган нарсасига қаратган Лизага савол назари билан қаради.

— Унга нима бўлди? Уришиб қолдингизми?

— Ким? Илонка билан-а? Ўйлаброк гапир.

Казмер қизнинг олдига келди-да, елкасидан ушлаб ўзи томон ўгирди.

— Қани, айт-чи, нега йиғладинг?

— Қиз ақлини еб қўйибди, сенга айтсам, — деди Лиза ниҳоят.

— Ҳеч нимани тушунмаётибман! — хитоб қилди Казмер.

— Ўша полковник Кара деганларингиз энг ёмон одам экан! — йиғи аралаш деди Илонка. — Менинг соддадиллигимдан фойдаланди. Мен, аҳмоқ, унга юрагимни ёриб юрибман. Бўлган гапларнинг барини очиқ-ойдин айтиб бергандим. Ун тўққизинчи куни кечаси Меншель билан бирга бўлганимни, сенинг эрталабгача кутганингниям.

— Ақлдан озибсан! — деб юборди Казмер.

— Эҳтимол. Буни иима мақсадда гапирганимни биласанми ўзинг? Биласанми? Сендан хавотирда эдим. Мен шуни исбот қилмоқчийдимки, сен...

— Нимани исбот қилмоқчийдинг? Тентаклигингними? Тағин ўлгунимга қадар оғзимдан чиқармайман, деб қасам ичиб юрибди. Оскар амаким қасрда?

— Кетди, — деди Лиза.

— Қачон қайтиб келади?

— Билмадим, — Лиза тўқиётган нарсасини тиззасига қўйди. — Гапимга қулоқ сол. Казмер, сенга айтсам,

жуда қўпол ва одобсиз бўлиб кетибсан. Илонка сенинг у билан бундай оҳангда гаплашишингга лойиқ иш қилгани йўқ. У сени севади! Сен бўлсанг буни суиистеъмол қилясан. Бунинг устига ўзинг бориб турган қўрқоксан. Йўқ, сен Илонкани севмайсан. Агар севганингда буни аллақачонлар ўз онангга айтган бўлардинг.

— Энди менга ақл ўргатмаган сиз қолувдингизми, Лиза хола? Мени ўз ҳолимга қўйинглар, тамом-вассалом. Сизсиз ҳам ўзи бошим айланиб ётибди. Мен Илонкани севаман, сиз бунга тил тегизманг. Сен эса, бўлди, додлама. — Казмер қизни кучди, — қани, кимга айтяман? Сени севаман, эшитяпсанми? Севаман! Буни ўзинг ҳам яхши биласан-ку. Шу бугуноқ онамга айтиб, бир ёқли қиламан. Хафа бўлма, кечир, кечиролсанг агар! Мен ростдан ҳам қўпол ва худбин бўлиб кетганман. — У эгилиб қизнинг қўлини ўпди. — Менинг айбим қўп Айбдорман олдингда. Юр, кузатиб қўяй.

— Яна озгина ўтираман шу ерда, — деди Илонка хикиллаб.

— Ўзинг биласан. — Казмер Лизага ўгирилди. — Илтимос, Оскар амакимга айтиб қўйинг, унда зарур ишим бор.

Казмер уйга келганда Хубер мехмонхонада бир ўли газета ўқиб ўтирарди.

— Хўш, жаноб Шалго билан гаплашдингизми?

— Йўқ.

— Ойингиз ҳозиргина сизни йўқлаб кирган эди. Мен Шалголарикига чиқиб кетди деб айтишга журъат қилдим. Назаримда, бу гап унга ёқмагандай туюлди. Онангиз сизни жудаям яхши кўради, — қўшиб қўйди у.

— Менам уни яхши кўраман, — деди Казмер, — унга жонимниям қурбон қилишга ҳозирман.

— Айни пайтда худди шу ҳақда каттиқ гапирмасангиз деб маслаҳат берардим, қош қўяман деб кўз чикариб қўйишингиз мумкин.

— Нимани назарда тутяпсиз? — хайрон бўлиб сўради Казмер Хуберга қараб.

— Полковник Кара сизни қотил деб шубҳалантиди. Буни менга ўзи айтди.

Казмер елкасини кисди.

— Давлат хавфсизлиги ходими. Бировлардан шубҳаланиш — унинг бурчи. Ҳозир у майор Балинт тергов

килиб қўлга киритган материаллардан беҳабар. Эрих Фокс ҳақида майор нималар деганини ўзингиз эшитдингиз-ку ахир. Агар менинг жуссам полковникка ёқмаса ва у мендан шубҳаланиб юрса, нимаям дердим. Меннелъ бойликни қўлга киритган. Фокс эса изма-из пойлаб боргану қулай найт келганда, уни ўлдирган. Фокс — санъат асарлари савдогари. Булар бари майор Балингга яхши маълум. Унинг қўлида рад этиб бўлмайдиган далиллар бор. Масалан, машинада ва гаражда номаълум одамнинг бармоқлари, оёқ кийими излари топилган. Полковник Карага буларнинг бари бир пул. Ўз лейтенантга қандай буйруқ берганини биласизми? Агар Казмер Табори ўзини оклаш учун ишончли далил тополмаса хибсга олиб, Будапештга жўнатинглар, дебди. Гап шундай, жаноб Хубер. Мен унга нима дейишимни биласизми? Йўқ, ўрток полковник, аввал сиз Меннелни мен ўлдирганимни исботлаб беринг, дейман.

Хубер Казмернинг бутун дардини сигара чекканча вазминлик билан охиригача эшитди.

— Агар полковник Кара буни исботлаб берса-чи? — сўради у.

Казмер хайрон бўлиб қошини кўтарди.

— Нимани?

— Меннелни сиз ўлдирганингизни.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Йўқ. Шундай деб ўйлаяпман.

— Унчалик мантликқа тўғри келмайди: Меннелни ўлдирганимни, бойликларни ўзим олганимни...

— Полковник Кара қотил Меннелни фақат тунаш учунгина ўлдирмаган деб ҳисобламоқда. Менимча, бунга Шялго ишонтирган. Шунинг учун у майор Балингнинг тахминлари қанчалик асосли бўлмасин уни эътиборга олмаяпти. Буни жаноб Шялгонинг ўзини тутишидан биламан.

Казмер ўзига тикилиб турган Хуберга ишонқирамай қаради.

— Кара ҳақ, — давом этди у. — Айтмоқчи, иккимиз — сиз ҳам, мен ҳам бойликлар қотилнинг қўлига тушмаганини биламиз.

Казмер энди Хуберга очикдан-очик шубҳаланиб назар ташлади. Бирдан бадани кизиб, пешонасидан тер чиқиб кетди.

— Демак, полковника қотилнинг кимлигиям маълум экан-да? — сўради Казмер.

— Кара буни тусмоллаяпти, мен... мен эсам, кимлигини аниқ биламан.

— Кимдан билдингиз?

— Меннелнинг ўзидан.

Казмер истехзо аралаш лабини бурди.

— Э-э! Унда бошқа гап. — Мазах қилди у чўзиб. — Унда тушунарли. У дунёга бориб сўраб келган бўлсангиз керак-да.

— Мен у билан бу ҳақда ўлмасидан илгари гаплашгандим, — чертиб-чертиб деди Хубер Казмернинг истехзоли гап оҳангига эътибор бермай. — Ҳа, жаноб муҳандис, ўлимидан ярим соат муқаддам. Меннелнинг машинасида рация борлигини биласизми?

— Биламан, — деди Казмер бу оғир, вазмин одамга бошдан-оёқ қараб чиқаркан. — Хўш, у билан сиз нима ҳақда гаплашгандингиз?

— Меннель меига рация орқали бир одам билан учрашмоқчиман, лекин бу учрашувдан жуда кўрқяман, деганди. Мен унинг гапларини тасмага ёзиб олганман. Лекин тасмани ўз шефимга бермаганман. Уни бу ёққа олиб келганман.

— Тушунарли, — деди Казмер ва чекди. — Сиз полковник Каранинг одамлари жиноятчини кидираётганини биласизми? Нега унда тасмангизни уларга бермадингиз?

— Чунки онангизга ёмонлик қилиш ниятим йўқ, — тушунтирди Хубер. Казмернинг ранги ўзгариб кетгани унинг назаридан четда қолмади.

— Менинг онамга? — қайта сўради Казмер. — Нима эсингизни еб қўйдингизми?!

— Йўқ, жаноб муҳандис. Ақлим жойида ва нима деяётганимни жуда яхши биламан. Меннель жосус эди. Мен венгер органларига унинг ўн иккита агентини сотдим, лекин ўн учинчисини айтмадим.

Казмер худди кўққисдан зарба еган одамдек ганди раклаб кетди.

— Нима, сиз, сиз...

— Худди шундай, жаноб муҳандис, — тасдиқлади Хубер. — Виктор Меншельнинг ўн учинчи агенти сизнинг онангиз, хоним Бланка Табори бўлади.

— Сиз ўйлаб гапирясизми ўзи? — Казмернинг овозида дағдаға оҳанги сезилди.

— Фактлар, жаноб муҳандис, фактлар.

— Бу ёлғон! — хайқириб юборди Казмер. — Бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Бу рост гап. Ишотлаб беришим мумкин. — Хубер хаяжонлана бошлади, лекин шу он дарров ўзини босиб олди. — Айтинг-чи, жаноб муҳандис, тўғриси айтганда, ўз онангиз ҳақида нималарни биласиз?

— Ҳамма нарсани. Онам ҳеч қачон мендан биров нарсани яширмаган.

— Жаноб муҳандис, — уни гапдан тўхтатди Хубер, — ундай бўлса, менинг гапларимни эшитишингизни истардим. Бу сизнинг фойдангизга. Лекин, илтимос, сизга қанчалик оғир бўлмасин, ўзингизни босишингизни, гапларимга ҳолис баҳо беришингизни хоҳлайман. Сизга маълумки, ака-сингил Бланка хоним билан жаноб Матэ Табори бир-бирига жуда меҳрибон, бир-бирини қаттиқ иззат-икром қилишади. Улар ёшлиқдан шундай тарбия топишган. Бири учун бири жопиниям беришга тайёр. Мана шу меҳрибонлик сабаб бўлди кейинги иайтдаги кўп воқеаларга.

— Буни сизсиз ҳам биламан, — асабийлашиб деди Казмер.

— Матэ Табори сўл қарашдаги...

— Буям менга маълум. Гапнинг индаллосига ўтинг.

— Мен асабингиз бузилганини тушунаман, жаноб муҳандис, лекин бир қарашда сизга маълумдай бўлиб кўриган нарсалар ҳақида гапирганимдайман ганларимни диққат қилиб охиригача эшитишингизни истардим! Бланка Табори сиёсат билан шуғулланмайди. Унинг табиати ака-синга ўхшаган оғир-вазмин эмас. Қирқинчи йилда у венгер бош штабининг капитани Карой Моноштори-Мюллер билан танишиб қолади. Бу танишув аста-секи муҳаббатга айланади. Бланка бу ҳақда Даниядаги ака-синга хат ёзадию, тезда жавоб ҳам олади. Матэ Табори шу қисқа давр ичида ўзининг будапештлик дўстлари орқали Моноштори ҳақида маълумот тўплашга улгурибди. Аниқласа, у ўтакетган жирқанчли, эътиқодсиз, сурбет, фанистларнинг пул деса ўзини томдан ташлайдиган аблах туруҳига мансуб шахс экан. Унинг нияти — уруш. Унинг эътиқоди битта: инсоният ўлимга маҳкум. Кучлилар

хукмронлик қилишга, кучсизлар бўйсунушга мажбур. У шунига амал қиларкан. Лекин Бланка хоним ўзининг се-виклиси ҳақидаги бундай фикрларга қўшилмайди. Шун-да Матэ Табори ё мени дейсан, ё уни деб масалани кўнда-лангига қўяди. Бланка акасининг гапига кириб, Моно-штори билан алоқасини узгандай бўлади, лекин ўзи у билан яширин учрашиб юради. Бу вақтда келиб Дания-да нацистлар Матэ Табори билан унинг хотинини камокка олишади. Эр-хотин концлагерга тушишади. Энди Моно-штори-Мюллернинг бошлиқлари ундан Бланка билан ало-қасини узини талаб қила бошлашади. Лекин капитан ҳам қизни севар, унга уйланмоқчи бўлиб юрарди. Бирок бунга у ҳам рухсат ололмайди, қайтанга қўмондонлик уни фронтга жўнатади. Моноштори ғазабланиб кетади. У аламини босиб олинган мамлакатларнинг маҳаллий аҳолисидан олади. Бланка билан эса, яширин хат оли-шиб туради. Қизни унинг содиқлиги мафтун қилиб қўйган эди. Лекин у ўз ёрининг ёвузликлари, фронтдаги ва фронт атрофидаги ваҳшийликларидан беҳабар эди. Ўшап-да на Моношторининг ўзи, на унинг бошлиқлари бу хатти-ҳаракатларни ваҳшийлик деб баҳоламасди, қай-танга, қўмондонлик унга қаҳрамон деб орденлар берди, унводини кўтарди. Кейин фашистларнинг чекиниши бош-ланди. Дунай орти ўлкасидаги жанглардан бирида Мо-ноштори уришиб қолиб, бир немис генералини отиб таш-лайди.

— Нима учун? — гапти бўлди Казмер.

— Венгр қишлоқларидан бирида мана шу генерал-нинг буйруғи билан нацистлар аҳолининг хар ўптасидан биттасини ота бошлайдилар, шу атрофдаги қалъани порт-латиб ёндиришади, шунда Моношторининг синглиси би-лан куёвиниям ўлдириб юборишади. Майор генералнинг олдига келади-ю, нега бундай қилганини айтишни талаб қила бошлайди. Орада жанжал чиқади, немислар май-орни ҳибсга олмоқчи бўлишади. Шунда майор генерал-ни отиб ташлайди-ю, яшириниб олади. У Бланка Табо-рининг вилласига беркинади. Ниҳоятда оғир вазият. Моношторини руслар ҳам, немислар ҳам қидира бошла-шади. Барибир у камокдан қутулиб қолади. Уруш ту-гайди. Концлагердан Матэ Табори хотини билан қайтиб келади. Бланка ўз уйида ҳукумат қидираётган харбий жинойтчи Моношторини яшириб ўтирибди, деган гап улар-

нинг хаёлларига ҳам кириб чикмайди. Бу орада нимадир бўлиб, Бланканинг қўлига ўлдирилган бир немис офицерининг хужжатлари тушиб қолади. Мана шу хужжатни ўзлаштириб олиб Моноштори Венгриядан чиқиб кетади ва бирмунча вақт Германиянинг америка зонасида яшайди. У контрабанда билан шуғулланади ва даромади ҳам ёмон бўлмайди. Лекин қирқ саккизинчи йилга келиб уни таниб қолишади-ю, қамоққа олишади ва шу билан ҳамма гаплар очилиб кетади. Мен тергов вақтларида иштирок этганман, нима бўлган бўлса бариини унинг оғзидан ўзим эшитганман. Геленчилар уни разведка ишларига ёллашади ва агар бўйин товласанг совет ҳукуматига тутиб берамиз, деб қўрқитишади...

Казмер бу ғалати хикояни хайратланиб тинглади. Ахир, онаси ўз ўтмиши ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаган эди-ку. Шуниси борки, гарчанд Хубер гаплари мантқан тўғрига ўхшаб кўринса-да, алдаётган бўлиши ҳам мумкин.

Хубер, афтидан, бу гапларга яна нималарнидир қўшимча қилмоқчи бўлган эди, шу он хонага Бланка билан Матэ Табори кириб қолишади-ю, у жим бўлиб қолди. Казмер бошини ҳам қилиб ўтирарди.

— Жаноб Хубер, қачон кетмоқчи бўляпсиз? — сўради профессор.

— Яқин орада. Юкларимни саранжомлаб қўйдим. Энди баъзи бир ишларгина қолди.

Бланка Казмернинг юзига каради-ю, хавотир олиб юрган нарсаси содир бўлганини сезди.

Профессор туриб сервантдан рюмка олди.

— Рухсат берасизми, жаноб Хубер? — сўради у.

— Одатда, машина ҳайдаганимда ичмайман. Лекин мустасно тарикасида майли. Сизнинг соғлигингиз учун.

Табори рюмкаларни тўлдирди.

Хубер билан ганини тугатолмай дили ранжиб қолган Казмернинг бутун вужудини энди онамга, менга нима бўларкин, деган хавотирлик чулғаб олди. Энди нима қилиш керак? Бошни олиб кетсинми? Қасққа боради? Йўқ, бошга тушганини кўз кўради, қани, нима бўларкин.

— Матэ тоға, — тўсатдан бир қарорга келиб деди у, — бир неча дақиқа бизни холи қолдиrolмайсизми?

— Ким «биз» деганинг?

— Биз иккимизни, демоқчи, — тушунгирди Бланка. — Болам, қўявер. Тоғаннинг олдида гапираверсанг бўлади. У хаммасидан бохабар.

— Демак, бу рост экан-да. Доктор Хубер тўғри гапни айтибди-да? — кичқирди Казмер онасининг хиссиз чехрасига ўқрайиб туриб. — «Қизиқ, — деган ўй лин этиб ўтди хаёлидан. — На овози қалтиради, на хатто қўли!»

Бланка қоньякни бир ҳўнлам қилиб ютди-да, рюмкани столга қўйди.

— Тўппа-тўғри. Мана телефон. Майор Балинтнинг телефон рақамини тер ва унга маълум қил, Виктор Меннелнинг ўн учинчи агенти сенинг онанг.

— Мен ҳеч каёққа телефон қилмаслигимни, бориб бировга айтмаслигимни билиб шундай деярсиз-да! — овози қалтираб деди Казмер. — Лекин сиз-чи, тоға! Онам шундай сассиқ ўрага тушиб кетишига қандай йўл қўйиб қўйдингиз!

Профессор Таборининг қўзлари ёниб кетди.

— Сен, тирранча, менга ақл ўргатмоқчимисан? Ўшанда мен бундай гаплардан бежабар эдим. Бундан бир неча кун муқаддам онангнинг ўзи олдимга келиб қонқонга тушиб қолганини баён этди, уни қўрқитишган экан...

— Нима деб қўрқита олишибди?

— Нима деб? — алам билан кулиб такрорлади Бланка. — Уни севганимни юзимга солишиб. Ҳар ким ўзи суйган ошни ичади. Мен уни бутун вужудим билан севардим. Мана шунинг учун ҳам бошқа эрга тегмай тоқ ўтдим.

— Бир фашист жиноятчини қандай қилиб севдингиз, ахир? — Казмер дарғазаб бўлиб кетди. — Ўша пайтларда ўз акангиз концлагерда чириб ётганини ўйлаб қўрмабсизам...

— Ўша пайтда Каройнинг жиноятлари ҳақида ҳеч нарсани билмасдим. — Менга ишон... Фақат эллик олтинчи йилга келиб ундан жиндай хабар топдим. У ўз хатида агар мен ёрдам бермасам, уни Венгрия ҳукумати-га топширишларини ёзган эди. Қаттиқ асабим бузилиб касал бўлиб қолганман. Эсингда бор-ку, Казмер, ўшанда бир ойдан кўп касалхонада ётгандим. Ўйлаб-ўйлаб унга ёрдам беришга қарор қилдим. Бу ёғига тоғ кўчди-ю, кўчкини тўхтатиб бўлмади!

— Жаноб муҳандис, азизим, — унинг гапни бўлиб Казмерга мурожаат қилди Хубер. — Онангизни айблашга ошқманг. Сизни ишонтириб айтаманки, ҳар кимни, ҳатто энг кучли одамниям йўлдан уриш, соддарок қилиб айтсак, қўрқитиб олиш мумкин. Мана, мени, тоғангизни, ҳатто сизниям. Одам боласи хом сут эмган, ҳар кимниги хам бир заиф томони бўлади.

— О, йўқ, жаноб Хубер, — ишонч билан эътироз билдирди Казмер. — Мени ҳеч ким қўрқитолмайди.

— Меннель бу ерга қандай топшириқ билан келганини ўзингиз биласизми?

— Ҳа, Шалго айтганди.

— Кара ва унинг одамлари билган гаплар у жосус олган топшириқнинг бир қисми, холос. Меншелнинг бу ерга келгани боиси, биринчи навбатда, сизни ёллаш эди, жаноб муҳандис. Ҳа, ҳа, сизни! «Ганза»нинг жосуслик ишларига тортиш эди. Сиз, ахир, тўрт йилга Москвага ўқишга кетярсиз-ку. Жаноб Браунга эса Москвада ишончли жосус керак эди. Сизнинг онангиз аллақачонлардан бўён бизга хизмат қилаётгани боис, Брауннинг назари келиб сизнинг номзодингизда тўхтади.

— Демак, Меншелнинг омади келган экан, кимдир уни менадан олдирок у дунёга жўнатибди, — деди Казмер.

— Меншелнинг ўлими Браунни шангидан қайтаролмасди, у ким бўпти, «Ганза»нинг механизмида кичик бир мурват, холос. Унинг ўрнига бошқаси келарди-қўярди. Ахир, ҳаммани ўлдириб юбора олмайсизлар-ку.

— Ўлдиролмаймиз? бу билан Меншелни сизлар ўлдиргансизлар демоқчимасмиз ишқилиб?

— Агар рухсат этсангиз, мен бу масалага кейинрок қайтсам, — жавоб беришдан ўзини олиб қочди Хубер ва гапни бўшаштирмай давом этди. — Мавзудан четлашмайлик. Дейлик, Брауннинг янги вакили — жаноб «икс» келади-да, сизга: муҳандис Табори, агар бизга хизмат қилмасангиз, ҳукуматга онангизниям, тоғангизниям сотамиз. Ўзингиз ҳал қилинг: меҳрибон онажонингиз ва тоғангизнинг умрлари турмада чиришига розимисиз?» деди.

— Ахир, бу ифлослик-ку.

— Сизнинг нуқтаи назарингиз бўйича шундай. Брауннинг нуқтаи назари бўйича оддий ҳақиқат. Бунинг

устига, Меннелнинг қотили шу деб сизнинг ўзингизни хукуматга айбдор қилиб кўрсатишдан ҳам тоймайди.

— Уни мен ўлдирганим йўқ! — Казмернинг жаҳли чиқди.

— Йўқ, сиз ўлдиргансиз! Далиллар бор. Мана, кулоқ солинг. — Хубер шундай деб чўнтагидан бир митти магнитофон чиқарди-да, мурватини буради. «Виктор гапиряпти. Ҳаммаси жойида. Ҳозиргина Сильвия билан келишиб олдик. — Сильвия Табори хопимнинг тахаллуси. — Ярим соатдан кейин Казмер билан қайиқда сайр қиламиз. Муваффақият қозонишимга умид боғлаяпман. Йигит димоғдор, лекин гапга тушунадиган. Унга бу борада гап очишдан бир оз чўзиб турибман, чунки унинг жаҳли тез: аввал тарсаки тортиб юборади-ю, кейин ўйлаб қолади. Кеча кечқурун у билан муштлашдик. Лекин фактлар олдида таслим бўлади. Агар кўнмаса, иккимиздан биримиз сув тагидан макон қиламиз».

— Ёлғон, — шивирлади Бланка. — Ғирт ёлғон.

— Эҳтимол, — бепарволик билан кўшилди Хубер. — Лекин магнитофон тасмаси буни билмайди-да. Балки, Виктор топшириқ бажарилмаганини айтишдан чўчиб, ёлғон гапиргандир ҳам. Лекин ким буни исботлаб бера олади энди? Бу магнитофоннинг қўлидан келадиغان иш эмас. Полковник Кара шусиз ҳам Казмердан каттиқ шубҳаланяпти. Бу тасма унинг шубҳасини орттиради, холос. Фақатгина ҳақиқий қотилнинг номини айтиб Казмерни оқлаб олишингиз мумкин. Лекин ҳақиқий қотил кимлигини билмайсиз-ку, ахир!

— Геза Салаи, — деди Бланка бўшашиб.

— Салаи? Буни қаердан топдинг? — Табори билан Казмер деярли барабар сўрашди.

— Бошидан айтиб бера қолай. Меннель келди. Уни биринчи кўришимдаёқ вужудимни кўрқув босди. Ё ёмон бир иш бўлишини кўнглим сездим, билмадим. Кимдир келиши лозимлигини билардим. Ахир танлов буюртмасининг хомаки нусхаси ва таърифини олиб Гамбургга жўнатган мен эдим-да. Умуман, Меннель ўзини мулоҳим тутди, юзларидан табассум аримади. Кейин аста-секин қандайдир маълумотларни йиғиш учун келган экан, дедиму хотиржам бўлдим. Лекин кечқурун мен билан гаплашмоқчи эканлигини баён қилди. Кечаси келиб эшигимни тақиллатди. «Уэр, — деди у, — лекин гаплашиб

олиш учун шу пайт кулай. Профессор ухлаб ётибди, ўғлингиз кетган». Мен унга материал тайёрлаб қўйганими айтдим.

— Раҳмат. Лекин мен фақат бунинг учунгина келганим йўқ, — деди у.

— Унда нима учун келдингиз? — деб сўрадим.

— Мен сизга Карой Моношторидан салом келтирдим.

Мен индамадим. Унинг номи эшитишнинг ўзиёқ ваҳшимга теккан эди.

— У сизга алангали салом йўллади, сиздан жиндай хафа.

— Шунақами ҳали? — жаҳлим чиқиб чидаб туролмадим.

— Сиз унга шуни маълум қилишингиз керак эканки...

— Йигитча, наздимда, сиз менга нақл ўқимоқчисиз. Мен нима қилишим кераклигини сиздан кўра яхшироқ биламан.

— Кечирасиз. Балки, хаёлингиздан фаромуш бўлгандир.

— Нимани фаромуш қилибман?

— Москвага узок вақт командировка қилинадиган одамларнинг номи маълум қилишни. Зотан, Москвада жосуслик ташкилотини ташкил қилиш — биз учун нақадар аҳамиятга моликлигини ўзингиз яхши биласиз.

— Биламан, — дедим. — Лекин менинг танишларимдан биронтасиям ҳозирча у ёққа узок муддатга командировкага жўнатилмаяпти. Шунинг учун маълум қилганим йўқ.

— Лекин шефимизнинг кўлида Москвага яқин орада тўрт йил муддатга Казмер Табори деган одам кетяпти, деган маълумот бор.

Шунда ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Йўқ, — дедим шартта, алам ичида ўртаниб. — Йўқ! Бунга йўл қўёлмайман. Казмерни ўз ҳолига қўйинг. Тўшундингизми? Мени нима қилсангиз қилинг, лекин Казмерга тегманглар. Мен жонимни қурбон қилиб бўлсаям уни химоя қиламан.

— Хоним, — эътироз билдирди Меннель. — Мен бу ерга баҳслашиб ўтириш учун келганим йўқ. Менга буйруқ беришди, мен эса уни бажаряпман. Одамларни иш-

лашга мажбур қилиш учун қандай чоралар қўллай олишимизни ўзингиз яхши биласиз.

— Менга қўллай оласиз. Унга эмас.

— Қайтараман: сиз билан бу соҳада баҳслашимиз бас қиламан. Сиз ҳам, мен ҳам бажаришимиз лозим бўлган топшириқни айтаман: Биринчиси — Казмер, иккинчиси Карой Балатонфюреддаги Месарошнинг вилласига уруш вақтида катта бойлик яшириб қўйганини айтди. Сиз уни у ердан олишингиз ва мен чет элга олиб чиқиб кетишим керак. Сиз ўша вилланиям, адвокат Месарошниям биласиз.

— Яхши, — розилик билдирдим. — Бу борада сизга ёрдам бераман. Лекин эллик бешинчи йилда вилла мусодара қилингани ва қайта қурилгани сизга маълумми?

— Маълум. Карой хотирасида тиклаб вилланинг чизмасини чизди ва бойлик қаерга яшириб қўйилганини белгилади.

Меннель чўнтагидан вилланинг чизмасини чиқариб менга кўрсатди. Мен унга мана шундай муфассал чизилган чизма ёрдамида бойликни эҳтимол топарман, дедим. Меннель бир оз юмшагандай бўлди. «Унга ёрдам беришга ваъда бердим-ку, балки ишлар юришиб, Казмердан қўлини тортиб қолар», деган хаёл миямга келди.

— Хоним, сиз билан тағин бир нарсани ҳал қилиб олишимиз керак, — яна ганга тушди Меншель. — Шефлар сизни фаол ҳаракатдан четлаштиришга, бизнинг тилимиз билан айтганда, «тузлаб қўйишга» қарор қилишди. Ҳамма алоқачиларингизни Геца Салаига топширасиз. Уни биласизми?

— Йўқ, билмайман, — дедим, — бундай номни, ҳатто эшитганим ҳам йўқ.

— Ҳозир у Балатонфюредда. Мен уни «Сильвия» номи билан оқритка жўнатиб бу ерга чақирдим. Албатта матн шифрланган. — У ёндафтарчасини чиқариб менга матини кўрсатди. — Матини эслаб қолинг. У сизга парол вазифасини ўтайди.

Мен бу ғалати матини қўлга олиб диққат билан ўқиб чиқдим, унинг ҳақиқий маъноси «Эмёдда» деган сўз бўлиб, бу Эмёдда учрашамиз дегани эди. Мен Меншельдан ким ва қаерда кутишини Салаи қаердан билади, деб сўрадим. У:

— Сизни у яхши билади, — деб жавоб берди ва қўшиб қўйди: — У жуда зўр разведкачи, фақат битта камчилиги бор — ўтакетган рашкчи.

— Эҳтимол, бунга асос бордир? — дедим.

— Сафсата! — хайкириб юборди ўзига бино қўйган калондимоғ болакай. — Биз атом асрида яшаймиз.

— Шундан кейин Парижга сафари ва у ерда қандай қилиб Беата Кюрти билан танишгани, уни олдин «Ганза»га ёллаб олиб ўзига қандай ўйнаш қилганлари хусусида лоф уриб кетди. Беата эса, Венгрияга қайтгач, ўз навбатида Геза Салаини ёллабди. Меннель Салаи билан ўтган йили Ливорнода учрашибди ва ўшанда Беата ва Меннелнинг муносабатлари борасида унда шубҳа пайдо бўлибди. Меннель қўлидан келганча Беата билан орамизда ҳеч қанақа ғайриоддий муносабат йўқ деб Салаини ишонтирибди... Мен Меннелнинг севги саргузаштлари борасидаги мақтанишларини эшитиб ўтириб, мана шу сурбетдан қутулиш учун аниқ бўлмаса-да, калламга бир режа келди. Режам Салаининг ўта рашкчилиги асосига қурилган эди. Қулар ўтаверди, мен иложи борича Меннель билан учрашмасликка интилардим. Хаёлимда битта нарса: қандай қилиб Казмерни уларнинг чангалидан қутқариш. Бир куни кечқурун тамоман умидсизликка тушиб, Матэнинг олдига келдим-да, бир иеча йилдан буён «Ганза» фирмасида жосус бўлиб хизмат қилаётганимни ёрилдим. Унга Меннелнинг қандай тоншириқлар билан келганиниям гапириб бердим. Хикоямни эшитиб акам бечора тушган холини кўриб ҳамма гапни баён қилишдан ўзимни тийдим. Ҳатто кейин келиб юрагимни ёрганамга афсусландим ҳам. Матэ менга ўшанда бир йўлини топармиз, деб ваъда қилди.

Шаба куни тушдан кейин Эмёдга Геза Салаи келди. Танишдик, гаплашиб ўтирдик. У нимадандир жудаям нотинч эди.

— Йўқ, мен ҳеч қандай гуруҳининг бошлиғи бўлмайман, — деб рад эди у кескин. — Меннелнинг ўзи қаерда? У муттаҳам билан ўзим гаплашаман.

— У билан гаплашолмайсиз, — дедим мен. — У сиз билан гаплашишни истамайпти.

— Муртад! — қайнаб кетди у. — Разил! Яна Беата билан бирон жойда ялло қилиб юрган бўлса керак-да?

Мен шу онда оловга мой қуйишга қарор қилдим.

— Ҳа, кечадан буён, — ёлғон гапирдим. — Тўғри, унинг олдига Буданештдан келган қиз сизнинг қайлигингиз эканидан беҳабар эдим.

— Улар қаерда?

— Билмайман. У қизни бировнинг уйига жойлаштирган. Лекин шуни сизга маълум қилиб қўйишим керакки, у ерда улар ўзларини жуда бемалол сезишяпти, қиз ҳам қурмағур офатижон экан. Фақат улар кимдандир, нима учундир хавотирда, яширичча учрашишади, Меннель бўлса, қизнинг қайлигини, кечирасизу, нукул галварс деб сўқади, мени афв этинг, унинг қайлиги сизлигингизни билмабман. Ўз шеригининг ёрини йўлдан уриш — бу энди бориб турган налидлик. Жирканчли. Кеча кечаси бирга бўлишганидан хабарим бор.

— Хоним, — ёлворди Салаи вужудига ўт тушганидан хансираб, — Худо хайрингизни берсин, улар қаердалигини билиб беринг!

— Йўқ, Меннелдан кўрқаман, — дедим, — унга қарши боролмайман. Унинг қандай хавфли одамлигини ўзингиз яхши биласиз-ку! Қанчалик рост менга қоронғи, лекин Мениель Италияда ажойиб бир санам билан бир печа тотли кечани ўтказдим, деб мақтанди. У буни шундай усталик билан амалга оширибдики, қизнинг қайлиги буни сезмабди. «Ҳатто бир сафар, — деди у. — Мен қизга «хизмат юзасидан тонширикларни бериб бўлгунча» уни йўлакка қоровул қилиб қўйдим. Йигит ўз постида сидқидилдан турди, биз эса... билганимизни қилдик». Мен Салаининг жаҳлини чиқармоқчи, жирканишга мажбур қилмоқчи ва унинг қўли билан Меннелни ўлдирмоқчи бўлган эдим.

Кечқурун Меннель бир ёққа кетмоқчи бўлаётганда уни огоҳлантирдим.

— Мен Салаи билан гаплашдим. Ҳаммаси жойида, учрашувга келмоқчи, фақат эҳтиёт бўлинг. Унинг қайлиги шу ердалигига, сиз уни бирон ерга яшириб қўйганингизга имони комил.

— Қанийди шу ерда бўлса, — кулди Меннель, — соҳ бўларди-ю, лекин йўқ-да.

— Ҳа, яна, — уни остонада тўхтатдим. — Етминч олтинчи сигнал бериб зудлик билан чақиряпти. Сиз билан учрашмоқчи. Материалларни шахсан ўзингизга тонширмоқчи.

— Қачон ва қаерда?

— Эртага соат саккизда. У милициянинг назарига тушиб қолдим деб хавотир бўляпти. Бу ерга келолмайди. Қўпчилик ичидаям учрашиш мумкин эмас. Қўл орқали кеча сиз тушдан кейин ётиб қорайган ерга — учта гўл бор бурунга келсин, деди. У ерга қайиқда келишингизни илтимос қилди.

— Нима учун?

— Қайиқда бутун қирғоқ кўзингизга кафтдек кўришиб туради. Агар сиз етмиш олтинчи кузатувда эканлигини сезиб қолсангиз қирғоққа келмайсиз-да, қўл бўйлаб кетаверасиз. Етмиш олтинчи сизни қамишлар орасидан сузиб бориб топиб олади. Агар шубҳали бирон нима кўзингизга чалинмаса, бемалол қирғоққа келиб тушасиз.

— Яхши, — деди Меннель. — Айтиб қўйинг, розиман.

— Ўзингиз билан пул олволинг, — эслатдим.

Кечкурун отелга Салаига телефон қилавериб-қилавериб, ярим кечага яқин топдим.

— Гезами бу? — овозим ёш қизларникидай жарангдоррок чиқини учун иложи борица тиришдим.

— Ҳа, Геза Салаи эшитяпти. Ким билан гаплашяман?

— Мен овозимдан ўзинг таниб олсанг керак деб ўйлагандим. Бўпти, бунинг аҳамияти йўқ. Сени яқинда Эмёдда кўриб қолдим. Кеча кечкурун эса Беата билан ресторанда бўлдим. Ёнида келишган бир немис бор эди. Оти Меннель бўлса керак. Улар сенинг устингдан роса кулиб ўтиришди. Кейин немис кетди. Лекин улар хайрлашаётганда, эртага эрталаб соат саккизда кўлда, учта мажнунтол бор бурунда учрашишмоқчи бўлганини эшитиб қолдим. Бунинг қаердалигини биласанми?

— Билмайман!

— Билиб ол! Профессор Таборининг вилласига яқин бир ерда... — шундай деб гўшакни қўйдим.

Шу дақиқаларда ўзимдан ўзим жирканиб кетдим. Лекин бундан ҳам ортиқрок Меннелдан жиркангандим. Умумай, ҳаётдан тўйгандим. Мақсадим битта — Казмерни қутқарини эди.

— Агар билганимда, — синглисининг гапини бўлди профессор Табори, — зудлик билан бу бемаъ依ликларга чек қўйган бўлардим.

Казмер шу кадар лол бўлиб қолган эдики, хатто лом-мим деб оғиз очолмади. У кафти билан икки чаккасини унлаганча бошини эгиб қолган эди.

— Булар барини мени деб қилдингизми? — ниҳоят тили калимага келди ҳасратидан ўт чиқиб. — Мен сиздан одам ўлдиришни сўраган бўлармидим? Мени ипсиз боғлаб қўйибсизлар-ку! Салаининг нима учун топаётгани боисини энди билдим. Сиз уни фоти қилмаслигингизни биледи. Чунки бу ўз-ўзингизни тутиб бериш деган сўз. Унга қарши далил йўқ.

— Сизни тушуниб турибман, жаноб муҳандис! — деди Хубер ўриндикдан туриб Казмернинг олдига келаркан. — Лекин ақлингизни ишлатиб, ҳаракат қилишингизни маслаҳат бераман.

— Сизнинг маслаҳатларингизга менинг умуман муҳтожлик жойим йўқ, — асабийлашиб деди Казмер. — Маслаҳатлардан жуда тўйиб кетганман.

— Яхши. Бошқа маслаҳат бермайман. Лекин гапимга кулоқ сола оласизми? Тўғри, вазият қийин. Лекин менга ишонинглар. Мана, қўриб турибсизларки, шу вақтгача сизларни ҳимоя қилиб келдим. Менинг бурчим оиланингизга ёрдам бериш, уни Брауннинг чапғалидан қутқариб олиш.

— Буни сизга ким топширди? — сўради Казмер.

— Дадаингиз.

— Менинг дадам тирикми?

— Ҳа. У Жанубий Америкада яшайди.

— Сиз буни билармидингиз? — онасига ўтирилиб хаяжонланганча сўради Казмер. — Мен дадам хақидаги бор гапдан хабардор бўлмоқчиман! Ҳамма гапдан!

— Бир дақиқа сабр қилинг. — Уни тўхтатди Хубер. — Истагингиз тамомаи тўғри. Ҳозирча шу билан кифоялашиб туринг. Биз у билан дўстмиз. У америка разведкасининг офицери. Ўтмишда венгр эди, энди америкалик. У алақачоилардан буён ҳаётларингизни синчиклаб кузатиб юрибди. Брауннинг одамлари сизларни нима қилмоқчи бўлишаётганини мендан эшитиб билди. Биз уни иккаламиз ўтириб атрофлича муҳокама қилдикда, сизларга қандай ёрдам бериш мумкинлиги йўлини ўйладик. Сизга, сизнинг онангиз ва тоғанингизга. Сиз менга ишонингиз керак. Мен «Ганза»нинг бутуи агентура тармоқларини Венгрия ҳукуматига айтиб берганимни би-

ласиз. Буни фақат сизларни «Ганза»нинг ёвуз чангалидан қутқариб олиш учунгина қилдим.

— Мен ўзим қаерга тушиб қолганман! — кичкириб юборди Казмер дарғазаб бўлиб. — Боқиб олган онам — «Ганза»нинг жосуси, ўз отам — америка жосуси. Сизчи, тоға?! — бирдан профессорга ўгирилиб сўради у. — Сиз кимнинг жосусисиз? Менга ҳеч тортинмай айтаверишингиз мумкин, жигар бўлганимиз учун. — У алам билан қўлини силтаб яна Хуберга ўгирилди. — Давом этинг! Менинг дадам ким? Миллионерми? Генералми? Қанақа ўзи? Новчами? Паканами?

— Ўғлим, — уни гапдан тўхтатди онаси. — Отанг кимлигини сенга кейин ўзим гапириб бераман. Ҳозирча, ўтинаман сендан, жаноб Хубернинг гапларини охиригача эшит. Вақт кетяпти. Унинг кетадиган пайти бўлиб қолди. Бизнинг ҳаёт-мамотимиз — мана шу дақиқаларга боғлиқ.

— Бўпти, гапираверсин, — деди Казмер дили вайрон бўлиб юзларини қафтлари орасига яшираркан.

— Браун, жаноб муҳандис, сизни ўзига ёллаб Москвага жосус қилиб юбормоқчи. Албатта, сиз менга ҳеч ким мажбур қилолмайди, деб туриб олишингиз мумкин. Лекин қаттиқ адашасиз. Мажбур қилишади. Ахир, онангиз ва тоғангизнинг ҳаёт-мамоти Браун ва унинг шайқалари қўлида-ку. Қайтараман, бир қарорга келгунча дадангиз билан бу ҳақда узоқ вақт бош қотирганмиз. Гап бундай. Сиз расман — уқтириб айтаман расмангина, фақат йўлига — америка разведкаси билан ҳамкорлигингиз, Москвага борганингизда унинг топшириқларини бажаришингиз ҳақида тилхат берасиз.

— Эсингизни еб қўйибсиз?! — деб юборди Казмер хайратланиб.

— Бир дақиқа сабр қилинг, — гапдан тўхтатди Хубер. — Қайтараман: гап бу ерда сизнинг расман — номигагина розилик беришингиз устида кетяпти. Дадангиз бу қоғозни ўз шефига кўрсатади. Шунга асосланиб америкаликлар «Ганза»нинг раҳбарларига дўк уриб қўяди. Шу дақиқадан эътиборан сиз дадангизнинг хомийлигида бўласиз. Табиий, дадангиз сизга ҳеч қанақа топшириқ бермайди. У сизнинг тилхатингизни йўқотиб юборади. Бу борада қасам ичишим мумкин. Тушунинг: бу «Ганза»нинг тузоғидан чиқиб кетишингиз учун яккаю ягона

чора. Ўз-ўзимни билиб туриб фош қилганим, бутун Браун агентурасини ҳукуматга айтиб берганим бу сўзларимга далил бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўша америкаликлар ҳам Брауннинг агентурасидан жуда усталик билан фойдаланишлари мумкин эди. Хўш, мана тилхат, синчиклаб ўкиб чиқинг.

Хубер чўнтагидан машинкада босилган бир варақ мати олди-да, Казмерга узатди.

Казмер қоғозни олиб ўқишга тушди.

Бутун хона, атрофидаги нарсалар унинг кўз олдида аста айлана бошлади.

«Ўз сотқинлигим ҳақидаги маънави ифлос ҳужжатга ҳозир қўл қўйсам, — ўйлади у. — Ҳеч ўйлаб ўтирмай мени осиб ўлдиришларига лойиқ иш қилган бўламан. Қўл қўймасам-чи? Унда онамнинг олдида битта йўл қолади: у ҳам бўлса турма. Ўз тукқан онам бўлмасаям ўз тукқан фарзандидан аъло кўриб, оқ ювиб-оқ тараб ўстирди. Шунча қилган яхшиликларининг устига оёқ қўйиш — бу понкўрликнинг ўзгинаси эмасмикин?»

— Агар бу тилхатни сиздан топиб олишса-чи? — шубҳаланди Бланка Табори.

— Ҳалиям мени билмас экансиз, — табассум билан эътироз билдирди Хубер. — Полковник Карадан дипломатик паспорт сўраганимни нима деб ўйлаяпсиз? Чехларнинг чегарасигача мени майор Балинг кузатиб боради. У ёнига — чех чекистлари. Хуллас, менга ишонаверинг, жаноб муҳандис.

— Мажбурият остида қўл қўйсам кейин онамни тинч қўйишадими?

— Мен сўз бердим, — қайтарди Хубер.

Казмер онасига қаради. Унинг бошқа чораси йўқ эди, ўз қисматиши Хубернинг қўлига топширишга мажбур бўлди.

— Яхши, қўл қўяман, лекин магнитофон тасмасини менга берасиз, — деди Казмер.

Хубер чўнтагидан митти магнитофонни чиқарди-да, Казмерга узатди.

Казмер ручкасини олиб машинкаланган матнга имзо чекди.

— Лекин эсингизда бўлсин. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч кимнинг агенти бўлмаيمان, — огоҳлантирди у. — Бу ҳамма вақт эсингизда турсин. Дадамни билмай-

ман. У ҳақда менга ҳеч нима маълум эмас. Агар ўз сўзида турмайдиган бўлса, бир умр хор-зорликда ўтиб кетгани яхши!

Шалго билан Лиза хонага кириб келишди. Шалгонинг кайфияти яхши эди.

— Саломлар бўлсин, — у сомон шляпасинин бошидан олиб хавода айлантирганча ҳамма билан сўрашди. — Мен эса — Хуберга мурожаат қилди у, — хайрлашишимам насия қилиб кетиб қолдингиз деб ўйловдим. Ҳаммаси жойидами?

— Ҳа, жаноб Шалго, жаноб полковникка шунча ғам-хўрликларидан миннатдорлигимни айтиб қўйинг. Жаноб муҳандис, хонимлар ва жаноблар! — Хубернинг карашлари энди жиддий ва бир оз муңгли бўлиб қолган эди. — Алвидо, — у шундай деб равондан туша бошлади.

Орага чўккан жимликдан унинг ҳарбийча қадам товушлари баралла эшитилди ва бир оз ўтиб стартернинг гириллаган овози келди.

— Мана, бари тамом, — яқун ясади Шалго. — Жаноб Хубер келдилар, жаноб Хубер кетдилар.

— Бу борада шикоят қилишингизга ўрин йўқ. Киримингиз кўп бўляпти-ю, чикимингизнинг мазаси йўқ, — чандиб олди Казмер алам билан. — Мана, у бутун бошли бир футбол жамоасини лаганга солиб келди. Чайнаб оғзингизга солиб кетди.

— Барибир ҳам у захирадаги ўйинчиларинин маълум қилмади деган хавотирим бор-да, — эътироз билдирди Шалго.

— Оскар, сизлар жуда ёвуз одамсизлар! — порозилигини баён қилди Бланка. — Хубер тап тортмай шунча агентини фош қилди, бунинг устига, Герцег, Еллинек, Кюрти, Сючларни тутиб берди. Яна сизга нима керак?

— Футбол жамоасининг мураббий билан бари менежерлари, — кулиб туриб жавоб берди Шалго.

Шу он эшикда Хубернинг гавдаси кўринди.

— Кечиринг, — деди у, — машинам ишламай қолди. Шу яқин орада уста топса бўладими?

— Ўтолдиргич ишламай қолди деб сиз ўйлаяпсиз, холос, — хотиржамлик билан деди Шалго. — Аслидачи, токузгични мен олиб қўйгандим.

Ҳамма хайрат билан Шалгога қаради.

— Қачон? — сўради Хубер, столга яқинроқ келиб.

— Кўини шаҳарга боришимдан сал олдин. Ке, мен ҳам жаноб Хуберга бир ҳазил қилиб қўяй, дедим.

— Ҳазилга бало борми? — Табори тутақиб кетди. — Ҳозироқ бер ўша бемаъни токузгични.

— Менга қара, Матэ! Мен билан қанақа оҳангда гаплашяпсан? Мен ҳам ахир, сенинг уйингда меҳмонман. Меҳмоннавозликнинг удуми шундай бўлганими? Энди уйимдан чиқиб кет дейишинг қолди.

— Агар масхарабозликни бас қилмасанг, буниям эшитиб қоларсан ҳали. Жонимдан тўйдирвординг.

— Ўзингга жуда жиззаки бўлиб кетибсан-да.

— Жаноб Шалго, — гапни бўлди Хубер, — профессор Табори билан ораларингизни кейинроқ ҳам очиб қилиб олаверасизлар. Мен эса, ҳозир йўлга тушишим керак. Ҳали жаноб Балинг билан ҳам учрашим лозимлигини ўзингиз биласиз.

— Ҳозир. Мен ҳозир дўстим профессор Таборига жавоб бериб олай.

— Менга қаранг, Шалго, — қаршилиқ кўрсатди профессор. — Ҳамма нарсанинг ўз чегараси бор.

— Йўқ, ҳамма нарсанинг ҳам эмас, — эътироз билдирди қари изқувар. — Масалан, бир қатор файласуфлар олам чексиз деб ҳисоблашади.

— Худди сизнинг сурбетлигингиз каби, — жаҳл билан деди Бланка, ўридан тураркан.

— Сўзимни охиригача эшитасизларми, йўқми, ахир? — овозини кўтарди Шалго. — Менга ҳар қанча ҳазил қилсангизлар майли-ю, сизларга мумкин эмас экан-да?

— Оскар амаки, қанақа ҳазиллар ҳақида гапиряпсиз? — сўради Казмер.

— Телефон ҳазиллари.

— Қанақа? — Бланка тушунмади.

— Кечирасиз буларнинг менга нима алоқаси бор? — деди Хубер.

— Буни ҳали билмайман. Лекин эшитсангиз, ўзингиз ҳам қизиқиб қоласиз. Балки бир ғалати ҳодисадан ҳаммамиз барабар қулармиз ҳам. Қулги эса, ишонинг гапимга, жуда зўр нарса. Кеча кечқурун кимдир менга телефон қилиб французчалаб гапирди ва ўзини Пьер Монтье деб таништиради. Кечқурун соат ўнда Шюфокда учрашайлик деб таклиф қилди. Меннелинг қотилини кўрсатмоқчи бўлди. Ажойиб ҳазил, тўғрмасми?

— Лекин бу ҳазилга бизнинг нима дахлимиз бор? — деб сўради профессор Табори.

— Бу шундайки, ўша «француз» сизнинг уйингиздан, сизнинг апаратингиздан телефон қилган. Ахир қари бир одамни шунчалик калака қилиш уятмасми, ахир, — хитоб қилди Шалго.

— Буни қаердан билдингиз? — кистади Казмер.

— Бўлмаган гап! — деди Хубер. — Казмер, ўзингиз мухандиссиз, сизга бировнинг қаердан ва қайси рақамдан телефон қилаётганини аниқлаш қийинлигини биласиз-ку.

— Сиз шундай деб ўйлайсиз, — эътироз билдирди Шалго. Менда эса, буни аниқлаб берадиган аппарат бор. Айниқса, мана шундай «ҳазиллар»ни сезса.

— Сиз бизнинг телефон суҳбатларимизни эпитиб турасизми хали? — профессор Таборининг жаҳли чикиб кетди.

— Кейин нима бўлди? Шиофокка бордингизми? — сўради Казмер.

— Бордим. Лекин Шиофокка эмас, Фюредга.

— Сизни Шиофокка таклиф қилган бўлса, сиз Фюредга бордингизми? — тушунмай сўради Казмер.

— Ҳа, чунки ким қўнғироқ қилганини сездим-да, — тушунтирди Шалго.

Профессор Табори ўзини зўрлаб кулди.

— Худога шукр, Фюредга бўлсаям борибсан-ку, шунисигаям хурсандмиз.

— Бордим, лекин боришдан олдин ҳар эҳтимолга қарши «Мерседес»дан токузгични олиб қўйдим.

— Ҳазилга-ҳазил-да. Шунчаки катта одамлар ўзаро ҳазиллашибди-да, — деди Лиза. — Тўғримасми?

— Шалго, менга қаранг, — деди шу пайтгача хонанинг у бурчидан бу бурчига асабий бориб келаётган Бланка унинг олдида тўхтаб. — Биздан нимани истайсиз? Нимани? Етмайдими шу? Тўғрисини айтсам, булар бари жонимдан тўйдириб юборди.

— Азизим Бланка, — оналарча меҳрибонлик билан деди Лиза, — паҳотки, Шалго атайлаб гапингизга тегаётганини сезмаётган бўлсангиз?

— Нега ахир?

— Унинг усули шу ўзи. Жинойтчи ўзини ўзи фош қилсин дейди.

— Жиноятчи? — қайта сўради профессор Табори. — Яна қанақа жиноятчи?

— Масалап, Виктор Меннелнинг қотили дегандек, — тахмин қилди Лиза.

— Ахир Майор Балинт қотил қандайдир Эрих Фокс деб аниқ айтяпти-ку. Фокс бойликни олиб Фарбга қочиб кетганмиш, — қатъиятсизлик билан деди Казмер.

— Майор Балинт адаяпти, — эътироз билдирди Шалго, — ўша Эрих Фокс деганлари кеча Венгрияга қайтиб келди. Буни ким айтганлигини биласизми? Менга Шюфокда учрашамиз деб вақт тайин қилган Пьер Монтъе.

— Гапингда тутурук йўқ, — шубҳа билан деди Табори. — Аввал бизнинг телефондан таг-туги йўқ француз телефон қилди девдинг. Энди бўлса, қандайдир бир француз ҳақида гапиряпсан. Қанақа одам ўзи ўша французинг?

— Француз «Сув париси»да яшайди. Сизнинг уйингиздан эса кимдир унинг помидан гапирди. Монтъе бир печа кунга Кестхейга кетгани, чет элга чикиб кетган Эрих Фоксни майор Балинт қотил деб шубҳаланаётганидан яхши хабардор бўлган қандайдир одам. Эрих Фокс Венгрияга яна қайтиб келганини билганидан кейин ўша ҳазилкашнинг калласида мени Шюфокка жўнатиш фикри туғилган.

— Лекин майор Балинт қотилнинг бармоқ изларини, ҳатто машинадан, Меннелнинг хонасидан, оёқ изларини эса гараждан топди-ку, яна нима керак?

— У менинг изларим эди! — деди Шалго. — Менинг бармоқ изларим. Оёқ излари ҳам. Шунинг учун майор Балинт адаяпти. Қотил хали Фарбга қочиб кетмаган. Бойликлар ҳам олиб чикиб кетилмаган. Бари жаноб Хубернинг машинасида ётибди.

— Менинг машинамда? — ажабланди Хубер.

— Ҳа, жаноб Отто Хубер! Кўриб турибман, уста одам экансиз. — Бўйнига олди Шалго. — Тап бераман, ҳаммасини жуда пухта ўйлагансиз...

— Ана шунақа! Ўзимам билувдим охири худди шундай бўлишини! Сизларнинг биронтаям сўзингизга ишонини мумкин эмас. Мен «Ганза»нинг ўн иккита агентини тутиб бердим. Ҳаётимни хавф остига қўйиб. Менга суиқасд қилишди. Энди буёвига мендан нима истайсиз?

— Агентларни, жаноб Хубер, тутиб берганингиз йўқ, балки, сотдингиз! Дипломатик паспорт эвазига. Шундай савол туғилади: агар биз Меннелнинг машинасига ўриятилган махфий радиопередатчикни билганимизни дарров сезмаганингизда уларни сотган бўлармидингиз?

— Тушунмаяман, нима ҳақда ганирянсиз ўзи?

— Электросигналга эга бўлган диск ҳақида. Унда учта белги бор: плюс, минус ва ноль. Сиз машинани кўрганингизда унинг кўрсаткич мили нолда турарди. Буни кўриб, машинани кимдир кўрганини, тўғриси, бизга ҳаммаси аёнлиги ва машинани сизга берилмаслигини тушундингиз. Бундай ҳолда ақлли одамлар нима қилишади? Улар гўё буни ўзим қилдим, ўз ихтиёрим билан дегандай киёфага киришади... Сиз ҳам келиб бизга «махфий» равишда Меннелнинг жосуслигини ва бошқа ўзимизга маълум бўлган иарсаларни ганириб бердингиз.

— Унда агентура тармоғини айтиб беришнинг жаноб Хуберга нима зарурати бор эди? — эътироз билдирди Казмер.

— Жонини сақлаб қолмоқчи бўлган Хубер бу ишга бажонидил киришди, чунки Браун ва унинг гуруҳи билан ростдан ҳам алоқасини узмоқчи эди. Унга энди виллага яширилган бойлик ва дипломатик паспорт керак эди. «Ганза» агентларининг эса бир пуллик қиммати қолмаганди.

— Жуда бўрттирвординг Шалго, — шубҳа билдирди Табори. — Агар гап сен айтганчалик бўлганда Хубер фақат Кубага эмас, бошқа, ўзи истаган томонга билет сўраган бўларди.

— Унинг Кубага бормоқчилигига менинг умуман ишончим йўқ, — деди Шалго. — Самолёт йўлда Канадага қўниб ўтади. Шундай бўлгач, жаноб Хубер йўлни Гавапагача давом эттирини учун мутлақо зарурат сезмайди.

— Накадар хаёлнарастлигингизга офарин айтишдан бўлак илож қолмайди, — деди Хубер киноя билан. — Фақат сўзларингизда заррачаям ҳақиқат йўқ.

— Иродангизга беш кетдик, Хубер. Лекин бари бир мағлубиятга учрадингиз. Полковник Кара билан бизни тўғрима-тўғри боғлайдиган телефон рақамимизни сиз олгандингиз, Хубер. Ҳа, фақатгина сиз. Худди шу телефон оркали қўнғирок қилиб мен билан Шиофокда уч-

рашмоқчи бўлдингиз, бу билан мени кетишингиз олди-дан Эмёддан нарироққа жўнатиб юбормоқчи эдингиз. Шунинг учун Таборининг уйдан туриб кўнғироқ қил-дингиз ва французча гаплашдингиз.

— Кўрқмай шундай дейишингиздан тезда генерал Ге-ленинг ўзлари шу кишим бўладилар, деган хулосага келиб қолсангиз ҳам керак.

Шуни тан олиш керакки, Шалго ўз рақибининг бу кадар қайсар деб ўйламагани.

— Мана бу чизма хусусида нима дейсиз? — Шалго костюмининг ички чўнтагидан вилланинг чизмасини чи-қариб Хуберга ҳужум қилишда давом этди. — Менимча, сиз бугун тушдан кейин кечгача шуни изладингиз чоғи?

— Бу чизма меники эмас. Мен уни Меннелнинг қоғоз-лари ичидан топиб олгандим...

— Тушунаман, — калласини қимирлатди Шалго ва Бланкага ўгирилиб сўради: — Бу чизма сурати сизга маълумми?

— Биринчи бор кўриб туришим.

— Ғалат, — ажабланди Шалго. — Шуниси борки, бунда Меннелнинг ҳам, Хубернинг ҳам, сизни ҳам бар-моқ изларингиз сақланиб қолган.

— Билмадим, қандай қилиб тушиб қолганикин...

— Унда қанақа вилла тасвирланганини ҳам билма-сангиз керак?

— Қаердан биламан буни?

— Яхшироқ назар ташлаб кўринг. Чизмадаги манави хона — меҳмонхона. Иккита деразаси Балатонга кара-ган. Мана бу ер Казмер кўчаси, ҳозирги Петефи. Мана-ви хона шуниси билан диққатга сазоворки, бу ерда Каз-мер дунёга келган.

— Мен-а? — Казмер ҳайрон бўлиб Шалгога қаради.

— Ҳа, сен! Онанг, яъни Бланка Табори сени шу хонада туққан, сенга кўкрак сути бериб бокқан. Тўғри, икки ойлик бўлгунингча. Кейин етимхонага топширган. Қирк бешинчи йилда эса, ўзил қилиб боқиб олган. Ҳар томондан олиб қарасак ҳам бу иши тақдирланга лойиқ. Ҳовлига қараган манави хонада эса, Казмер, сенинг да-данг — венгер бош штабининг майори Карой Моноштори истиқомат қилган. Шалго имлаб Хуберни кўрсат-ди. — Мана ўзлари. Тўғри, ҳозир нима учундир Отто Хубер бўлиб қолибди. Агар манави суратга қарасанг,

бутун шубхаларинг йўқолиб кетади. — Шалго чўнтагидан сурат чиқариб Казмерга узатди.

— Сиз — дадаммисиз ҳали? — Казмер кўзини суратдан олиб Хуберга қадади.

— Хаммасини столга қўйинг! — қичқирди Хубер ва чўнтагидан тўппонча чиқарди.

Профессор Табори еб қўйгудай бўлиб синглисига қаради:

— Бетавфик, бу одам кимлигини нега майдан яширгандинг?

— Мени тинч қўй, Матэ, — ёлворди шўрлик аёл. — Мен уни севардим, шу сабабли унга ўз умримни баҳишида қилгандим. Ҳа, у Казмернинг отаси!

— Бас! — буйрук берди катъий овозда Хубер. — Бу гапларнинг барини мен кетганимдан кейин гапланиб олаверасизлар. Ҳозир эса, Шалго, ҳамма нарсени столга қўйинг! Уйнинг чизмасини ҳам.

— Барибир бунинг фотопуsxаси бор-ку, — келишувчанлик билан деди Шалго, — тагин битта эмас.

— Токузгични столга қўйинг! — Хубернинг овози яна ҳам дағдаға билаи жаранглади.

— Токузгич чўнтагимда, тўппончамнинг ёнида. Тўппонча ўқланган, отишга шай. Мен эса Жеймас Бондга ўхшаб чўнтакдан ҳам отиб мўлжалга ура оламан. Токузгични олишга рухсат берасизми?

— Профессор Табори, — буюрди Хубер. — Шалгонинг чўнтагидан токузгични олинг.

Профессор худди итоаткор қулдай Шалгонинг олдига келди-да, чўнтаklarини кидира бошлади. Токузгични энди қўлга олган эди хамки, бошқа буйрук эшитди.

— Тўппончасиниям олинг, профессор!

— Тўппонча, қапи? — сўради Табори ялинганнамо.

— Матэ, қурол олиб юрмайман, — афсуслашиб ошнасига қаради Шалго.

— Нега ундан чўнтагимда тўппончам бор девдинг?

— Яна баъзи бир нарсаларга ишонч ҳосил қилай девдим-да.

— Профессор, токузгични буёққа беринг, — буюрди Хубер.

Табори унинг олдига кетаётган эди, Казмер унинг йўлини тўсди. Токузгични тоғасининг қўлидан тортиб олди-да, қичқирди:

— Етар! Етар энди ёлфончилар! Жаноб Хубермисиз, билмадим кимсиз, бу ердан ҳеч қабққа кетолмайсиз!

— Ўғлим! Ўғлим!.. — уии айбситиб деди Хубер. — Энди ҳамма нарса очди бўлгандаи кейин...

— Онаминг ҳаётини заҳарлаганинг, унинг умрига зомин бўлганинг етмасмиди? Энди мени ҳам балога гирифтор қилмоқчи бўлдингми? Менинг отамлигингни нега яшириб юрдинг?

— Буни мен тақиқлагандим. Мен, даданг ким эканлигини билишингни истамовдим, — ўрганиб деди Бланка.

— Хўш, аслида кимсан ўзинг? — деди Казмер Хубер томон бир қадам ташларкан яна ҳам қатъийроқ.

— Ўғлим, ҳозир буни тушунтириб ўтиришининг мавриди эмас.

— Буни ҳалигача билмасмидинг, Казмер? — ажабланди Шалго. — У аввал Геленга, кейин Браунга хизмат қилган ва эндиликда яна бир бор хўжайинини алмаштирмоқчи бўлган жосус. Устаси фаранг қочок. Бу йўлда шунча от алмаштиришлардан кўзлаган мақсади — уруш пайтида ўзи талаб олган бойликларга эга бўлиб олиш.

— Шу билан бир вақтда мени ҳам ўзининг ўргимчак тўрига илаштириш! МРБ билан ҳамкорлик қилиш бора-сида хийла-найранг ишлатиб мени авраб тилхат олганлигининг маънисини энди тушундим. Бу киши ўғли билан хотинини Брауннинг чангалидан қутқармоқчимини тағин!

— Токузгични бер! — дағдаға қилиб бақирди Хубер — Моноштори. — Тезрок!

— Бер, Казмер, — илтимос қилди Бланка. — Ахир сен ўз дадангга ўлим тиламайсан-ку! Агар уни бу ерда тутиб олишса, у тамом бўлди деявер!

— Ҳозир ҳам уии ҳимоя қиляпсизми?

— Унимас, болам, сени, — эътироз билдирди Бланка. — Агар бермасаи — у сени отиб ташлайди. Сен уии билмайсан.

Казмер Шалгога қаради, у бошини қимирлатди.

— Бер. У ҳозир ҳеч нимадан тоймайди.

Казмер токузгични Хубернинг оёғи остига улоқтирди. Хубер уии тезгина ердан олди-ю, телефон шнурини розеткадан юлиб ташлади.

— Ҳеч ким хонадан чиқмасин! — огоҳлантирди у. — Гапга кирмаганини отиб ташлайман.

— Кўркманг, ҳалиям чиқмайман. Омад ёр бўлсин, — ўриндиққа чўқаркан ваъда деди Шалго. — Тен-так. Биринчи учраган милиция патрулига ўз ихтиёри билан таслим бўлмаса отиб ташлашади-ку.

Шалго Лизага имо қилган эди у сумкасидан унчалик катта бўлмаган передатчик олиб узатди. Шалго унинг антеннасини чиқариб аннارات мурватини буради-да, микрофонга деди: «Эрнёмисан? Мени эшитясанми? Ҳа, Хубер йўлга тушди. Қуроли бор. Қолган ҳамма иш жойи-да».

— Ана, — аппаратни ўчириб деди у. — Беш дақиқа-дан кейин Хубернинг қўлига кишан солинади.

Казмер Шалгога қараганча оғзини очиб қолди.

— Менинг дадамлигини... қ-қандай қилиб билдингиз? — тутила-тутила деди у.

— Уйнинг чизмасига Месарошнинг номи ёзиб қўйилган эди. Бланка, айтинг-чи, Хубер деган кимса виллага талаб олган бойликларни яшириб қўйганини билармидингиз?

— Йўқ, билмасдим. Буларни яширган пайтларда мен касал эдим. Бор гапни Меннелдан эшитдим. У менга чизмани кўрсатиб, ўша ерга бошлаб боришимни илтимос қилди.

— Месарошнинг вилласидаги бойликни бу ерга Меннель олиб келганмиди? — сўради Казмер.

— Уни сен олиб келгансан, болам. Ўша қари рухонийнинг уйдан.

— Демак, чамадонда китоб бўлмаган экан-да?

— Ҳа.

— Сиз буни қасрдан билдингиз? — ажабланди Казмер.

— Бизни Илонка изга солди, — деди Шалго. — Месарош чолниқига бордик. Шундан сўнг унинг Хубер — Моноштори эканлиги аниқланди. — Ака-ука экан улар. Аввал қария бир оз талмовсираб турди-ю, кейин барини бир бошдан гапириб берди. Сенинг дунёга келишининг ҳақидаги сирни биладиган якка-ю ягона одамлигини айтди. Гўё эшигимга болани ташлаб кетишибди, деб полициячини алдаган ҳам ўша...

— Казмер, мен ўшанда сени уйда олиб қолмоқчи бўлгандим, — хўнграб юбориб деди Бланка. — Афсус, бунинг иложи йўқ эди. Лекин етимхонага ҳар ҳафтада

бориб сени кўриб турганман. Иложи бўлиши билан яна олиб келдим. Уғил қилиб.

— Моноштори ўша пайтда Месарошнинг уйига яширинган бойлик ҳақида ҳеч нима демагандир-а? — сўради Шалго.

— Ҳа-да.

— Зотан, буни Месарош биларди. У буни Хубер — Моноштори иккаласи яширишган. Вилла мусодара қилинганда кейин Месарош бойликини жойидан олиб чамадонга солган-да, яшириб қўй деб маҳаллий руҳонийга берган. У чамадонда нима борлигини билмаган албатта, лекин йўқ дейишга Месарошдан қўрққан, чунки унинг руҳоний акаси епископнинг ўнг қўли эди. Меннель йигирманчи кун кечаси бойлик нима бўлганини билиш учун Фюредга, Месарошникига борган. Иккаласи эртасига эрталаб бориб руҳонийни кўришга келишишган...

— Лекин Меннелни ўлдириб қўйишади... — деди Казмер.

— Тўппа-тўғри, у бойликини олиб кетишга улгурмайди. Кейин кетидан Хубер—Моношторининг ўзи келади. Балки онанг унга бу ерда бўлиб ўтган ходисаларни айтиб берган бўлса керак.

— Ҳа, ҳа. Мен айтиб берганман! — Йиғи аралаш тасдиқлади Бланка Табори. — У чамадонни билдирмасдан руҳонийникидан бизникига олиб келишни буюрди.

— Уни бориб мен олиб келдим-ми! — деди Казмер надомат билан. — Қандай разолат! Ойи, бундай қилишга қандай қўлингиз борди?

— Менга тегманглар энди! Шу йўсинда мен иккинчи марта хоинлик қилдим. Ҳа, пешанам курсин!

Шу пайт хонага қўлига кишан солинган Салаини олдига солганча майор Балинт билан милиция ходими кириб келди.

— Айтингчи, Салаи, ўн тўққизинчи июль куни тушдан кейин сиз ким билан гаплашгандингиз? — сўради майор ундан. Салаи имлаб Бланка Таборини кўрсатди.

— Ҳа, ўша мен эдим, — ҳеч иккиланмасдан бўйнига олди Бланка. — Ҳозир барини ўзим гапириб бераман. Меннель ва Беата Кюрти ҳақида гапириб уни алдагандим. Кечаси эса унга телефонда гапирувдим. Мақсадим унинг қўли билан Меннелни ўлдириш эди. Хўш, сизга бошқа яна нима керак манда? — аёл қичқириб юбор-

ди-ю, юрагини чангаллаганча гурсиллаб полга кулаб тушди.

— Казмер, — деди Шалго. — Онангни хонасига олиб чиқкин-да, ўзинг хам олдида бўл. Сен эса, Лиза, Илонкага айт, югуриб врач чақириб келсин.

Казмер онасини худди болани қўлига олгандай ердан снгилигина кутарди-ю, хонадан чиқиб кетди.

— Нимаям дердик, — деди Шалго майор Балинтга. — Юзлаштириш тугади. Энди жаноб Салаи бор гапни яширмай айтиб берсангиз керак, деб ўйлайман.

— Ха, билганимни барини айтиб бераман. Шу нарса аниқки, ўша ифлос Меннель шундай жазога лойиқ эди.

— Профессор, — деди майор Балинт, — лейтенант Киш шу ерда — сизникида қолади. Сизга терговчи чиқарган қарорни маълум қилиб қўяй. Синглингиз Бланка Табори, бизнинг махсус кўрсатмамиз бўлмасдан ҳеч қачон чикмаслиги керак.

У Салаининг елкасига туртди.

— Кетдик.

— Менам орқангиздан етиб оламан! — қичқирди уларнинг кетидан Шалго.

— Бланка «Ганза»га асбоб-ускуна сотиб олиш бора-сида олиб борилган музокара ҳақидаги маълумотларни етказиб турган экан, — деди Матэ Табори Оскар Шалгога майор Балинт Салаини олиб кетгач ва лейтенант Киш Бланканинг олдига юқори қаватга чиққандан кейин. — Буни менга ўзи айтиб берди.

— Ўзим хам шундай деб ўйловдим, — деди Шалго сигара чекмоқчи бўлиб. — Айтмоқчи, ха, ҳақиқ муштугингни олиб қўй. У улкани рақдан мухофаза қилади. Унда исминг ёзиб қўйилган.

— Буни қаердан топдинг? — ҳайрон бўлди профессор.

— Қайикдан. Эҳтимол, Меннелнинг жасадини қайикқа солаётганингда тушгандир.

— Биларминдинг?

— Анчадан буён. Ха, айтгандай, полковник Караям биларди.

— Мен уни ўзимни химоя қиламан деб ўлдириб қўйдим. Бу чорасиз қолгандаги химоя эди. Ишон менга...

— Биламан. Лекин ҳукумат Геза Салаини қотилликда айблаб судга топширса индамагап бўларминдинг?

Профессор бошини қуйи эгди.

— Мен барибир эртами, кечми бориб ўзим...

Шалго чўнтагидан букланган бир неча варақ олди-да, овозини чиқариб ўқишга тушди:

— ...Эртасига эрталаб, яъни йнгирманчи куни Меннель билан Беатани ўлдириш мақсадида қамишлар орасига яшириниб турдим. Йўғон дарахтлардан биттасининг тагида балад бўйли бир одамни кўриб қолдим, у муштугига сигарета тикиб чека бошлади. Тезда қайиқда қирғоқ томон яқинлаб келаётган Меннелга кўзим тушди. Беата эса ҳеч қасрда йўқ эди.

Афтидан, номаълум кимсаям Меннелни кўрди шекилли, ўзини тол панасига олди. Меннель қайикни қирғоққа ҳайдаб келди-ю, соатига қаради. Шу он номаълум одам дарахт ортидан чиқди-ю, Меннель билан гаплаша бошлади. Улар назаримда нима ҳақдадир баҳслашишар, шунинг учун ҳадеб бир-бирига қўлларини паҳса қилишарди. Қутилмаганда Меннель номаълум одамни бир уриб ағдариб юборди, кейин устига эгилиб бўға бошлади. Лекин номаълум одам ўзига келди-ю, Меннелни устидан улоқтириб ташлади. Унинг жуда кучлилиги кўриниб турарди. Улар муштлашаверишди. Энди номаълум одам Меннелни томовидап гиппа бўйиб олди ва иккаласи майса устига қулаб тушишди. Кейин номаълум одам Меннелнинг жасадини қирғоққа судраб кетди-ю, уни қайиққа солди ва қайикни тез-тез қўлнинг ичкарасига қараб ҳайдаб кетди...»

Шалго қозони тўрт буклади-да, чўнтагига солиб қўйди.

— Турган ган, бу сенинг қотиллигингга далил бўлмайди, чунки Салаи сени ўшандаям таниганмас. Ҳозир ҳам танимади. Лекин ўзинг қармоққа тушдинг. Муштугингни қайиқдан топмагандим, уни сигаралар турадиган қутичангдан олгандим. Аммо Салаининг кўрсатмасидан билгандим. Муштук ҳақида гаплаган жойимиз эсингдандир. Мен қўйган хўрак худди мана шу эди. Мен барибир ўзинг келиб хўракни чўқисанг керак, деб ўйлагандим. Мендан хафа бўлма.

— Балки, шундай бўлгани яхшироқдир, — деди профессор Табори. — Мен уни ўлдирмоқчимасдим. Бланка Геза Салаи билан гаплаганиниям билмагандим. У ерга тасодифан бориб қолувдим. Ўзим ёқтирадиган чўмилиш жойи ўша ердалигини биласан-ку.

— Сен, Меннель жосуслигини билмаганмидинг?

— Ҳа-да. Буни Блапқадан эшитдим. У менга Меншелнинг бу ерга нима мақсадда келганини гапириб берди. Унинг гашидан кейин нақадар азобланганимни биласанми? Менинг синглим — жосус! Албатта у давдага, товламачиликнинг қурбони бўлган, лекин... Хуллас, ўша кеча ухлаганим йўқ. Бирон чорасини тонишни ўйладим. Нима қилай? Ўз синглим устидан милицияга хабар берманми, ахир. Эрталаб қўлга чўмилгани бордим, у ерда Меншелга дуч келдим. Унга бариини биламан, дедим. У ўзини сурбетларча тутди. Ҳаммангнинг ҳаётинг менинг қўлимда деди ва Казмериям ёлламоқчилигини айтди. Мен эсам, хозирок бориб милицияга хабар қиламан, дедим. Меншель бўлса кўрқиб кетди-ю, менга ташланди ва уриб ерга йиқитди. Оз бўлмаса бўғиб ўлдираёзди. Ана шунақа, қолгани ўзингга маълум.

— Нега ўзинг олдимга келиб бўлган воқеани айтиб бермадинг?

— Икки марта келдим. Икки сафар ҳам уйда бўлмадинг.

— Аттанг.

Табори жимиб қолди.

— Мен энди нима қилишим керак? — сўради у.

— Ҳеч нима. Эртага эрталаб майор Балиптнинг хузурига борасан-да, бор гапни бир четдан айтиб берасан. Бариини очиқ-ойдин, қандай бўлган бўлса, шундай.

Шу он меҳмонхонага отилиб Казмер кирди.

— Захар ичиб қўйди! — пичирлади у. — Ўлди!

Ҳамма қотиб қолди.

Биринчи бўлиб Матэ ҳушига келди-ю, эшикка чопди. Казмер ўзини ўриндикка ташлаб, бошини столга эгди. Унинг елкалари йиғидан титрай бошлади.

Равондан меҳмонхонага Илонка, Лиза ва доктор Сегфю кириб келишди.

— Ўтаверинг, доктор, марҳамат, юқорига, у ўша ерда.

Доктор шахдам қадамлар билан меҳмонхонани кесиб ўтди.

Илонка Казмернинг орқасига келиб унинг титраётган елкасидан кучди.

Лиза эшик олдида туриб қолди, кейин Шалгога имо қилган эди, иккаласи овозсиз қадам ташлаб равонга чиқинди ва зинапойлардан настга тушинди-ю, аста ўз уйларига йўл олишди.

3800 с

АНДРАШ БЕРКЕШИ

ЎН УЧИНЧИ АГЕНТ

Роман

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти
Тошкент — 2010

Мухаррир *К. Қаюмов*
Бадий мухаррир *М. Аъламов*
Техник мухаррир *Р. Бобохонова*
Сахифаловчи *Л. Бацева*

Чоп этишга рухсат берилди 23.06.2009. Бичими 84x108¹/₃₂. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 16,80. Нашриёт-ҳисоб табоғи 16,49. Адади 5000 дона. Буюртма № 3320. Баҳоиси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.